

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат Университети

Иномжон Раҳимов

**Ф А Л С А Ф А**

(қисқача конспект)

Тошкент  
«Университет»  
1 9 9 8

**Масъул мұхаррир:** доц. З. Сайдов

**Такризчилар:** акад. Э.Ю. Юсупов  
проф. Ү.Ж. Ҳайдаров

**Иномжон Раҳимов**

**ФАЛСАФА**  
(қисқача конспект)

**Нашриёт томонидан күриб чиқувчи С. Чинпұлатова**

**Бадий мұхаррир О. Мүйинов**

**Тех. мұхаррир Д. Бекиева**

Босишта рухсат этилди 3.11.97 й. Оффсет усулида «писчая» қозозига босилди.  
Бичими 84 x 108 1/32. Шартлы босма табоги 9,7. Нашриёт ҳисоб табоги 9,6. Адади 1000  
нұсқа. Буортма № 7. Баҳоси келишилған нархда.

«Университет» нашриёти, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ мәмьурій биноси, 5-  
қават.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг. Янгийўл ижара китоб  
фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1998.

© «Университет» нашриёти, 1998

## СҮЗ БОШИ

Ҳозирги замон фалсафаси борлик, билиш, илмий билиш, қадриятлар, маънавият, инсон, шахс, эркинлик каби масалаларни ҳал қилишда янгича фикрлаш ва янгича услубга асосланмоқда. Мазкур иш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида Тошду фалсафа кафедраси жамоаси нашрга тайёрлаган дарсликнинг қисқартирилган тезиси сифатида ёзилди. Бунда ҳозирги замон фани ва фалсафасида, ижтимоий ҳаёт соҳаларида бўлаётган ўзгаришлар имконияти борича ҳисобга олинди.

Республикамизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, ажойиб янгиликларни чуқурроқ таҳдил қилиш ва тушуниш учун янгича фикрлаш ва дунёқарашга эга бўлиш керак. Ушбу қўлланманинг асосий вазифаси ҳам фалсафанинг инсон тарбияси ва ундаги дунёқарашни шакллантиришдаги ролини, инсоннинг дунёда туттган ўрнини аниқлаб олишга кўмаклашишдир. Шу боисдан ҳам қўлланмада дастурда кўрсатилган мавзулар асосида фалсафанинг вазифаларини изчиллик билан баён этишга ҳаракат қилинди.

Маълумки, фалсафий тафаккур цивилизациянинг натижаси бўлиб, у ўз тараққиёт босқичларига эга. Қўлланмада жаҳон фалсафаси тараққиётининг асосий босқичларига, шунинг билан бир қаторда диёризмидаги фалсафий фикрлар эволюциясига ҳам алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир мавзуда Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон фалсафий қадриятларига қўшган хиссасини кўрсатишга ҳаракат қилинади.

Қўлланмада борлик, табиат, жамият, инсон борлиги, маънавий борлик, фалсафада инсон муаммоси, фалсафанинг методологик вазифаси, қадриятлар каби мавзулар янгича фикрлаш асосида ёритилди. Қўлланмада Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий асослари-га ҳам иложи борича эътибор берилди.

Ушбу қўлланмага киритилган "Туркistonda ўрта аср фалсафаси" мавзуси А. Зоҳидовнинг "Туркistonda ўрта аср араб мусулмон маданийти" китобидан, "Янги давр фалсафаси" эса З. Саидов, Н. Сисюкнинг фалсафа курси бўйича дарслик учун ёзган маъруза матнидан олинди. "Норационал билиш" М. Раҳимова, "Ҳозирги даврда ижтимоий тараққиёт ва глобал муаммолар" С. Сангинов томонидан ёзилди.

## ФАЛСАФА ВА УНИНГ ҲАМИЯТДАГИ ЎРНИ

1. Фалсафа ва унинг билимлар тизимида тутган ўрни.
2. Дунёқарашиб ва унинг тарихий турлари.
3. Фалсафа ва бошқа фанлар. ↗
4. Фалсафанинг асосий вазифалари.
5. Фалсафанинг соҳалари.

1. Эскича яшаш тамоиллари асослари ўзгариши билан ҳаётни янгича фикрлаш асосида тушунтирадиган назарий билимларга эҳтиёж туғилди. Бу масалани ҳал қилишда донолик ҳақидаги билим ҳисобланган фалсафа асосий ўринин эталлади. Чунки ҳамият тараққиётининг турли босқичларида эскича яшаш асослари ўзгаргандан сўнг фалсафа энди қандай яшаш керак, инсонлар қайси йўлдан кетмоқда, уларнинг фаолияти нимага қаратилиши лозим, одамларнинг мақсади, орзу-умидлари, истакларини қайси йўл билан амалга ошириш мумкин, яшашнинг мақсади, маъноси, тамоиллари нимадан иборат, инсон дунёни нима мақсадда ўрганади, инсон-дунё, инсон - ҳамият каби масалаларни қандай билади каби саволларга жавоб қидиради ҳамда шу асосида назарий фикрлар тизимини ишлаб чиқади.

Қадимги даврда фалсафа барча назарий фикрларни, маънавий ҳаётнинг ҳамма томонларини қамраб олувчи фикрлаш гизими сифатида пайдо бўлган. Шу маънода философия юонча Филио - севаман, софия - донолик, сўзларидан олинган бўлиб, унга доноликни севиш, донишмандлик билан шуғулланиш деб қаралган .

Айтишларича, Пифагор ўзини "Файласуф" деб атаган биринчи шахс бўлган. Замонасининг золим ҳукмдори буюк донишманд Платонни ўзига маслаҳатчи қилиб олган. Кунлардан бир қуни жаҳли чиқиб, уни бозорга олиб чиқиб, қул сифатида сотиб юбориши буорган. Бозорда Пифагор шогирдларидан бири кўрниб қолган ва Пифагорга айтиб, уни сотиб олган ва озод қилган. Шунда ўша ҳукмдор бу воқеани эшитиб. "Пифагор ким?" деб сўраганда, у ғурур билан, "Мен файласуфман" деб жавоб берган ва фалсафа маънавиятнинг юксак шакли эканлигини кўрсатиб берган.

Фалсафанинг билимлар тизимида ўрни қандай? Бу саволга жавоб бериш учун маънавиятнинг турли соҳаларини кўриб чиқайлик. Ваҳоланки, улар маънавиятнинг бирор соҳаси билан шуғулланади.

Масалан: фан ҳақиқат, дин эътиқод, ҳуқук адолат, ахлоқ яхшилик, санъат гўзалик, сиёсат давлат билан шуғулланса, фалсафа донолик билан шуғулланади.

Ҳақиқатга эришиш йўллари, ишонч ва эътиқод масалалари, адолат мезони, яхшилик тамойиллари, гўзалик қоидалари, давлат тизими каби масалаларни донолик даражасида тадқиқ қилиувчиларни файласуфлар деб атаб келганлар. Ҳозирги кунда ҳам ўз соҳасининг юксак билимдонларини файласуфлар деб аташинг маъноси ҳам ана шунда.

Фалсафа донишмандлик ҳақидаги таълимот экан, у ҳолда донишмандликнинг ўзи нима? Қадимги юон файласуфи Диоген (тажминан э.о. 400-325 й.)дан "Донишманд ким?", - деб сўрашганда, у: "Ҳақиқий донишманд худодир, биз донишмандликни севгувчилармиз", - деган. Демак, донишмандликни севгувчилар донолик тафаккури билан дунёни, ўзлигини билишга интилувчилардир. Сократ (э.о. 470-399 й.) ўз-ўзини ерга уриш тубанлашиб, ўзлигини англаш, ўзлигини юқори тутиш эса донишмандликдир, деган эди.

Демак, инсонни тубанлик, разилликдан юксакликка, инсоний баркамолликка кўтарувчи барча нарсалар донишмандликдир.

Донишмандлик ўзлигини, ўз моҳиятини билиш орқали дунёни инсон, инсоният, инсонийлик кўзгуси билан англаб этишdir.

2. Фалсафанинг энг асосий вазифаси кишилар онгига соғлом ақл тафаккурига мос дунёқарашни шакллантиришdir. Шундай экан, дунёқарашнинг ўзи нима? Дунёқараш дунё тўгрисидаги умумий ғоялар, қарашлар, инсоннинг дунёда тутган ўрни, ҳаётий йўналиши, ишонч-эътиқоди, идеали, билиш тамойиллари, ўзи ва бошқаларнинг ҳаётдаги ўрнини билиб олиши, инсон моҳиятини, ўзлигини англаши ҳақидаги қарашлар тизимидир. Дунёқараш билиш, қадрият, амалий фаолият ва уларнинг ўзаро бирлиги каби инсон фаолиятини қамраб олади. Унинг ҳиссий, ақлий ва иродавий компонентлари бор. Дунёни билиш даражасига кўра, кундалик онг ва назарий онг даражалари бор.

Дунёқарашнинг асосий масаласи "инсон ва дунё", "мен ва мен эмас"dir. Дунёқараш ўзининг таркибига илмий, фалсафий, эстетик, ахлоқий, диний, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа қарашларни олади. Тарихий тараққиёт турлари хиҳатидан афсонавий (мифологик), диний ва фалсафий қарашлардан иборат.

3. Фалсафий дунёқараш оламга, ҳамиятга, инсонга бўлган энг умумий қарашлар тизимидир. Фалсафа кишиларнинг ижтимоӣ-сиёсий, диний, илмий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий йўл тутишининг асосий та-

мойилларини донолик билан асослаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Фалсафа тафаккур ривожининг буюк ютуғи ва инсоният маънавий юксалишининг мұхим омилидир. У кишиларнинг оламни билиши, жамиятнинг юксалиши, одамларнинг маҳоратини намоён қилиши, инсон қадриятларининг юксакликка кўтарилиши билан боғлиқ.

4. Фалсафа борлиқни умумлаштириш, ижтимоий ва табиий билимларни синтезлаш, ҳақиқатга эришиш, инсон мөхияти, қадр-қиймати, унинг амалий фаолияти каби масалалар билан шуғулланар экан, унинг асосий соҳалари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мүмкин:

1. ОНТОЛОГИЯ - (юонча онтос - мөхият, логос - таълимот) борлиқ, унинг мөхияти, шакллари, асосий тамойиллари ва энг умумий категориялари ҳақидаги таълимот.

2. ГНОСЕОЛОГИЯ - (гноэис - билиш, логос - таълимот) билиш ҳақидаги таълимот. Билиш назарияси инсон тафаккури фаолияти қонунларини ўрганади: фалсафий билиш мөхиятини, унинг бошқа назарий билишлардан фарқини, универсал тавсифини, билишнинг асосий босқичлари ва ҳақиқатга эришиш йўлларини кўрсатиб беради.

3. АКСИОЛОГИЯ - (аксиос - қадрият, логос - таълимот) қадриятлар, инсон фаолияти, унинг йўналиши, умумий аҳамияти, уларнинг сабаблари, инсон мөхияти тўғрисидаги таълимотидир.

4. ПРАКСИОЛОГИЯ - (праксис - фаолият, логос - таълимот) инсон амалий фаолияти ҳақидаги таълимот. Инсоннинг маълум мақсадга қаратилган фаолиятининг йўналиши ва турларини, маҳсулдорлик томонига йўналтириш йўлларини ўргатадиган фалсафанинг соҳаси.

5. МЕТОДОЛОГИЯ - тафаккур усуслари ва методлари ҳақидаги таълимот.

Метод инсон амалий фаолиятида ишлатиладиган умумий усул ва қоидалардир. Бу қоидалар турлича бўлиши мүмкин: илмий билишнинг усуслари, фалсафий тафаккурнинг энг умумий методлари ва бошқалар. Улар борлиқнинг универсал мантиқий категория ва қонунларидан иборат. Ҳар бир мутахассис ўз ишининг икир-чикирларини билиши, уни осон ва қисқа вақт ичida ҳал қилишининг турли йўлларини топа билиши керак. Биз буни мутахассислик тафаккури ва унинг усуслари деймиз. Умуман жамият учун, цивилизация учун тафаккурнинг умумий йўналиши, умумий услуби характерли бўлиб, мутахассислик тафаккурини ҳалқ, миллат қадрияти, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтариш зарур. Бунинг учун тафаккурнинг умумфалсафий методларидан фойдаланилади. Шу маънода фалсафа бошқа фанларнинг методологияси-

ни, умумий мантиқини ташкил этади. Фалсафада метафизика, диалектика каби методлар борлигини биламиз. Ҳозирги даврда улардан ташқари тафаккур тараққиётини, умумий йўналишини кўрсатувчи гуманистик диалектика, синергетика, герменевтика, структурализм, руҳий таҳлил каби янги фалсафий методлар пайдо бўлдики, улар фанда, ижтимоий ҳаётда борган сари кенг қўлланилмоқда.

Фалсафий тафаккур дунёни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, инсон ва унинг дунёга бўлган муносабатининг турлича шаклларини кўрсатиб беради. Бироқ у маънавий маданиятнинг бошқа шаклларига қарраганда чуқурроқ бўлиб, улардан ўз қонун – категориялари билан, ақл кучининг салоҳияти билан, ўрганиш усули билан фарқ қилади. Фалсафий онг маънавиятнинг бошқа шакллари томонидан ўзлаштирилган дунёни қайтадан чуқурроқ, бир бутун ҳолда, инсоний муносабатлар нуқтадан назаридан тушунишга қаратилган.

Фалсафий тафаккур ўз тарихий тараққиёти давомида бир қанча босқичларни босиб ўтган.

Қадимги дунё мутафаккирлари табиат ҳодисаларининг келиб чиқиши, моҳиятини тушуниб олишга интилганлар. Натурфилософия фалсафий тафаккурнинг биринчи тарихий шакли бўлган. Бу даврда фалсафа барча билимларни ўз ичига олган. XVII–XVIII асрларда маҳсус билимлар ва унинг усуллари вужудга келиши билан фалсафанинг шуғулланадиган доираси чегараланган бўлса-да, унинг асл масалалари (фалсафий масалалар) чуқурлашиб, бойиб борди. Фалсафанинг ўзига хос вазифаси аниқланди.

Юқорида айтилган соҳалар фалсафанинг шуғулланадиган томонидир. Фалсафада умумий назариялар, ғоялар билан бирга ҳар бир соҳанинг ўзига хос фалсафий муаммолари ҳам бор. Шунинг учун Аристотель умумий фалсафий назария билан бирга ҳар бир соҳага тегишли фалсафий муаммолар мавжудлигини кўрсатган эди.

Гегель ҳам фалсафа адабиёт, тарих, ҳуқуқ, санъат, дин, ахлоқ фалсафасига бўлинниб, ҳар бир соҳанинг фалсафий муаммоси борлигини таъкидлаган эди.

Ҳозирги даврда билимлар тизимининг турли соҳалари билан шуғулланувчи фалсафий йўналишлар мавжуд. Булар табииёт фалсафаси, тарих фалсафаси, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, санъат фалсафаси, дин фалсафаси, ахлоқ фалсафаси, фан, маданият, тил фалсафалири кабилардан иборат.

Демак, фалсафа тафаккурнинг умумий назариялари, умумий принциплари ҳақидаги таълимот бўлиши билан бирга, инсон маънавий ҳаётининг муҳим бир таркибий қисми, унинг юксак шакли, мазмунни сифатида ҳам намоён бўлади.

Фалсафанинг мазмунни фалсафий билиш билан чегараланмайди. Билишсиз файласуф бўлиши мумкин бўлмаса-да, бироқ унинг ўзи билан мақсадга эришиб бўлмайди, билишнинг амалий аҳамияти, қадрияти, инсон моҳиятини намоён қилиши, давр талабига ҳамоҳанг бўлиши ҳам муҳим аҳамиятта эга.

"Донишмандлик билишгина эмас, у, даставвал, ҳаёт фаолияти тарзидан иборат". "Ҳақиқий файласуф амалий, ҳаётий, донишмандлик нинг устозидир". - дейди Кант. Ҳақиқий файласуф бутун донишмандлик ҳақидаги таълимотга эга бўлиш билан бирга, бу билимларни инсонларга яхшилик қилишга қаратади. Ана шундагина ўзининг бу дунёда тутган ўрнини англаб олиши мумкин .

Фалсафанинг олий мақсади инсонпарварликдир. Шунинг учун инсон, инсоният, инсонийлик ҳозирги замон гуманистик фалсафасининг асосий масаласи бўлиб, инсон моҳияти, борлиги, билими, қадриягини таҳлил қилишдан иборат.

Фалсафанинг вазифаси ёш авлодда сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, табиий - илмий дунёкарашни, уларда табиатга, ҳамиятга, ўз ватанига, ҳалқига, миллатига, унинг моддий-маънавий бойлигига янгича қарашлар тизимини шакллантиришдан иборат. Фалсафа ўз-ўзини англашга, миллатни, ҳалқни, ўзлигини билишга, ҳар бир одамнинг дунёда тутган ўрнини белгилаб олишга кўмаклашади, уларга донолик асосида фикрлашни ўргатади.

Ҳозирги замон фалсафасида бошқа соҳаларга қараганда қадриятлар тўғрисидаги таълимот биринчи ва асосий ўрнига чиқди. Бу соҳа умуминсоний қадриятлар билан миллий қадриятларнинг уйғулларини кўрсатиш, уларнинг мазмунини тушунтириш вазифасини қўяди.

Маълумки, ҳар бир тарихий давр ўзига хос дунёқарааш тизимини ва уни ҳимоя қилиш, такомиллаштириш, ривожлантиришнинг назарий асоси бўлган ғоялар тизимини - мағкурани тақозо қиласди. Ҳудди шу маънода ёшларни миллий истиқбол руҳида тарбиялаш тараққиётимизнинг объектив зарурӣ эҳтиёжидир. Бу улуғвор вазифани бахарища, фалсафанинг фанлар тизимидағи назарий-илмий ва тарбиявий аҳамияти ортиб бориши табийидир. Демак, ёшларни табиат, жамият фанларидаги янгиликларни донолик қонунлари асосида таҳлил қилишга, янгича

Фикрлашга ўргатиш, уларни мустақиллик қадрига етадиган, уни ҳимоя қиладиган ва мустаҳкамлаш учун курашадиган, замон билан ҳамнафас бўладиган шахс қилиб тарбиялаш, келажаги буюк бўлган давлатимизнинг асосий принциплари: демократик ҳуқуқий давлат, эркинлик, озодлик, мустақиллик тушунчаларини ёшлар онтига сингдириш мустақиллик фалсафасининг асосий вазифасидир.

Адабиётлар:

- КАРИМОВ И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон. 1995.  
Фалсафадан ваъзлар. Т., Ўзбекистон. 1995.  
Мир философии М.: Политиздат. 1991, 1 том.  
Фалсафа ва унинг ҳамиятдаги ўрни. Кафедрадаги маъruzалар матни. 1996.

**ҚАДИМГИ ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР**

1. Қадимги Хиндистонда фалсафий қарашнинг пайдо бўлиши.
2. Қадимги Хитойда фалсафий қарашлар.
3. Қадимги Марказий Осиё ҳудудида фалсафий қарашларнинг шаклланиши.

Инсоният тарихидаги ҳар бир давр фалсафий масалаларни тадқиқ қилишда ўзиға хос йўлни танлаб, ўз даври нуқтаи назаридан таҳлил қилиб келган. Мифологик ва диний дунёқараш заминида пайдо бўлган фалсафий дунёқараш инсонлар маънавий ҳаётининг янги босқичига кўтарилди, натижада дунёни ақл кўзи, тафаккур салоҳияти билан ўрганиш бошланди, яъни дунёни иммий тушунишнинг замини яратилди, унинг моҳияти тафаккур категориялари асосида таҳлил қилина бошланди. Фалсафа тарихида бир-бирига ўхшамаган, ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган қарашлар, тизимлар, фикрлар пайдо бўлса-да, уларнинг ҳаммаси фалсафий тафаккурнинг ривожланишида бирор дараҷада хизмат қилган.

Маълумки, яқин-яқингача диалектик материализм фалсафадаги энг тўғри таълимот, фалсафа тарихини таҳлил қилишда эса бош мезон деб келинган, шунинг натижаси ўлароқ фалсафасининг асосий масаласи

материализм билан идеализм ўртасидаги курашдан, фалсафа тарихи эса материализм билан идеализм, диалектика билан метафизика ўртасидаги кураш тарихидан иборат, дея талқын қыллинган. Мутафаккирларнинг қарашлари ҳам ана шу мезон билан баҳоланган. Уларнинг қарашларидаги илғор ва реакциян томонлар ҳам шулар билан ўлчанган. Ҳозирги кунда маънавиятимиз қайта кўриб чиқилмоқда, қайтадан тикланмоқда. Уларга қўйилган идеалистик, диний тамғалар олиб ташланди. Бугунги кунда фалсафа тарихини баён этар эканмиз, ҳар бир мутафаккирнинг фалсафий тафаккур тараққиётига қўшган ҳиссасини холисона нуқтаи назардан баҳолаш имконияти туғилди.

Демак, фалсафа тарихи фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихидан иборат бўлиб, улар эволюцияси турли-туманлигига қарамай, босқичма-босқич кечган ҳар бир даврда эски фикрларнинг айрим томонлари рад этилибгина қолмасдан, балки ривожлантирилган ҳам. Ҳар бир ҳалқ фалсафий фикр тараққиётига бетакорр ҳисса кўшганини ҳисобга олиш керак. Инсоният тарихида фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ҳам, янги босқичга кўтарилиши ҳам тарихнинг бурилиш даври бўлган. Айрим даврлар эса бутун бир гуруҳ мутафаккирларнинг авлодини яратган. Фалсафа тарихи донолик илмини ўзида муҳассамлаштирган тафаккур тараққиётини тўғрисидаги зарҳал китобдир. Буни тўғри ўқиб ўрганиб олиш бугунги кундаги жуда кўп фалсафий муаммоларни ҳал қилишининг қалитидир.

Қадимги давр фалсафаси тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг эр. илгариги биринчи минг йилликда Қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиёда вужудга келган цивилизация билан боғлиқ эканлигигини айтиб ўтиш керак. Фалсафий фикрлар мифологик (афсонавий) қарашлардан билимларга, инсон ақлий фаoliyatiга асосланган дунёқарашга ўтиш натижасида шаклланган. Зрамиздан авалги VI асрларда эски ижтимоий ҳаётнинг бузилиб, янгича яшашнинг бошланиши, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий замин, шунингдек, маънавий имкониятларнинг вужудга келиши билан Қадимги давр цивилизацияси натижаси ўлароқ дунёни чуқурроқ ва атрофлича ўрганишни ўз мақсади қилиб қўйган фалсафий дунёқараш пайдо бўлди. Қадимги товар муносабатларининг вужудга келиши, ижтимоий меҳнат таҳсилотининг пайдо бўлиши, давлат тизимининг яратилиши фалсафий фикрларнинг ижтимоий замини бўлиб ҳисобланади.

### ҚАДИМГИ ҲИНД ФАЛСАФАСИ.

Ҳиндистон ҳам Хитой ва Марказий Осиё билан бир қаторда қадимги цивилизациянинг маркази бўлган. Шунинг учун биринчи фалсафий қарашлар айнан шу мамлакатларда пайдо бўла бошлаган. Ҳинд фалсафий меросини ўрганганд С. Радхакришнан ўзининг "Ҳинд фалсафаси" асарида Ҳиндистонда фалсафий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини 4 даврга ажратади:

1. Ведалар даври (мил. ав. 1500-йилдан 600-йилгача бўлган давр).
2. Эпик давр (мил. ав. 600-йилгача бўлган давр).
3. Сутр даври (э. о. 200-йил).
4. Схоластика даври (э. о. 2 асрдан бошланади).

Ҳар бир даврда фалсафий фикрлар эволюцияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. (Биринчи даврда Ҳиндистонда Ведалар (Веда-билим) яратилган. Улар ибодатхоналар, худо шарафига айтиладиган мадҳлар тўпламидири. Шундай "Веда"лардан бири Ригведа бўлиб, у ўнта китобга ажратилган 1028 мадҳия (қасида)дан иборат. Рита бутун оламга, одамлар орасига сингиб кетган қонун. Бу қонунга одамлар ҳам, худолар ҳам итоат этадилар. Қаерда бу қонун амал қилса, у ерда ҳеч қаҷон тартибсизлик ва адолатсизлик рўй бермайди. Ритада ахлоқ қоидалари ҳам баён қилинган, у ҳамма нарсанинг моҳиятидир. "Рита" тушунчаси "йўл", "воеалар йўналиши" ёки "нарсаларнинг йўли" деган маънени англатади. У ой, қуёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўлини ҳам кўрсатади. Рита - космик жараённинг тартиби, изчиллигини билдирувчи атамадир. Кейинчалик у инсонлар орасидаги муносабатлар негизида ҳам тарқала бошлаган ва ахлоқли ҳамда тартибли ҳаёт кечириш қоидаларини ҳам намоён этган. Демак, у моддий ва маънавий борлиқнинг йўлини ифодалайди.

Упанишадларнинг (ўқитувчининг ёғи остида ўтириш демакдир) фалсафий қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Бутун ведалар мадҳияси илоҳий башоратдан иборат деб қаралган. Олий табака вакиллари - брахманлар бу донолик таълимотининг ҳақиқий билимдони ва таҳдил қилувчилари ҳисобланган.

Мил. ав. VI-V асрларда турли фасафий оқимлар пайдо бўлиб, брахманларнинг қарашларини танқид қила бошлаган. Буларнинг асосийси натурфалсафага асос солган жайнизм оқими бўлса, иккинчиси буддизм таълимотидир. Будда таълимоти инсонлар ҳаётдаги яхшилик ва ёмонлик, роҳат ва азоб ҳақида, ҳаётнинг маъноси тўғрисида мушоҳа-

да қиласы. Инсондаги ёмонликни инсоннинг ўзидан. инсон ҳәтидан ахтариш керак, деган фикрни олға суради. Ҳинд подшосининг ўғлы роҳат-фарогатда яшайди. Унинг учун ғам-ғусса бегона зди. У бир куни қаср дарвозаси олдида гадойни, тобут күтариб кетаётган одамни, ҳасса таяниб кетаётган чүлоқ, кишини ва тарки дунё қылган дарвешни күради ва унинг тинчлиги бузилади. Дунёда азоб-уқубат ҳам борлигини тушуниси, саройни ташлаб, узлатада яшайди. Будда динининг моҳиятини тушуниси етади, ҳәёт азоб-уқубатдан иборат эканлигини, у азобланыш эса ўз сабабига эгалигини ва ундан қутулиш йўллари борлигини фаҳмлаб етади. Будда таълимоти ва упанишадлар дунёни янги-ча изоҳлайди ва "Дунё нега шундай? Нега йўқликдан борлиқ пайдо бўлди?" деган саволларга жавоб қидиради.

"Веда" ва упанишаддаги мифологик қарашлар эпик поэма "Махоб-ҳорат"да ўз ривожини топган. Унда Кришнанинг диний фалсафий қарашлари ифодаланган. Кришна Вишна (худо)нинг ердаги комиллик рамззидир. Кришна Арина билан мулокот пайтида инсон маънавий қамолоти ҳақида фикр юритиб, унинг қаноатли бўлиши кераклигини айтади. "Ундей одам диёнатли, пок бўлади, табиат билан инсон уйғунлигини таъминлайди". - дейди. У ҳақиқий борлиқ билан ердаги ҳәёт ҳақида фикр юритар экан, ҳақиқий борлиқ олий Брахман - абадий борлиқ, ердаги борлиқ ўткинчи борлиқ, деб уқтиради.

Қадимги ҳинд фалсафасида чорвоқлар ва локаятларнинг фалсафий қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар дунёнинг абадий чексизлиги, бу дунёдан бошқа дунё йўқлиги тўғрисидаги гояларни илгари сурадилар. Улар дунёнинг асосида тўрт унсур-сув. олов, ҳаво, тупроқ ётади, бутун борлиқ ана шуларнинг кўшилувидан ташкил топади, ҳатто маънавият ҳам шулар комбинациясидан иборат, дейдилар. Билиш назариясида ҳиссиятни асосий ўринга қўйишади.<sup>1</sup>

### ҚАДИМГИ ХИТОЙ ФАЛСАФАСИ

Қадимги Хитой фалсафаси ҳам ҳинд фалсафаси каби пайдо бўлди. Ривожланди. Уларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп. Бу ерда ҳам фалсафа эски бошлангич жамоа хўжаликнинг эмирилиши, янги муносабатларнинг вужудга келиши, пул-товар муносабатларининг пайдо бўлиши, давлатчиликнинг шаклланиши, билимларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Қадимги Хитоидаги астрономия, математика

ва медицина каби билимлар пайдо бўлиши маънавиятнинг тубдан ўсига. ўзгаришига олиб келди. Хитойда дастлабки фалсафий қарашга тарки дунё қилган сайдонишмандлар асос солганилар. Фалсафий мактаблар эса Хитойда эр. илгари VI асрларда шакллана бошлаган. Бироқ буларнинг кўплари ўз муаллифларини яширган ҳолда пайдо бўлади. Қадимги мифологияга кўра, дунё даставвал тартибсиз бўлган. Улар икки бир-бирига зид асосдан (осмон - янъ, Ер - инъ) космос кучи билан тартибга келтирилган. Зулматдан ёруғликка ўтиш асосида хаос тартибга тушган. Қадимги Хитойдаги қарашлар: ин-зин - ўзгаришлар китобида, ши-цзин - қўшиқлар китобида, ли-цзи - урф-одатлар китобида, шу-цзин - тарих китобида акс этган.

Инсоннинг осмонга (тян) боғлиқлиги ёмонликнинг сабаби, унинг манбаи ҳам осмон эканлиги ҳақида Фикрлар пайдо бўлади. Дунё сув, ҳаво, олов, ер, ёғочдан пайдо бўлганлигин, борлиқнинг асоси ҳам шулар эканлиги ҳақида таълимот яратилди. Табиат бир ҳолатдан иккичи бир ҳолатга узлуксиз ўтиб туради, янъ ва инъ (осмон ва ер) бир-бирига қарама-қарши, бир-бирига ўтиб туради, деб таълим беради.

Қадимги Хитойда конфуцийлик фалсафий оқими алоҳида аҳамиятга эта. Бу йўналишнинг энг йирик асосчиси Конфу-цэн (русча Конфуций) мил.ав. 351-479 йилларда яшаган. У ўзи камбагал бўлган, 15 ёшгача подачилик қилиб кун кечирган. 50 ўшидан ўз мактабини ташкил қилган. Унинг ўқувчилари, шогирдлари жуда кўп бўлган. У ўзининг "Суҳбат ва Фикр баёни" китобида замонасининг ахлоқ қоидаларини, ота-онага, давлатга, катталарга бўлган муносабатларни батафсил баён этган. У осмон ва руҳ масалалари ҳақида фалсафий Фикр юритади. Осмон-куч, олий ҳақиқат, адолат, ердаги одамларнинг ҳам сабабчисидир. У тақдир - сабаб деб таълим беради.

Конфуций ҳамият тўғрисидаги таълимотида асосий эътиборни одамлар ўртасидаги муносабатни яхшилашга, тарбияга қаратади. Ҳамиятни социал ислоҳ қилишин майдонга ташлайди. Бироқ унинг гояси ўтмишга қаратилган бўлиб, уни идеаллаштиради. У ўзининг ахлоқий қарашида ҳамма нарса меъёрида бўлиши кераклигини таъкидлайди. Ҳамият Осмон қонуни билан яшами керак, чунки осмон ўз табиати билан яхшиликдир, у ҳамма вақт яхшиликка интилади, деб кўрсатади.

Хитойдаги фалсафий мактаблардан яна бири моизмидир. Унинг асосчиси Мо-цзи (мил.ав. 479-400 й) ва унинг издошларидир. Бу таълимот Хитойда икки асрдан кўпроқ яшаган. Бу таълимотга кўра,

Осмон ҳамма учун намуна, у ҳаммани баб-баробар бир хилда күради. Шунинг учун катта кичикни, кучли күчсизни, бой камбагални, амалдор фуқарони ээмаслиги, азобламаслиги, одамлар бир-бирларини таламаслиги керак. Бу осмон қонунига зид, деб күрсатади. Осмон қонунига кўра, одамлар бир-бирларига ёрдам беришлари керак. Давлат ҳам, бойлар ҳам ҳалқига ёрдам бериши, одамлар бир-бирларини севиши керак. У умумий севгини тарғиб қиласди.

Давлатниadolatli, ростгўй, ҳалол одамлар бошқариши кераклигини айтади, тинчлик ва осоишталикини тарғиб қилиб, урушларга, вайронагарчиликларга қарши чиқади. Конфуцийдан фарқли ўлароқ жамиятни анъаналар асосида эмас, балки янгича қарашлар асосида ёшлар идора қилсин, улар қарилардан ўргансин, дейди. Билим олиш ҳамма учун бир хил бўлиши кераклигини, у тажрибалар асосида мустаҳкамланиб бориши лозимлигини таъкидлади. Ҳақиқат воқелик билан аниқланади, фикрлар нарсалар билан тасдиқланган тақдирда, билим мустаҳкамланаади, деган ғояни илгари суради.

Қадимги Хитой фалсафасини ифода этувчи манбалардан бири дао ва дэ тўгрисидаги китобдир. Унда ахлоқий-сиёсий қарашлар акс этган, шунингдек, жамият тузилиши тўгрисидаги фикрлар баён қилинган. Бу китобда кишилик жамияти ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақида асосли фикрларни айтган Даога бир бутун дунёқараш, тушунча сифатида қаралади. У ҳамма нарсанинг асоси, борлиғи, унинг қонунияти, ҳамма нарсанинг "онаси" (субстанцияси) сифатида қаралиб, инсоннинг асоси ҳам даодир, борлиқ номга эга, йўқлик номга эга эмас (моддий эмас, бўшлиқдир). одамларни ўқитишининг, маърифат ва тарбиянинг асоси ҳам дао, деб кўрсатилади китобда.

Ер Осмонга нисбатан иккиласми, одам Ерга нисбатан иккиласми. Одам ер қонуни билан, Ер осмон қонуни билан, осмон эса дао қонуни билан иш қиласди. Дао ўз-ўзини ўз қонунияти асосида бошқаради. Унинг қонуни яхшилик, гўзаллик, яратувчилик қонунидир.

Қадимги Марказий Осиё (Турон) ҳудудида ҳам фалсафий қарашларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёни мифологик ва диний қарашлар асосида борганилигини кўрамиз. Бу ҳудуддаги фалсафий қарашлар шу ерли ҳалқларнинг қадимги афсоналарида баён этилган. Уларнинг қадимги маданияти тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланган ёдгорликлардан бири Авесто бўлиб, у юзлаб Йиллар давомида яратилган. Уни, мазмунига кўра, зардустийлик динининг муқаддас китоблари тўплами, дейиш мумкин. Бироқ унда табиат, олам, жамият, ин-

сон, унинг ахлоқи, ҳуқуқи, қадриялари каби масалалар юзасидан ҳам дастлабки фалсафий фикрлар учрайди. Зардустийлик таълимотига кўра, ижобий куч-нур ва салбий куч-зулмат ўртасидаги кураш бутун борлиқнинг асоси бўлиб, ҳамма ерда мавжуд. Бу жараён табиатда ёруғлик ва қоронгулик ўртасидаги, жамиятда адолатсизлик ва унга қарши адолатли курашда, ахлоқда яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги (яхшилик худоси Ахурамазда ва ёмонлик худоси Анхрамайн ўртасида) курашда ва яхшиликнинг енгиги чиқишида намоён бўлади.

Авестонинг асосчиси Зардуст (зардушт) тахминан эрамиздан олдинги 570 йилда туғилган, деган фикрлар бор. Зардуст таълимоти ушбу китобда жамланган. Зардуст таълимоти тўғрилик ва адолатли яшаш каби ахлоқ мезонларига асосланади. Бу Авестодаги барча қоидаларда таъкидланган. Унинг таълимотича, "эзгу фитрат" (фикр), "эзгу калом" (сўз), "эзгу амал" ва "ҳақиқат" олий шарофатдир. Булар зардустийлик таълимотининг асосий тушунчалари - категорияларидир. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал зардустийликнинг инсон бутун умри давомида амал қилиши лозим бўлган ички ва ташки омилларидир. Мана шу уч хислатга зга бўлган инсон олий ҳақиқатга мушарраф бўлади. Бунга етишишнинг воситаси меҳнатдир. Инсон фаолиятда бўлар экан, ноз-неъмат яратар экан, ҳамма вақт эзгу ниятда, яъни қалбида доим эзгу ният, тилида ҳам, дилида ҳам яхшилик бўлиши керак. Бу ниятлар, фикр ва иборалар унинг фаолиятида ҳам акс этиши керак. Бу уч нарсанинг яхлитлиги инсонда мухассамлашгандагина, инсон ҳақиқий зардустий бўла олади, ҳақиқий баркамол инсон саналади. Инсон эзгу ниятларга, эзгу каломга, эзгу амалга эга бўлиши билан бирга ёвузишка, яъни ёвуз фикр, ёвуз амалга қарши курашиши керак, ана шундагина Ахурамазда(худо)нинг олчишига сазовор бўлади, деб таълим беради зардустийлик.

Зардуст таълимоти Оврупо фалсафасининг шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатган. XX аср Оврупо фалсафасининг назарий асосчиси Фридрих Ницше ўзининг қарашларини яратища Зардуст таълимотидан атрофлича ғойдаланган. Улуғ файласуф болалик чоғида Зардустни тушида кўрган. У буюк шахсларни, улуг одамларни вояга етказиш гоясини яратиша, албатта, Зардуст таълимотидан таъсирланган, уни фикрига жо этган. Ницше "Зардуст-бутун борлиқнинг энг олий суратда намоён бўлиши", дейди. (Қаранг: И.Фофуров, Тафаккур журнали, 1995 йил, 1 сон, 90 бет).

Ницше ўзининг "Зардушт таваллоси" асарида одам ҳақида фикр юритар экан, шарқ одамининг, бизнинг диёримизда яратилган ҳақиқий шарқ одамининг руҳиятини Оврупо одамига сингдиради, инсон ҳаёти, борлиги, қадрияти ҳақида фикр юритади.

Бизнинг ҳудудимизда бундан икки-бир ярим минг йил илгари монийлик, маздакчилик, буддачнлик каби фалсафий таълимотлар ҳам мавхуд бўлган.

#### Адабиётлар:

- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., "Ўзбекистон", 1995.  
АСМУС Б. Ф. Античная философия. М.: Наука, 1986.  
ИСКАНДАРОВ Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий сиёсий фикрларнинг шаклланиши тарихидан лавҳалар. Т., 1993.  
"Қадимги давр фалсафаси" Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

#### ҚАДИМГИ ДУНЁНИНГ КЛАССИК ФАЛСАФАСИ

1. Қадимги Юнон фалсафасида космогонизм.
2. Антик дунёда чексизлик муаммоси. Диалектикани пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Борлиқнинг атомистик талқини. Моддий ва маънавий борлик масалалари.
4. Инсон – ҳамма нарсанинг меъёри (софистлар ва Сократ).

Маҳон фалсафий фикрининг пайдо бўлиши ва ривожланишида Қадимги юнон ва Рим фалсафаси алоҳида аҳамиятга эга. Қадимги дунё фалсафаси эскича яшаш тамойиллари бузилган, эскича фикрлаш тарзи билан яшаш мумкин бўлмай қолган, мифологик қарашлар кишиларнинг маънавий эҳтиёжини қондира олмай, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида бухронлар пайдо бўла бошлаган, эски қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотиб, янги қадриятлар шаклланган бир даврда маънавиятнинг юксак шакли, дунёқарашнинг ақлий (рационал) босқичи сифатида пайдо бўлди.

З. о. VII-VI асрларга келиб инсонлар ўртасида мураккаб муносабатларнинг пайдо бўлиши шахснинг ўз янги ҳаётий йўналишини аниқлашими тақозо этди. Фалсафа бу масалаларни ҳал қилишда мухим аҳамият касб этади. Фалсафа қадимги Юнонистонда математика, астрономия, механика, медицина каби фанларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда вужудга кела бошлади. Мана шу даврда инсон ўз ҳаётий йўналишини белгилашни фалсафа анъаналари орқали эмас, балки ўзи-нинг ақлий фаолияти билан, илмий исбот билан амалга ошириди.

1. Қадимги юнон фалсафасининг ўзига хос томони шунда эдикি, у дастлабки даврдан бошлаб табиатнинг, борлиқнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилди. Масалан, эрамиздан ил.VI асрларда Милет мактабининг вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, кейинчалик Ли-Фагор мактабининг вакиллари, шунингдек, Гераклит, Эмпедокл каби "физиклар" (физис-табиат демакдир) табиатни ўргандилар. Дунёнинг асосини қидирдилар, табиат моҳиятини турлича изоҳладилар. Фалес дунёнинг асоси сув деса, Анаксимен ҳаво, Анаксимандр алейрон, Гераклит олов деб қаради. Улар сув, ҳаво, оловни физик модда сифатида эмас, ҳамма нарсанинг моҳияти, асоси, жонли мавжудотларнинг ҳам ҳаётий асоси деб тушундилар. Демак, улар рамзий аҳамият касб этар эди. Ўша даврдаги биринчи "физиклар" фалсафага ҳамма борлиқнинг моҳиятини, сабабини очиб берувчи фан сифатида қараганлар.

Фалсафадаги онтология - борлик ҳақидаги таълимот ҳам ўша даврдан бошланган. Борлиқнинг мифологик асосини эмас, балки мантиқий-ақлий (рационал) асосини қидирдилар. Уларнинг моҳияти ҳақида фикр юритдилар. Бу давр фалсафаси натурфилософия (табиат фалсафаси) деб юриттилди. Натурфилософия табиат моҳиятини тушуниш билангина эмас, унинг ривожланиши тўғрисидаги масала билан ҳам шугууланди. Улар космосни ривожланиб турувчи бир бутунликдан иборат, деб тушунгандар, унга бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турдиган, масалан, эскидан янгига, салбийдан ижобийга, иссиқдан соювқча ўзаро ўтиб турдиган жараён деб қарадилар. Бундай қарашни диалектик қараш деб атадилар. Унинг энг асосий вакили юон диалектикасининг отаси Гераклит эди.

2. Қадимги юон файласуфи, математиги Зенон (э.и.336-262) бир қатор "Дихитомия" (иккига бўлиш)ни майдонга ташлайди. У турли парадоксларни ишлаб чиқади. ("Ахиллес ва тошбақа", "Камон ўқи" каби). Бу парадоксларда Зенон дунёни чексиз бунёд этилишдан иборат.

рат деб түшүнтириди. Бундай парадоксларни кундалик онг даражасида ҳал қилиш мүмкін эмаслыгини күрсатди.

Зеноннинг парадокслари қадимги юон фалсафасида диалектика-нинг шаклланишига, айниңса, унинг математика, мантиқ сипатида ри-вожланишига катта ҳисса құшы.

Тағаккур диалектикасини ривожлантиришда қадимги юон файласуфи Платоннинг (э. и. 427-347 й) хизмати катта бўлди.

Түндай қилиб, борлиқ масаласида юон файласуфлари унинг уч томони тўғрисида фикр юритдилар: 1.Борлиқ-мавжуд. йўқлик-мавжуд эмас; 2.Борлиқ бир бутун, бўлинмасдир; 3.Борлиқни билиб бўлади. Йўқликни билиб бўлмайди: у мавжуд эмас, ақл учун у йўқ. демак, у яшамайди.

Бир бутунлик, борлиқ түшунчасини ишлаб чиқиш Пифагор мактаби вакилларига ҳам тегиши. Бутун борлиқ моҳиятини улар сонлар ёрда-миди түшунтиришга харакат қилдилар. Сонлар, уларнинг фикрича, бир бутунлик бўлиб, борлиқнинг асосини ("Монада"сини) ташкил этади. ("Монадос" юонча "асос, бир" демакдир). Бутун борлиқни асоси бирлик бўлиб, кўплиқдан устун туради. унга материал беради. Қаерда бирлик (яккалик) бор экан, шу ерда билиш имконияти мавжуд, деб кўрсатадилар.

3. Қадимги юон файласуфи Демокрит (тажминан э.о.470 йилда туғилган) борлиқ тўғрисида янги тезисни майдонга ташлайди. Борлиқ, унингча, чексиз, бўлинмас атомдан иборат. Дунё атом ва бўш-лиқдан иборат, атом борлиқ, бўшлиқ эса йўқликдир. Демокрит "Атом борлиқ экан, уни билиш мүмкін. Атом ҳақиқатдир, уни ақл билангина билиш мүмкін, сезгилар эса қоронги билим беради, чунки у нарсаларнинг ташки томони ҳақида билим беради, холос". деб айтади. Атом-лар, Демокрит тъалимотига кўра, шакли ва ҳаммига кўра фарқланади ҳамда бўшлиқда ҳаракат қилиб, бир-бирлари билан қўшилади. Улар турлича бўлиб, баъзилари юмалоқ, баъзилари учбурчак, баъзилари қалин ва ҳоказо: улар ҳатто танамиз, баъзилари эса идрокимизни ташкил этади.

Демокрит дунёнинг сабабий боғланиши ҳақида ҳам фикр юритади. Дунё қонуний зарурият асосида ривожланади, деб кўрсатади. Тасодифга эътиборсизлик билан қарайди.

Борлиқ тўғрисида ўз қарашларини изчиллик билан баён этган яна бир юон файласуфи Платондир (э. и. 427-347 й). Платон фикрича, борлиқ абадий, ўзгармас, бўлинмасдир. Уни ақл билан билиш мүмкін,

ҳиссиёт, идрок орқали уни билиб бўлмайди, чунки борлиқни билишга уларнинг кучи етмайди, улар орқали унинг ҳодисасини билиш мумкин, холос, моҳияти эса ақл орқали билиб борилади, деб кўрсатади. Агар Демокрит борлиқни моддий деб тушунган бўлса, Платон борлиқни гоявий деб тушунади. Гояни ҳамма нарсанинг асоси, бошлангичи, моҳияти деб билади. У ғайри ҳиссий, абадий характерга эга. Қуёш ҳамма нарсага нур таратгани сингари умумий ғоя бутун борлиқнинг асоси бўлиб, бошқа нарсаларни ривожлантиради, деб таълим беради. Платон гоялар дунёси ривожланиш, абадий, доимий яшовчанлик (ўлмаслик), ақл билан билиш, ўз-ўзига айнанлик, бўлинмаслик каби хусусиятларга, ҳодисалар дунёси эса ташкил топиш, вақтингчалик, ривожланиш, йўқ бўлиш (ўлиш). ҳиссиёт билан билиш, ҳамма ваqt бошқа бўлиб туриш, бўлинувчанлик каби хусусиятларга эга, деб айтади.

Борлик ҳақидаги таълимотни ривожлантирган буюк файласуфлардан яна бири Аристотель (э.о. 384–322 й.). У Платон Академиясида 20 йил таълим олган. Александр Македонскийга таълим берган бу аллома устозининг гоялар дунёси тўғрисидаги фикрини танқид қиласди. Аристотель гоялар дунёсининг абадийлиги, унинг ҳодисалар дунёсидан ахратилгандиги ҳақидаги Платон таълимотини бошқача қараб чиқади. Унингча, гоявий борлик ҳодисалар борлиги билан боғлиқ ҳолда мавжуд. Бироқ, борлиқнинг доимий турғун эканлиги тўғрисидаги Платон фикрига кўшилади. Борлик, Аристотель фикрича, жинс ва тур шаклида мавжуд бўлади.

Моҳият алоҳида макон ва замонда якка ҳолда мавжуд бўлиб, бошқа жисмга ўзининг муҳим томонлари билан кўшилади. Моҳият тушунчада намоён бўлади, чунки тушунча предметнинг моҳиятини акс эттиради. Аристотель фикрича, ҳар қандай сўз тушунчани ифодалайди, тушунча эса борлиқни ифодалайди. У борлиқни акс эттирадиган энг умумий тушунчалар, категориялар ҳақида таълимот яратади. Категория бу моҳиятнинг энг биринчи ва олий муносабатидир. Моҳият предметларнинг асосий бошлангичидир.

Аристотель борлик тўрт элемент: сув, ҳаво, ер, оловдан ташкил топади, дейди. Аристотель билиш назариясида ҳиссий билишини асос қилиб олади. Унинг мазмун ва шакл ҳақидаги таълимоти алоҳида аҳамиятга эга. Унингча, шакл яратувчи, ташкил қўйувчи борлиқнинг асосидир. Нарсалар шаклга киргандагина мавжуд бўладилар, шаклларнинг шакли худодир, дейди у. Аристотель шакл ва мазмун категориясини қандай тушунади? Унинг материяга қандай алоқаси бор? Материя

сўзини биринчи бор Платон фалсафага киритган. Унингча, материя ҳамма ҳодисаларнинг асосидир. Уни билиш эҳтиёхи йўқ. Чунки ҳодисалар кўзга ташланиб туради. Улар пайдо бўлади, ривоҷланади, ўлади. Шунинг учун у ташувчиси, вояга етказувчисидир. Платон материя воқелик эмас, балки имкониятдир, дейди. Уни геометрик фигура сифатида фазо билан айнанлаштиради. Аристотель ҳам материяни имконият сифатида кўради. Бироқ имконият воқеликка айланиши учун маълум шаклга кириши керак. Унингча, лой, қум ҳалиғинт эмас, униғинт қилиш учун маълум қолип асосида шаклга киритиш керак. Демак, шакл яратувчи фаол(актив) нарса, дейди. Материя моддий нарса бўлса, жон унинг шаклидир. Шакл яратувчи экан, шаклларнинг шакли худодир, деган холосага келади. Аристотель физикасида (табиат ҳақидаги таълимотида) космосни жуда кенглиги ва катталиги ҳақида гапириб, унга чекланган, охирги жисм сифатида қарайди. Платон, Аристотель ва унинг издошлари, шунингдек, юон математиклари потенциал чексизликни эътироф этишса-да, актуал чексизликни тан олмадилар.

Юон фалсафасида космоснинг ниҳоялилиги, чекланганлиги икки борлиқнинг, бошланишнинг, икки асоснинг, борлиқ-йўқлиқнинг (Парменидда), атом ва бўшлиқнинг (Демокритда), гоя ва материянинг (Платонда), шакл ва материянинг (Аристотелда) бир-бирларига қарама-қаршилиги сифатида қаралади. Мана шу иккилик (дуализм), бир томондан, бир бутунликни, ўзгармасликни ташкил этса, иккичи томондан, чексиз бўлнишни, турли-туманликни, ўзгарувчанликни кўрсатади.

Уларнинг ҳаммаси учун умумийлик шундаки, улар идеалист ёки материалист бўлишидан қатъий назар, космосни ўргандилар. Улар космос, табиатнинг яширин сирларини топишга ҳаракат қилдилар. Космосни жонли мавжудотнинг, инсонларнинг ахралмас қисми деб қарадилар. Космизм инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорликни, инсон масаласини ҳал қилишда фалсафада асосий йўналиш бўлиб келади. Секин-аста инсон ҳақида, унинг космосда, дунёда туттган ўрни ҳақида янги фикрлар пайдо бўла бошлади. Шундай қилиб, бир қатор файласуфлар инсон муаммоси билан шугуллана бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ инсон ва унинг онги масаласи билан шугулланувчи алоҳида донолар мактаби пайдо бўлди. Уларнинг дастлабки асосчилари соғистлар эди. Соғистлар донолик ўқитувчилари сифатида фаолият кўрсатишди. (София – донолик демактир). Протагор (мил. ав. 490-420 й.)

Георгий (мил. ав. 480-380 й) уларнинг йирик вакиллари ҳисобланади-  
лар.

Софистлар инсон ҳаёти, фикри, билими, бу билимларнинг ишончли бўлиши қоидалари ҳақида фикр юритдилар. Улар инсонлар ўртасидаги ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ҳақида таълимот бердилар. Одамлар бир-бирига муносабатда тўғри сўзлаш, тўғри фикрлаш қоидаларини татбиқ эта билиши кераклиги ҳақида ёшларга тарбия бердилар. Софистлар риторика (сўз санъати), грамматика, стилистикадан дарс бердилар. Ёшларни бошқалар билан мулоқотда, суд ишларидаги, сиёсатда қандай мумомалада бўлишга, ўз фикрини аниқ, тўғри, ишонарли қилиб ифодалашга ўргатдилар. Мактабларда ёшларга таълим ва тарбия беришар экан, ишонтириш санъати, фикрлаш усуллари, билим механизми билан шуғулланишини биринчи ўринга кўйдилар. Билиш назариясида инсон ҳис-туйгуларининг роли, уларнинг билимлари, ҳақиқат нисбий эканлигини батафсил таҳлил қилдилар.

Билишнинг соҳиби (субъекти) инсон эканлиги, инсон билимларининг роли, бунда инсон ақли ва иродасининг аҳамияти ҳақидаги ғояни майдонга ташладилар. Протагор бутун борлик, бутун нарсалар инсон кўзгусидан ўтиши кераклиги ҳақида гапирди. У инсон ҳамма нарсанинг меъёри, дейди, инсон ва унинг онгини улуғлайди. Ҳар қандай нарса инсонни қониқтирсагина яхшилик, эзгулиқдир. Инсонни қониқтирмаса, унинг азобланишига олиб келса, бу ёмонликдир, деб кўрсатади. Соғистлар яхши, ёмон, Фойдали ёки Фойдасиз тушунчаларининг мезони алоҳида шахс ва унинг ҳиссий мойиллигидадир, деб тушунтирадилар. Билиш назариясида нисбийлик (релятивизм)ни олға сурдилар. Ҳуқуқ меъёрлари, давлат сиёсати, адолат ёки адолатсизлик масалаларига ҳам нисбийлик нуқтаи назардан қарадилар. Инсон ҳамма нарсанинг меъёри экан, давлат масалалари ҳам инсонга бўлган адолатлилик ёки адолатсизлик меъёри билан белгиланиши зарурлигини айтдилар.

Софистлар мактабида ўқиган, кейинчалик уларни кескин танқид қилган Сократ (т.э.и. 470-399 й) фалсафада инсон муаммосига катта эътибор берди. Сократ фалсафасининг асосий мазмуни инсон, унинг онги масалаларига қаратилган. У инсон қадр-қиммати, маънавияти, ахлоқи, гўзаллигини таҳдил қилас экан, шахснинг онги, унинг билиши масаласига алоҳида эътибор беради. Сократ инсоннинг ўзини, ўзлигини билиши фалсафада муҳим бўлиб, фалсафанинг ўрганиш обьектини ташкил этади, деб таъкидлайди.

Унинг "ўз-ўзингни бил" ("познай самого себя") машхур хиоматли нбораси фалсафий тафаккур тараққиётида жуда катта аҳаммиятта эга. Чунки ўзлигини ерга уриш, тубанлашиш нодонликдан бошқа нарса эмас, ўзлигини билиш, ўзини юқори тутиш донишмандликдир, деган эди.

Сократ онгнинг субъектив томонинигина эмас, балки унинг объектив мазмунини ҳам кўрсатиб берди. Инсон ўз онгнинг мазмунини, моҳиятини, ўзлигини билиш асосида бошқаларни, дунёнинг моҳиятини, яшашнинг маъносини билиб боради, дейди. Сократ ўз фикрий салоҳияти билан ҳақиқат, адолат ҳақидаги эски қарашларни янгича таҳлил қилди. Унингча, адолат давлат тизими томонидан олиб бориладиган яхшиликдир. Сократ яхшилик, адолат каби тушунчаларнинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилди. Мутафаккир фалсафасининг асосида инсон, унинг ҳаёти, мақсади, адолатли ҳамият ётади. У яхшилик ва ёмонликни одамлар билан мулоқот орқали, сұхбатлашиш орқали аниқлаш мумкин, дейди. Унинг фикрича, фалсафа билимларни севиш ҳақидаги таълимот экан, ана шу билимлар инсон ахлоқий фаолиятини яхшиликка қаратиш асосида намоён бўлади. Сократ фалсафасида ахлоқий рационализм асосий ўринни эгаллайди. Инсон ҳақиқатни қанча чуқурроқ билса, у ёмонликка кўл урмайди. Ёмонлик ҳақиқатни билмаслик натижасида пайдо бўлади, деб кўрсатди. Демак, ахлоқий камолотнинг манбаи ҳам билим, ҳақиқатни билишдир. Яхши давлат арбоби, адолат-парвар ҳукмдор ҳам билимдон, донишманд бўлиши кераклигини айтади. Билим ва шу асосдаги яхшилик инсонни баҳтли қиласди. дейди донишманд. Мана шу руҳда бутун шогирдларига таълим ва тарбия беради. Уларни янгича фикрлашга, яхшилик қилишга, баҳтли бўлиш учун курашишга ундейди.

Бироқ унинг ҳаёти фожиали тугади. Афина давлати суди уни ёнларни янгича фикрлашга, эски анъаналарни бузишга, ўтмиш худоларига итоат этмай, янги худоларга ишонишга чақиришда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қиласди. У Афинадан чиқиб кетиб, ўлим жазосидан кутулиш имкониятига эга бўлса-да, ўз диёрини, дўстларини ташлаб кетмасдан ўлимни мардона кутиб олди. Ўлими олдидан ҳам ўзининг баҳтиёр эканлигини бир неча бор таъкидлади.

#### Адабиётлар:

Введение в философию. Учебник, часть 1. М., 1990.  
Фалсафадан ваъзлар. Тошкент. 1995.

АСМУС В. Ф. Античная философия. М.: Наука, 1986.

"Қадимги шарқ ва гарб фалсафаси". Кафедрадаги маъруза мат-ни. 1996.

### ЎРТА АСР АРАБ ФАЛСАФАСИ.

1. Ислом шароитида сиёсий-маданий ва фалсафий қадриятлари.
2. Илк араб фалсафаси. Ал-Киндий ва унинг фалсафий таълимоти.
3. Ар-Розий ва Ал-Газзалийнинг фалсафий қарашлари.
4. Ибн Рушднинг фалсафий тизими.

1. VIII-XIII асрларда араб мусулмон сиёсий-маданий давлатчилик анъаналари ҳам дунёвий илмларни ривоҷлантиришга, адолат ва инсонпарварликни қарор топтиришга, маърифатпарварлик, демократик бошқарув усусларни рӯёбга чиқаришга йўналганлиги билан араб мусулмон маданияти, цивилизациясининг таркибий қисми ва муҳим ютуқларидан бири бўлди.

VIII асрда исломда турли мазҳаблар пайдо бўла бошлади. Мутакаллимлар, мутазалийлар ва сўфиylар шулар жумласидандир. Мутакаллимлар таълимотига кўра, дунё худо томонидан яратилган майда заррачалар-атомлардан иборат. "Атом худо иродаси билан ҳаракат қиласди. Дунёда худо иродаси ҳукмрон, у истаган вақтда ҳоҳлаган кароматини амалга ошира олади". - деб айтдилар улар. Уларнинг 12 та қоида-тезислари бор бўлиб, ўша тезислар орқали ўзларининг таълимотини асослайдилар. Макон ва замоннинг чексизлигини инкор этадилар. Сезгиларга ишонмаслик эҳтимоли қоидаларига амал қиласдилар. Ўнга кўра, у ёки бу нарса, воқеликка мос келиши-келмаслигидан қатъий назар, мавжуд бўлади. Билимларнинг воқеликка мос келиши ҳам илоҳий ҳоҳишидир. Улар ўзлари учун номақбул бўлган ҳамма нарсани инкор этадилар. Ниманики тасдиқлар лозим бўлса, ҳаммасига йўл қўйиш мумкин, ҳамма нарса илоҳий қудрат билан бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шу вақтда кенг тарқалган оқимлардан бири мутазалийлар (акралиб чиққан деган маънени билдиради). Улар араб халифалигига соғ фалсафий фикрларининг ташаббускорлари бўлиб танилдилар. Мутазалийлар ҳиссий таҳриба, анъанавий билимлар билан бир қаторда ақлий билиш гоясини олға сурдилар. Улар фалсафий ма-салаларни ўрганишга, уларни ақл кўзи билан билишга катта эътибор

берадилар. Улар таълимотидаги яна мұхим бир нарса инсон иродасининг эркинлиги тұғрисидаги масаладыр. Инсон ўз хатти-харакати билан эркіндір, деб таъқидлайдылар. Инсон озод экан, худо яхшиликни тақдирлайды, ёвузылған казолайды. Худо инсонларга ақл-заковат, умрни беріб құяр экан, инсон уни әркі билан иктиёрий барады. Шүнніг учун инсон ўз құлмиши учун ҳақ олдида жавоб берады, деб күрсатадылар.

2. Ўрта асрда бир гурух файласуфлар фаолият күрсатылды. Шулардан бири ўз даврининг қомусий алломаларидан ҳисобланған Ал-Киндийдір (801-866 й). У ўрта аср араб фалсафасининг асосчыларидан биридір. Ал-Киндий биринчи бўлиб фалсафанинг арабча терминларини ишлаб чиқди, бу билан араб фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди. Фалсафа терминларига бағишлаб бир неча китоб ёзган. Ўз асарларида рух, материя, онг, шакл, миқдор, сифат, қисм, вақт каби бир неча терминларнинг изоҳи ва таърифини берган. "Нарсаларнинг белгилари ва изоҳларн тұғрисида" асари араб тилида фалсафий луғат вазифасини бажарған. У араб олимларидан биринчи бўлиб фанлар таснифини беришга ҳаракат қылған. Аристотель китобларининг сони ва фалсафий йўналишлари ҳақида китоб ёзган. У ҳам фалсафани Аристотель сингари биринчи бошланғич асос, моҳият, умуман борлиқ тұғрисидаги билім деб билади.

Ал-Киндий фалсафани Аристотель сингари назарий ва амалий билімларга бўлади. Назарий фанларга математика, табиий фанлар ва геологияни, амалий фанларга эса этика, уй хўжалиги, фўқаролик сиёсатини киритади. Унингча, фалсафа субстанция (моҳият)ни билиш демакдир. Математика миқдор билан бөглиқ, у биринчи ўринда туради. Бошка фанлар ундан кейин туради. Логика (мантиқ), физика, психология, метафизика, ҳатто фалсафа ҳам фан сипатида математикаға асосланади.

3. Араб фалсафасининг яна бир вакили Ар-Розийдір (865-925 й). Эронлик мутафаккір барча фанлар билан шуғулланған.

У материянинг абадийлиги, ҳаракат материянинг ажralmas хоссаси эканлиги, тана ва руҳнинг ўзаро боғлиқлиги тұғрисидаги фоялар билан чиқади. У билиш тұғрисида фикр юритар экан, "инсон қобилияты барча нарсаларни билишга қодир", - дейди. Дүнёни ақл-заковат орқали билиш масаласини майдонга ташлайды. Инсонни яратувчыга ўштатади. Бироқ билишда сезги аъзоларининг аҳамиятитиң ақлдан устун қўяди.

Ар-Розий ҳәётининг бир қисмни Марказий Осиёда ўтказган ва минтақадаги мутафаккирлар билан ҳамкорликда бўлган.

Мутакаллим оқимнинг вакили, араб фалсафасининг яна бир йирик намояндаси Ал-Газзолийдир (1058-1111 й). У ўзининг асарларида калом фалсафасини ривожлантирган. Унинг фикрича, кимки оллоҳ таълимотини яхши билмаса, у унинг улуғлиги ва азимлигига ҳам имон келтирмаган бўлади. Худони айтганини қилиш учун унинг илмини чуқур ва атрофлича билиш керак. Шунинг учун илм ибодатдан илгари туриши керак, дейди. Ал-Газзолий таълимотини Ибн-Рушд ўқиб чиқиб, у олий даражадаги диалектик муҳокамани тўғри ҳал қилмаганини айтади.

Ал-Газзолий фикрий, мантиқий диалектика тўғрисида фикр юритар экан, уни сўз ўйини сифатида қараб, тафаккур тараққиёти сифатида тушумайди. Ибн Рушд калом фалсафаси тарағдорларини, шу хумладан, Ал-Газзолийнинг метафизик, догматик қарашларини, тақдир масаласидаги фикрларини танқид қиласди.

4. Ўрта асрларда араб фалсафасини юксак чўққига кўтарган мутафаккир Ибн Рушдидир (1126-1198 й). Ибн Рушд бутун юнон фалсафасининг билимдони бўлиш билган бирга Шарқ фалсафасини ҳам қунт билан ўрганган. У Шарқнинг йирик мутафаккирлари: Форобий, Ибн Сино-лар асарларини чуқур билган қомусий алломадир. Ибн Рушд юнон фалсафасини ўрганар экан, Аристотель асарларига алоҳида эътибор беради, уларга шарҳлар ёзади, унинг таълимотини ривожлантиради. У Аристотель сиймосида табнат ақлий ривожланишининг юксак чўққисига кўтарилиганинг айтади. У Аристотель гояларига инсоният донолигининг ҳақиқий намунаси, деб баҳо беради. Ибн Рушд инсон билимларининг турли соҳалари билан шуғулланибгина қолмай, уларнинг аҳамияти, фалсафага ва динга бўлган муносабатини ҳам батафсил таҳдил қилган.

Аристотелнинг диалектик қарашларини таҳдил қилиб, унинг фикр тараққиётидаги ўрнига алоҳида аҳамият беради. Аристотель мантиқига эътибор берар экан, унинг илмий ва фалсафий билишдаги аҳамиятини кўрсатиб берди. Фалсафа борасида фикр юритар экан, унинг мөҳиятини ҳамма эмас, балки ақлли, доно одамлар тушуниб етиши тўғрисида гапирди. Худди шунингдек, диалектика ва риторика билан ҳам маҳсус билимдон одамлар шуғулланиши кераклигини айтади. У диндорларни кескин танқид қиласди, айниқса, калом таълимоти тарағдорларидан мутакаллим оқимнинг вакили Ал-Ғазалийни танқид қиласди. У

фалсафани ўрганган бўлса-да, уни чуқур тушуммаганини, фалсафий фикрлаш даражасига кўтарилимаганини айтади. Мутакаллимлар ҳиссиётга катта эътибор бериб, ақл кучига, мантиқий холосаларга етарли аҳамият бермаганликларини таъкидлайди. Диалектикани давлат бошқаруви, хуқуқ ва ахлоқга ҳам татбиқ этиш кераклигини кўрсатади. Ибн Рушд борлиқни худо яратганини тан олиш билан бирга табиатнинг абадийлигини, ўз-ўзидан ривожланишини ёзади. У Аристотелнинг "худо биринчи туртки" деган қарашини эътироф этиб, борлиқ ҳамма нарсанинг яратилиши имконияти эканлигини кўрсатади.

Ибн Рушд якка одам руҳи абадий бўлмай, у ўлишини, бироқ умумий ақл абадий, ўлмаслигини кўрсатади. Ибн Рушд инсон иродасининг эркинлиги тўғрисидаги масалани майдонга ташлаб, инсон турлича фикрлашга қодир эканлигини, ташқаридан уни таъқиқлаш мумкин эмаслигини айтади. Шунинг билан бирга ахлоқий эркинлик, маълум заруритга амал қилиш кераклигини таъкидлайди ва зарурият тўғрисидагиояни илгари суради.

#### Адабиётлар:

- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., "Ўзбекистон", 1995.  
ЗОХИДОВ А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Т., "Фан", 1993.  
ИСКАНДАРОВ Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. Т. "Ўзбекистон", 1993.

#### ТУРКИСТОНДА ЎРТА АСР ФАЛСАФАСИ (YIII-XV асрлар)

1. Тасаввуф, унинг тариқатлари муаммолари.
2. Табиатшунослик илмлари маданияти ва унинг фалсафа учун аҳамияти.
3. Машҳоиййун ва табииййун фалсафаси (илм-фан ва табиатшунослик фалсафаси).

Маълумки, тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси Мовароуннахр. Хуро-сон ва Эрон, умуман, ўрта ва Яқин Шарқ ҳалқлари араб-мусулмон ди-

ний-фалсафий тафаккурининг энг муҳим ва ўзига хос қисмини ташкил қиласиди.

Буюк тасаввубчилар Иброҳим ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халюқ, Абу Бакр ибн Муса ал-Воситий ал-Фарғоний, Бобо Кўхий, ас-Суламий, Абу Сайд ибн Абу-л-Ҳайр ал-Махоний, Бобо Тоҳир, ал-Қушайрий, Ансорий, Ҳусуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ҳалолиддин Румий ўрта асрларда Мовароуннаҳр. Ҳурросон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари бу даврда араблардан етишиб чиққан Зунун Қисрий, Ҳасан ал-Басрий, Тустарий, Маккий, Қунайд, Муҳосибий, Сари Сақатий, Ҳарроҳ, Қассоб, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифлик ва тасаввуб маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, бадиият, дарвешлик амалиёти анъаналарини, қадриятларини шакллантирганлар.

Одатда, фалсафа тарихига оид илмий-оммабоп нашрларда тасаввубчилар тўғрисида сўз борса, уларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада, аммо, албатта, ваҳдат ул-вужуд, яъни пантеист, дея тушунирилади, ҳатто ҳозир ҳам бундай тасаввурлар сақланиб қолмоқда.

Аслида Маъриф Кархий, Сари Сақатий, Хорис ал-Муҳосибий, Абдуллоҳ Ансорий, Абу Ҳамид Газзолий, Шаҳобиддин Суҳравардийларнинг "ваҳдат - ул-вужуд" таълимотларида Оллоҳнинг Ҳақлиги, бирлиги расмий "аҳли сунна ва ҳамоа эътиқоид" Куръони Карим, Ҳадисларда қандай бўлса, шундайлигича берилади, яъни Оллоҳ Таолонинг Ҳақлиги, бирлиги дунёга нисбатан ҳеч қандай муносабатсиз, алоқасиз олинади, ундан узоқлашмайди.

Бошқа томондан эса, Муҳийд-ид-Дин ал-Арабий, Фарид-уд-Дин Аттор, Ҳомий ва Навоийларнинг "ваҳдат-ул-вужуд" таълимотларида, гарчи улар кучли майлларни акс эттираса-да ва Оллоҳ Таолонинг дунё билан алоқасини эътироф этса-да, фақат Оллоҳ Таолонинг бирлиги, унинггина Ҳақ эканлигини тан олиш гояси устувордир. Демак, тасаввубнинг бу вакиллари мўътадил пантеизм позициясида турганлар.

Тасаввуб фалсафасининг ўзига хослиги ундаги худо тўғрисидаги ваҳдат-ул-вужуд, ваҳдат-ул-мавжуд ва ваҳдат-ул-шуҳуд, яъни ваҳдатнинг (худонинг) ўзида, дунёда ва шахсада намоён бўлиши тўғрисидаги орифий пантеистик таълимот, худога етишиб (васл), унинг маърифатига эришишнинг алоҳида қазава (экстатик-арабча-шатҳ) "ўзидан кетиш" йўли (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) амалиёти билан белгиланади. Чунки тасаввуб, ўзидаги ана шу асосий гоя ва тамоилилларга кўра, араб-мусуљон фалсафасининг ҳукмрон ва белгиловчи.

йўналтирувчи расмий ислом ақидавий таълимоти ва маросим талаблари, шариат кўрсатмаларидан анча-мунча четлашадиган юксак орифий ва айни пайтда ҳурфикрли тафаккурни вујудга келтирган эди. Ана шунинг учун ҳам тасаввуф ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётida кўпгина илғор таълимотларни, шу ҳумладан, пантеизи ва деизм шаклларида ифодаланган содда дунёвий, умумбашарий қадриятларни, инсонпарварлик, юксак руҳийликни, табиат ва инсонни севиш майлларини ифодалаш учун қулай восита бўлиб хизмат қиласган.

Бошқа томондан эса, тасаввуф орифлик, зоҳидлик ва дарвешлик, гушанишинлик, риндлик ҳаракатлари сифатида аввал бошданоқ бойишга интилиш, адолатсизлик, зўравонлик каби қатор ижтимоий маразларни қораловчи, инсонларнинг худо олдидаги тенглиги, камбағал, фажир-бечораларга инсоний муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисидаги инсонпарвар хусусиятларга эга эдики, бу тасаввуф ва у билан боғлиқ маданиятга яққол ифодаланган умуминсоний ва эркин фикрлилик йўналишини берар эди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кенг ҳалқ оммаси орасида, айниқса, қўйи табақалар орасида кенг ва чуқур ижтимоий заминга эга эди.

Тасаввуфдаги мұқаррар ҳалқпарвар талаблар, катта ер эгаларига, руҳонийларга танқидий кўз билан қараш, уни маънавий ҳаёт ва маданиятнинг энг кенг ва оммавий оқимиға, ўша давр учун энг яшовчан таълимотга айлантириди. Тасаввуф фалсафаси, ундаги диний ақидавий таълимотдан четлашувчи, шариат талаблари ва тақиқларига бе-фарқ қарашга ундовичи ғоялар ва амалиёт VIII-XIII асрларда диний мутаассиблик мавқеининг сусайишига, маштониййун (шарқ аристотелизми – перипатетизм) ва табииййун (Шарқда Демокрит натурфалсафасига ўхшаш эмпирик, таҳрибавий билимлар фалсафаси)нинг шаклланишига олиб келди.

Туркистон, Марказий Осиёning ўзида Туркистон ҳалқини ташкил этувчи ўзбек ва тоҷик миллатларининг шаклланишида, уларнинг анъанавий миллий қиёфаси, руҳияти, тафаккури, онги, қадриятлари, турмуш тарзи, маросим ва маракаларининг вујудга келиши, шаклланишига таъсир ўтказиш билан чекланмай, ҳалқимизнинг ҳозирги бухрондан чиқиб кетишида, ўз-ўзини англашида, ҳаёти, турмуш тарзида, маънавиятни изга солиш ва тартибга келтиришда кўмаклашувчи ўта замонавий ижобий аҳамият касб этилоқда ва бундан кейин ҳам унинг таъсири ортиб боради. Чунки Баҳовуддин Нақдбанд дунёқараши, тарихатининг асосий ғояси диний ва умуминсоний қадриятларни устувор

деб билиш, уларга риоя қилиш, ер юзида инсоннинг мўъжаз, аммо тўлақонли баҳт-саодатини. яъни ҳақиқий инсонпарварликни қарор топтиришдир.

Хуллас. Баҳовуддин Нақшбанд, нақшбандийлик тариқатининг дунёдаги муслимий ва орифий 12-14 та жаҳонда эътироф этилган тариқатларининг назарий асоси сифатида тасаввуфнинг XIV-XX асрлар оралиғидаги ўрни фавқулодда каттадир.

Ҳалқимиз, миллатимизнинг миллий-маданий ўзлигини англашида, ихтимоий-миллий бир бутунлигини тиклаш, демак, республика мустақиллигини мустаҳкамлашда тасаввуф гояларини ўрганиш ўта долзарбдир.

#### ТАБИАТШУНОСЛИК ИЛМЛАРИ МАДАНИЯТИ ВА ФАЛСАФАСИ.

Ўрта ва Яқин Шарқда YIII-XIII асрларда "ҳаётбахш ҳурфикрли" араб-мусулмон маданиятининг гоявий-назарий асосини, табиий-илмий заминини табиатшунослик фанлари, техника тараққиёти соҳасидаги оламшумул ютуқ ва қашфиётлар ташкил этади. Улар табиатшунослар Мобир ибн Ҳайён, Эроншаҳрий, Розий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ҳавҳарий, Амаюрий ат-Туркий ал-Фарғоний, Абу Комил, Абу-л-Вафо Бузжоний, Марвазий, Абу-л-Маъшар ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

"...Муҳаммад Хоразмий алгебра фанининг асосчисидир", - деб ёзади О. Файзулаев. У фан тарихида биринчи бўлиб квадрат тенгламаларнинг типларини ва ҳар бир типни ечиш методларининг таснифи (классификацияси)ни берди. "Алгебра" сўзининг ўзи унинг томонидан қашф этилган мазкур тенгламаларни ечиш методи "алжабр" билан боғлиқдир. Хоразмий ҳисоблаш жараёнларига мантиқ методларини қўллади ва ривожлантириди, алгебраик ва геометрик нисбатлар ўртасидаги алоқани аниқлаб берди, баязги геометрик қонунларни қашф этди. Математик Винер асос солган кибернетиканинг назарий ва мантиқий асосини Хоразмийнинг алгоритмлари назарияси ташкил этади: "алгоритм" сўзининг ўзи - лотинчада - "ал-Хоразмий" демакдир.

Оврўпода XYI асргача Аҳмад Фарғонийнинг "Илми нуҳум асослари" фалакиёт илми бўйича асосий дарслек бўлиб хизмат қилган. Бу асар муаллифини эса Алфраганус деб билишган. Ҳозирда кенг қўлланилаётган тригонометрик функциялар назариясини яратишда Аҳмад Марвазийнинг муайян хизмати бўлган.

Мантиқ тараққиётида, риёзатнинг фалсафий масалаларини, мусиқа илмининг математик назариясини ишлаб чиқишида Абу Наср Форобийнинг хизматлари катта... Ҳамид Ҳўжандий кейинчалик "Фермининг улуг назарияси" деб ном олган назарияга муҳим ҳисса қўшган. Аллома Абу Ҳасан Мансур куб тенгламаларни очиш методларини ишлаб чиқдан.

Тарих, риёзат, фалакиёт, илми хиёл (механика), тиббиёт, маъданшунослик, геодезия, сайдана (фармакогнозия), фан тарихи. Шарқнинг энциклопедик ақл эгаси бўлмиш Абу Райхон Беруний ўз ҳиссасини қўшган фан соҳасининг тўла бўлмаган рўйхати-ана шундан иборат.

Умуман олганда, диёрнимиз мутафаккирлари табиатшунослик, аниқ фанлар соҳаларидаги ютуқларга, техника ва амалиёт, моддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги қашфиётларга ҳаҷон маданияти, цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшиш билан бирга фан, фалсафа тарихига методологик баҳо берганлар.

Илмий тадқиқотларнинг тажрибага асосланган бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғояни Ҳобир ибн Ҳайён ўзининг "Етмиш китоб", "Заҳарлар ҳақида китоб", "Концентрациялар ҳақида китоб", "Солиштирмалар ҳақида кичик китоб" асарларида илгари сурган. "Тиббиёт фанлари ва алхимия билан шуғулланувчиларнинг бурчлари, - деб ёзган эди Ҳобир, - муттасил меҳнат қилиш ва тажрибалар ўтказишидир. Илим факат шулар ёрдамида қўлга киритилади".

Химияда назария ва экспериментни ўзаро туташтириб, Э.И.Хольмядрдинг фикрича, Ҳобир Розий ва Ибн Сино билан биргаликда алхимикларнинг эликсир тўғрисидаги тасаввурларининг бартараф этилиши ни бошлаб берган эди.

Ўрта аср фалакиёт илмининг асосий тадқиқот, тажриба қуроли устурлоб Иброҳим ал-Фазарий томонидан юлдузлар, коинотдаги ҳисмларнинг жойлашиши, улар ораларидаги масофаларни ўлчаш учун ишланган (IX аср). Секстант, яъни ҳаракатланувчи квадрант эса Муса ибн Шокир ўғиллари томонидан ясалган ва улар 882 йилда Боғдоднинг жуғрофий кенглиги 10 (градус), эклиптиканинг эгринаниши 20, 33, 52 эканлигини аниқлаб берганлар. Улар баъзи содда механизмларни, автоматик қурилмаларни (юқ кўтариш ва тушириш, каналлар, тўғонлар, шлюзларда сувни кўтариш ва тушириш, денгиз сатҳининг, сувнинг кўтарилишини ўлчайдиган, бошқариб туралиган қурилмалар курганлар. Андалусиялик Ибн Фирнас-механик эса (IX аср) шиша фабрикасини қурган, метроном ихтиро қилган ва учиш аппарати (асбоби)ни ясашга уринган, қаноттга ўхшаш асбоблар ёрдамида қисқа масофага

учиб, ерга қўнишга муваффақ бўлган. 1010 йилда Ҳавҳарий ҳам учишга уринган. Ўрта аср араб-мусулмон илм-фани, техникаси тараққиёти тадқиқотчиси А. Теризогли, А. Медзинг ёзишича, қўшлар қанотлари юзаси ва танасининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга ва демак, учишинг физикавий қонунларини ишлаб чиқишга уринганлар.

XI-XII асрларда эса Арасту механикасига танқидий ёндошиб, табиатшunoslik ва фалсафага "майллар" тушунчасини киритган Ибн Сино қарашларини ривожлантирган Абу-л-Баракат ал-Бағдодий механик ва ўзаро таъсирнинг асоси "инерция" тушунчасига ва бутун олам механикасини яратишга деярли яқин келиб қолган эди. Абу-л-Баракат механикаси кейинчалик Оврупода "импетус" назарияси ва Ньютон механикасининг вуждуга келишида муайян дараҷада роль ўйнади (Ш. Пинес, М. М. Романская).

Механиканинг ривожланиши эса денгизчилик ишларининг такомиллашишига, кемалар ва қайиқларнинг юқ ва одам ташиш ҳаммининг оширилишига, океан, дengizлар ва дарёларда пасажир ва юқ ташиш кемачилигининг ривожланишига, дengiz хариталари, лоцияларнинг бениҳоя такомиллашувига, компаснинг ихтиро қилинишига олиб келди.

Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида фалакиёт илмининг ютуқлари билан кўшилиб, жуғрофия, механика, дengizчилик илмлари ривожида сифатий сакрашларга, оламшумул илмий-жуғрофий ва астрономик камфиётлар қилинишига олиб келди.

Агар X асрда Ибн Руста "Ер шар шаклида, у ўзи ўки атрофида айланади" деган қарашларни илгари сурган бўлса, Зратосфендан сўнг "араб-мусулмон олим"лари халифа Маъмун буйруғи билан ал-Хоразмий бошлилигига Санжар тоғлари воҳасида Ер меридианининг эгилиш бурчагини аниқлаб, ер шарининг катталигиии (айланасининг узунлиги) илмий ўлчаш, ҳисоблашга эришилар.

Шри-Ланкада араб фалакиётчилари яратган "Жанубий Қутб" - "Арин минораси" билан боғлиқ картографик асарлар, шунингдек. Берунийнинг "Китоб ал-Қонун ал-Масъудий" қомуси кейинчалик Христофор Колумбнинг "Ернинг ноксимон шаклда эканлиги" ва шу билан бирга "Арин минораси" рўпараси - Гарбий ярим шарда, яъни Шарқий ярим шар қарама-қаршисида ундан юксакроқ марказ борлиги тўғрисида хулоса чиқаришига олиб келди ва, акад. И. Ю. Крачковскийнинг ибораси билан айтганда, қанчалик таажхубланмайлик, ишониб-ишонмайлик араб жуғрофий назарияси Янги дунё (Америка)нинг камф этилишида муайян роль ўйнаган.

Химияда Ҳобир, Розий, Беруний, Ибн Сино, Ҳазиний ва бошқалар назарияни эксперимент, таҳрибалар ўтказиш билан күшиб олиб бориб, миқдорий тадқиқотларга йўл очиб, алхимикларнинг эликсир тўғрисидаги хурофтларини бартараф этишга йўл очган бўлсалар (Э.И.Хольмайд), улар яратган кимёвий асбоблар, химия фани ва техникаси тушунчаларини ҳозирги замон химия фани тушунчаларига яқинлаштирган эди. Тиббиётда турли жарроҳлик асбоблари – нозик кесувчи наштарлар (Скальпел), жарроҳликдан сўнг яра, ичак ва териларни тикиш иплари (аз-Захравий), уларнинг газак олмаслиги учун қайта ишлашда керак дорилар жуда хилма-хил қилиб тайёрланар эди. Масалан, Абу Бакр ар-Розий биринчи бўлиб вабони эмлашга, жуда яхши эшилган кўйичаги билан жароҳатларни тикиш ва битириб юборишга эришган эди (У.И.Каримов). Ўша даврларда ёқ инсон тарихи (анатомияси) ўликин ёриб ўрганиш орқали тасаввур қилинган, тирик мавжудотларда бир бутун қон айланиш маъмуни борлиги маъдум бўлган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда мунаххимлик ва механик-математик қуролларни тайёрлаш кенг йўлга кўйилган бўлиб. Ҳарронда – қадимдан юлдузларга сифиниб келгандар ютида энг аниқ фалакиёт ва риёзат асбоблари, қурилмалари тайёрланар эди, энг аниқ тортадиган Ҳаррон тарозулари халқ оғзидан тушмас эди (Мец). Бу даврда, шунингдек, сув, шамол ва чигир тегирмонларини Шарқий Туркистондан Мағрибгача бўлган жойларда ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга кўйилган эди. Бу ерларда тоф-кончилик, металлургия ва маъдан қазиб олиш, қайта ишлаш, тўғонлар, сув омборлари, ариқлар, шлизлар, осма, сув ва понтон кўприклар, шаҳарларда сув қувурлари. Шарқий Туркистондан эса табиий газдан сопол ёки бамбук қувурларда кундалик эҳтиёжлар учун фойдаланиш кенг йўлга кўйилган эди. М.Ерзининг кузатиш ва тадқиқотлари шуни кўрсатади, Шарқий Туркистонда милоднинг III асрдан бошлаб ксилографик ва ҳаракатланувчи ёғочга ўйилган шрифт (набор) усуllibарида китоб босиш йўлга кўйилган (ҳарф терин асбоблари), станоклар ва шрифтлар етиб келган бўлиб. Шарқий Туркистон тўла мусулмонлаштирилмагунча, яъни XII-XIV асрларгача китоб босиш ишлари гуллаб яшнаган. Бундан ташқари пороҳдан турли мақсадларда фойдаланилган, комплас эса денгизда ва қуруқликтаги саёҳатларда кўлланила бошланган. Ана шуларни назарда тутиб, инсон ақли, иродаси, қудрати, улар ортида табиат кучларининг қудратини назарда тутиб Абу Машъар Машаллоҳ, "Табиат ҳамма нарсадан қудратлидир" деган хуносага келган эди. Бу хуносага ҳам кейинчалик оврўполиклар

(Ф.Бэкон) томонидан ўзлаштирилиб, янги давр илм-фан техника тараққиётининг асосий шиорларидан бири бўлиб қолди - "Билим - бу куч-қудрат демакдир". (Ж.Бэкон).

Араб-мусулмон табиатшунослигининг энг муҳим ва жаҳоншумул ютуқларидан бири Ибн ал-Ҳайсам томонидан асос солинган ва ривожлантирилган оптика (XI аср) фанининг вужудга келиши бўлди.

Коинотдаги юлдузлар, сайдераларнинг ҳаракатини чуқур ўрганиш. Ернинг ҳаракатда ва шар шаклида эканлиги, қитъалар ва денгизларнинг жойлашуви, силжиш ва ўзгариш Ер қаъридаги жуда катта биологик ҳаракатларга боғлиқ эканлиги (Ибн Сино "аш-Шифо") борасидаги илмий башорат. Африка ортида ер шарининг мувозанатини сақлаб турувчи қуруқлик (қитъя) бўлиши кераклиги тўғрисидаги "кўз кўриб. қулоқ эшитмаган", эркин ва довюрак фикр ва гоялар, ниҳоят, Ер ҳажми, меридиани бўйича узунлигининг аниқланиши, шу асосда ернинг сферик ифодаси-глобуснинг яратилиши (Беруний) ўз даври илм-фан, фалсафаси, техникаси ва амалиёти тараққиёти учун инқилобий аҳамиятга эга эди. Бу гоялар нафақат Шарқнинг ўзи учун, балки Гарбий Оврўпо ва умуман, ҳозирги замон илм-фани, фалсафаси, техникаси, ижтимоий тараққиёти учун, ҳозирги замонга хос илмий тафаккур усулининг шаклланиши учун ҳам фундаментал аҳамиятга эга бўлди.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Туркистон, умуман, бутун ўрта аср ўрта ва Яқин Шарқ араб-мусулмон маданияти, табиатшунослигининг коинот, табиат ва инсон тўғрисидаги илғор табиий-илмий ва фалсафий қарашлари илм-фан ва ижтимоий тараққиётни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариб юборди. Шарқ мутафаккирлари "юнон риёзиёти, фалакиёти ва тиббиётининг тор асосларини емириб ташлаб, алгебра ва тригонометрия, шунингдек, оптика фанларининг асосларини қурдилар", - деб ёзган эди Й.Бернал.

Табиий-илмий тасаввурларнинг тобора чуқурлашиб бориши оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигии пайқаш, аниқ фанлар соҳасида олиб борилган фундаментал тадқиқотларда (Ю-бир-химияда, Розий-химия ва тиббиётда, Хоразмий, Фарғоний математика ва астрономияда, Беруний фалакиёт, геодезия, маъданшуносликда, Ибн Сино тиббиётда ва манзил, шаҳар сиёсатида) мазкур алоқадорликнинг қонуний ва бузилмас эканлигининг тасдиқлана бориши олам, табиат ва инсоннинг келиб чиқиши тўғрисидаги ўрта аср хуро-фотларига зид илмий қарашлар эволюцион дунёқараш (пантенестик ва деистик)нинг шаклланишига олиб келди. Эволюционизм анъаналари Йо-

бир, Эроншахрий, Мөхиз, Масъудий, Розий, "Ихван-ус-Сафо"чилар ва Қазваний таълимотларида айниқса яқдol ифодаланган бўлиб, ҳаётнинг хонсиз (анорганик) табиат билан алоқадорлиги, одамнинг маймун билан уруғдошлиги тахмин қилинар эди.

Бу эволюцион назария биринчи бўлиб Форобий томонидан илгари сурилади ва табиий-илмий таълимот сифатида асослаб берилади. "Минераллар, - деб ёзган эди Фаробий, - дастлабки унсурларга энг яқин ва энг оддий аралашмалардан вужудга келадилар: уларнинг унсурлардан ажralиши ҳали учча катта эмас. Ўсимликлар мураккаброқ ва унсурлардан анча ажralган аралашмалардан келиб чиқади ва улар муайян дараҳада кўп сонлидир. Ақлсиз ҳайвонлар эса ўсимликлардан ҳам мураккаброқ аралашмадан келиб чиқади. Ва фақат инсонгина олдинги аралашмадан, яъни ҳайвонот оламидан келиб чиқади. Бу эволюцион назария Ибн Сино, Абул-Баракот ва Қазванийларнинг (унинг "Ажойиб ул-маҳлуқот" асари бизгача етиб келган) ўсимликлар, ҳайвонот олами фаунасига багишланган фундаментал асарларида эмпирик табиатшунослик ва фалсафиј нуқтаи назардан далилланади ва янада ривожлантирилади.

Одамнинг табиат эволюцияси натижасида ҳайвонот оламидан келиб чиқишида биофизиологик ва ижтимоий амалиётнинг ўринини худа ишонарли гипотеза шаклида (Ибн Синонинг "Ҳай ибн Яқзон", яъни "Уйғоқ, Тирик ўғли" ва Ибн Туфайлинг худди ана шу номдаги асари) илгари сурилиши том маънода фан, фалсафа, ижтимоий тараққиёт учун, дунё ва унинг қонунларини янгича тафаккур қилиш усули ва ҳозирги замон маъносидаги дунёқарашнинг шавклланишига, рационализм ва инсонпарварлик майларининг кучайшига олиб келди.

Эволюцион дунёқарашнинг муҳим томони шунда эдики, унда инсоннинг барча руҳий, ақлий ва маънавий ҳусусиятлари инсон танасининг табиий-физиологик ҳолати, имконияти билан белгиланади, деган содда табиий-илмий дунёқараш нуқтаи-назаридан туриб мoddий оламнинг киши онгига нисбатан, борлиқнинг тафаккурга, табиатнинг руҳга нисбатан бирлашибиллиги, қийинчилклар билан бўлса-да, бевосита эътироф этилган эди. Бу ҳақда машҳур ақонд ал-Газалий бундай ёзади: "Улар, яъни табиатшунослар инсоннинг фикрлаш қобилияти унинг мижозига боғлиқ ва мижоз йўқ бўлиши билан қобилияти ҳам йўқолади, деб ўйладилар".

Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, ўша давр маданияти, фани, фалсафаси ва ижтимоий тараққиёти учун инқилобий аҳамиятга молик бўл-



ган мазкур назарий хulosалар оддий эмпирик тадқиқотлар натижалари, кузатилған далил (факт)лар бўлиб қолмасдан, фалсафий жиҳатдан талқин этилган, изоҳланган эди ва ўз даврининг илмий дунёқараси сифатида кўр-кўрона эътиқодга, курофотларга қарши йўналтирилган эди. Масалан, Форобийнинг издошлари, ҳамкасларидан бирни Ҳаким Адаб Исмоил Хиравий унинг табиатшунослик, тиббиёттга доир асарларини бир неча бор кўйдириб юборишга уринган, унинг жонига ҳам бир неча бор қасд қилган, аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва мантикий исботглаш усусларига очиқдан-очиқ жоҳиллик муносабатида бўлган Абдуллоҳ Ансорийга у қаттиқ касал бўлиб қолиб, уни тузатишнинг ҳеч иложини тополмай, унга (Адаб Исмоилга) мурожаат қилгандарида, у Ансорийнинг пешобидан касалини аниқлаб, дорилар ва муо-лаха тадбирларини ечиб берган, - яна "унга бориб айтинглар, китоб кўйдириш эмас, илм ўрганиш керак". - деб танбеҳ берган.

Кўриниб турибдики, VIII-XIII асрлардаги фан ва маданиятнинг юксак ривожи, табиатни тадқиқ этишда ақл ва мантиқ, эмпиризм ва рационализм усусларининг кенг қўлланилиши, табиатшунослик билан фалсафа ўртасидаги иттифоқ табиатшунослик соҳасидаги илгари сурилган далил ва қашфиётларни, эмпирик хulosаларни дунёқараш нуқтаи-назаридан қайтадан кўриб чиқиш ва баҳолашни таълаб қилас эди.

Бу эса табиатшуносларнинг ҳар бир хulosасини диний ақидачилликка, фанни кўр-кўрона эътиқодга қарама-қарши кўяр, диний эътиқодни ақлий билиш, амалиёт жиҳатларига кўра шубҳага олиш, танқид қилиш, унинг таъсир доирасини чеклаб боришига йўл очар эди.

#### МАШШОИЙЙУН ВА ТАБИИЙЙУН ФАЛСАФАСИ

VIII-XIII асрларда йўта ва Яқин Шарқ араб-мусулмон фалсафаси ўз тараққиётининг гуллаб яшнаган даврини бошидан кечирди. Унда биз юкорида қисман ёритганимиз қадарийлар, муржийлар, мутазил ва каломдан иборат рационалистик ва инсонпарварлик йўналишидаги диний-фалсафий оқимлар, тасаввуфнинг орифлик таълимоти тараффорлари - "соф араб-мусулмон" фалсафаси - машшоиййунлар (Киндий, Форобий, Яхъё ибн Ади, Ибн Сино, Умар Хайём, Насридин Тусий, Ибн Бажжа, Ибн Туфайл, Ибн Рушд), Демокритнинг эмпирик табиатшунослик фалсафаси йўналишидаги табииййунлар (Мобир, Эроншаҳрий, Розий, Беруний, Абу-л-Баракот), амалиёт, сиёсат, давлат ва ахлоқ фалсафаси

(Абу Ханифа, Абу Юсуф ал-Хирожий, Мавардий, Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино, Кайковус, Низом-ул-Мулк, Насрилдин Тусий, Саъдий, Ҳофиз), мантиқшунослик ва ҳозирги семантиқ мантиқ фалсафаси йўналишидаги фалсафа (Матта ибн Юнус, Ҷханна ибн Хайлон, Форобий, Абу Сулаймон Мантиқий ас-Сижистоний, Ибн Сино, Насрилдин Тусий, хуруфийлар, Мир Сайд Шариф Ҳуржоний), фанни, фалсафий ва диний таълимотларни қиёсий ўрганувчилар (Ибн ан-Надим, Абу Абдуллоҳ Ко-тиб Ҳоразмий, Абдулкарим аш-Шаҳристоний, Байҳакий, Ибн Ҳалиқон, Ибн аби Усайбиҳа, ал-Форисий ал-Фахрий) каби оқимлар мавжуд бўлган.

Юқорида санаб ўтилган фалсафий оқимлар ва уларнинг энг муҳим фалсафий муаммоларини бу ерда санаб ўтишнинг, тўла баён қилиб беришнинг ҳеч имкони йўқ. Биз бу ерда асосан машҳорийун, табиийун ва амалиёт, сиёsat, давлат ва аҳлоқ бўйича фалсафий оқимларнинг энг умумий, муҳим жиҳатларини тавсифлаш билан кифояланамиз.

Агар VIII-IX асрларда араб-мусулмон фалсафаси халифалар, сultonлар, амирлар саройларидағи бевосита баҳс-мунозаралар, хинд ва юнон фалсафасини таржималар қилиш ва уларга шарҳлар ёзиш жараённида ривожланган бўлса, X-XIII асрларда мадрасаларда, "Дор-ил-Ҳикма", "Дор-ил-Илм", "Дор-ит-тибб"ларда, Бинир ибн Матта, Ҷханна ибн Хайлон, Иброҳим ал-Марвазий, Форобий, Ибн Синолар кабилаларнинг давраларида, фалсафий мактабларида мунтазам таҳсил, юксак савияли баҳс-мунозара санъати, академик тадциқотлар жараёнида, файласуф олимлар ўртасидаги (бухороликлар билан ҳамадонлик, нишопурлик, шерозлик, хоразмликлар ўртасидаги), машҳорийун ва табиийун вакиллари Ибн Сино ва Беруний ўртасидаги ва ҳатто бир фалсафа мактаби вакиллари, масалан, Ибн Сино билан Баҳманёр, Ибн Зайло ва бошқалар ўртасидаги очиқ ва ёзма баҳс-мунозараларда ривожланди. Фақат баъзи истисно ҳоллардаги фалсафий таълимотлар, ҳумладан, хуруфийлар фалсафаси яширин (ботиний) кўринишда мавжуд бўлган. "Расоил (Послания) энциклопедик тўпламлар" тарқатиш орқали тарғиб ва ташвиқ этилган.

Бундан ташқари, фалсафанинг илмий тушунчалари, категориал апарати юксак, такомилга эришган фалсафий фанлар юқори назарий-методологик даражада тасниф (классификация) қилинган. Бу ўринда Форобийнинг "Иҳсо-ал-улум", Ибн Синонинг "Ақсом улум ал-аклия", Абу Абдуллоҳ Ҳоразмийнинг "Мағотиҳ-ул-улум", Фаҳриддин Розийнинг "Жомеъ-ул-улум" каби асарларини эслаш кифоядир. Фалсафа аҳолининг анча-мунча зиёли, маърифатли қатламлари, косиб-хунармандлар, сав-

догарлар, сайдылар, сиёсатчилар ўртасида кенг тарқалиб улгурган эди. Айни пайтда фалсафадаги ўта сүл қараашлар, гоя ва таълимотлар мажозий (символик) тил, тушунчалар ва ибораларда, бадий образларда ҳам ифодаланган (Форобийнинг "Китоб-ул-хуруф", Ибн Синонинг "Ўйгоқ, Тирик ўғли", "Саламон ва Ибсол", "Құш рисоласи" фалсафий қиссаларини, Насриддин Тусийнинг "Раззат-ут-таслым ё тасаввурот" каби асарларини эсланг).

Даврнинг ўта қизғин, суронлигига қарамасдан, араб-мусулмон файласуфлари илм-фан, фалсафанинг энг фундаментал категориялари: борлық, субстанция, материя ва унинг атрибутлари, ҳаракат қонуниятлари ва физикавий механизм, жон, рух, онг, тафаккур, фозил жамият, комил инсонни шакллантириш каби абадий ва доимий долзарб муаммолари мавзуси устида ишлаганлар ва жуда мұхим илмий-фалсафий қоюқларга эришганлар.

Деистик ва пантеистик дүнекараашга асосланган Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино каби мутафаккирлар диний ақидачиликка, илохиётчиларнинг спекулятив фалсафаси-Каломга соғлом УЙГОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИ: ақл, илм-фан, мантикий нұқтаи назардан туриб танқидий ёндешар эдилар. Улар мутлақ ҳақиқат фақат Қуръон ва Суннада деевчи мутакаллимлардан фарқлы ўлароқ ақидалар, билімларни мажозий, ақлий талқын, шарқ қилиб, ҳақиқатнинг илмий, холисона тавсифини сабаб-оқибат зангирига асосланувчи мантикий тафаккур ёрдамида ҳам күлгә киритилиши мүмкінлігини күрсатиб, инсон ўз ақли, илм-фан, фалсафа ёрдамида ҳақиқатни тадқиқ қилишга ва қидириб топишга ҳақ-ли эканлыгини исботлашган эдилар.

Диний ақидачиликнинг ўзини илм-фан, фалсафани тарғиб қилишга мажбур қилишнинг ўзи бўлмас эди, албаттa. Бунинг учун диний-акидавий мағкуранинг ўзини ақлий ва мажозий талқын қилиш, уларни ақл, илм-фан, фалсафа далиллари билан тўқнашмайдиган ҳолда келтириш, уларнинг тараққиётига хавф солмайдиган қилиб талқын этиш, яъни расмий ҳукмрон диний ақидалардан четта чиқувчи илғор гоялар ва қараашларга эга бўлган бир бутун дунёвий фалсафа маданиятини вужудга келтиришни талаб қилас эди.

Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино каби мутафаккирлар олам, инсон ва худонинг ўзаро муносабатларини креационалистик ва таъдиричилик нұқтаи назаридан изоҳлаш ўрнига, пантеистик ва деистик таълимотларни, қараашларни илгари сурган эдилар. Розий ва Беруний назарida худо бор. У қачонлардир оламнинг яратилишида туртки, во-

ситачи бўлиб, кейинчалик эса уни ўз ҳолига ташлаб қўйган ва олам ўз қонунларига биноан яшай бошлаган, ривожланган: у абадийдир. Розийнинг фикрича, худо дунёнинг асосида ётувчи беш асос: хаюла (материя), макон, замон, жон - уларни ўзаро туташтирувчи, уларга ҳаракат, ҳаёт бағишловчидир. Беруний ўзининг "Геодезия" номли машхур асарида худони деизмнинг пантеизмга жуда яқин шакли, олам қонуниятларининг амал қилишига, инсоннинг яхши яшашига кўмаклашувчи зот сифатида тушунтирган.

Умуман Йобир, Эроншахрий, Розий, Беруний ёки Абу-л-Баракот каби мутафаккирлар худонинг иродаси ва яратувчилик фаолиятини оқилона мақсад, адолат ва эзгуликни амалга оширувчи йўналишда талқин этгандар.

Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирлар худо, олам ва инсоннинг ўзаро муносабатларини Арасту фалсафасининг сабаб-оқибат принциплари, неоплатонизмнинг эманация (судур, файзи илоҳий) назарияси асосида тушунтириб, худо ва олам, табиат ва инсон ўзаро қарама-қарши, мутлақо бегона борлиқлар эмас, балки бир вукудият (борлиқ) нинг бир - бирига боғлиқ, ўзаро бир-бирини тақо佐 этувчи икки томонидир, худо - вожиб-ул-вужуд - борлиқнинг сабаби, моҳияти, олам, инсон эса - мумкин-ул-вужуд, яъни оқибат, бўлиши эҳтимол бўлган борлиқдир, деб тушунтирганлар. Олам, табиат, инсон ва худо ўртасида моҳиятий, зарурий боғлиқлик мавжуд, улар яхлит, бир бутун борлиқни ташкил этадилар. Демак, худо азалий ва абадий экан, моддий олам, табиат ҳам ўзининг барча кўришиллари, моҳиятида азалий ва абадийдир.

Форобий, Ибн Сино каби мутафаккирларнинг фикрича, илоҳий моҳиятга эга бўлган инсон яшайдиган шу дунёгина реалдир. Шунинг учун инсон шу дунёда ақл талабларига риоя қилган ҳолда яшши, ҳақиқий моддий ва маънавий бахт-саодатга эришиши керак. Ана шунда ундан келажак авлодларга яхши хотира, маънавий мулк қолади ва у келгуси авлодлар хотирасида яхши одам, фозил-етук киши, комил инсон сифатида абадий яшайди. Агарда киши ўзининг хисмоний ва маънавий қобилияtlарини, табиатини меҳнат, таълим - тарбия, касб-хунар, саънатларини эгаллаш орқали такомиллаштириласса, ундан келгуси авлодларга ёмон, жоҳил киши деган хотира қолади ва у кишилар хотирасидан ўчиб, йўқ бўлиб кетади, бу жуда катта бахтсизликдир. Форобий ва Ибн Сино ақидалар худди ана шу ҳақиқий бахтга эришиш ёки бахтсизликни нахозий ифодалаб, гўёёги инсон нариги дунёда бў-

лади, қиёмат кунни тирилтирилади, даҳшатли сўроққа тутилади, ўз қилмишларига яраша жазо ёки савоб олади, деб ифодалайдилар, холос. Аслида бу уларнинг фикрини, олам, инсон ҳаётининг маъноси тўғрисидаги илмий ва ҳаётий ҳақиқатларни жоҳил, билимсиз мутаассиб кишиларга уларнинг тасаввурларига мослаб, диний афсона, ривоят, ҳикоя, эртак, масаллар ва ҳ. шаклларда етказишидир. Пайғамбарлар ана шундай ҳикмат ва сиёсат эгаси бўлганлар, инсониятни ана шу йўл билан инсонийлик ва ҳақиқат йўлига олиб чиқишига уринганлар, деган "пайғамбарлик фалсафасини" Форобий ва Ибн Синонлар илгари сурғанлар.

Ибн Туғайлнинг "Пайғамбарлик фалсафаси" нуқтаи назаридан туриб хабар беришига қараганада, Форобий бидъат, ҳурофотга ботган кишиларнинг нариги дунё, ундаги дўъёҳ азоблари тўғрисидаги тасаввурларини ақли алмойи-жалмойи бўлиб қолган камтирилар ва ақли оқизиларнинг босинкираш, алаҳсирашларидир, деб тушунирган. Буни илоҳиёт диний мағкура манбаатларига зид деб, тўғри тушуниши истамаган имом Фаззолий эса "Шу пайтгача бирон бир мусулмон бундай коғирликга журъат этмаган эди " деб ҳақсиз Форобий ва Ибн Синони куфрга кетишда айبلاغан.

Розий, Форобий, Беруний ва Ибн Сино ўз ижодларида илоҳий илҳом нури ёрдамида гойибни билишни, сохта авлиёлик ва мӯълизакорликларни ўз даври учун илмий асосда шубҳа остига ола билганлар. Инсон ўз умрини "Билим"нинг бундай сохта йўлларига бағишламаслиги кераклигини, ҳиссий билиш ва амалий тажрибага асосланган илмий ҳақиқатгина унинг самарали ва баҳтли ҳаёт кечиришига имкон беринши таъкидлаганлар.

Бироқ, диний мутаассибчилик у вақтда кучли бўлганлиги учун улар "ҳақиқатнинг икки ёқламалиги " тўғрисидаги таълимотни илгари сурғанлар.

Уларнинг фикрича. ҳақиқат гарчи битта бўлса-да, унга эришиш йўли икки томонламадир. Биринчидан, ақл ва мантиқ далиллари йўли бўлиб, бу таълим ва таҳсил олган, ақлли, илмли кишилар учун, иккинчиси эса-маҳозий ифодалар. ривоят, ҳикоя ва масаллар йўли. Кейинги йўл диний китобларда баён этилган, кўр-кўронада эътиқодга ўргатилганлар йўли, илмий ҳақиқатларни тўғридан-тўғри қабул қила олмайдиганлар, маҳозий қабул қила оладиган, тасаввур қила оладиганлар йўлидир. Бу икки ҳақиқат назарияси диний ва дунёвий билимларни, илм-фан фалсафаси билан илоҳиёт чегараларини ахратиб бе-

ришда, уларнинг ўзаро тўқнашмасдан, мустақил ривожланишларини таъминлашда, фан ва фалсафанинг аҳамиятини кўтаришда жуда муҳим ўрин тутади. VIII-XIII аср Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, жамият, давлат ва инсоннинг шахсий ҳаётида ҳукмрон синфлар, авлиёлар, пайғамбарлар ўрнини ақлий, инсонпарварлик нуқтаи назаридан ҳал қилишга имкон беради. Худо оламдаги тақдири азали моҳияттан билганилиги, уни ўзи ўрнатганилигига қарамай, олам ва ундаги ишлар, шу ҳумладан, инсон иродаси ва фаолияти ўткинчи, ўзгарувчи бўлганилиги учун уларни билиш, уларга аралашишдан юқори туради. Бунинг устига дунёнинг ишларига бирор-бир тарзда аралашиб, уларни ўзбошимчалик билан ўзgartириб, бузиб-тузатиб туриш ҳудонинг донолиги ва адолатлилигига зид экан, оламда табиат ва инсон ҳаётида табиат қонунлари, инсон ҳаётида эса унинг ақли эркин иродаси ҳукмронлик қиласи. Бу эса пайғамбарлар – файласуфларнинг инсоният жамиятига (Мадина), инсоннинг ўзини эса, Комил инсонга айлантириш ва тарбиялашга маънавий раҳбарлик қилишларини тақозо қиласи. Форобий, Розий, Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирлар, пайғамбарлар ва файласуфлар инсоният жамиятини фозил ҳамиятга, инсонни эса комил инсонга айлантиришлари зарурлиги, бу уларнинг илоҳий ва инсоний бурчлари эканлиги гоясидан келиб чикканлар. Бу таълимот ҳам Шарқ ва Гарб маданияти тараққиётida сезиларли даражада ижобий аҳамият касб этади.

**Адабиётлар:**

- КАРИМОВ И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., "ўзбекистон", 1995.  
ЗОҲИДОВ А. Туркистонда ўрта аср араб мусулмон маданияти. Т., ФАН, 1993.  
ИСКАНДАРОВ Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. Т., "ўзбекистон", 1993.

### ҮРТА АСР ГАРБ ФАЛСАФАСИ

1. Ўрта аср гарб фалсафасининг ўзига жос хусусиятлари.
2. Реализм ва номинализм баҳслари.
3. Ўрта аср фалсафасида ақл, ирода муаммолари. Ирода эркинлиги.

1. Агар қадимги фалсафа құлчилік даврида пайдо бўлган бўлса, ўрта аср фалсафаси Фарбда феодализм даврида вуҳудга келди (V-XV асрлар). Ўрта асрларда ягона худо ҳақидаги динлар пайдо бўла бошлади. Фарбда христиан динининг вуҳудга келиши ва ривоҷланиши ҳамма нарсанинг яратувчиси, моҳияти табиат эмас, балки худо, деган фикрлаш тарзига асосланган.

Христиан таълимотига кўра, ҳамма нарсанинг яратувчиси худо ва ҳамма нарса унинг ҳоҳиши билан амалга ошади. Маълумки, қадимги фалсафада борлик, материя (пассив), шакл (актив) бирлигидан бошланса, христиан фалсафасида ҳар қандай нарса фақат битта, ягона худо томонидан бошланади, яратилади. Нарсаларнинг ҳаммаси яратганинг меваси деб кўрсатилади. Худо мустақил, ҳеч нарсага bogлиq бўлмаган моҳиятдир. Бутун моҳиятнинг манбаи ҳам худо. Христиан фалсафасининг вакилларидан бири Августин Блаженскийдир (354-430). У худони олий борлик, субстанция (моҳият), олий номоддий шакл, олий эзгуликлар, деб тавсифлайди. Худо олий борлик экан, у ҳамма вақт эзгулик яратар экан. ёмонлик борлик эмас, ижобий реаллик эмас, балки салбий реаллик, борликнинг акси.унинг бузувчисидир. Демак, шайтоннинг гапига кириб гумон қилиш, ёмонлик қилиш ҳақиқий борликда қарши бўлиб, уни бузишга олиб келади. ёмонлик худонинг моҳиятидан келиб чиқмайди, деб ўргатади христиан фалсафаси.

Ўрта аср гарб фалсафаси ўзига икки манбани назарий асос қилиб олди. Биринчиси, христиан динидаги башоратлар, унинг таълимоти бўлса, иккинчиси, қадимги юнон фалсафаси айниқса, ундаги ғоявий борлик тўғрисидаги идеалистик қарашлар эди. Мана шу икки анъанавий қарашларни синтезлаш асосида ўрта аср гарб фалсафаси вуҳудга келди ва шаклланди.

Ўрта аср гарб фалсафасида борлик ёки мавжудлик билан моҳият тушунчалари ўртасидаги фарқ масаласи ўртага ташланди. Бу фалсафа дунёни билиш учун қўйидаги саволларни майдонга ташлади:

1. Нарсалар борми? 2. У нима ўзи? 3. У қандай? 4. У нима учун мавжуд? Бу саволларнинг биринчиси борлик, мавжудликни аниқлашни талаб қиласди. Аристотель борлик, моҳият тўғрисида фикр юритса-да, уларнинг фарқига эътибор бермаган эди. Ўрта аср файласуфи Бозций (480-524) бу тушунчаларнинг фарқини аниқ кўрсатиб беради. Унингча, борлик, материя (мавжудлик) ва моҳият бир хиллек эмас. У фикрят яратганинг ўзи учун оддий субстанция сифатида борлиқни ташкил этади. Яратилган нарсалар оддий эмас, балки мураккабдир. У ёки бу моҳият мавжуд бўлиши учун борлиқда биргаликда иштирок этиши керак. Бошқача қилиб айтганда, моҳият яратилган бўлиши керак, деб кўрсатади.

Нарсаларнинг моҳияти тушунчада ифодаланади. Биз уни ақлнимиз билан фаҳмлаймиз. Унинг мавжудлигини таҳриба орқали биламиз, ақл орқали била олмаймиз. Чунки у худо иродасига боғлиқ, уни яратганинг ўзи билади, яратади, деб таълим беради. Демак, борлик (мавжудлик) фикрлашга тегишли бўлмаган худо ақидасидир (догмасидир).

2. Ўрта аср фалсафасидаги яна бир ўзига хос томон - бу реализм билан номинализм ўртасидаги баҳс-мунозараидир. Бу тортишув қадимги давр фалсафасида ҳам, ўрта аср Шарқ фалсафасида ҳам мавжуд бўлган. "Реализм" тушунчаси ҳозирги даврда ишлатиладиган маънодан бутунлай бошқа маънони билдиради. У лотин тилида (реалист) мавжудлик, борлик, деган маънони англатади. Реализм ўрта асрлардаги шундай таълимотки, унга кўра, ҳақиқий реалистикни умумий тушунчаларгина ифода этади, улар универсал хусусиятга эга. Айрим олинган предметлар, нарсалар реал эмас, балки умумий тушунчаларнинг ҳодисаси, холос.

Ўрта аср реализм таълимоти юон файласуфи Платоннинг моҳият тўғрисидаги қарашлари билан ҳамоҳангидир. Чунки у реал борлик ўзгармас, абадий мустақил ғоялардан иборат, алоҳида нарсалар ўткинчи, ўзгарувчан деб айтган эди. Ўрта асрдаги реализм таълимотига кўра, умумий тушунчалар нарсалардан олдин илоҳий фикр сифатида мавжуд бўлади. Шунинг учун инсон умумий тушунчаларни билиш орқали нарсаларнинг моҳиятини билади, чунки бу моҳият умумий тушунчадан бошқа нарса эмас. Шунинг учун бу оқимнинг йирик намояндаси Ансельм Кентерберийский (1033-1109) инсон билиши фақат ақл ёрдамида амалга ошади, чунки фақат ақлгина умумий фаҳмлаш қобилиятига эга, деган эди. Бундай таълимотга қарши номинализм оқими ақлдан кўра иродани устун қўяди. Номинализм термини лотин тилида ("помен")

ном, исем деган маънони англатади. Номинализм таълимотига кўра, умумий тушунча фақат номни билдиради. У мустақил мавжуд бўлиш аҳамиятига эга эмас.

Умумий тушунчалар якка нарсалар ва ҳодисаларсиз мустақил аҳамиятга эга эмас. Якка предметлар ва ҳодисалар бизнинг онгимизда акс этиб, уларни мавхумлаш ва умумлаштириш асосида умумий белгиларни топамиз. Бу белгилар бир бутун жинсдаги нарсаларга тегишли бўлади. Масалан, биз "одам" тушунчасини олиб қарасак, ҳамма одамларга хос белгиларни, яъни онглилик белгисини топамиз. Ва бу белги ҳамма одамларга хос умумий ва уни бошقا мавжудодлардан фарқлайдиган белгидир. Шундай қилиб, номинализм таълимотига кўра, умумий тушунчалар нарсалардан олдин эмас, балки нарсалар ундан олдин пайдо бўлади. Номинализм вакилларидан Росцелин (XI-XII), У.Оккам (1285-1340), И.Буридин (XIII аср охири ва XIV аср боши), отрекурлик Николай (XIV) ва бошқалар. Реализм таълимотининг йирик вакили христиан фалсафасининг асосчиси Фома Аквинскийдир (1225(26)-1274).

Номинализм таълимотини ривожлантиришда Марказий Осиё мутафаккирларидан Ибн Сино, Форобийларнинг хизмати катта. Улар ҳам Шарқда мавжуд бўлган "реализм" - калом фалсафасининг қарашлари билан доим баҳслалиб келганлар.

Ўрта аср номинализми Фр.Бэкон, Дж.Локк, Д.Юннинг эмпирик фалсафасининг пайдо бўлишида ҳам асос бўлди ва табиат фанлари ривожида муҳим роль ўйнади.

Ўрта аср Фарб фалсафасидаги реализм эса сколастик фалсафага асос солди. XI асрларга келиб ўрта аср умумий тушунчаси тарафдорлари мантиқ илмини ўрганиш учун ўзларида эҳтиёж сеза бошладилар. Тушунчаларнинг маъноси, уларнинг аҳамияти тўғрисида мунозаралар қизиб кетди. Аристотель логикиаси Бозэций томонидан таржима қилинди. Тушунчалар ҳар томонлама талқин этилди. Шу асосида теология "ҳақиқий эътиқод"нинг мантиқий асосини исботлаш учун кескин мунозаралар бўлди. Диалектика ҳақиқатни топиш воситаси сифатида қаралди. Диалектика мактабларда ўқитилди. Сколастик диалектика турли оқимларни вуждуга келтириди. XV-XVI асрларда бундай оппозиция, бир томондан, гуманитар дунёвий маданият сифатида бўлса, иккинчи томондан, неоплатончилик натур философия шаклида намоён бўлди.

Ўрта аср Фарб фалсафаси Шарқ фалсафасидан фарқли ўлароқ табиатни эмас, балки худони ва инсон руҳиятини ўрганишга қаратилди.

Табиатни ўрганганда ҳам турли символик рамзий маънода ўргандилар. Дунё инсон учун эзгулик бўлибгина қолмай, тарбия, ўқитувчи ҳамдир. Ўрта аср Farb фалсафаси вакиллари, "инсон ким?" деган савонни майдонга ташладилар ва унга турлича ҳавоб бердилар. Бироқ турлича ҳавобларнинг ҳаммаси учун умумий томонлар ҳам бор. Биринчиси, "инсон худога ўхшаган образда" деган библия таълимоти бўлса, иккинчиси, инсон тўғрисидаги Платон ва Аристотель қарашларини асос қилиб олган "инсон ақли ҳайвон" деган фикр эди. Унга кўра, инсонда энг асосийси ақлийикдан бошланадими ёки ҳайвондан бошланадими, деган савол туғилди. "Ақл нима-ю ҳаёт (ҳайвонлик) нима?" деган савол ҳам пайдо бўлган. Энг асосийси, инсон худога ўхшаган образ деган таъриф тўғри деб қаралган. Хўш, шундай экан, худонинг қайси хислати инсоннинг можиятини ташкил этади. Инсон бошқа мавжудлардан фарқли ўлароқ худо даргоҳидан тушган, ўша томонга кетади.

Демак, у бу дунёга табиатдан бошқа бир дунёдан келган ва ўша томонга кетади. У худонинг маконида яшашга қаратилган зот, у бутун табиат устидан ҳукмронлик қилиши керак, деган таълимот келиб чиқади. Инсонни бошқа яратилган нарсаларнинг ҳукмдори, деб таърифлайдилар. Худо бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлса, инсонга ўзидан бошқа ҳамма яратилган нарсаларнинг ҳукмдори, деб қарадилар. Демак, инсон ташки таъсирга мисбатан эркин ва уларга бўлган муносабати ҳам эркин. Шундай қилиб, ақли инсон иродаси билан эркин, деб кўрсатдилар. Инсон бутун нарсаларга ҳукмронлик қилиши учун худо унга ҳаётни бердики, бу тана ва жон бирлигидир.

#### Адабиётлар:

Введение в философию. Часть 1. М., 1989.

МАЙОРОВ Г. Формирование средневековой философии. М., 1979.

Ўрта аср Farb фалсафаси. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

#### УЙГОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИ

Farbий Европада уйгониш даври, кўпчилик олимларнинг эътироф этишича, ўрта асрнинг сўнгги юз йиллигидан янги давргача бўлган оралиқни, хусусан, XIV-XVI асрларни ўз ичига олади.

XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида Гарбий Европа мамлакатларида янги давр бошлангаётганидан дарак берувчи бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар бўлди. Жумладан, Италияда янги тузумнинг биринчи белгиси-мануфактуралар вуждуга кела бошлади. Шаҳар, шаҳар маданияти ва савдо ривожланди, ишлаб чиқариш суръати жадаллашди, техникада кашфиётлар бўлди, ишлаб чиқаришга техник воситалар кириб кела бошлади. Европада (Шарқдан кейин) компас яратилди ва янги денгиз йўллари очила бошланди. Магеланнинг дунё бўйлаб сафари, Америка ва Хиндистонга денгиз йўлининг очилиши шулар жумласидандир.

Европа мамлакатларидаги бундай ўзгаришлар натижасида нафақат иқтисод ва сиёsat, шу билан бирга фан ва маданият, шунингдек, фалсафа ўрта асрда ҳукмрон гоя бўлган дин таъсиридан қутула борди ва дастлабки буржуа маданияти шакллана бошлади. Бу давр маданиятининг асосий мазмуни инсон манбаатларига хизмат қилишга ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Шунинг учун бу маданиятни яратувчи буржуа зиёлилари тарихда гуманистлар, яъни инсонпарварлар деган ном олдилар. Тўғри, инсон ҳамма вақт мутафаккирлар диққат марказида бўлган. Фақат қадимги даврда у коинотнинг бир бўлаги сифатида ўрганилган, ўрта асрда "Худо тимсоли" сифатида талқин қилинганд. Буржуа зиёлилари эса ўз асарларида конкрет инсоннинг манбаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилганлар. Бу даврининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бу даврда қадимги юнонлар маънавияти, турмуш тарзи, фикрлаш усуслари қайтадан тикланди, ренессанс, яъни уйғониш дейилишининг асл сабаби ҳам шунда.
2. Бу давр маданияти, юқорида айтилганидек, гуманистик характеристи билан ахралиб турган.
3. Бу давр фалсафаси антисхоластик йўналишда бўлган ва антропоцентрик характерга эга бўлган.
4. Бу даврда табиат талқинига янгича ёндошилди: у инсон билимларининг манбани сифатида ўрганила бошланди.
5. Инсон табиати ва жамият моҳияти тўғрисидаги тасаввурлар ўзгарди.

Уйғониш даврининг йирик вакилларидан бири Николай Кузанский (1401-1464) бўлган. У, фалсафий қарашларга кўра, пантенест. Унинг фикрича, Худо энг олий ва мутлақ борлиқ бўлиб, табиатни ва инсонни яратган. Айни вақтда табиат бир қанча хусусиятларига кўра, энг

аввало. макондаги чексизлиги ва вақтдаги абадийлиги билан Худога ўхшашдир. Н.Кузанский "Барча нарсалар Худода бўлгани каби Ҳудо барча нарсалардадир". деган ибораси орқали Ҳудо табиий олам нарсаларида намоён бўлиши ва нарсалар қайтадан Худода жамланиши тўғрисидаги ғояни илгари суради.

Н. Кузанский ўз қарашларида гуманистик фалсафанинг асосий муаммоси ҳисобланган инсон масаласига ҳам катта эътибор беради.

Мутафаккирнинг билиш борасидаги қарашлари билиш назарияси ривожида муҳим аҳамият касб этади. У билиш ҳиссиятдан бошланиб, идрок қилиш орқали ақлда якунланади, деган фикрни ўртага ташлайди. Н. Кузанский, билишдан мақсад абадий ва ўзгармас "илоҳий ҳақиқат"га эришишдир, деган ўрта аср сколастларидан фарқли ўлароқ, билиш жараёни инсон билимларининг чексиз такомиллашувидир, дейди.

Янги давр жамиятга ҳам янгича ёндашувни тақозо этар эди. Бундай қарашлар асосида индивидуализм ётган: жамият бир-бирига боғлиқ бўлмаган, мустақил индивидлар йигиндиси сифатида тушунилади.

Машҳур сиёsatчи Николло Макиавеллини (1469-1527 й.) уйғониш даврининг биринчи социологи дейиш мумкин. У эгоизм, моддий манфатдорлик инсон фаoliyatining асосидир, деган ғояни илгари суради. "Одамлар, - деб ёзади у, - ота-онасининг ўлимини йўқотган мол-мулкига нисбатан тезроқ унутадилар".

Макиавелли давлат мавжудлигини дин(черков)га боғлаб тушунтирган ўрта аср фалсафий Фикридан фарқли ўлароқ давлат ҳуқуқий тартибот органлари орқали қонуллар асосида бошқарилиши кераклигini айтади.

Макиавелли "Подшоҳ" деб номланган асарида давлатнинг куч-кудратини қонун ташкил этиши лозимлигини, бунга эришиш учун турли йўллардан фойдаланиш мумкинлигини баён қиласди. "Кудратли давлат тузмоқчи бўлган ҳукмдор бир қанча, жумладан, шер ва тулки хусусиятларига эга бўлиши керак", - деб ёзади у.

Халқ манфаатларини ифодалайдиган жамият қандай бўлиши керак? Инглиз гуманисти ва давлат арбоби Томас Мор (1478-1535) ўзининг "Утопия" асарида бу саволга жавоб беришга ҳаракат қиласди. У халқнинг азоб-уқубатда яшаётганлигини чуқур қайгу билан ёзар экан, бунинг асосий сабабини хусусий мулкдан қидиради. Хусусий мулкни кишилик жамиятининг асоси, деб билган Макиавеллидан фарқли ўлароқ Т. Мор уни ижтимоий зулмнинг бош сабаби деб кўрсатади. "Утопия"да

тасвирланган жамиятнинг характерли белгиси унда хусусий мулкнинг йўқлиги, мускул кучига асосланган оддий жисмоний меҳнатидир.

Т.Мор гоялари италиялик файласуф ва социолог Томмазо Кампанелла (1568-1639) томонидан ривожлантирилди. Кампанелла италияликларнинг зулмига қарши курашига бошчилик қиласи, бироқ сотқинлик натижасида бу кураш мағлубиятга учрайди. Кампанелла эса 27 йил қамоқда ётади. У шу ерда 1602 йилда машхур "Қуёш шахри" асарини ёзди. Бунда у одамлар жамоа бўлиб яшаши кераклигини, жамоа манфаати уни ташкил этган аъзолари манфаатидан юқори туриши лозимлигини баён қиласи. "Қуёш шахри"да тасвирланган жамиятда ҳам "Утопия"даги сингари хусусий мулк бўлмайди, аммо меҳнат бу ерда такомиллашган: кўйл меҳнати ўрнини техника эгаллаган; меҳнат маҳбуриятдан эҳтиёжга айланган.

Уйгониш даврида турли соҳаларда бўлган ўзгаришлар, хусусан, кемасозликнинг тараққиёти, ҳарбий соҳадаги ихтиrolар, катта-катта қурилишлар в. б. табиий фанларининг ривожланишига туртки бўлди, коинотни ўрганишда янгиликлар кашф қилинди. Польшалик олим Николай Коперник (1473-1543 й.) яратган гелиоцентризм назарияси табиатшунослик ривожида янги босқични бошлаб берди. У ўзининг "Османий жисмларнинг айланиши тўғрисида" номли асарида Аристотель ва Птоломейларнинг геоцентрик таълимоти (Ер коинот Маркази) нотўғри эканлигини исбот қилди. Ер ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланади, деган ғоя билан фан оламида инқилоб қилди. Диндорлар Н.Коперникнинг бу кашfiётiga икки хил ёндашилар:

1) календарнинг ўзгаришидан (1582 й.) манбаатдор бўлганлар унга яхши муносабатда бўлдилар;

2) бу кашfiётни олам тўғрисидаги диний қарашларга зид деб билганлар унга салбий муносабат билдирилар.

Уйгониш даври фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган етакчи олимлардан яна бири Жордано Бруно (1548-1600 й.й.) бўлиб, у Коперникнинг камчиликларини тузатди ва гелиоцентрик таълимотни ривожлантириди. У оламнинг чексизлигини далиллар асосида аниқ ва равшан исботлаб берди. Унинг дунёкараши, шаклига кўра, пантеистик йўналишда (худо ва табиатни айналаштириш) бўлса-да, мазмуни воқеаликни реал акс эттиришга қаратилган эди.

Билиш масаласида Ж.Бруно Н.Кузанский ғоясини (сезги, ҳиссий қабул, ақл) қўллаб-қувватлади. Бироқ бу жараёнда ҳиссий билиш

аҳамиятини түғри баҳолай олмади, рационалистик нұқтаи назардан туриб фикр юритди.

Үйғониш давридаги бу табиатшунос олимларнинг олам түғрисидағи гоялари ўша даврдаги ھукмрон диний қараашларга зид бўлгани учун инквизиция уларнинг асарларини ўқишини тақиқлади. Ўзларини суд қилиб, бирини (Н. Коперник) осишга, бирини (М. Бруно) ўтда ёндиришга ҳукм қилди. Г. Галилей эса гўё "адашганини" тан олиб, ўз фикридан қайтган бўлди. Бироқ уларнинг гоялари фан оламига кириб борган эди, энди уни ҳеч қандай куч, шу ҳумладан, инквизиция ҳам тўхтаби қола олмади.

Билиш масаласида Галилей қўйидагича фикр юритган: фан диндан ажralиши, табиат ва инсон фаннинг ўрганиш обьекти бўлиши керак, уни математика ва тажриба орқалигина ўрганиш мумкин, бунда инсон ақли ҳал қилувчи ўрин тутади. Худога ишониш ва унга сигиниш, инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракатлари диннинг обьекти бўлиб, у Инжил ёрдамида ўрганилади.

Кўринадики, Галилей табиатни билишнинг чексизлиги түғрисидағи гояни илгари сурган. Галилей ижодининг таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкин: мутафаккир ўзининг илмий-фалсафий қараашлари билан, бир томондан, үйғониш давридаги фалсафий фикрга якун ясанган бўлса, иккинчи томондан, янги давр фалсафасини бошлаб берди.

#### Адабиётлар:

Введение в философию. Часть 1. М., 1990.

ХАЙРУЛЛАЕВ Ш. Үйғониш даври фалсафаси ва шарқ мутафаккилари. Т., 1971.

Үйғониш даври фалсафаси. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

#### XVII-XVIII АСРЛАРДА ГАРБИЙ ЕВРОПАДА ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР РИВОЖИ (ЯНГИ ДАВР ФАЛСАФАСИ)

XVII-XVIII асрлар кишилик тарихида янги бир босқични бошлаб берди ва тарих солномасига "Янги давр" номи билан кирди. Бу давр ўзига хос ҳусусиятларга эга.

1. Бу даврдаги буржуа инқилоблари ва ҳалқ ҳаракатлари натижасида бир қатор Европа мамлакатларида жуда катта ижтимоий-иқти-

содий ва сиёсий ўзгаришлар бўлди. Бунинг қонуний якуни ўлароқ, Англия, Голландия ва Франция каби давлатларда XVI-XVII асрларда феодал муносабатлар бағрида шакллана бошлаган капиталистик ишлаб чиқариш қарор топди.

2. Географик ва илмий кашфиётлар туфайли ахборот кўлами жуда кенгайди. Бу даврдаги ахборот, миқдорига кўра, XX асрдагига тенг келса-келгану, ундан кам бўлмаган.

3. Булар (капитализм тараққиёти ва ахборотнинг кўпайиши) ўз навбатида фан ривожини тақозо этди. Олдинги "фан фан учун" шиори "фан инсон хизмати учун" шиори билан алмашди: Табиатшуносликда янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилди (Ньютон, Лейбниц, Торичелли ва бошқалар).

4. Бу даврда адабиёт, санъат ва маданиятда ҳам тенги йўқ асарлар яратилди (Шекспир, Рембрандт ва б.). Уларда инсон муаммиси, унинг қудрати ва гўзаллиги каби масалалар акс эттирилган.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва мъявнавиятида бўлган бу бурилишлар, табиийки, янги даврдаги фалсафий фикрга ҳам таъсир этди.

Англиялик Ф.Бэкон ва франциялик Р.Декарт янги даврнинг биринчи муттафаккирлари бўлдилар.

Френсис Бэкон (1561-1626й.) файласуф олимдан кўра кўпроқ давлат арбоби сифатида фаолият кўрсатган. Кўпчилик тадқиқотчилар уни сиёсатчи сифатида тан олишади. Зотан у ёшлигидан сиёсатга қизиккан. 19 ёшидаёт Бэкон сиёсат майдонида ўзини кўрсатган. Кейинчалик у элчи, судья, вазир, лорд-канцлер лавозимларида ишлаган. У фармонлар, қарорлар, сиёсий ишлар ёзиш билан овора бўлиб, фан ва фалсафа билан чуқур шугуллана олмаган.

Маълумотларга кўра, у порахўрликда айбланади ва ҳибсга олиниади. Бироқ унинг порахўрлигини исботловчи даліллар йўқлиги сабабли озод қилинади ва ишдан четлаштирилади. Колган умрини у илм-фанга багишлайди ва иккита йирик фалсафий асар ёзади. Биринчи китоби "Янги органон"да (1620) Бэкон ўзининг фан ва унинг усуllibари тўғрисидаги қарашларини баён қилган. Иккинчи китоби "Янги Атлантида" (1627) унинг жамият ҳақидаги фикрлари акс эттирилган.

Бэкон фикрича, билишнинг асосий вазифаси табиатдан инсон манбаатлари йўлида фойдаланиш, яъни унинг устидан ҳукмронлик қилиш, шунингдек, инсон ҳаётини такомиллаштириш бўлиши керак. Билиш-

да у тажрибага катта эътибор беради. Тажриба, унингча, икки хил бўлади:

1. Самарали тажриба. Бундай тажриба инсонга бевосита фойда келтиради.

2. Йўл кўрсатувчи тажриба. Бундай тажриба ёрдамида қонунлар ва нарсаларнинг хоссалари ўрганилади.

Фан тўғрисида гапирап экан, уни ақл билан боғлайди ва ақлни адашишлардан тозалаш керак, деган гояни илгари суради. Унинг таъкидлашибича, билиш йўлида 4 та тўсиқ-ғов бор. Булар қўйидагилар:

1. Инсон табиати билан боғлиқ бўлган тўсиқлар. Инсон табиат тўғрисида ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда фикр юритади: ўзидағи илоҳийликни табиатга ҳам кўчиради.

2. Ғор тўсиқлари. Олимларнинг субъектив ёндашуви натижасидағи хатолар. Кимнингдир назарида яхши ҳисобланган нарса бошқа бирор учун ёмон бўлиши мумкин.

3. Бозор тўсиқлари. Кишилар ўртасидаги сўзлар воситасида олиб борилган фикр алмашув натижасида вужудга келган ғовлар.

4. Театр тўсиқлари. Таңқидий ўрганилмаган, ёлғон фикрлар туфайли пайдо бўлган тўсиқлар.

Бу тўсиқларни билиш табиатни ўрганишдаги хатоларнинг олдини олади.

Бэкон билишда метод аҳамиятига ҳам тўхтади. Ҳозиргача, таъкидлайди олим, кашфиётлар тасодифан бўлган. Тадқиқотчилар тўғри метод билан қуролланганларида эди, кашфиётлар ҳозиргидан анча кўп бўлган бўлур эди. У дорматик ва эмпирик методларни таҳлил қиласди ва улардаги бирёзламаликни кўрсатади. Ҳақиқий метод, унинг фикрича, тажриба орқали олинган материалларни мияда қайта ишлаш усулидир. Бунда у индуктив методни назарда тутади.

Рене Декарт (1596-1650й.). таъбир жоиз бўлса, ўргамчик олим бўлган: у бирон-бир олий ўқув юртида ўқимаган, олимлар даврасида бўлмаган, ўзи ўқиб, ўзи ўрганган. У 1621 йилгача ҳарбий хизматда бўлган. Ҳарбий хизмат Декартнинг фан билан шуғулланиши учун маълум даражада шароит яратган: ҳарбий юришлар, асосан, март-октябрь ойларида бўлган, қолган вақтда китоб ўқиш, олимлар билан суҳбатлашиш имкони бўлган. Декарт бўш вақтдан унумли фойдаланган ва фаннинг турли йўналишларида ижод қилган: аналитик геометрия, тўғри бурчакли координаталар тизими Декарт номи билан боғлиқ. У ўз тадқиқотларида математика методини кўллаган.

Фалсафий фикр ривожида ҳам унинг ҳиссаси катта бўлган.

Декарт, Фалсафий термин билан айтганда, дуалист. Унинг фикрича, икки нарса - номоддий ва моддий субстанция бирламчи асос сифатида мавжуд. Ҳар иккисини олий субстанция - худо бошқаради.

Билиш масаласида Декарт қўйидагича Фикрлайди: билиш шубҳадан бошланиши керак, чунки шубҳа данакни қум ва тупроқдан тозалайди. Ҳамма нарсага шубҳа билан қараш фалсафий фикрнинг асоси бўлиши керак.

Декарт билишда сезги билан бир қаторда инсон ақлига юқори баҳо беради, натижада рационализмни ривожлантиради. У Бэконга қарама-қарши ўлароқ дедуктив метод тарафдори.

Билишнинг вазифаси, Декарт уқтиришича, инсоннинг табиат кучлари устидан ҳуқмронлигини таъминлашдан, инсон табиатини янада такомиллаштиришдан иборат.

Декартнинг фалсафий фикрлари кейинги давр фалсафаси тараққиётida мухим ўрин тутади.

Томас Гоббс (1588-1679 й.) фалсафа тарихида ўзига хос ўрин тутади. У илғор ғоялари учун Англияда таъқиб қилинади ва у ердан кетишга мажбур бўлади. Италиядан кейин бир муддат Францияда яшайди ва бу ерда Бэконга котиблик қиласи. Т.Гоббс Бэкон ғояларини чукур ўрганади ва тартибга келтиради.

Гоббс фикрича, дунё жисмлар йигиндисидан иборат, жисмсиз бирор-бир нарса мавжуд бўлмайди. Жисмсиз субстанция бамисоли жисмсиз жисмдир. Тафаккурни материядан ахраттиш мумкин эмас.

Билишда у Декарт рационализмига қарама-қарши ўлароқ сезгилар аҳамиятига ортиқча баҳо беради: ташқи олами жиссий қабуллаш /сезги/ билиш манбаи. Сезги ёрдамида ҳосил қилинган "ғоя" (нарса) ақл орқали қайта "ишлов"дан ўтади.

"Левиафан" асарида Т. Гоббснинг давлат тўғрисидаги қарашлари баён қилинган. Унинг фикрича, кишилик жамиятининг икки хил ҳолати мавжуд: табиий ва фуқаролик.

Табиий - бу инсониятнинг дастлабки ҳолати. Бунда кишилар шахсий манфаат, ўз-ўзини сақлаш йўлида табиатдаги (яшаш учун кураш) сингари бир-бирини йўқ қилишга ҳаракат қиласи, кучли енгади, кучсиз енгилади, бошқача айтганда, киши кишига бўри бўлиб, барча барчага қарши урушади. Бундай даҳшатнинг олдини олиш учун давлат тузиш керак. Давлат шахсий манфаатларни умум манфаатига бўйсундирди ва тўс-тўполонга йўл қўймайди.

Давлат вужудга келгандан сўнг кишилар ўртасидаги муносабатларни бошқаришга асосланган жамият фуқаролик ҳолат ҳисобланади. Демак, давлат жамият аъзоларини бир мақсадга йўналтирувчи, улар ўртасида тинчликни сақлаб турувчи, умум манфаатини таъминловчи зўрлик воситаси-диктатурадир, бироқ бу зўрлик машниаси синфий манфаат билан боғлиқлигини олим тушунмади. Шунга қарамай Т.Гоббснинг хизмати шунда бўладики, унга қадар давлат оллоҳнинг эрк-хоҳиши деб тушунтирилган ва илоҳийлаштирилган эди. Гоббс эса, бундай қарашга барҳам берди ва давлат инсон манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқлигини кўрсатиб берди.

Бэкон ишларини изчилилк билан давом эттирган мутафаккирлардан яна бири Джон Локк (1632-1704 й.й.) бўлган. Гоббс, юқорида айтилганидек, Бэкон қарашларини тартибга солиш билан чегараланган бўлса, Локк унинг ҳиссиёт дунёси билан чамбарчас боғлиқлиги тўғрисидаги ғояларини асослаб берди.

Англияда Локк сиёsatчи сифатида машҳур, чунки у ўз асарларидан 1688 йилги буржуа революциясининг икки ҳукмрон синф буржуазия ва янги дворянларнинг келишиши (муросаси) билан якунланганлиги қонуний жараён эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Ҳақиқатан ҳам Локк буржуа демократиясининг назариётчиси сифатида бир қатор ғояларни илгари сурган. Жумладан, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳукуматларига бўлиш тўғрисидаги фикрни биринчи бор Локк ўртага ташлаган. Ижро этувчи ҳукумат, унингча, ҳалқ сайлайдиган қонун чиқарувчи ҳукумат, яъни парламент назоратида бўлиши керак. Кўринадики, Локк ҳалқнинг сайлаш ҳуқуқи тўғрисида ҳам биринчи бўлиб сўз юритган. Бу ғоя кейинчалик француз маърифатпарвари Ж.Ж.Руссо томонидан ривожлантирилган. Мустақил йўзбекистонда демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий давлат қуриш жараёни бораётган бугунги шароитда бу таълимот янада аҳамиятлади.

Локк билиш масаласи устида ҳам атрофлича фикр юритган. "Инсон акли тўғрисида тажриба" (1690 й.) номли асарида у "тұғма гоя"лар ҳақидағи қарашларни танқид қиласди. ҳар қандай ғоянинг ягона асоси тажрибадир, деган фикрни айтади ва уни исботлашга ҳаракат қиласди. Тажриба, унингча, икки хил: ички ва ташқи бўлади ва ҳар иккиси ўз манбаига эта. Ички тажрибанинг манбаи-рефлексия бўлиб, у фикрлаш, ҳис-ҳаяжон ва эҳтирос билан боғлиқ. Ташқи тажрибанинг манбаи сезги бўлиб, у инсондан ташқаридаги нарса-ҳодисаларнинг сезги аъзоларига таъсири натижасида вужудга келади.

Локк нарса-ҳодисаларнинг сезги аъзоларига таъсири ҳақида фикр эритар экан, нарсаларнинг сифатини ҳам бирламчи ва иккиламчи сифатларга бўлади. Зичлик, узунлик, ҳаракат кабилар бирламчи сифатда бўлиб, нарсаларнинг ўзига хосдир. Ранг, таъм, овоз кабилар иккиламчи сифат бўлиб, нарсаларнинг ўзига хосдек бўлиб кўринса-да, аслида уларда бўлмайди: уларда сезги ўйғотиш қобилияти бор, холос.

"Агар ҳамма нарса сезгилар орқали намоён бўлса, у ҳолда инсон бирон-бир сезги аъзоси билан ҳис қила олмайдиган худо, жаннат ва дўзах каби тушунчалар қаердан пайдо бўлган?" - деган саволга жавоб беришда Локк юкорида айтилган ички тажриба-рефлексияга, яъни ички ўз-ўзини англашга таянади ва бу масалада ҳам келишиш (муроса) йўлинни танлайди.

Бу даврнинг фалсафаси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган яна бир донишманд нидерландиялик Бенедикт Спиноза (1632-1677 й.)дир. У ўзига тўқ диндор яхудий оиласида туғилган ва улар мухитида ўсган. Ота-онаси уни ҳам диндор қилиб тарбияламоқчи бўлишади, бироқ бунга эриша олишмайди.

Бу даврда фан ва техника, санъат ва маданият Европанинг бошқа мамлакатларига қараганда Нидерландияда анча ривожланган ва янги босқичга кўтарилган, янги давр фалсафасининг асосчиларидан ҳисобланмиш Р. Декарт 20 йил давомида шу ерда фаолият кўрсатган, унинг шогирдлари, хусусан, Анри де Руи устози ишни изчилик билан давом эттирган ва буларнинг ҳаммаси Нидерландияда фалсафа тараққиёти учун яхши шароитлар яратган эди.

Илгор иммий гоялар, айниқса, Декарт фалсафаси билан яқиндан шуғулланган Спиноза ота-онаси раъйига қарши боради ва дин билан алоқасини узади. Ота-онаси ва атроффагилар уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлишади, лекин Спиноза танлаган йўлидан қайтмайди. Шунда уни яккараб қўйишади, таъкиб қилишади ва ҳатто унга сунқасд уштиришади. Спиноза Амстердамни ташлаб кетишга маъбур бўлади, у умрининг охиригача кичик бир қишлоқда ёлғиз яшайди ва ойначилик қилиб кун кўради. Бўш вақтларида фан ва фалсафа билан шуғулланади, бир қатор фалсафий асарлар ёзиши ният қиласди, аммо мудҳиш касаллик сабабли фақат иккита китобини тутгаллашга улгуради: "Илюҳий-сиёсий трактат" (1670 й) ва "Этика" (1675 й). Бироқ улар Спиноза ҳаётлигига нашр этилмайди. 100 йилдан кейингина буюк файласуф Гегель уларни қайта тиклайди. Ҳаётлигига тан олишмаган Спиноза

зани ўлымидан кейин 100 йил ўтгач файласуғ сифатида эътироф эта-  
дилар.

Спиноза Р.Декарт изидан боради ва ундағы дуализмни енгіб.  
монастик ғояни илгари суради. У субстанция, табиат ва худо түшун-  
чаларини ишлатади, ишлатганда ҳам уларни тенг маңнода құллайды.  
Шунга күра, унда пантегизм элементи бор, дейиш мүмкін.

Мутафаккир биринчи китобида Инжилга ва оламнинг худо томони-  
дан яратылғанига шубҳа билан қарайды. Уннинг ёзишича, Инжил худо  
томонидан юборылған мұқаддас китоб эмас, балки кишилар ижодининг  
махсулидір.

Билиш масаласида Спиноза рационалист сифатида фикр юритади.  
Уннингча, билиш уч босқычдан иборат:

1. Энг қуйи босқыч-ташқы оламни ҳиссий билишга асосланған  
тасаввур. Бу тартибсиз бўлади.
2. Иккинчи босқыч-исботлар воситасида ақлга асосланған билиш.
3. Учинчи олий босқыч-бевосита исботсиз ақлга асосланған би-  
лиш. Демак, биринчи босқыч ҳиссий, иккинчи ва учинчи босқычлар эса  
интеллектуал билишдир.

Спиноза ақлий билишга катта эътибор бергани ҳолда ҳис-  
сий билишни аҳамиятини тўғри тушуниб етмайди.

Мутафаккир "Этика" асарида инсон масаласини ўргата ташлайды.  
Уннинг фикрича, инсон ўз фаолиятида яхшилик қонунларига ёки ёмон-  
ликдан нафратланишга асосланмайди, балки у ўзини сақлаб қолиш ва  
фойда олиш йўлида ҳаракат қиласи. Демак, инсон фаолияти яшаш учун  
курашга қаратилган.

Спинозанинг эркинлик тўғрисидаги қараши ҳам мазкур асарда  
баён этилган. У мутлақ эркинлик бўлиши мүмкін эмас, дейди. Эркин-  
лик, Спиноза фикрича, англайлган зарурият бўлиб, инсон маълум  
доира (темир айлана) ичиде эркиндир, холос. Кейинги давр файласуғлари  
(Л. Фейербах, марксизм асосчилари в.б.) эркинлик ҳакида  
фикр юритганларида Спинозанинг эркинлик тўғрисидаги таълимотига  
асосланғандар.

Илмий-фалсафий фикр ривожида XVIII аср янги даврнинг иккинчи  
bosқычи сифатида ўзига хос ўринга эга. Илм-фан маркази бу даврда  
Францияга кўчади, чунки XVII аср охири ва XVIII аср болларида бу  
ерда маърифатчилик ҳаракати кенг қулоч ёяди. Француз маърифатчи-  
лигининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қўйидагиларни қўрсатиш  
мүмкін:

- 1) интернационал характерга эга;
- 2) феодализмга қарши йўналишда бўлган;
- 3) антиклерикал характерга эга;
- 4) фан кучига қаттиқ ишонган;
- 5) келажакка кўтаринки руҳ билан қараган.

Француз маърифатчилиги бошқа мамлакатлардаги (Америка, Германия, Россия в. б.) маърифатчиликка қараганда анча ривожланган эди.

Жан-Жак Руссо (1712-1778 й) факат Франциянинг, эмас балки бутун Европа маърифатчилигининг буюк намояндаси бўлган. Асли же-невалик Ж.Ж.-Руссо ҳаётнинг кўп қийинчиликларини бошидан кечиради. У меҳнат фаолиятини оддий хизматкорликдан бошлаган, кейинчалик идора ходими ва бошқа лавозимларда ишлаган. У бирон-бир олий ўқув юртида ўқимаган, шунинг учун фалсафий асарларида махсус илмий термин ўрнида кундалик ҳаётда ишлатиладиган оддий тушунчалардан фойдаланган. Ж.Ж. Руссо фан ривожига катта ҳисса қўшган. У ўлганда, кўмиш маросимида ҳали жамоатчилик танимаган ёш адвокат Робеспьер нутқ сўзлайди. Робеспьер кейинчалик ҳокимият тепасига келгач, Ж.Ж.-Руссо жасадини қишлоқдан Париж марказига кўчириш тўғрисида фармон чиқарди. Бу Ж.Ж. Руссо йирик мутафаккир бўлганлигини эътироф этиш эди.

Руссо жамиятшунос (социолог), сиёsatчи, ахлоқшунос, руҳшунос(психолог) ва педагог сифатида маърифатчилик тарихида чуқур из қолдирган. У ўз қарашларida шахс ва инсоннинг ўз табиатидан бегоналашуви муаммоларини кўтариб чиқади. Унинг фикрича, инсон табиатдан узоқлашмаслиги керак. Шунинг учун у кишиларни қишлоқда яшашга чақиради, зотан, у қишлоқ турмуш тарзини шаҳар турмуш тарзидан афзал кўради. Шаҳарда одам кўп, бирор бирорни танимайди, шунинг учун шаҳарда алдам-қалдам кучли: саводсиз ўзини ўқимишли, камбагал ўзини бой қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди. Бундай ёмон мухит ёмонларнинг кўпайишига олиб келади, шунинг учун қишлоқ турмуш тарзини, қишлоқ мактабларини ривожлантириш керак, дейди олим. Кишиларнинг умуман табиатдан, қолаверса, ўз табиатидан узоқлашиши қандай салбий оқибатларга олиб келаётганини бугунги ҳаёт ҳам кўрсатиб турибди. Демак, Руссонинг бундан икки ярим асрлар мұқаддам айтган фикрлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Мутафаккирнинг жамият, хусусий мулк, давлат тўғрисидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У бир вақтлар инсонлар тенг яшаган идеал

жамият бўлганини, унда ҳамма нарса барчанини бўлганини, бундай жамият ортда қолганини афсусланиб ёзди. Кишилар ўртасидаги тенгсизлик сабабини хусусий мулкда деб билади. Кичик бир жойни ўраб олган ва "Бу меники" деган биринчи одамнинг пайдо бўлиши, Руссо назарида, хусусий мулкнинг вужудга келишида асосий сабаб бўлган.

"Ихтимоий шартнома" асарида Ж.Ж. Руссо эркинлик ва юридик ҳуқуқлар тенглиги, ҳалқ ва давлат ўз вазифалари ва бурчларини кўрсатган ҳолда битим тузиши тўғрисида Фикр юритади. Шуни таъкидлаш керакки, мутафаккирнинг ўзи Франциядаги буржуа революцияси муқарарлигини тўла англаб етмаган бўлса-да, унинг ғоялари мазкур революцияни тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Ўша давргача бўлган фалсафий қарашлардан жiddий фарқ қилган, ўзигача бўлган фалсафий ғояларни ривоҷлантирибгина қолмай, балки, моҳиятига кўра, улардан анча илгарилаб кетган француз фалсафаси ана шу француз маърифатчилиги бағрида ва айни вактда унинг таркибий бир қисми сифатида шаклланди ва тараққий этди. Бу давр Гельвеций (1715-1771 й.), Гольбах (1722-1789 й.), Дидро (1713-1784 й.) Ламетрия каби бир қатор мутафаккирларни фалсафий фикр майдонига олиб чиқди.

XVIII аср француз файласуфларининг тарихий хизматларини күйидагича хulosалаш мумкин:

1. Табиатни ўрганишга системали ёндашганлар ва материяни таърифлашга уринганлар.
2. Билишда ҳиссий ва ақлий томонлар бирлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурғанлар.
3. Табиат тўғрисидаги ўз қарашларини ихтимоий ҳаётга татбиқ, этишга ҳаракат қилганлар.
4. Феодализм асосларини танқид қилиб, ҳуқуқий давлат (қонунларга риоя қиласидиган) ўрнатиш зарурлигини кўрсатганлар.
5. Дин илм-маърифат, ихтимоий тараққиёт тўсиги эканлигини исботламоқчи бўлганлар.

#### Адабиётлар:

Введение в философию. Часть I. М., 1990.

"Янги давр фалсафаси". Кафедрадаги маъруза матни, 1996.  
Фалсафа асослари. Тошкент, 1996.

### НЕМИС КЛАССИК ФАЛСАФАСИ

1. И. Кантнинг фалсафа тарихидаги ўрни.
2. Гегель диалектикаси. унинг аҳамияти ва камчиликлари.
3. Фейербахнинг антропологик материализми.

И. Кант(1724-1804) 'немис классик фалсафасининг асосчиси бўлиб, фалсафий фикр тараққиётини янги босқичга кўтарган мутафаккирdir. Кант немис халқи ва немис фалсафаси тарихидагина эмас, балки инсоният ва жаҳон маданияти тарихида буюк сиймо ҳисобланади.

Кант биринчи бўлиб билиш назариясини изчил ва чуқур фикрлаш асосида ўрганди. Билиш назариясининг онтологик (борлиқ сифатида) жиҳатдан асослаб берди. Натижада фалсафада ўзига хос инқиlob қилди. Кант билиш масалаларини ўзига хос қонуният асосида давом этадиган инсон фаолияти сифатида ўрганди. У билища билаёттан субъектнинг ўзига хослигига асосий омил сифатида қаради. Чунки билиш усуллари, моделлар ва жараёнларнинг белгиловчиси ҳам ўша билаётган шахсdir.

Кант билиш субъектининг тизимини таҳлил қиласр экан, унга XVIII аср файласуфлари сингари янглишишларнинг сабабинигина аниқлаш нуқтаи назаридан эмас, балки ҳақиқий, тўғри билимларнинг мөҳияти нуқтаи назаридан қаради. У субъектнинг ўзи икки: эмпирик ва трансценденталь дараҳа, қатламдан иборат, деб кўрсатди. Эмпирик қатламга инсон руҳий ҳолатининг индивидуал томонини, трансценденталга умуман инсонга тегишли, умумий тушунчаларни киритди.

Кантнинг фикрича, инсон билимининг объективлиги ана шу якка шахсдан юқори турадиган субъект трансценденталлиги билан мувофиқлашади. Кант назарий фалсафага асос солди. Кантнинг фикрича, назарий фалсафанинг предмети нарсаларни ўрганиш эмас. (табиат, жамият эмас), балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат.

Кант шу маънода ўз фалсафасини трансценденталь фалсафа, ўз методини эса, XYIII аср рационал-догматик методдан фарқлаб, танқидий метод деб атайди. Унинг айтишича, ўз билиш қобилиятимизни, имкониятларимизни даставвал танқидий таҳлил қилиб, чиқишимиз кепрак.) Ана шундагина билишнинг табиатини, имкониятини аниқлай олган

бўламиз, Шундай қилиб, Кант онтология ўрнига гносеологияни қўйиб. метафизик субстанция (борлиқнинг моҳияти)дан субъектни таҳлил қилишга, инсоннинг билиш фаолиятини текширишга ўтади. (Кантнинг бошқа фикрлари билиш назарияси, маънавий борлиқ темаларида берилган).

Кант инсон фаолиятини текширип экан, инсон икки дунёда яшайди, сезгилари билан ҳис қилувчи сифатида табиат қонуларига, заруриятга бўйсуниб, ақли билан эса эркинлик асосида тафаккур қонуларига, ахлоқ қоидаларига итоат этиб яшайди, деб кўрсатади.

Табиат дунёси ўз сабаби билан эмас, балки бошқа нарсанинг сабаби билан яшайди. Эркинлик дунёси ўз мақсадларини амалга ошириб яшайди. Бунда инсон ақли ва иродаси мавжуд. Мана шу асосда инсон ўз фаолиятида эркин ҳаракат қиласди. Ақлли дунё, Кантнинг фикрича, ўз мақсадини қўядиган, онгли фаолиятда бўладиган, ўз-ўзига сабаб, мақсадини амалга оширадиган мустақил дунёдир. Кант билиш назариясини назарий ақл деб атайди, ақл дунёси амалий фахм-фаросатга ҳам йўл очади. Амалий ақл инсоннинг ахлоқий қадриятлари тўғрисидаги таълимотни ҳам беради. Кант инсон ҳиссияти орқали нарса ва ҳодисалардан қониқиш ҳосил қиласди, бу қониқиш уни ҳатто фикрлашга бошлайди. Инсон ахлоқий бурч билан, яхшилик қилиш билан баҳтга эришиш мумкин, дейди. Кант инсон билишининг имкониятларини кўрсатар экан, фаннинг билишдаги аҳамиятига катта эътибор беради. Шунинг билан Кант, ўз сўзи билан айтганда, эътиқодга ҳам ўрин қўяди. Ишонч-эътиқодгина инсон жонининг ўлмаслигига ишониш эркинлиги асосида худонинг мавжудлигини ақлий исботлайди, дейди.

2. XVIII асрларда дунёни бир бутун деб қараган қадимги фикрлардан воз кечилди, бу дунёни табиат борлиги ва инсонлар дунёсига бўлинди. Бу бўлишни Кант изчилик билан амалга ошириди. Кантдан кейинги немис файласуфлари табиат ва маданиятнинг ўзига хос тараққиётини изчилик билан кўрсатиб бердилар.

Табиат сабабият ва зарурият қонуларига бўйсунса, маданият соҳаси инсоннинг онгли фаолияти орқали амалга оширилади, бунда мақсадга мувофиқлик томони ҳукмрондир. Шунга мувофиқ билимларнинг икки соҳаси турлича метод билан иш қиласди. Табиат фанларида табий-илмий метод, жамият соҳасида илмий-тарихий метод мавжуд бўлади. Кант субъект фаолиятини тарихий ўрганишни бошлаб берган бўлса-да, уни охирига етказа олмади.

Немис классик Фалсафасининг йирик намояндаларидан Гегель (1770-1831) бу масалани охирига етказди. Агар Кант ҳақиқий билим билан мифологияни, санъатдаги билишларни қарама-қарши қўйган бўлса, Гегель улар ўртасидаги фарқни мутлақлаштиришга қарши чиқди. Бу зидлик тарихий тараққиёттинг турли босқичлари билан боғлиқлигини кўрсатди. Унинг фикрича, билимлар бутун инсоният тарихи сифатида намоён бўлади. Бу фалсафада фан илмий ёки ноилмийга ахратилмайди, уларнинг ҳаммаси илмий нуқтаи назардан ўрганилади.

Агар Кантда ҳақиқат ёки хато фикрлар тўғрисида гап борса, Гегелда ҳақиқатнинг нисбийлиги, ўз даври учун ҳақиқатлиги ғояси майдонга ташланади. Гегель ҳақиқатни тарихий тараққиёт билан, ижтимоий ҳаёт билан боғлайди.

Кант билишни эмпирик ва назарий билимларга ахратса, Гегель тарихнинг ўзи фактлардан (тарихийлик) ва мантиқийликдан иборат эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Кант инсонни гносеологик нуқтаи назардан ўрганган бўлса, Гегель тафаккур тараққиётини- онтологик (борлиқ) нуқтаи назардан ўрганади. Бутун маданий-тарихий жараённи инсон фаoliyatinning турли шаклларининг намоён бўлиши асосида қаради. Натижада инсон моддий ва маънавий маданиятнинг яратувчиси сифатида намоён бўлади. Бу эса XIX-XХ асрларда гуманитар фанларда турли соҳаларнинг шаклланишига олиб келди. XIX-XХ аср инсониятнинг умумий (фуқаролик) тарихи асри бўлиб қолди. Натижада турли соҳаларнинг тарихи вужудга келди. Адабиёт тарихи, санъат, тил, мифология, фан, фалсафа, дин, ҳўжалик, иқтисод, давлат ва ҳуқуқ каби соҳаларнинг тарихи пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси маданият ҳақиқати фанлар деб аталади. Энди Гегелнинг диалектик методини кўриб чиқамиз.

Агар Шеллинг интелектуал (ақлий) интуицияни фалсафий тушунишнинг олий шакли деб билган бўлса, Гегель рационал билишга фалсафий фикрлашнинг асоси сифатида қаради. Мутафаккир фикрича, унинг асосий воситаси мантиқий тафаккур, асосий шакли эса, тушунчадир. Бироқ, бу ақлий билиш Аристотелнинг формал мантиқи (логикаси)дан фарқли ўлароқ, тафаккурнинг диалектик мантиқидир. Гегель тушунчани эскича усул билан талқин этиб бўлмайди, уни янги диалектик метод билан тушунтириш, унинг ривоҷланишини, шаклланиш жарайенини қайта фикрлаш керак, дейди.

Гегель соғ тушунчанинг мавжуд бўлишини унинг субъектив мавжудлигидан фарқлайди, унинг нарсалар билан мослиги ҳақида гапира-

ди. Демак, тушунча дастлабдан қарама-қаршиликларга айланғанлығы ва фарқи асосида ўз-ўзича ривожланар экан, у диалектика асосида боради. Бу ривожланиш асосида қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши ётади. Тафаккурнинг бу қонуни тараққиёттинг барча соҳалариға: табиятта ҳам, жамиятта ҳам тегишлидир. Тараққиёт, Гегель фикрича, маълум схема асосида боради: тезис (даъво), антитезис (инкор), синтез (инкорни инкор). Ҳар бир инкор ўзидан илгаргининг ижобий томонларини синтезлаштиради. Масалан, буғдој экилса, ўсиб чиқдан поя уни инкор этади, янги бошоқ пояни инкор этади. Натижада юқоридаги учлук амалга ошади. Гегель диалектиканинг қонун ва категорияларини ишлаб чиқди.

Гегель ўзининг системасини "Рұх феноменологиясы" (1806) асарыда беради. Үнда индивидуал онг муаммоси түғрисида фикр юритар экан, обьект билан субъекттинг қарама-қаршилигини енгис асосидаги тараққиёт онг тараққиётидан иборат эканлыгини ёзади. Бу тараққиёт пастдан юқорига босқичма-босқич боради. Индивидуал онг, бутун тараққиёт босқичи, уннинг йұллари, ана шу асосида ўз тарихини босиб ўтади. Жаҳон тарихи индивидуал онгнинг босиб ўтадиган бир бутун тараққиёт босқичларидан иборат экан. Гегель тарихий жараённи тарихчилар, филологлар, ҳуқуқшунослар, диншунослар сингари эмпирік фактлар асосида изохламайды, балки уннинг фалсафий таҳлилини, мөхияттіні очиб беради. Бутун тарихиң юксак маданият даражадасығи онг, тафаккур салохияти билан талқин қиласы, уннинг тараққиётини "дунёвий рұх" нұқтаси назаридан қарайды. Бунда субъект билан обьект үртасидаги қарама-қаршиликлар йўқ, тафаккур билан борлиқ мутлақ айнанликда қаралади. Гегель ўзининг "Логика"сида тушунчанинг ўз-ўзича ривожланиши күрсатыб беради. Тушунчанинг ўз-ўзича ривожланиши "мутлақ гоя"га интилиб ривожланар экан, демак, уннинг ҳар бир босқичи нисбий ҳақиқат сифатида намоён бўлади. Мутлақ гоя ўз ниҳоясига яқинлашади. Гегель буни тарихнинг юксак чўққиси деб қарайди. Бу уннинг чекланғанлығы эди.

3. Немис классик фалсафасининг яна бир буюк вакили Людвиг Фейербах (1804-1872) бўлиб, у таниқли адлия ходими оиласида туғилган. Дастрраб у диний йўлни ташлаган ва шу йўналиш бўйича ўқишига кирган. Бироқ бир йилдан кейин ундан айниб, ўқишини ташлаган ва Берлинга бориб, у ердаги университеттага ўқишига кирган. Бу ерда Фейербах анчагина обрў-эътиборга эга бўлган Гегель лекцияларини эшитган ва уннинг изидан бориб гегелчиларга қўшилган.

Фейербах илк фалсафий асарларидәң Гегель таълимотига шубхә билан қарайди ва аста-секин ундан узоқлаша боради. Фейербах XIX асрнинг 30-йиллари охирида ёзган "Гегель фалсафасининг танқидига доир" асарида табиатни, материяни гоявийлик асосида ётувчи реаллик сифатида талқин қиласди.

40-йилларда нашр этган китобларида ("Христианликнинг моҳияти". - 1841 й., "Фалсафани изоҳ қилиш бўйича дастлабки тезислар" 1842 й., "Келажак фалсафасининг асосий қондадлари" - 1843 й.). Фейербах идеалистик ва диний қарашларни қаттиқ танқид қиласди.

Фейербах Фикрича, тафаккурнинг борлиқда муносабати фалсафанинг бosh масаласи экан, демак, фалсафа инсон моҳияти тўғрисидаги таълимот бўлиши керак, чунки инсондан бошқа фикрловчи биронта жонзорот йўқ. Тафаккурнинг борлиқда муносабати масаласи эса фақат инсон фаолияти жараёнида ҳал қилинади. Фейербах фалсафаси инсонга қаратилган, шу боис у антропологик фалсафа дейилади. "Инсон борлиқ ва тафаккур бирлигининг субъекти, асоси қилиб олинганидагина, бу бирлики ҳақиқий дейиш мумкин". - деб ёзади Фейербах.

Маълумки, Гегель инсондан ташқаридаги мутлақ гоя-дунёвий ақл тўғрисида таълимот яратган эди. Фейербах инсондан ташқаридан бўладиган фикрлаш тўғрисидаги қарашларни, демак, Гегель ва унинг издошларини танқид қиласди.

Табиатнинг маҳсулти бўлган инсон ақлий фаолиятнинг реал субъекти, деган гояяга таянган Фейербах оламни яратувчи, ҳамма инсонни сезгувчи ва билгувчи илоҳий куч-оллоҳ мавжудлигини ҳам танқид қиласди. Дин, мутафаккир таъкидлашибча, инсонни ўлимидан кейин кутқаришга қаратилган, яъни инсоннинг нариги дунёси тұғрисидаги таълимот, фалсафа эса, ундан фарқи үлароқ инсоннинг шу яшаб турган дунёсини, инсоннинг ердаги моҳиятини ўрганадиган илмий йуналишдир, чунки нариги дунёнинг ўзи йўқ. Шу фикридан келиб чиқсан Фейербах фалсафа дин билан эмас, балки табиат тўғрисидаги фанлар билан яқин алоқада бўлиши кераклигини айтади.

Шуни қайд қилиш керакки, Фейербах динни танқид қилиши билан бир қаторда янги дин яратиш гоясини илгари суради. Динни танқид қилгандан аллома бутун ўн иккى олам ижодкори-инсондан ташқаридаги худони назарда тутади. Янги дин тўғрисида галирганда эса, инсонга боғлиқ бўлган, демак, инсон яратган динни назарда тутади. Бошқача айтганда, дин яратувчи куч эмас, яратилувчи гоядир.

Фейербахнинг бу фикрида, аслида, жон бор. Чунончи инсон мълум тартиб доирасида яшashi учун қандайдир бир гояга ишониши, аникроғи, эътиқод қилиши керак. Ишонч-эътиқодсиз яшаш бебошлик ва бошбошдоқликни келтириб чиқаради. Бунга яқин ўтмишимиз гувоҳ.

Адабиётлар:

Введение в философию. Часть I. М., 1990.

Фалсафа асослари. Тошкент, 1996.

Немис классик фалсафаси Кафедрадаги маъруза матни, 1996

ФАЛСАФИЙ ФИКР ТАРАҚҚИЁТИДА МАРКС, ЭНГЕЛЬС  
ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ ВА ТАНҚИДИ

Маркс томонидан майдонга ташланган ва Энгельс ҳамкорлигигида яратилган фалсафий қарашлар XIX аср маданий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга.

Маркс ва Энгельс фалсафий қарашларининг шаклланишида немис классик фалсафаси муҳим роль ўйнайди. Маркс ўзининг фалсафий қарашларини меҳнаткаш халқнинг озодлиги учун курашни назарий жиҳатдан асослаб беришга қаратди. Ҳеч кимга сир эмас: бошлангич капитал ҳамғариш даврида меҳнаткаш халқнинг қашшоқликда яшагани, иш-сизликтининг кўпайгани, капиталистларнинг бойлик орқасидан қувиб инсонгарчиликка қарши товар, пулга муккасидан кетгани ҳам рост. Мана шу қашшоқлар дунёқарашининг ифодаси сифатида Маркс фалсафаси пайдо бўлди ва шаклланди. Бу масалаларни ҳал қилиш учун кишиларнинг дунёга бўлган муносабатларини, табиат фанлари ютуқларини, иқтисодий муносабатларни чуқур ўрганиш керак эди.

Маркс фалсафага кишиларни маънавий озод қилиш воситаси деб қаради. Шунинг учун у жамиятни ақл билан бошқариш кераклигини таъкидлади ва, шунга кўра, фалсафани ўз даврининг маънавий квантессияси (энг биринчи моҳияти) деб атади. Агар Гегель тафаккур, гоя тараққиёти тўғрисида гапирган бўлса, Маркс бу гоянинг иқтисодий сабаби бор, чунончи гоялар ижтимоий муносабатлар асосида пайдо бўлади, деб кўрсатди. Маркс янги дунё тўғрисида фикр юритар экан, бу янги дунё амалий фаолият, инқилобий ҳаракат билан амалга оширилади, дейди. Маркс инсон юксак қадрият экан, уни озод қилиш

кераклигини таъкидлайди. Инсон давлатдан, бир-биридан бегоналашар экан, бу бегоналашининг иқтисодий сабаби бор, деган ғояни илгари суради. Шунинг учун иқтисодий бегоналашиш меҳнатдан бегоналашиш ва бошқа бегоналашининг асосини ташкил этади деб кўрсатди.

Маркс меҳнатдан бегоналашувнинг тўрут томонини кўрсатиб берди:

1. Ишчи моддий неъматлар яратиш учун меҳнат қиласр экан, на-тижаси унга тегмайди, унга бегона, зеро, ҳузурини бошқалар кўради.

2. Меҳнат жараёни ишчилар учун оғир ва мажбурий, ундан завқ-ланмайди, чарчайди, ёлиқади. Чунки у меҳнат қилишга мажбур, ишлаш ёки ишламасликни танлай олмайди. Меҳнат жараёнидан ташқарида-гина у озод бўлиб ўз эрки билан иш қиласди.

3. Меҳнат сабабли ишчи ўз табиатидан ҳам узоқлашади. Табиат билан бевосита алоқада бўлмайди, фақат меҳнат воситаси, предмети орқалигина муносабатда бўлади.

4. Меҳнат одамларни бир-биридан узоқлаштиради. Ишчиларни бир-бирига бегона қилиб қўяди.

Меҳнатдан бегоналашув ижтимоий муносабатларнинг ҳам асоси-дир, чунки бу жараёнда ишчилар фақат ўз моҳиятидан узоқлашибигина қолмайди, балки, бегоналашади. Инсон моҳияти бегоналашади ва у товар ишлаб чиқаришга қаратилади. Буларнинг ҳаммасининг сабаби хусусий мулкчилик, деб қарайди Маркс. Хусусий мулкчилик инсонни моҳиятидан узоқлаштирибигина қолмай, уни қашшоқлаштиради, унинг кучини қўшимча қўймат сифатида олди-сотдига айлантиради, деб кўр-сатади. Шунинг учун пролетариат хусусий мулкни йўқотиб, ижтимоий мулкни ташкил этиши керак. Бу социалистик инқилоб асосида юз бе-ради, деб тушунтиради Маркс. У иқтисодий муносабатларни текширишда ҳам, тарихий жараёни ўрганишда ҳам диалектик методни қўллади.

Маркс ва Энгельс диалектик метод билан материалистик қараш асосида диалектик материализмни яратдилар.

Диалектик материализмни табиат, жамият, тафаккурнинг умумий қонунлари ҳақидаги фан сифатида таҳлил этдилар. Шундай қилиб, ди-алектик материализм марксча фалсафа сифатида шаклланди.

Маркс ва Энгельс диалектиканни табиаттагина эмас, жамият та-раққиётига ҳам татбиқ этдилар. Жамиятни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтувчи тарихий жараён сифатида ўргандилар. Улар ижтимоий-иқтисодий Формация ҳақидаги таълимотларида жамиятни беш бос-қичга бўлдилар. Жамиятни ибтидоий тузумдан қулчиликка, ундан Фео-дализмга, сўнг капитализмга ва коммунизмга ўтувчи ижтимоий-зарурый

хараён деб тушунтирилар. Булар ҳаммаси XIX аср фалсафий қарашла-  
рига қучли таъсир этди. Марксизм таълимоти, дунёқараши тобора ри-  
вокланиб борди ва шўролар даврида мутлақлаштирилди, ўта мафкура-  
лаштирилди. Ҳар қандай бошқа қарашлар унга қарама-қарши қўйилган  
ҳолда талқин қилинди.

Биз марксча фалсафанинг ижобий томонларини, инсоният фалса-  
фий тафаккури тараққиётига қўшган муносаб ҳиссасини тўғри ва ҳақ-  
қоний баҳолашмиз керак. Маркс капиталистик ижтимоий-иқтисодий  
муносабатларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, жаҳонга иқтисодий на-  
зариянинг асосчиси сифатида танилди. Уларни ўрганишга диалектик  
методни татбиқ этганлиги ҳам унинг ютуғидир.

Маркснинг қўшимча қўймат назарияни ишлаб чиқариш, фан-техни-  
ка тараққиётининг маълум даражаси нуқтаи назаридан тўғри баҳолан-  
ганлиги, бу назариянинг бутун жаҳон иқтисодчилари томонидан тан  
олингани ва бугун ҳам, ундан унумли фойдаланилаётганни ҳам тўғри.  
Маркс инсонни таҳлил қилишда унинг ижтимоий томонига алоҳида эъ-  
тибор бериб, инсон моҳиятини "ижтимоий муносабатлар мажмӯи" деб  
таърифлаганини ҳам кўпчилик файласуфлар тан олади. Маркс тарихий  
тараққиётда эркинлик ва зарурият диалектикасини, тарихда халқ ом-  
масининг ўрнини тўғри кўрсатиб берган. Маркснинг фалсафага қўшган  
яна бир ҳиссаси инсон амалий фаолиятининг аҳамиятини атрофлича  
текширганидир. Унга билиш жараёни сифатида эмас, балки инсон мав-  
жуудлигининг асосий шарти: инсоннинг борлиққа бўлган муносабати-  
нинг ўзига хос маҳсус шакли сифатида қаради.

XX аср фалсафасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Маркс.  
Энгельс диалектик материализмнинг мутлоқлаштириш тоталитаризм  
мафкурасига қизмат қилишини кўрсатди. Маркснинг революцион таъли-  
моти ҳам, ҳамият тўғрисидаги таълимоти ҳам тахаввузкорлик фалса-  
фасининг замини эканлиги аён бўлиб қолди. Маркснинг динга, ҳусу-  
сий мулкга бўлган муносабати ҳам ўта салбий эканлиги ҳаммага маъ-  
лум.

#### Адабиётлар:

Введение в философию I часть, М., 1990.

Фалсафадан ваъзлар Т., 1996.

## ХХ АСР ФАЛСАФАСИ.

1. ХХ аср фалсафаси норационаллик. Иррационализм. "Ҳаёт фалсафаси". руҳий таҳлил фалсафаси.
2. ХХ аср фалсафасида инсон мұаммоси: (экзистенциализм).
3. ХХ аср ған фалсафаси: антропологик фалсафа, неопозитивизм, постпозитивизм, феноменология фалсафаси.
4. Прагматизм фалсафаси ва унинг эволюцияси.

Фалсафа тарихида ХХ аср алоҳида ўрин тутади. Бу давр фалсафаси ғоят мұраккаб ва хилма-хил фикрларга бой бўлиб, турлича мактаблар ва қарашларни ўз ичига олади. Бу даврда инсонлар ҳаётиди, ған тараққиётида, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётда мисли кўрилмаган тарихий воқеалар бўлди. Булар барчаси инсоннинг дунёга бўлган муносабатини ўзгаририб, дунёни янгича чуқурроқ ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилишга унади. Айни вақтда инсоннинг тутган ўрнини, моҳиятини, ўзлигини ва ички дунёсини тўларок ўрганишга имкон яратилди. Табиатшунослик ривожи шунчалик илгарилаб кетдики, микрора макродунёни тадқиқ қилиш, космосга одам учирish каби масалалар инсонни ҳайратга соларли даражага етди. Шу билан бирга табиатшуносликнинг ривожи янги-янги мұоммоларни ҳам келтириб чиқарди. Булар ичизи инсон мұаммоси, хусусан, унинг ички дунёси, борлиғи, моҳияти ва унинг фалсафий таҳлили каби масалалар ўз долзарблиги билан файласуфлар дикқат-эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Маълумки, Гегель ва унинг Маркс томонидан қайта ишланган таълимоти XIX аср фалсафий тафаккури ривожида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бироқ бу таълимот советлар даврида мутлақлаштирилди, барча фанлар ва амалиётнинг ягона методологик асоси сифатида талқин қилинди. Фалсафа тарихи материализм билан идеализм ўртасидаги кураш деб қаралди. Социализм ҳодисаларини тушунтиришда синфийлик бош мезон қилиб олинди.

ХХ аср ғарб фалсафаси бошқа йўлдан кетди. Бир томондан, фалсафадаги борлиқ, онг, билиш, тарих фалсафаси каби анъанавий масалаларга ўзгаришиш киритиб, уларни янгича таҳлил қилди. Иккинчидан, классик фалсафага ўз муносабатини билдириб, илгариги фалсафа янги даврда рўй берадиган ўзгаришларни изоҳлашга охизлик қилаётганини кўрсатди.

Шунинг учун XX аср ғарб файласуфлари шу вақтгача фалсафада кам эътибор берилган ёки бутунлай ишланмаган масалаларни баҳс майдонига олиб чиқдилар. Шундай қилиб, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ноанъанавий (ноклассик) йўналишдаги бир қанча фалсафий оқимлар юзага кела бошлади. Уларнинг вакиллари ижтимоий тараққиёт, инсон ақли билан бөғлиқ масалаларни қайта кўриб чиқибгина қолмасдан, жамиятдаги маънавий бухрондан қутулиш чораларини қидирдилар. Дунёнинг турли-туман ва ранг-баранглиги, инсон маънавий ҳаётининг ички қонуниятлари, ҳаёт мазмуни, инсон ва унинг моҳияти, яшашнинг маъноси, инсон руҳиятининг таҳлили, фалсафий тафаккурнинг ўзига хослиги, фалсафада янги услугуб, инсон фаолиятини ижобий томонга йўналтириш каби муаммоларга алоҳида эътибор бердилар. XX аср фалсафасида инсон, инсонийлик ва инсоният, инсонинг ички ва ташки дунёси, билиш жараёнининг янги қирралари каби масалаларга кенг ўрин берилди. Фалсафий ижодиётда бўлган эркинлик, қўлланган демократик тамойиллар, плорализм тамойили турли гоявий илмий қарашлар билан бойитилди. Бу даврда бир қанча фалсафий оқимлар вужудга келди. Узоқ йиллар давомида дунё фалсафаси дурдуналаридан бебаҳра бўлган файласуфларимизнинг китоб жавонларида эндилика Аристотель, Гегель, Кант, Маркс китобларидан ташқари Фрейд, Юнг, Фромм, Хайдеггер, Ясперс каби XX аср мутафаккирларининг асарлари ҳам пайдо бўла бошлади.

XX аср фалсафасидаги турли оқим ва мактабларнинг ҳар бирида ўнлаб файласуфлар илмий иш олиб бормоқда.

1 . "Ҳаёт фалсафаси". Бу оқим XIX аср охирида Германия ва Францияда вужудга келди. Унинг асосчиларидан бири немис файласуфи Ницшедир (1844-1900). У инсон ва унинг ҳақидаги анъанавий қарашларни таҳлил қилиб, уларга баҳо берар экан, одам боласида махлуклик ва холиқлик бирлашиб кетганини ёзди ва ўзининг беҳад қудратли фалсафий тафаккурини одамни махлукликдан қутқариб, холиқлик мақомига кўтаришга қаратади. (1. И.Ғофур "Тафаккур" журнали, 1995 йил, I-сон, 90 бет.)

Чиндан ҳам Ницше классик фалсафадаги мавҳум тушунчалар бўлган материя ва руҳ, борлиқ ва онг ўрнига "ҳаёт" тушунчасини киритиш кераклигини кўрсатади. Ҳаёт деганда, у табиий-биологик томонни тушуниш билан бир қаторда инсоннинг мукаммалликкка интилишини ҳам назарда тулади. Ницше бу интилишда иродга кучига алоҳида эътибор беради. Ницше шарқ фалсафасини, айниқса, бундан икки минг

ярим йиллар мұқаддам бизнинг диёримизда яратылған зардустийлик фалсафасини мұкаммал ўрганади ва "Зардуст таваллоси" номлы асари-ни ёзади. Үнда шарқ одами ҳақида фикр юритади, уни ғарб ҳәётiga сингдиради. Инсонни, унинг яхшилигини улуғлайди. Ницшенинг фалса-фий қарашлари бир қатор фалсафий мактабларга назарий манба бўлиб хизмат қилди.

"Ҳәёт фалсафаси"нинг яна бир вакили француз файласуфи Анри Бергсондир (1859-1941). У ҳәётни космологик тарзда тушунади. "Ма-терия ҳәёт тушунчагисиз қотиб қолған нарсадир. Ҳәёт унга жон ки-ритади, демак, ҳәёт оламнинг маънавий ўзгаришидан иборат", - дей-ди. Интуиция, ҳиссий кечинмалар унинг асосий шакллари бўлиб, ҳис-туйғу ва унинг асосида юзага келдиган чексиз алмашинувлар, унинг фикрича, ҳар қандай фалсафий қарашнинг асосидир. Ана шу ру-хий ҳолатларнинг йигиндиси ҳақиқий реаликни юзага келтиради ва фалсафанинг асосида мазмунини ташкил этади.

"Ҳәёт фалсафаси"нинг яна бир намояндаси Шпенглер (1880-1936) ҳәётни маданий тарихий соҳа сифатида қарайди. У ўзининг "Оврўпо ҳалокати" асарида тарихий тараққиётни қонуний ривожланиб борувчи жараён, деб тушунтиради. Унингча, тарихнинг ривожланиши эволюцион тарзда бўлиб, унинг умумий ҳәёт йўли бир бутун маданий тарихий жараёндан иборат. Тарих ривожланувчи жонли организм сифатида уч: ёшлиқ, етуклиқ ва қулаш босқичларини ўз ичига олади.

### РУХИЙ ТАҲЛИЛ ФАЛСАФАСИ

Рухий таҳлил фалсафасида онгсизлик (ноонглилиқ) инсон табиа-тини билишининг бош ва мұхым омили сифатида қаралади.

Рухий таҳлил асосчиси З.Фрейд онгсизликни талқин қилас экан, дүнёни ва инсонни метафизикларча тушуниши енгигб, уларни диалек-тик талқин қилишга йўл очади. Фрейд онгсизликни онглиликка қара-ганда кенг ва чуқур, деб таъкидлайди. Жинсий майлликни инсон фа-лиятининг мұхым томонларидан бири сифатида онгсизликнинг белги-ловчи, ҳал қилувчи омили сифатида таҳлил қиласи. Фрейд жинсий майллик инсон руҳияти, унинг бузилишига таъсири этувчи асосина бўлмай, балки маданиятнинг олий шаклига ҳам, жумладан, бадий адабиёт, инсон ижтимоий қадрияти, руҳига ҳам таъсири ўтказади. деб кўрсатади.

Фрейд инсон борлигининг мухим томонини ташкил этувчи унинг руҳий дунёси моделини беради. Унингча, бу модел уч қисмдан иборат бўлиб, унинг асосини "У" (онгсизлик) ташкил этади, ундан кейинги қисм эса "Мен" (онг)ни, учинчи қисм эса "Мендан юқори" (ижтимоий онг)ни ташкил этади. Хўш, улар инсон ҳаётида қандай аҳамиятга эга? Улар ўртасидаги нисбат қандай?

Инсон ички дунёси, руҳияти ана шу "учлик"дан ташкил топади. Фрейд ноонглиликни чопқир отга ўхшатади. "Мен" (онг ёки онглилик)ни эса, чавандозга ўхшатади. Отга мингган чавандоз турли мақсадлари йўлида отни хоҳлаган томонга йўналтира олади. Бироқ куч-қудрат, энергия манбаи чавандозда эмас, балки отда бўлиб, у бутун юмушни бажаради. Худди шунингдек бутун энергия, куч-қувватнинг манбани онгсизликда деб кўрсатади.

Руҳий таҳдил фалсафаси мана шу "руҳий энергия" тушунчаси орқали инсон борлигини ўрганиб чиқади. Мана шу асосда инсон ҳаёти давом этади, руҳияти турли - туман фаолиятда бўлади. Бу фалсафа руҳий энергиянинг манбаи онгсизлик эканлигини кўрсатибгина қолмасдан, унинг борлиги, намоён бўлиши ҳақидаги ғояни илгари суради.

Руҳий таҳдил фалсафаси инсон борлигини илмий асосда текшириди. Бу фалсафа тарафдорлари учун, гарчи улар ташки дунё мавжудлигини тан олса-да, текшириш обьекти инсоннинг борлиги - "кичик дунё" дир. Мана шу дунё орқали инсон ўзлигини билади ва дунёни билиб боради. Ташки дунё инсон табиатини билиш воситаси, хусусан, инсон можиятининг намоён бўлишидир, деб кўрсатилади. Бироқ инсон руҳияти умумчаёт қонунларига, инсон борлиги қонуниятларига бўйсунади. Инсон руҳиятининг ўзгаришига ташки омилнинг таъсирини Фрейд тан олади. Бироқ уни мутлақлаштирамайди, бирдан-бир сабаб деб қарамайди. Унинг руҳий дунёси, унинг ички қонуниятининг сабабий боғланишларини ҳам кўрсатиб беради. У инсон руҳияти, унинг яashi, борлиги билан, инсон борлиги эса унинг руҳий таҳлили билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Фрейд инсон борлигини таҳдил қиласа экан, онгнинг борлиқда бўлган муносабатига аниқлик киритади. Инсон борлиқда ўз онги билангина эмас, балки бошқа руҳий ҳолатлари билан ҳам муносабатда бўлишини тавъидлайди. "Онг" тушунчаси билан "руҳият" тушунчаси айнан эмаслигини кўрсатиб берди. Инсон руҳияти тўғрисида сўз борганда, даставвал, онгсизлик (ноонглилик) ҳақида, унинг иход қилиш ва дунёни билиш жараёнидаги аҳа-

мияти тұғрисида гапириш керак.

Рұхий таҳлил фалсафаси "эркін мұлоқотда бўлиш" методини майдонга ташлади. Инсоннинг эркін фикрлаши, ўз ҳиссиятини эркін на-моён қылыш унинг саломатлыги учун эмас, балки ижод қылыш учун ҳам асосий омил эканлыгини күрсатади. Бироқ ҳақиқий эркинликни бошқалар ҳәётiga зарәр келтириш инстинктидан фарқ қылыш керак. Демак, инсоннинг ҳәётда ҳам яхшилик қылыш, вижданли бўлиш, яратиши, ижод қылыш эркинлиги билан бузиш, ёмонлик қылыш, ўлдириш, йўқ қылыш эркинлигини фарқ қылыш керак. Буларнинг биринчиси инсоний фазилаттир, деб күрсатади рұхий таҳлил фалсафаси. Чиндан ҳам ҳозирги давр фалсафасида инсон мұаммоси асосий мавзу бўлиб турган бир пайтда, рұхий таҳлил фалсафасининг инсон борлиги тұғрисидаги таълимоти катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Мана шунинг учун ҳам республикамиз сиёсий мағкурасида инсон ҳәёти, борлиги, қадрияты масаласи марказий ўринда турибди. Бу эса Ватанимизда тинчлик, осойишталыкнинг назарий асосидир.

3. Антропологик фалсафа. XX асрдаги фалсафий оқымлардан бири антропологик фалсафадир. У кенг маънода инсон табиати ва моҳияти ҳақидағи фалсафий таълимот бўлса, тор маънода эса XX аср гарб фалсафий оқимини билдиради.

Немис файласуфлари М.Шелер (1974-1928 й.), А.Гелен (1904-1976 й.), Г.Плеснер (1892-1985 й.), З.Ротхакер (1888-1965 й.), Хенгстенгберг (1904 йилда туғилған) ва бошқалар бу оқимнинг йирик вакиллари ҳисобланади. Немис романтик фалсафаси ва "Ҳәёт фалсафаси" антропологик фалсафанинг гоявий манбаи деб қаралади.

Антропологик фалсафа ўз таълимотини методологияк жиҳатдан асослашда Кант ва неокантчликнинг трансцендентал фалсафасининг баъзи томонларидан, Гуссерлининг трансцендентал феноменологиясидан, Хайдеггернинг инсон борлиги тұғрисидаги трансцендентал таҳлилидан кенг фойдаланди. Шунингдек, Ницшенинг инсон ҳали "шаклланмаган ҳайвон" деган фикрини, кишилик ва ҳайвонот оламлари ўртасидаги фарқлар бўйича чиқарған холосаларини асос қилиб олди. (Жумладан, Пленер, Гелен таълимотлари). Бу оқим вакиллари ўз таълимотларида Дильтейнинг, кейинчалик, Шпенглернинг ҳәёт, тарих ва унинг ривожланиши босқичлари тұғрисидаги, инсон эса унинг яратувчиси ва маҳсул эканлыги ҳақидағи фикрларидан келиб чиқдилар.

Гарбдаги антропологик фалсафа вакиллари инсон ва унинг борлигини, индивиднинг ижодий имкониятларини таҳлил қылыш асосида

инсон табиатини ва дунёда тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилади-  
лар. Натижада бу таълимот инсон ҳаётининг турли томонларини тек-  
ширувчи мустақил соҳаларга ахралиб кетди.

4. Экзистенциализм. XX аср фалсафасининг асосий оқимларидан  
бири бўлиб, унинг диккат марказида инсоннинг бетакрор борлиги ту-  
ради. Бу йўналиш борлик ҳеч қандай тушунча ёки тадқиқот категори-  
ялари билан ифодаланмайдиган объектив категория эканлигиғоясини  
илгари сурган. Экзистенциализм ўзига хос фалсафий оқим сифатида  
даниялик файласуб С. Къеркегор (1013-1955 й.) қарашлари асосида  
вужудга келган. Къеркегор биринчи бўлиб Гегелнинг ақл "систе-  
ма"сига қарши чиқади ва ўзининг экзистенция тўғрисидаги фикрини  
баён қилади. Маълумки, Гегель ҳамма нарса тушунчада ифодаланади,  
инсон борлиги ҳам тушунчада тўлиқ ўз ифодасини топади, деб кўр-  
сатган эди. Къеркегор бу фикрга қарши "экзистенция"ни тушунча би-  
лан ифодалаб бўлмайди, ундан доим сирғалиб чиқиб кетади. дейди.  
Бундан у шундай хуолосага келади: инсоннинг ички дунёсини, ўз-ўз-  
лигини билишга илмий методни кўллаб бўлмайди. Унингча, экзистен-  
ция (яшаш) бу "ички" бўлиб, у инсоннинг мавжудлигини кўрсатмайди.  
Инсон ҳиссий - мушоҳада жараённида ўз борлиғидан қонунлашган ташки  
муҳит фактига айланади, яъни "ўз-ўзига", алоҳида бетакрорликка  
ўтади, деб кўрсатади. Бу йўлни Къеркегор Гегелнинг мавҳум ҳаётдан  
ажралган диалектикасига қарши қўяди ва "экзистенциал диалектика"  
деб атайди. У ҳақиқий мавжудлик томон илгарила боришнинг уч асо-  
сий босқичини кўрсатади: 1. Эстетик экзистенция. 2. Ахлоқий эк-  
зистенция. 3. Диний экзистенция.

Биринчи босқич заминида яшашга ва ҳузур-ҳаловатга қизиқиш,  
инсон эҳтиёжини (ташки дунёдан) қондириш ётади. Бунда яшаш йўлини  
танлаш энг оддий шаклда бўлади, чунки объект инсон ҳис-туйғулари-  
ни қондириш асосида танланади.

Иккинчи ахлоқий босқичда инсоннинг бурчи пайдо бўлади. Бунда  
субъект (инсон) ўзини ўзи аниқлайди. Бироқ инсонда, ақл нуқтasi  
назаридан, ахлоқий қоидаларга муносабат шаклланади, холос. Ахлоқ-  
нинг мавҳум қоидалари фақат инсон яшининг диний босқичида амал-  
га ошади, ҳал қилинади ва ҳақиқий ҳаётга айланади. Бунда инсон ўз  
иродаси кучи билан илгариги яшаш одатларидан воз кечади. Инсон  
азоб чекиш эвазига яшаётганини билади, дейди Къекергор. Биринчи,  
иккинчи жаҳон урушларида кўплаб одамларнинг қирилиб кетиши, фа-  
шизм ва сталинизм, геноцид, фан тараққиётининг салбий натижалари

инсонлар ўртасидаги муносабатни яхшилаш, инсон ва инсоният ҳәёти-ни сақлаб қолиш учун инсонийлик етишмаётгандыгын күрсатмоқда. Мана шунинг учун экзистенциализм таълимоти асrimизнинг 40-60 йил-ларида Европада көнг тарқалди.

Бу таълимотни ривожлантирган Ясперс, Марсель, Хайдеггерлар-нинг асарлари ушбу йўналишнинг мурожаатномасига, асл дастурига айланаб қолди. Фашизм балосидан қутулгандан сўнг бу таълимот ўзи-нинг социал-сиёсий, ахлоқий ривожини топди. Бунда инсонпарварлар (гуманистик) гоялари билан майдонга чиқсан француз файласуфлари Сартр ва Камоларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Экзистенциализм таълимотининг моҳиятини билиш учун у ўртага ташлаган муаммоларнинг асосийларини кўриб чиқиш керак. Энг авва-ло, экзистенциализмда онтология-борлиқ ҳақидаги таълимот алоҳида аҳамият касб этади. Борлиқ масаласи экзистенциализмнинг барча вакилларига тааллуқlidir. Чунки уларнинг ҳаммаси бу муаммо билан шугуулланган. Экзистенциализм тарафдорларининг фикрича, бошқа фалсафий муаммолар борлиқда нисбатан иккичи даражали бўлиб, борлиқ-ни ҳал қилишда ёрдамчи воситалар ҳисобланади.

Бу асосий муаммо - экзистенция яшашнинг умумий тузилишини белгилайди, яъни дунёнинг бошқа тузилиши билан инсон реаллигининг онтологик табиатини конкретлаштиради.

5. Феноменология - ҳозирги замон фалсафасидаги ва маданияти-даги асосий оқимлардан бири. Унинг асосчиси немис файласуфи Гуссерль (1859-1938 й.) бўлиб, унинг таълимотини австриялник файласуфи Брентано (1938-1917 й.) бевосита давом эттириди. Маълумки, Брента-но Кантдан кейинги фалсафага салбий муносабатда бўлади ва фалса-фани ҳақиқий фан доирасига кўтариш учун кураш олиб боради. Бунинг учун у Аристотель, Демокрит таълимотига асосланган ҳолда онг тўғрисидаги гоясини майдонга ташлайди ва бу масалани ҳал қилишда физик ва психик (руҳий) феномен (моҳият, кўриниш) ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб беради. Бироқ бунда у психик (руҳий) фаолият билан физик обьект ўртасидаги фарқ тўғрисида эмас, балки уларнинг онгда намоён бўлиши усувлари ўртасидаги фарқлар тўғрисида фикр юритади.

Гуссерль ўзининг асосий асари - "Мантикий тадқиқот"да (1900-1901 йилларда ёзган) онг феноменологияси муаммосини атрофлича таҳмил қиласди. Бунда у фалсафа онгнинг тузилишини ва унинг қону-ниятини кўрсатиша изчил ва қатъий эканлигини кўрсатади, натижада

фалсафий фикрлашда түнтариш ясади. Гуссерль фикрича, ҳамма нарса физик сабабият билан белгиланади, дейишни унинг функцияси деб қарап натуралистик (табиатшунослик) ақлдир. Бу эса фақат билиш назарияси учунгина эмас, балки бир бутун инсон маъносини мутлақ идеал ва мезонларга айлантиради. Натижада инсон ички дунёсини, онг тузилишини билишга тўсиқлик қиласи.

Демак, Гуссерль фалсафа ўз предметига қайтиши муаммосини майдонга ташлайди ва онгни маъно жиҳатдан текшириб, унинг предметини мазмуни орқали очиб бериш лозимлигини таъкидлайди.

Маъно жиҳатдан алоқа феномен орқали реаллашади, бироқ у борлиқ билан ҳодисанинг фарқини кўрсатмайди. балки руҳий ҳодисанинг ўзи борлиқдир, дейди. Шунинг учун предмет бир хил маъно касб эта-ди, чунки предмет маънога эга. Шунинг учун ҳар бир онг фактини предмет маъносини ўрганиш жараёнидир, деб тушунади.

Гуссерль Европада табиатшуносликнинг гуриллаб ривожланиши даврида унинг кризиси тўғрисида гапириди. Табиатшунослар объектив дунёни ўрганиб, субъектив фикрлаш жараёнини четлаб ўтдилар, унинг маънавий алоқасига эътибор бермадилар, ҳаётий дунё билан маданий алоқада бўлишини эсдан чиқардилар, натижада инсон ўз идрокини ҳам эсламайди, бу эса верификациянинг асоси ҳисобланади, идрокгина мавҳумликдан конкретга олиб боради, дейди. Файласуфни инсон субъектив дунёсининг ҳаётийлиги ва унинг дунё билан мазмун жиҳатдан алоқаси масалалари қизиқтиради.

Неопозитивизм XX аср Ғарб фалсафасида энг кенг тарқалган йўналишлардан бўлиб, улар муҳим, долзарб ва фалсафи-услубий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бу масалалар XX аср бошларида юзага кела бошлаган илмий-техника инқилобини таҳдил қилиш асосида пайдо бўлган. Бу оқимлар илмий тафakkурда символлар ўрни, фаннинг назарий аппарати ва унинг эмпирик базаси (асоси), билишларни математикалаштириш вазифалари ва уларни формалаштириш, билиш жараённида мавҳумликнинг (абстракция) ўрни ва бошқа масалаларни ҳал қилишга катта эътибор берган.

Маълумки. Конт конструктив билиш назариясини уч босқичга бўлади: 1. Мифология, теология. 2. Метафизика. 3. Фан.

Фанни позитив ижобий билиш энг тўғри билиш деб ҳисоблайди. Неопозитивизм фалсафа фанни синтезламайди, системалаштирумайди, умумлаштирумайди, фалсафий категорияларни илм билан изоҳлаб бўлмайди, шунинг учун фалсафа фан эмас, ҳақиқий билим фаннинг ўзи-

дир. Фалсафанинг вазифаси эса фан тилини яратишдан, тил муаммоси билан шугулланишдан, билишда ҳамма фанлар ишлатадиган тафаккур шаклини, билиш усулларини яратишдан иборат, деган гояни илгари сурди. Бу оқим таъкидлашича, фалсафа субъектнинг ўзини-ўзи тадқиқ қилиши, унинг билиш қобилияти ва билишда ишлатадиган усулларни ўрганиш билан шугулланиши керак.

Постпозитивизм. Поппер "Илмий кашфиёт мантиқи" ("Логика научного открытия"), Кун "Илмий революция таркиби" ("Структура научной революции") (1963) асарларида фалсафанинг илмий -методологик томонига эътибор берганлар.

1. Позитивизм фан, тилни формалаштиришга эътибор берса, постпозитивизм формал модел, изчил формал тизим, илмий билимлар ва унинг тарихига асосланади.

2. Логик позитивизм илмий билишнинг тузилишга эътибор берса, постпозитивизм унинг ривожланишига, динамикасига, тор назариясига эътибор беради. Мантиқий таҳдил методологик масалаларни ҳал қилишда фақат верификацияга эмас, балки билишнинг назарий даражасига эътибор беради. Илмий терминларни таҳдил қилиш уларни деярли қизиқтирамайди. Назарияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қизиқтиради. Эмпирик билишдан назарий билишга ўтиши, фан фактлардан фарқ қилишини кўрсатади. Янги назарияларнинг пайдо бўлиши ва уни асослашни бир жараён, деб тушунади.

3. Позитивизм фан билан фалсафа, факт билан назарияга кескин чегара қўйиб, фалсафа фан эмас деса, постпозитивизм фан билан фалсафани бундай ажратиш мумкин эмаслиги, уларнинг бир-бiri билан боғлиқлиги тўғрисида баҳс юритади.

4. Неопозитивизм фалсафанинг дунёқарашлигидан воз кечади. Бу оқим фалсафа фанни умумлаштиришини ва дунёни бир бутун акс эттишини эътироф этади.

5. Постпозитивизм фанни фалсафий таҳдил қилишда фан тарихига асосланади ва уларнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор беради.

6. Фан қонунларни (фундаментал фанларни) методологик дунёқараш даражасига кўтариш мумкин, бунда фалсафанинг хизмати алоҳида-дир, деб кўрсатади постпозитивизм.

7. Фалсафа ўзи фан эмас, балки ҳамма фанлар учун методологик концепция бўлиши керак. Демак, фалсафа ҳамма фанларнинг йўналиши, концепциясини кўрсатиб беради.

Аммо ғандан ташқари маданият турларига фалсафа қандай алоқа-да бўлади? Тўла жавоб йўқ. Фан таркибини рад этиш билан унинг аҳамияти ҳақидаги масалага жавоб йўқ. Онг муаммоларига онгнинг ўз-ўзидан бўладиган тараққиётига жавоб йўқ. Булар постпозитивизм-нинг асосий камчиликлари.

Прагматизм АҚШда кенг тарқалган. У XIX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган. Американинг Кембридж шаҳрида Пирс "метафизик клуб" ташкил қилди. У ерда илмий матбуза қиласди. Натижада мунозаралар бошланиб кетади. "Иккинчи мустаҳкамлаш" ва "бизнинг гоямиз аниқ бўлиши учун нима қилишимиз керак", деган мақола журналда эълон қилинади (1898). "Гуманизм" номи билан Англия, Италияга тарқалди. Унинг гоясини шогирдлари ривожлантириди. (Дъюн, Мид ва б.).

Прагматизм пайдо бўлишиданоқ эски фалсафий қарашлар асосидан воз кечади, янги типдаги фалсафий тафаккурни тиклай бошлайди. Инсон муносабатларига, фаолиятига бошқача қарайди. Инсон ҳаракати, фаолияти таҳдиллига асосланган фалсафий тушунчаларни яратади. Инсон фаолияти унинг ҳаёти тарзини, яшаш шаклини ташкил этар экан, ана шу фаолиятни яхшилашнинг йўллари, тезлаштириш воситалари борми? деган саволга жавоб қидирадилар. Инсоннинг билиш фаолиятига, руҳий жаёнига, ҳолатига эътибор беради. Инсон фаолиятида билиш эмас, ишонч ва унинг мустақиллиги алоҳида ўрин тутади деган гояни илгари суради.

Шунинг учун инсон билмасликдан билишга эмас, шубҳадан, иккичалинишдан ишончга қараб бориши керак. Бу субъектми, колективми, социалми, барбири инсон фаолиятини яхшилади. Объектив билим социал қабул қилинган ишончга алмаштирилади. Билиш зўрлаб қабул қилинса, ишонч танлаш, ихтиёрий қабул қилиш асосида боради. Бунинг учун унинг аҳамиятига эътибор бериш керак. Бу билишнинг энг асосий томони деб кўрсатадилар.

Пирс фалсафаси Джемс томонидан ривожлантирилди. У Пирс фалсафасини амалиёт, билим ва инсонга келтирган амалий натижаси билан белгилади. Унинг айтишича, идеализм дунёни абадий дейди, материализм одамни, дунёни тезда йўқ бўлади дейди. Идеализм ишонч, эътиқодни тутдирди.

Ҳақиқат муваффақиятга эришиш, мақсаднинг амалга ошишидир, дейди.

Демак, тажриба инсон ҳаётий фаолиятининг асоси, дейди.

Ҳозирги замон инсон фаолиятидаги таҳрибаларниң метафизик асосларини таҳлил қилиш Джемс фалсафасининг асосини ташкил этади.

Прагматизмнинг йирик вакилларидан бири Дъюн. У идеализм билан материализм ўртасидаги фарқ нисбийдир, қадимги даврда ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат бир-биридан қанчалик фарқ қилган бўлса, идеализм билан материализм ўртасида ҳам шунчалик фарқ бўлган. Ҳозирги кунда бу фарқ нисбий бўлиб қолди, дейди. Унинг фикрича, фалсафанинг вазифаси инсонлар ҳаётидаги қийинчиликлар сабабини ўрганиш ва уларга барҳам бериш муаммосини ҳал қилишдан иборатdir. Бунинг учун аввало ҳал қилиш режасини ишлаб чиқиш, назарий жиҳатдан турли имкониятларни кўриб чиқиш керак. Ундан сўнгтина уни ҳал қилиш босқичи, амалга ошириш даври келади. Бунда таҳриба асосида синаш керак бўлади. Лозим бўлса, шу ҳодисанинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ҳал қилишининг бошقا йўлини топишга тўғри келади. Демак, унингча, бутун жараён таҳрибага асосланishi керак. Шу жараёндагина хатолар тузатилиб, аҳвол яхшиланиб боради. Дъюнинг фикрича, олдиндан белгиланган қоидалар, назариялар асосида иш тутиш хавфидир. Унингча, ҳамма вақт таҳрибага сунянган ҳолда иш олиб бориш ишончли усолдир. Ихтимой ва бошқа жараёнда индивид эркин фаолиятда бўлиши, таҳрибаларни танлаб олиши асосида демократик йўлдан бориши керак. Бу ишларни тинчлик, ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириш кераклигини кўрсатади файласуф.

#### Адабиётлар:

- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат Т., "Ўзбекистон", 1994.
- КАРИМОВ И. А. Истиқлол ва маънавият Т., "Ўзбекистон", 1994.
- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., "Ўзбекистон", 1995.
- Введение в философию. Часть 1. М.: 1990.
- Фалсафадан маъruzalар матни. Тошкент, 1995.
- ХХ аср фалсафаси. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

## Б О Р Л И К

1. Борлиқнинг фалсафий маъноси.
2. Борлиқ - фалсафий категория сифатида.
3. Борлиқнинг асосий шакллари.

Борлиқ фалсафий фикрлашнинг муҳим категориясидир. Бу фикр доирасида файласуфлар доимо мунозара олиб боргандар. Баҳс ҳозир ҳам давом этмоқда. Борлиқ тўғрисида Фикр критилганда, тафаккур тараққиёти яккалик ва конкретликдан энг умумийлик, мавхумлика ўтиб, юксакликка етади. Натижада борлиқ тўғрисида бир бутун таълимот (онтология) вужудга келади.

Нима учун файласуфлар бугунгача борлиқ масаласини муҳокама қиладилар? Чунки ҳаёт мавжудлигининг асосини даставвал инсон, инсоният мавжудлигининг асосини эса борлиқ ташкил этади.

Инсоннинг энг универсал ҳодисалар тўғрисидаги оддий ишончи "дунё бор", "у шу ерда", "ҳозир мавжуддир" шаклида намоён бўлади. Дунё ўзгарувчан, такомиллашувчи жараён бўлишига қарамай унда нисбий турғунылк сақланиб қолади.

Борлиқ масаласи универсал моҳият сифатида ҳаёт тўғрисидаги қараш, тафаккур предметига айланган даврдан бошланган. Ҳаётнинг мураккаблиги, ундаги табиий ва иктиомий ҳодисаларнинг ўзгариши анъанавий фикрлаш тарзини ўзgartириши талаб қилади. "Инсон, ҳаёт. ўлим нима?", "Борлиқ нима?", "Йўқлик нима?" деган саволлар қайта-қайта майдонга ташланади. Планетамиз бўйича инсоннинг яшши хавф остида қолган ҳозирги кунда "инсоният сақланиб қоладими?" деган савол майдонга ташланмоқда. Бу борлиқ тўғрисидаги масалани янада муҳим қилиб кўяди. Борлиқнинг "шу ерда", "ҳозир мавжудлиги" масаласи одамларни, инсон тафаккурини, унинг маънавий эҳтиёжини қониқтирирас эди. Шунинг учун одамларнинг фикрлаши "шу ердаги" оламгагина эмас, балки бизни ўраб олган, ақлимиз орқали идрок этиладиган бу дунёдан бошқа дунёга ҳам қаратилган. Натижада "Бизни ўраб турган дунёдан бошқа дунё ҳам борми?" деган савол туғилади.

Бу муаммони қадимги дунё файласуфлари ҳам майдонга ташлагандар. "Дунё ҳозир мавжуд экан, унинг ўтмиши, бўлганми, келажаги ҳам борми?" деган савол уларни қизиқтирган. Бу саволга файласуфлар турлича жавоб берганлар. Баъзилар дунё бўлган, бор, бўлади.

бироқ ўткинчи, деб қарашса, бошқалари дунё бўлган, бор, бўлади ва у ўткинчи эмас, доимийдир, деган фикрни илгари суради. Демак, дунёнинг ўткинчилиги - абадийлиги ўртасида мунозара кетган. Дунёнинг чексизлиги тўғрисидаги масала фалсафий тафаккур салоҳияти бўлиб, фалсафий билиш доирасига киради. У чексизликни чекланган инсон билмига, инсонни эса чексизлик дунёсига етаклайди. Уни тажриба орқали исботлаб бўлмайди, чунки у тажрибадан ташқарида туради. Чекланганлик эса нарсаларнинг яшаш шакли сифатида тажрибада исботланади, конкрет чарсаларнинг макон ва замонда яшашини таъминлайди. Чексизлик борлиқнинг макон ва замонда чексизлигини кўрсатади. Агар биз алоҳида шахснинг ҳаётини олиб кўрсак, у вақтда (замонда) ва маконда чекланган. Бироқ ундан илгариги ва келажакдаги одамлар тўғрисида, бутун борлиқ тўғрисида ўйласак, макон ва замоннинг, ундаги борлиқнинг чексизлигини тасаввур қиласиз.

Демак, бутун борлиқ чексиз, у макон ва замонда абадийдир. Бундан борлиқнинг биринчи ва асосий томони келиб чиқади. Дунё мавжудми, мавжуд бўлса, қаерда мавжуд? Шу ерда, ҳамма ерда мавжуд. У алоҳида нарсаларда қандай юз беради? Ўткинчи сифатида унинг асосий моҳияти нимада? Ундаги доимийлик ва ўткинчиликни инсон борлиги орқали таҳлил қилишда, унинг моҳиятини инсон моҳияти орқали ўрганишдадир.

Инсон кундалик ҳаётида, амалий фаолиятида ўзи билан табиатнинг, бошқа одамлар билан жамиятнинг ўзаро бирлигини излаб топишга мойиллдир. Шунингдек, моддий нарсалар билан маънавий ҳодисаларнинг, шахс билан жамиятнинг, ўзи билан бошқа одамларнинг фарқини кўриб билиш ҳам инсонга хосдир. Демак, дунёдаги турли-туман ҳодисалар ва жараёнлар, инсонлар учун умумий бўлган томонни топиш учун муҳимдир. Борлиқ билан онг, табиат билан жамият ўртасидаги муносабат инсон амалий фаолияти орқали намоён бўлади, натижада маданият муаммосига айланади. Бундан эса фалсафада ҳамма нарсанинг умумийлиги тўғрисидаги масала келиб чиқади. Бу масалани ҳал қилиш учун фалсафа шундай хulosага келади: табиат, жамият, маънавият, алоҳида одамлар мавхуддир. Улар бир бутунликни ташкил этади. Демак, борлиқнинг иккинчи бир муҳим томони (аспекти) қўйида-гича: табиат, инсон, жамият, фикр, гоялар мавхуддир; фарқи уларнинг турли шаклларда бўлишидадир. Улар (ўзларининг) мавхуддлиги билан чексиз, доимий (ўткинчи эмас) бир бутун дунёни ташкил этади.

ди. Бошқача айтганда, ҳамма борлиқ мавжуд бўлган, бор, бўлади. Бу дунёнинг бир бутунилигининг шартидир.

Алоҳида олингган одам ёки маълум авлод тасаввуридаги бир бутун реалик маъмуси қўйидагиларни ўз ичига олади: нарсалар, табиат жараёнлари, ҳали инсоният томонидан ўзлаштирилмаган дунё (космос ва ердаги ҳодисалар) ҳақидаги индивид фикрлари, табиат материаллари асосида одамлар томонидан ясалган нарсалар, ижтимоий муносабатлар (инсонлар муносабатлари, уларнинг ташкилотлари, гоялари, тамоийл ва орзулари) якка шахс ҳаётий фаолиятларидан иборат.

Демак, инсон ўз фаолиятида реал ҳаёт мантиқи билан ҳисоблашиши керак бўлади. Умумий хулоса шундан иборатки, борлиқнинг яна бир томони конкрет одам ёки маълум бир авлод томонидан яратилган бир бутун реаликнинг ички мантигида намоён бўлади.

Фалсафа борлиқ муаммоси ҳақида фикр юритар экан, инсоннинг амалий, билиш, маънавий ахлоқий фаолиятига асосланади. Борлиқ категорияси орқали "йўқлик", "мавжудлик", "макон", "замон" категорияларини ҳам таҳлил қиласди. Борлиқ категорияси энг умумий тушунча бўлганлиги учун конкрет мазмундан узоқлашади, дунёнинг энг асосий моҳиятини, ҳамма нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, моддий ва маънавий нарсаларга хос умумий моҳиятини очиб беради. Улар ўрта-сидаги умумий алоқадорликнинг мазмунини кўрсатади.

Борлиқ категорияси дунё мавжудлигини умумий гоялар асосида изчил фикрлаш имконини беради: 1. Дунё бир бутун, чексиз, доимий бор, мавжуд; 2. Моддий, маънавий ва якка одам сифатида турли шаклларда бир бутун мавжуддир; 3. Ўзининг ички мазмунига кўра, дунёнинг мавжудлиги, ривожланиши реаликнинг мазмунини ташкил этади. ва авлод фаолияти, онги асосида унинг мантигини ташкил этади.

Борлиқ шакллари унинг реалик шаклларидир. Шундай экан, борлиқнинг асосий шаклларини кўриб чиқайлик. Бир бутун борлиқ турли-туман нарсалар, ҳодисалар, алоҳида одамлардан ташкил топади ва конкрет нарсалар шаклида мавжуд бўлади. Умумийлик ана шу алоҳида нарсалар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Борлиқнинг умумий алоқадорлиги алоҳида нарсаларнинг мавжудлиги билан намоён бўлади. Ҳар бир алоҳида нарса бетакордир, у ички ва ташқи шароит билан боғлиқдир. Яъни умумий мавжудлик вазияти билан мавжуд бўлади. Айрим нарсаларнинг мавжудлиги умумий борлиқнинг яшаш шаклидир.

Муайян, бетакор алоҳида борлиқнинг мавжудлиги умумий борлиқнинг мавжудлигидир. Алоҳида борлиқ ўткинчи, ҳеч қайта тиклан-

майди. Алоҳида борлиқнинг бетакрорлиги масаласи ҳозирги кунда инсонни тушуниш учун жуда катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир одамнинг бетакрор, ҳозибадор, ўзига хос томонини ҳисобга олиш, унинг қадр-қийматини муносиб ардоқлаш ҳозирги замон инсонпарварлигининг асосидир. Бетакрор, ўзига хос, индивидуал, якка борлиқни ўрганиш уларнинг гурухлари ўртасидаги умумийликни топиш асосида боради. Шунга кўра, борлиқнинг турли шакллари тўғрисида Фикр юритилади.

Биз борлиқни бир бутунлик сифатида қўйидаги асосий шаклларга бўлиб ўрганамиз:

1. Нарсалар борлиғи (нарсалар, жараёнлар), табиат борлиғи, инсонлар томонидан яратилган нарсалар, буюмлар
2. Инсон борлиғи (дунёда инсоннинг борлиғи ва унинг ўзига хос томони).
3. Маънавий борлиқ (Гоявий борлиқ). У ўз навбатида индивидуал ва ижтимоий (объективлашган) маънавиятга бўлинади.
4. Социал борлиқ. Бу ўз навбатида алоҳида одамлар борлиғига бўлинади.

Биз буларни алоҳида бобларда кўриб чиқамиз.

#### Адабиётлар:

Введение в философию. Часть 2. М., 1990.

Мир философии. 1 часть. М., 1991.

Борлиқнинг фалсафий муаммолари. Фалсафа кафедрасидаги маъруза матни. 1996.

#### ТАБИАТ БОРЛИГИ

1. Табиатни фалсафий тушуниш
2. Нарсалар, жараёнлар борлиғи, табиатнинг ҳолати (бирламчи табиат)
3. Инсон томонидан яратилган нарсалар (иккиласмачи табиат)
4. Экологик муаммолар моҳияти.

Табиатни фалсафий таҳдил қилиш қадимдан бошлаб ҳозиргача файласуфларни қизиқтириб келган. Қадимги юони фалсафасида ҳам, ўрта аср Шарқ фалсафасида ҳам, янги давр Гарб фалсафасида ҳам та-

биатни фалсафий таҳлил қилиш мұхим бир аҳамият касб этган. Фалсафанинг бу соҳаси табиат фалсафаси ёки натурфилософия деб аталған.

Табиат тушунчаси жуда кенг күламда ишлатилади. Табиат ўз ичига табиатда мавжуд нарсаларни, қолдузлар, галактика ва метагалактика системалари, макон ва замондаги әнг кичик заррачалардан тортиб ўсимликлар, инсонлар олами- ҳаммасини ўз ичига олади. Табиат тушунчаси бутун борлиқнинг ҳаммасини қамраб олади. Бироқ табиат тушунчасининг торроқ маъноси ҳам бор. Бу инсон ва инсоният яшининг табиий шароитлари мажмуидир. Бу табиий мұхит ёки географик мұхит деб ҳам юритилади.

Табиатни фалсафий тушуниш у объектив борлиқ сифатида бўлган, бор, бўлади, деб қарашдир. У инсондан илгари ҳам бўлган, инсон билан ҳам, ундан кейин ҳам мавжуддир. Бироқ инсонгина унинг борлигини билишга қодир, унга таъсир этади, ўрганади, уни англайди. Табиат абадий мавжуд, бор. Бироқ табиатдаги алоҳида нарсалар, ҳодисалар, жараёнларнинг борлиги ўткинчидир. У вақтда чекланган, маконда ўлчовладир. Масалан, ҳар бир шахс тугилади, улғаяди, қарийди ва ўз умрини тугатади. У борлиқдан йўқликка ўтади. Бироқ бир бутун борлиқ сифатида йўқ бўлиб кетгани йўқ, бир моддий ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтди, холос.

Бирламчи табиат абадий, яъни бўлган, бор, бўлади. У инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлишини ҳозирги замон фани ва фалсафаси борган сари исботлаб бормоқда. Шунинг учун табиат реаллик сифатида объективдир.

Атрофимиздаги табиат инсонга таъсир этади. Инсонлар яши учун табиий мұхитни ташкил этади. Инсонлар яшамоги учун ер, сув, ўсимликлар олами керак. Булар инсонлар яшининг табиий бойликлари, шароитлари деб аталади. Булар биосфера, атмосфера, гидросфера деган тушунчалар билан ифодаланади. Шундай қилиб, инсон ўз онгли фаолияти билан табиатдаги буюмларга таъсир этиб, моддий неъматлар яратади.

Демак, бизни ўраб турган нарсаларнинг кўпчилиги инсон томонидан яратилган буюмлардир. Булар, яъни инсон томонидан бунёд этилган нарсалар иккиламчи табиатни (ўсимликлар, ҳайвонлар олами, жонсиз буюмлар тизимини) ташкил этади.

Бирламчи табиат иккиламчи табиатдан нима билан фарқ қиласади? Бирламчи табиат инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз-ўзича, табиий қонунлар асосида ривожланади. Иккиламчи табиат инсон томонидан яратилади, инсон билан табиат ўртасидаги муносабат асосида вужудга келади ва инсон фаолиятининг буюмлашган шакли сифатида намоён бўлади. Демак, унга инсон моҳияти сингдириллади, ҳамиятлашади ва инсон эҳтиёжига мослаштириллади. Инсон маънавияти моддийлашади. Бунда моддийлик билан маънавийлик мужассамлашади. Улар мутаносиб ҳаракатда бўлади. Иккиламчи табиатнинг асоси бирламчи табиатдир. Чунки бирламчи табиат моддий асос бўлиб, инсон эса унда ўзининг муайян мақсадга қаратилган онгли меҳнатини мужассамлаштиради. Иккиламчи табиатга инсон маънавияти ва ижтимоий моҳияти ҳам киради.

Бирламчи ва иккиламчи табиат борлик сифатида бир бутунликни ташкил этади. Бироқ улар турли-туман кўринишларга эга. Иккиламчи табиат тури энг оддий меҳнат қуролларидан тортиб то машина, транспорт ва алоқа воситалари гача бўлган барча буюмларни ўз ичига олади. Бу радиостанция, телевидение марказлари, космодромлар, космик кемалар, мактаб, олий ўқув юртлари, кийим-кечак, ўй-хой, анжомлар, турли буюмлар ва бошқалардан иборат. Шунингдек, инсон моддий эҳтиёжларининг эмас, балки маънавий эҳтиёжларини қондирувчи буюмлар ҳам киради. Хуллас, моддий бойликларнинг ҳаммаси иккиламчи табиатга киради. Бу инсоният цивилизацияси ва маданийти тизимини ташкил этади. Иккиламчи табиат - бу цивилизация, маданият борлиғидир. Табиат маданийлашади.

Бирламчи ва иккиламчи табиат тўғрисида фикр юритганда, улар ўртасидаги фарқлар, қарама-қаршиликлардан кўра уларнинг уйғунолиги, мутаносиблиги ҳақида гапириш керак. Чунки табиатга моддий манба сифатида эмас, балки маънавий манба сифатида, инсонийлик нуқтаи назаридан қараш керак.

Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни қайта кўриб чиқиш керак. Кейинги ўн йилларда бўлган илмий-техника инқилоби инсоният учун жуда аҳамиятли бўлди. Ҳамиятни ривожлантириди, техника равнани вужудга келди, меҳнат унумдорлиги юқори даражага кўтарилди. Шунинг билан бирга қатор экологик муаммоларни вужудга келтирди. Бу масалага чуқуроқ ёндашилмаса, табиат инсон яшаши учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Агар ҳозирги замон олимлари, сиёсатдонлари, оммавий ахборот ходимлари, дунёдаги барча давлатлар биргаликда

ягона экологик концепция яратишмаса, уни қутқариб бўлмайди, де-моқдалар. Бунда ҳар бир шахс бу масала юзасидан ўта масъулиятли бўлиши кераклигини кўрсатмоқдалар. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг (коэволюция) янгидан-янги мақбул усуllibарини то-пиш керак ва омманинг экологик онгини ошириш, уни янгича фикрлаш-га ўргатиш керак. Демак, табиатга бўлган дунёқарашни ўзгартириш керак бўлади. Инсоннинг табиатга илмий, маданий қарашларини ўз-гартириш орқали унга қадриятлар сифатида ёндашиб лозимлигини ўр-гатиш керак.

Табиат билим, бойлик манбаи бўлиш билан бирга инсон қадр-қимматини намоён ҳам қилади. Инсон табиатдаги юксак онгли мавжу-дот экан, у космосга, табиатга, ўзининг табиий уйига ваҳшийларча муносабатда бўлмай, инсоний муносабатда бўлиши керак.

Табиатга бўлган муносабат турлича дунёқараш асосида бўлади. Мифологик (афсонавий), диний ва фалсафий дунёқараш асосида бўла-ди. Фалсафий дунёқараш табиатга билиш (гнезеологик), қадрият (ак-сиологик) ва фаолият (қайта ташкил қилиш) нуқтаи назардан ёндо-шишни, табиатни бир бутун борлиқ сифатида, билиш, қадрият ва фао-лият аспектларининг узвий бирлиги сифатида қарашни тақозо қиласди. Ўйгониш даври файласуфлари табиатни идеаллик нуқтаи назаридан ўр-ганиш кераклиги гоясини майдонга ташлашди. Ҳозирги кунда табиатга янгича муносабат инсон фаолияти планетар кўламга кўтарилиглариги билан белгиланади. Бунда инсон билан табиатнинг ўзаро ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилади. Чунки бирламчи табиат билан иккимачи табиат ўртасидаги кескин муаммоларни ҳал қилиш масаласи биринчи ўринга чиқиб қолди. Бу масала, юқорида айтганимиздек, инсоннинг табиатдаги, космосдаги аҳамияти ортиб бориши (биосферада, неосфе-ранинг аҳамияти) билан белгиланади.

Бунда, бир томондан, табиатнинг жамият тараққиётига ва ик-кинчи томондан, инсонларнинг табиат тараққиётига таъсири намоён бўлади. Инсон - табиатни асрраб қолувчи куч. Унинг фаолияти таби-атни бузишга, йўқ қилишга эмас, уни асрраб-авайлаб сақлашга, таби-атдаги камчиликларни ўз ақл-фаросати билан, ижоди билан тўғрилаш-га қаратилиши керак бўлади.

Экология масаласи "Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари" мавзусида батафсилроқ баён этилади.

Адабиётлар:

- КАРИМОВ И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., Ўзбекистон. 1994.
- ВЕРНАДСКИЙ В. И. Философские мысли натуралиста. М., 1988.
- ИСАМУХАМЕДОВ Х. Экологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари. Т., 1991.
- Табиатни фалсафий тушуниш. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

ИНСОН БОРЛИГИ (ЖАМИЯТ)

1. Инсон ва инсоният борлигининг ўзаро бирлиги ва фарқи
2. Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари, тамоиллари
3. Ижтимоий борлиқ ва маънавий борлиқ.

1. Инсон ва инсоният борлиги ўзига хос бетакрордир. Бироқ бу борлиқнинг ҳамма одамларга хос томонлари ҳам бор. Инсон борлиқ сифатида табиат билан узвий боғлиқ. Чунки инсон табиат эволюцияси натижасида вужудга келган ва у билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Инсон танаси табиат жисмидир. Шунинг учун инсон танаси бир бутун табиатдаги жисмларнинг бир бўллагидир. Инсон танаси унинг борлиги фоний, чекланган, ўткинчи эканлигини кўрсатади. Инсон борлиги борлиқ билан йўқлик ўртасидаги ўзаро бирликда яшайди. Шунинг учун унинг борлигига табиатдаги борлиқ хусусиятларининг ҳамаси тегишли. Инсон танаси борлиқдан йўқликка айланади. Шунинг билан бирга бутунлай йўқ бўлмайди, балки бошқа ҳолатта ўтади. Табиатнинг абдиёт оламига қўшилади.

Инсон борлиги кенг маънода табиат эволюциясига қўшилади. Зеро, у табиатдан келиб чиққан ақлли мавжудотdir. Инсон борлиги танасининг мавжудлиги билан боғлиқ экан, у даставвал яшами учун маълум эҳтиёжларини қондириши керак. Унинг танасида озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой эҳтиёжи түғилади. Чунки инсон соғлигини сақлаши учун овқатга бўлган эҳтиёжини қондириши, ташқаридан бўладиган таъсирдан (иссиқ-совуқдан) ҳимоя қилиши керак. Бусиз инсон яшами мумкин эмас. Шунга кўра, қуйидаги масалаларни ҳисобга олиши керак:

1. Инсон яшаши учун моддий неъматлар зарур.
2. Алоҳида одамнинг ҳәётини сақлаш ҳуқуқини таъминлаш.
3. Табиий борлиқ сифатида инсоннинг эҳтиёжини, биологик эҳтиёжини таъминлаш. Инсон табиий борлиқ сифатида табиат қонунларига амал қиласди. ирсият қонунларига бўйсунади.
4. Инсонда тана ва руҳ бирлиги. Инсоннинг фикрлаши, иродаси ва мақсадга қаратилган фаолияти унинг ўзига хос борлиқ эканини кўрсатади, буни ҳисобга олиш керак.

Фикрлаш, эмоция инсон борлигининг энг муҳим томони бўлиб, ҳамма одамларга хос хусусиятдир. Инсоннинг фикрловчи мавжудот сифатида ўзига хослигини Декарт тўғри кўрсатиб берган эди. "Мен фикрламоқдаман, демак, мен мавжудман" деган фикри у инсонни олдинги файласуфларга қараганда чуқурроқ мушоҳада қилганини кўрсатади. Чунки инсон мавжуд бўлиши учун фикрлаши керак. Бу билан у бошқа мавжудотлар борлигидан фарқ қиласди.

Инсон борлигининг табиий-ижтимоий томонларини ҳисобга олиш керак. Чунки инсон борлиги даставвал ижтимоий борлиқдир. Инсонларнинг ўзаро муносабатлари, моддий ишлаб чиқариш жараёни ва ундаги муносабатлар жамиятнинг моддий борлигини, ижтимоий борлиқни ташкил этади.

Демак, инсоннинг табиий борлиғи билан ижтимоий борлиғи биргаликда инсон борлигининг асосини ташкил этади.

2. Инсон борлигининг ўзига хос томони нимада? Инсон табиат қонунларига амал қилиши билан бир қаторда жамият қонунларига ҳам амал қиласди. Бироқ инсоннинг қонунларга амал қилиши унинг иродаси, ақл-идроқига боғлиқ. Щунга кўра, инсон фаолиятида эркинлик мавжуд. У заруритни танлаб олиш, билиб олиш имкониятига эга. Инсон ижтимоий муносабатларни ўз онги, иродаси билан англаб етади. У ўз борлигини билиш, тушуниш, ўз фаолиятини, маънавий-ахлоқий, социал сабабларга кўра, бошқарип туриш хусусиятига эга.

Инсон мавжудлигини белгиловчи учта борлиқ даражасининг ўзаро бирлигини кўриш мумкин:

1. Реал маънода фикрловчи, ҳис қилувчи мавжудот сифатида алоҳида одам, якка шахс мавжуддир.
2. Ҳар бир одам инсон зоти эволюциясининг бир бўлаги, ҳалқаси сифатида мавжуд бўлади.
3. Инсон ижтимоий-тарихий мавжудот сифатида яшайди.

Мана шу учта томон инсон борлигининг асосини белгилайди. Ҳар бир инсон яшар экан, унинг ҳаёт йўли умуминсон эволюциясининг бир бўлаги сифатида, тарихий тараққиёттинг халқаси сифатидла намоён бўлиб, жамият тараққиётининг ҳаёт йўлини ташкил этади. Ҳар бир инсон реаликдир. Инсон моддий реалик бўлибгина қолмай, маънавий реалик ҳамдир. Чунки инсон мавжуд экан, у билан бирга онг ҳам, маънавият ҳам реалик сифатида мавжуд бўлади. Алоҳида инсон ҳаёти абадий дунёнинг бир лаҳзаси экан, у бетакрор ва ҳозибадордир. Унинг ҳаёти бутун борлиқда бетакрор ҳисса кўшади. Уни яхшилайди ёки ёмонлайди. Шунинг учун ҳар бир инсондан табиатга, ижтимоий ҳодисаларга бўлган муносабатда масъулиятли бўлиш талаб қилинади.

Демак, бугунги вазият инсоннинг дунё борлиғига, табиат ва жамиятнинг яшашига, унинг тақдирига, цивилизациянинг яшаб қолишига ўта масъулият билан муносабатда бўлишини тақозо этади. Бунинг учун инсон ўзлигини билиши, бутун дунё олдидағи инсоний бурчини сидқидилдан бажариши керак.

Инсон пайдо бўлганидан бошлаб ўзининг асосий белгиси: "табиати", ижтимоий-тарихий моҳияти асосида ривожланиб келмоқда. Инсон моддий неъматлар ишлаб чиқариб, тарихий тараққиёт жараённинг маънавий қобилиятини намоён қиласди. Мехнат фаолияти жараённада унинг инсоний хислатлари шаклланиб, такомиллашиб боради. Инсон ўз эҳтиёжини қондириши учун моддий неъматлар ишлаб чиқарар экан, унинг эҳтиёжи ҳам тарихий жараённинг маҳсулси сифатида шаклланиб боради. Инсоннинг эҳтиёжи қондирилиши жараённада цивилизациянинг элементи бўлган малака ва кўнникмалари, эҳтиёжлари маданийлашиб боради.

Инсоннинг табиатдан ажralиши ва ижтимоийлашиши унинг ҳаёт кечириши фаолиятини вужудга келтиради. Мехнат биргаликдаги, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятга айланади. Одам фақат жамиятдагина ўзини табиатнинг асов кучларидан ҳимоя қилингандеб хис қиласди. Шахс жамиятдан жой олар экан, ўзининг ижтимоий меҳнати билан турли-турман мураккаб муносабатларни амалга оширади. Одамлар бир-бирларидан қанчалик фарқ қиласинлар, уларнинг барчасининг моҳияти ижтимоий муносабатлар билан характерланади. Чунки инсон бошқа одамлар билан муносабатлардагина ўзининг қобилияти, талантини ривожлантиради.

Жамиятдан ташқаридаги индивид сотиб олиш қобилиятига эга бўлса-да, реал товар билан таъминлай олмаган пулга ўхтайди. Демак,

инсон ўз моҳиятини жамиятда шакллантиради ва реаллаштиради. Шунинг учун инсон ижтимоий муносабатлар мажмудан иборатдир. Чунки ижтимоий муносабат мураккаб ва кўпқирралидир. Инсон ижтимоий борлиқда яшар экан, у ўз навбатида онгли, иродали фаолиятда бўлади. Инсон онгли фаолиятда бўлар экан, ижтимоий муносабат асосида унинг жамият олдиаги масъулияти, "хавобгарлиги" пайдо бўлади.

Инсонлар турли-туман ҳалқлар, миллат ва элатларни ташкил этишлари ва қуруқликнинг турли жойларида яшашларига қарамай, уларнинг умумий томонлари мавжуд:

1. Инсонлар меҳнат қиласидилар, меҳнат қуроллари орқали моддий неъматлар ишлаб чиқарадилар.

2. Ҳаммалари нима яхши-ю, нима ёмонлигини, улар ўртасидаги зиддиятни ҳам биладилар.

3. Тарихнинг ривожланиши билан уларнинг ҳиссиёти, идроки ва ақлий қобилиятлари ҳам ривожланади.

4. Жамиятсиз яшай олмайдилар, шаклланмайдилар.

5. Одамлардаги шахсий сифатлар ижтимоий муносабатлар билан белгиланади, улар у ёки бу турдаги маълум объектив, ижтимоий муносабатларга тааллуқли бўлади.

6. Инсонларнинг ҳаётий фаолиятлари олдиндан белгиланмаган, программалаштирилмаган, балки онгли-иродавий характерга зга. Натижада инсон ўз ақли, иродаси орқали эркин ҳаракат қиласи, ўзини ўзи тийиб туради, виждан "суди" олдида жавоб беради, масъулиятни ҳис қиласи.

Инсон борлигининг ижтимоий вазифалари ана шулардан иборат.

#### Адабиётлар:

КАРИМОВ И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Т., Ўзбекистон. 1993.

Введение в философию. 2 часть. М., 1990.

РАХИМОВ И. Р. Ижтимоий онг. Т., 1971.

Жамиятни фалсафий тушуниш. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

## МАЬНАВИЙ БОРЛИК

1. Фалсафада онг муаммоси
2. Онг ва унинг тузилиши
3. Фалсафада онгсизлик масаласи
4. Ўз-ўзини англаш
5. Истиқлол ва маънавий камолот

1. Маънавият мазаласи ҳамма вақт файласуфларни қизиқтириб келган. Чунки инсоннинг табиат борлигидан фарқи унинг маънавий борлигидадир. Маънавиятгина инсонни одам қилади, шакллантиради, такомиллаштиради. Инсон маънавияти орқали табиат билан муносабатда бўлади, дунёни ва ўзлигини билади. Онг масаласи дунёқарашнинг, ҳар қандай фалсафий қарашнинг методологик асосини ташкил этади. Инсоннинг воқеликка, бошқа одамларга бўлган муносабатини тартибга солишининг ўзига хос шакли бўлган онг инсон борлигининг моҳияти ҳисобланади. Чунки инсон дунёни ўрганар, унга таъсир қилиб, қайта ташкил этар, моддий ва маънавий бойлик яратар, бунёдкорлик билан шуғулланар экан, у ўз онги, ақл-фаросати билан фаолият кўрсатади. Натижада ўз борлигини намоён қиласди. Инсон борлигининг моҳияти ҳам ана шунда.

Инсоннинг маънавий ҳаёти жуда мураккаб бўлиб, турли масалаларни ўз ичига олади. Мана шунинг учун бу соҳа турли фанларнинг ўрганиш обьектидир. Ҳумладан, социология, психология, тиљшунослик, педагогика, физиология, антропология, кибернетика, информатика ва бошқа фанлар ҳам онг муаммоси билан шуғулланади.

Фалсафа эса бошқа фанларга умумий методологик, умумий мантиқий асос бўлиш билан бирга, онгнинг улар ўргана олмайдиган томонларини тадқиқ қиласди. Инсон борлигини гуманитарлаштириш, инсоннинг яшаш учун кураши, онг босқичлари ва тузилиши, маънавий тараққиётнинг ички қонунлари ва йўналиши каби масалалар онгнинг фалсафий муаммоларидир. Фалсафа фақат конкрет, реал онг билан шуғулланмайди, айни вақтда инсон маънавий фаолиятининг қудрати ёрдамида ҳали билинмаган, нореал борлиқ ҳақида ҳам мушоҳада қиласди, ақл билан фикрлайди, келажакни тасаввур қиласди, унинг ақлий моделини тузиб чиқади. Инсон онгини фалсафий жиҳатдан чукурроқ ўрганиш ҳозирги давр талабидир. Чунки дунёдаги глобал масалаларни ҳал қилишда инсоннинг аҳамияти ортиб бормоқда.

2. Инсон маънавий борлиғи ташқи олам билан сабабий боғланган бўлса-да, ўзининг ички қонунияти ва тузилишига эга.

3. Фрейд инсон фаолиятида уч босқични ажратади: 1)онг (мен), 2) онгсизлик (у), 3) мендан ташқари (ижтимоий онг). У бу "учлик" асосида онгсизлик ётади, деган гояни илгари суради. Унинг издошлиридан Фромм эса онгни белгиловчи асос деб тушунади. Чунки инсон даставвал онгли мавжудот, фақат онгтина инсон маънавиятининг асосини ташкил этади, дейди у. Инсон маънавий борлиғи руҳий таҳлил фалсафасида иккиси асосий шаклда намоён бўлади: 1) конкрет инсондан ажралмаган индивидуал руҳият; 2) индивиддан ташқарида (Фрейдча, онгдан юқори) объектив мавжуд бўлган маънавият, бу ижтимоий онг шаклларида намоён бўлади.

Онг бир бутун аспект сифатида инсоннинг ўй ва хоҳишлари, тамойил ва мезонлари, турли қарашлари йигиндинисини ўз ичига олади.

/ Маънавий борлиқ макон ва замонда ўзига хос шаклда мавжуд бўлади. У физик макон ва замондан фарқ қиласди, чунки фикр маълум бир лаҳзада ўтмишга ҳам, келажакка ҳам сакраб ўтиши мумкин. У, ўзининг ички қонуниятига кўра, "вақтингчалик" хусусиятига эга бўлиб, онгнинг ривожланиши (динамикаси)ни ташкил этади. Мана шундай қилиб, астрономик, биологик, тарихий хусусиятга эга бўлган вақтни онг ўз қонуниятига мослаштиради, мавҳумлаштиради, синтезлаштиради, тафаккур орқали таҳлил қиласди.

Фалсафий нуқтаи назардан онгнинг тузилишини аниқлашда, фикрлаш материалистарини тартибиға солища интеллектуал фаолият ва янги ғояларни яратиш каби босқичлар алоҳида аҳамият касб этади.

Онгнинг асосий хусусияти унинг тизимилилк характерга эга бўлишидир. Бу тизимда илгариги билимларни ўзлаштириш ва янги билим ҳосил қилиш диалектикаси алоҳида аҳамиятга эга. Бу тизимда фикр, идрок, эс (рассудок) тайёр билимларни ўзлаштириш асосида пайдо бўлади, шунинг учун у анъанавий, турғун хусусиятга эга, ақл, фахм-фаросат, зеҳн (разум) эса бор билимларни ўзлаштирибгина қолмасдан, янги билим ҳосил қиласди. Бу онгнинг иходий, бунёдкорлик функциясини ташкил этади.

Ақл, фахм, зеҳн эски, анъанавий билимлар тизимини, бузади. Эски билимларга асосланган ҳолда воқеликнинг янги модели бўлган янги билимлар тизимини яратади. Бироқ фикр, идрок (расудок) ва ақл, фахм-зеҳн (разум) онгнинг нафақат бир-бирига боғлиқ бўлган, балки бир-бирига ўтиб турадиган қатламларидир.

Аммо фикр, ақл ва зеҳн онгнинг бирдан-бир ҳолати эмас. И. Кантнинг фикрича, булар онгнинг фаолияти бўлиб, муҳокама, мулоҳаза юритиш қобилиятидир. Агар фикр ҳукм қобилияти бўлиб, қоидалар, қонунлар ишлаб чиқиши мумкин бўлса, ақл-зеҳн мана шу қоидалар асосида зарурят принципларини беради. Демак, зеҳн ана шу қонунлар заминида хulosса чиқариш қобилиятига эга, деб кўрсатади И. Кант.

Демак, онг таркибида фикр (рассудок) умумий қоидаларни билиш сифатида намоён бўлади. Бир қоиданинг иккинчи қоидага ўтишида заруриятн бутунлай охирига етказа олмайди. У мақсад, қадрият, идеал меъёр сифатида намоён бўлади.

Фикр, зеҳн зарурй гоя, идеалларни охирига етказади ва якунлаштиради. Ақл фаолияти мавжуд тизимдан чиқиб, янгилик яратади, янги ғояларни, мақсадларни, идеалларни вуждуга келтиради. У онгнинг ижодий томонидир. Муҳокама, фикр билан ақлнинг бирлиги асосида шаклланиб, ривожланиб боради.

Инсон руҳияти билиш, қониқиш ёки қониқмаслик ҳисси, хоҳиш каби қобилиятга эга.

Билишнинг олий қобилияти ақл эса муҳокама қилиш ва зеҳндан изборат қонуният, мақсадга мувофиқлардир. Мақсадга мувофиқлик ўз навбатида қонун эканлиги каби априор тамойиллар мавжуд. Табиат қонунлари, санъат, ахлоқ каби тафakkur маҳсулоти мавжуд. Инсон булардан ташқари ирода кучига ҳам эга. Ирода ақл кучининг, интенсивлигини кўрсатади. Инсон қоида ва тамойилларга қандай ва қай дараҷада риоя қилиши унинг иродасига боғлиқ. Ирода мақсад ва вазифаларни тиклаш хусусиятига эга бўлишнинг ички шароитини ташкил этади. Бунда у мақсад ва вазифаларни ўз қадрияти нуқтаи назаридан баҳолайди. Ирода амалий ақллар, амалий ақл эса (инсонда) аҳамияти нуқтаи назардан баҳоланади ва "мен нима қилишим керак" деган саволга боғлиқ иш тутади. Инсон амалий ақл, зеҳн асосидагина мавжудот сифатида фаолиятда бўлади, ўз бурчини бажаради, вижданан иш қиласди. Бироқ ақл, идрок, зеҳн илгари номаълум бўлган қоидалар, тамойилларга кириб борар экан, бунда фантазия, хаёл ва орзуларни ишлатмасдан иложи йўқ. Ақл, зеҳн, муҳокама, қобилият, ирода, фантазия, интуиция, хаёл онгнинг ўзаро боғлиқ бўлган унсурлари бўлиб, ҳар бири ўз-ўзича алоҳида мавжуд бўлмайди.

3. Онгсизлик (ноонглилик) инсон борлигини билишда алоҳида аҳамиятга эга. Руҳий таҳлил фалсафасида онгсизлик (у) инсон таби-

атини билишнинг асосий омили сифатида таъкин қилинади. Онгсизлик кенг маънода шахснинг онгдан ташқаридаги барча руҳий жараён, усул ва ҳолатни ўз ичига олади. Онгсизлик шахснинг индивидуал ҳолатини ҳам, гуруҳнинг руҳий ҳолатини ҳам таҳдил қилишда ишлатилади.

Декарт онгсизлик терминини онгнинг манбаи, физиологик функцияси сифатида тушунган ва ишлатган.

18 аср немис файласуфи Лейбниц онгсизликни руҳ пастки қатламининг шакли, онгнинг ноаниқ, қоронғи томони деб ҳисоблаган. Кант эса онгсизликни ҳиссий билиш билан алоқадор бўлган интуиция муаммосига боғлаб изоҳлаган.

Романтик фалсафанинг вакиллари (Э.Гортман, Шопенгауэр) онгсизликни ижоднинг манбаи сифатида универсал тамойил даражасига кўтаргандар.

ОНГСИЗЛИК масаласига, айниқса, руҳий таҳдил асосчиси Фрейд алоҳида аҳамият берган. Фрейд онгсизликни физиологик таҳдил қилишдан воз кечди. Онгсизлик ўзининг ички қонуниятига, руҳий иррационал кучга эга эканлигини айтди. Онгсизликни онг орқали бошқариш мумкин, бироқ бунинг учун инсоннинг руҳий борлигини таҳдил қилиш керак, дейди.

Руҳий таҳдил фалсафасининг яна бир вакили Юнг индивидуал онгсизликдан ташқари коллектив онгсизлик ҳам мавжуд, деган фикр билдири. Бу маълум гуруҳ, миллат, халқ ва бутун инсониятга тегишилдири. У баъзи халқларнинг ёвуз, урушқоқ, галаёнчи бўлишини, ҳозирги даврдаги экологик ва ядровий ҳалокатни коллектив онгсизлик билан изоҳлади. Бу таълимот XX аср фалсафасига ўз таъсирини ўтказди. Ҳозирги замон фалсафасида руҳий таҳдил фалсафасининг таъсири жуда катта. Индивидуал онгсизлика қўйидагилар киради: инсоннинг ўз танаси, руҳияти ва ҳолатини билмаслиги, кўр-кўронга бирорлар фикрига эргашиши, туш кўриши, интуиция ва бошқалар. Ижоднинг генезиси, келиб чиқиши ҳам онгсизлик асосида пайдо бўлишини ҳозирги замон руҳий таҳдил фалсафаси исботлаб берди.

Фрейд онглилик турли символлар, белгилар орқали намоён бўлганидек, онгсизлик ҳам турли символлар орқали ифодаланишини исботлади. Онгсизлик руҳий ҳолат сифатида туш кўрища, кишиларнинг ўйқусираши (алаҳисираш)да, турли маъносиз фикрларда намоён бўлади. "Буни "уқа билиш" керак, шундагина инсонда яшириниб ётган руҳий ярани аниқлаш мумкин бўлади". – дейди Фрейд.

Инсон ўз фикрини эркин, иктиёрий баён этиши маънавий эркинликнинг, шахс такомиллашувининг, инсон борлигининг ўзига хос шарти эканлигини руҳшунос олимлар бир неча бор таъкидлаганлар. Эркин, "ўзбошимчалик" билан, ҳатто асоссиз равища ўз фикрини баён этиш иход учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини немис ёзувчиси Л.Берне 1823 йилда ёзган "Уч кун ичидаги қандай қилиб ўзига хос ёзувчи бўлиш мумкин?" номли асарида баён қилган. Муаллиф эндигина ижодини бошлаган ёш ёзувчига З кун ичидаги миясига келган ҳар қандай фикри қоғозга туширишни маслаҳат беради. Натижада ёзувчи бошқаларда учрамаган, бетакрор фикрларни баён этган. Фрейд бу асарни ўқиб чиққач, асар унинг руҳий таҳлилига жуда мос келганини таъкидлайди. Фрейд онгсизликдаги руҳий энергия жинсий майлилк асосида пайдо бўлишини, унинг бу фаоллигини олга қараб такомиллашиб борадиган руҳий жараён, эканлигини кўрсатади. У ҳам онг сингари фасл ва такомиллашиб туради, дейди.

Демак, онгнинг фаоллиги тўғрисида гапирганди, онгсизликнинг фаоллигини ҳам назарда тутиш керак. Фрейд инсоннинг онгсиз фаолијати хилма-хил руҳий ҳолатлар ва жараёнлардан (уйқу, туш, турли автоматик бажариладиган ҳодисалар, интуиция, кўр-кўрони бирор фикрига аралашиш ва б.) иборат бўлиб, уларнинг барчаси ҳам инсон фаолиятида бир хилда ўрин тутмаслигини, баъзилари фаол, бошқалари суст иштирок этишини ёзади. Олим, айниқса, иход ва интуициянинг ўта фаоллигини таъкидлайди. Демак, ҳар қандай ижоднинг асосида онгсизлик ётади. Ҳозирги замонда Фрейд таълимоти асосида кўплаб санъат асарлари яратиљмоқда.

4. Ўз-ўзини англаш шахс онгининг эгаси сифатида унинг дунёга бўлган муносабатини маълум даражада фаоллаштиради. Ўз-ўзини англаш инсоннинг ўзига бўлган муносабатини кўрсатади. Бунда ҳар бир шахс ўз имкониятларини ўзи баҳолайди. Бироқ ўз-ўзини англаш даражаси, структураси турлича бўлиб, ривожланиб турувчи руҳий борлиқдир. Унинг дастлабки шакли ўз ҳолатини, аҳволини билишдир. Бунда инсон ўз соғлигини, организмидаги аҳволини ҳис қилиади. Бунинг учун у онгининг дунёга бўлган муносабати ёки дунёни ҳис қилиш воситаси бўлган сезги органлари ҳолатини яхши билиши керак. Масалан, нарсаларни ҳис қилишни идрок этиш учун инсон кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш каби сезгилар фаолиятини жуда яхши билиши керак.

Ундан юқориоқ босқичи ўз-ўзини тушуниб етишдир. Бунда инсон маълум жамоа, оила, одамлар орасида муайян маданият доирасида ўзлигини билиб боради.

Мана шулар асосида инсон онгнинг юксак шакли- "мен" вужудга келади. Бунда инсон ўзининг жамиятда, одамлар орасида тутган ўрнини тўлароқ билади, бошқалардан фарқи, ўхшашлигини тушуниб етади, натижада бетакрор "мен" шаклланади. Инсон ўз фаолиятидаги эркинлик ва масъулиятни ҳис қилади, ўзининг хатти-ҳаракатларига тўғри баҳо беради.

Ўз-ўзини англаш билишнинг босқичигина бўлиб қолмай, балки ўз-ўзини текшириш, жиловлаб туриш, баҳо бериш, эркин фаолиятни ҳам ўз ичига олади.

Ўз-ўзини англаш ҳар бир инсондаги онгнинг ажралмас қисмидир. Ҳеч бир инсон ўзининг яшанинг англамасдан мавжуд бўлмайди. Инсон ўз-ўзини англаш жараёнида ўзининг ҳамма сезги аъзоларини тўла кўриш, ҳис қилиш, билиш имкониятига эга эмас. Масалан, инсон ўз-ўзини кўра олмайди. Бунинг учун у ойнага қарashi, унда ўзинн кўриши ва ойнадаги акс худди ўзи эканлигини англаб етиши керак (ҳайвонлар ойнада ўз аксини англамайди). Демак, инсон ўз аксини тушуниши (кўриши) учун маълум онгга эга бўлади ва англаш хусусияти билан ҳайвондан фарқ қиласи. Инсон даставвал ўзининг одам эканлигини англаб етиши керак. Бу эса бошқа одамлар билан бўлган муносабатида, таълим-тарбияда ва ижтимоий муҳитда шаклланаб беради. Натижада инсонда қадр-қимматни тушуниш, одамгарчиллик ривожланади. Инсон ўзининг одамгарчилигини билиш орқалигина бошқа кишиларга инсоний муносабатда бўлади. Ва, аксинча, инсон ўзини бошқа одамлар орқали ҳам англаб беради. Хуроса қилиб айтганда, "мен ўзимга қандай баҳо бераман, бошқалар менга қандай баҳо беради", деган нақлга амал қилиш лозим. Юқорида айтилганлардан фалсафий муроҳадагина инсоннинг ҳақиқий борлигини тўғри тушунтириб беради, деган ҳуросага келиш мумкин. Бунда инсоннинг асл моҳиятини англаш, ўз-ўзини англаш муҳим роль ўйнайди.

Яхшилик-ёмонлик, эзгулик-ёвузлик, дўстлик-душманлик, яратувчилик-йўқ қилишлик каби хислатлар инсонга хос хусусият экан, демак, инсонни, инсониятни сақлаб қолиш йўлидаги ижобий фаолиятга ишонч орқали эришиш мумкин деб, таъкидлашмоқда ҳозирги замон файласувлари. Ишонч-эътиқод эса инсон моҳиятини, борлигини англаш орқали шаклланади. Булар фалсафий онг вазифасидир.

5. Истиқлол ва маънавий камолот. Ўзбекистон келажаги буюк давлат экан, бу буюклиқ ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга эришишни тақозо қиласди.

Шунинг учун мамлакатимиз йўқотилган маънавиятимизни тиклаш, маънавий инқирозни тўхтатиш, покланиш ва маънавий камолга эришиш йўлидан бормоқда.

Республикамиз президенти одамлар, айниқса, раҳбарлар халққа ҳалол хизмат қилиши, маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиши, халқ ишончни қозониши көрәклигини бир неча бор уқтириб ўтди.

Инсон маънавий баркамол бўлиши учун дунёни тушуниши, унинг қонуниятларини ўрганиши, ўзини шу дунёning бир қисми эканлигини ва унда тутган ўрнини англаб етиши керак.

Инсон маънавиятининг емирилиши ядро фожасидан ҳам қўрқинчлироқдир. Биз инсон ва инсониятнинг жисмоний ҳалокатидан олдин маънавий ҳалокати юз беришини кўпинча хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Маънавият бузилиб таназзул ёқасига келиб қолганимизни фахмлашимиз мушкул ишдир. Шунинг учун бугунги кундаги маънавият тушкунлигини, бузилишини тўхтатиш ҳаракати унинг камолоти йўлидаги дастлабки қадам ҳисобланади. Бугунги маънавий покланиш келажак авлоднинг баркамоллиги заминидир. Бугунги маънавият эртанги авлодда ўз оқибатини кўрсатади. Бугунги кундаги маънавий бузилишимиз қанчалик кучли бўлса, келажак авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигига шунча зарар етади. Шунга кўра, биз бугунги кун маънавиятини яхшиламасдан туриб, келажакда соглом авлодни шакллантира олмаймиз.

Олимларнинг таҳлилига кўра, инсоният шундай чегарага етиб келдики, маънавий покланиш қилмай илож йўқ. Ёки маънавият тикланади, ёки ҳалокат юз беради. Учинчи йўл йўқ. Бундан кутулиш учун ҳар бир одам инсоният ва яшаб турган дунё тўғрисида, унинг тақдири ҳақида юксак масъулият ҳис қилиши, келажак учун изланиши, курашиши керак. Бу инсон моддий фаровонлик учун кураши баробарида маънавий камолот сари ҳам интилиши, ўз билимларини бойитиб, маънавият сирларини чуқурроқ билиши керак деганидир.

Бироқ ҳозирги кунда инсон руҳий дунёсини, мутлақ ва алоҳида руҳни ўрганиш жуда паст дараражада. "Дунёвий руҳ", "дунёвий маънавият", "олий ҳақиқат", "инсон ва оллоҳ бирлиги", "коинотнинг узвийлиги" каби масалалар фан тизимидан чиқариб юборилган, фалсафа ва санъат дарајасидагина таҳлил қилинган эди. XX асрнинг иккичи

ярмидан бошлаб олимлар юқоридаги масалаларни илмий онг даражасига күтаришга киришдилар. Улар инсон рухиятини таұлым қылдилар, биоэнергетика назариясини, космос билан инсон үртасидаги муносабатни текшира бошладилар. Ҳозирги даврдаги ўта мұхым ўзғарыштар инсон рухияти билан bogлиқ эканини, инсоният олдидаги ядрорев ҳалокат, экологик муаммолар ҳам инсон маңнавиятитининг бузилиши оқибати, уннинг зоҳирий томони эканлыгини айтмоқдалар. Фожианинг асосий сабаби инсоннинг ўзида экан. Чунки дүнёни ўзғартыриш, унга түғри муносабатда бўлиш учун инсон ўзи маңнавиятитини ўзғартыриши керак бўлади. Бу эса анча мушкул масала. Негаки, инсонни ўзғартыриш ҳам ички, ҳам ташқи омилларга боғлиқ.

Табиатни бойлик манбаи, дея ўргандик, уни ўзимизга бўйсундирмоқчи, ўз измимизга солмоқчи бўлдик, оқибатда ундан мутаносибликни бузиб, ўзимизни фалокатга олиб келдик.

Кейинги йилларда илм-фанни ривожлантириб, илмий-техника инқи lobини амалга оширик, атом станциялари қурдик, ядро қуроллари яратдик ва "бу ютуқлар" туфайли бутун инсоният ҳәётини хавф остида қолдирдик.

Юқорида айтилганлардан инсон ўзини яхши билмаганлиги, маңнавиятитининг моддийликдан орқада қолғанлиги, ҳиссиёт билан ақр, онглилик билан онгсизлик (онг ости, англаб етмаган) үртасидаги муносабатлар нотўғри талқин қилинганини сабабли бу фожиалар келиб чиқсан, деган хулюсага келиш мумкин.

Ҳозирги замон руҳшучос олимлари инсондаги касаллик сабаблари рухият билан боғлиқлигини аллақачон исботлаганлар. Инсон жисмонан соғлом бўлиши учун уни даставвал руҳий, ақлий ва ахлоқий соғломлаштириш кераклигини таъкидлаганлар. Доктор С.Н. Лазеревнинг тажрибаси ҳар қандай жисмоний касалликнинг руҳий сабаби борлигинни кўрсатди. Бунда инсон руҳиятида бузилиш рўй беради. Бу инсондаги информацион-биоэнергетик муносабатларнинг бузилиши натижасидир. Бу бузилиш инсон маңнавиятитининг заҳарланиши, инқирозга кетиши билан боғлиқ. Инсоннинг маңнавий тубанлашиши, уннинг нопоклиги, ёлғончилиги, бирорвга қасд қилиши, хуллас, бошқаларга ёмонлик қилишидан бошланади.

Ҳозирги замон фани шуни исботлаяптики, агар одам ўта худбин бўлса, ўз манфаатидан бошқа нарсани кўра билмаса, маълум давргача мувозанат сақланиб қолса-да, бари бир ҳужайраларда бузилиш бошланади. Чунки худбин одам ҳамма нарсага эга бўлишни истайди, ўзидан

бошқани ўйламайди. Бу ҳужайраларга ўта катта юк беради, организми ишдан чиқаради. Оқибатда унинг рухиятида шунчалик қашшоқлик бошланадики, у ўз манфаати йўлида худони ҳам эсдан чиқаради. Бу – маънавий тубанликдир. Ахир, иймонли одам бошқаларни ҳам, ўзидан ташқаридаги мавжудотларни ҳам унутмайди, инсофли, диёнатли бўлади. Бошқаларни эсдан чиқарган одам рухиятида биоэнергетик ҳолат бузилади.

Президентимизнинг маънавий поклика алоҳида эътибор бериши ҳам тасодифий эмас. У Самарқанд шаҳар фаолларининг йигғилишида "турли камчиликларни кечиришим мумкин, нопокликини ҳеч қачон кечирмайман". деб жуда тўғри айтди. Юртбошимиз вилоят ва туман раҳбарларига мурожаатида иқтисодга эътибор бериш билан бирга даставвал маънавиятга, маърифатга эътибор бериш кераклигини бир неча бор таъкидлади.

Дарҳақиқат, моддий тараққиёт, ҳалқимизнинг моддий камолоти маънавийликнинг инқирози ҳисобига бўлмаслиги керак.

#### Адабиётлар:

Инъикос назарияси ва ҳозирги замон фани. Т., 1986.

КАРИМОВ Б. "Онг иккиласмчими?" Шарқ, юлдузи 3-сон, 1991.

Введение в философию. 2-том, М., 1990.

Маънавий борлиқ. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

#### ФАЛСАФАДА МЕТОД МУАММОСИ

1. Фалсафий методология ва унинг тузилиши
2. Фалсафий методологиянинг асосий шакллари
3. Диалектик методга умумий характеристика
4. Синергетика, герменевтика, структурализм ва рухий таҳдил методлари

Методология (метод – юнонча йўл, усул, логос – таълимот) метод тўғрисидаги таълимотдир. Методология назарий билимлар ва амалий фаолият тамойилларини, усувларини ўргатади. У маълум тизим тўғрисидаги таълимотдир.

Ҳар бир фан турли соҳалар. Ҷунёнинг у ёки бу томонини ўрганар экан. унинг ўзига хос текшириш обьекти мавжуд. Мана шунга му-

воғиқ ҳар бир соҳа ўзининг объектини ўрганиш учун турли методлар ишлаб чиқади ва унинг ёрдамида ўша соҳани ўрганишни яхшилайди, такомиллаштиради. Жумладан, тил, адабиётни ўрганиш методи билан биология методи ёки математика методида Фарқ бўлади. Фалсафий метод дунёни бир бутун билиш ва ўрганиш методи бўлганилигидан у универсал характерга эга бўлади. У билишнинг, ўрганишнинг умумий мантигини беради. Баъзида алоҳида билимлар тизимига ишлатилган метод бошқа фанларга ҳам ишлатиш мумкин бўлган умумий методга айланади. Насалан, ҳозирги кунда математик метод ҳамма фанлар ишлатиши мумкин бўлган методга айланниб бормоқда. Ёки ўйин методи даставвал одамларга завқ берадиган эстетик метод сифатида майдонга келган бўлса, ҳозирги кунда бу метод математика ва бошқа фанларга ҳам кўлланилмоқда.

Фалсафий метод энг универсал метод бўлиб, инсоннинг ўзига ва дунёга бўлган муносабатини билдиради. Билишнинг умумий мантигини кўрсатади. Мана шундай методни ишлаб чиқиша қадимги юон файлусуфлари Сократ, Платон, Аристотелларнинг хизмати катта.

Сократ турли мунозара, муҳокамада ҳақиқатга эришишнинг диалектик усулини майдонга ташлади. Ўзаро мулоқотда, мунозарада янги фикр ҳосил қилиш усулига, ҳақиқатни топиш усулига эътибор берди.

Платон тафаккур тараққиёти усулига - диалектикага эътибор берди. Фикрлаш тараққиёти объектив мантиқ асосида ривожланади, билиш тушунча моҳиятини билишдан иборат дейди.

Аристотель муҳокама қоидалари, тафаккур шакл ва қонунларини ишлаб чиқди. Хулоса назариясининг, индукция ва дедукциянинг ҳақиқатни очишдаги ўрнини кўрсатиб берди. У билишни ташкил этувчи диалектик тафаккур шакли категорияларини ишлаб чиқди. Тафаккур қонун ва шакллари тўғрисидаги таълимот асосида ҳақиқий билишнинг универсал методини ишлаб чиқди. Ўрта аср Шарқ файласуфлари (Форобий, Ибн Сино, Беруний) Аристотель ишларини фанга татбиқ этдилар ва уни ривожлантиридилар. Янги замонда Бэкон индуктив, эмперик методни ишлаб чиқди. Галилей ва Декартлар фандаги механик методни ишлаб чиқдилар. Декарт дедуктив методнинг аҳамиятига катта эътибор берди.

Диалектик методни ишлаб чиқиша Кант ва Гегелнинг хизмати катта. Кант билиш назарияси диалектик асосдаги жараён эканлигини кўрсатиб берди. Гегель диалектик методни универсал фалсафий метод сифатида ривожлантириди, унинг категория ва қонунларини ишлаб чиқди.

### ФАЛСАФИЙ МЕТОДНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ.

Ҳар бир метод турлича босқич ва томонлардан ташкил топади. Аммо бирор томоннинг устунлигига қараб, турлича шаклда намоён бўлиши мумкин. Улардан энг кенг тарқалгани:

1. қатъий мантиқий-норматив асосдаги қонунларнинг устунлиги заминида доктматик метод келиб чиқади (догма - юонча фикр, ҳал қилиш, таълимот демаклри).

Догматизм тафаккурнинг фалсафий методи сифатида ҳодисаларга баҳо берган, таҳдил қилганда конкрет реалликни, шароитни, макон ва замонни ҳисобга олмайди. Догматизм ҳар қандай методдинг бошлиниши бўлиши мумкин. Ҳар қандай илмий билиш эскини ўзлаштиради, қоидаларга амал қиласди. Бироқ бу қоидалар мутлақлаштирилади, нисбий барқарорлик мутлақлаштирилади, руҳият нуқтаи назаридан эса ўз фикрига танқидий ёндашмайди.

2. танқидий-рефлекторлик (ўз назарий фаолиятига танқидий муносабатда бўлиш) асосида нисбийлик (релятив) методи келиб чиқади. Бу метод билишинг нисбий, шартли томонларини мутлақлаштиради. Тараққиётдаги ворисликни кўра билмайди. Ҳамма нарсани доим ўзгашиб туришини ҳисобга олиб, нисбий осойишталик маълум қоид, қонунларга эга эканлигини тан олмайди.

3. Бу методларнинг синтези сифатида диалектик метод майдонга келади.

Бу методлар фалсафий фикр тараққиётининг турли даврларида турлича ўрин тутган. Ҳар бир методдинг ўзиға хос ижобий ва салбий томонлари бор. Догматик, метафизик тафаккур методининг вужудга келишида Аристотелнинг формал логикиаси катта аҳамиятга эга бўлди. У фикрни аниқ, нозид, изчил исбот қилиш каби метод орқали тафаккурнинг муайян қонунларини яратди.

Янги фалсафий тафаккур тизимиға ўтишда релятивистик (нисбийлик) методи алоҳида ўрин тутади. (Софистлар, Монтель ва б.). Бироқ XIX асрнинг 30-40 йилларида табиат, жамият фанларидаги, ижтиёмий ҳаётдаги ўзгаришларни фалсафий таҳдил қилиш асосида диалектик метод майдонга келди ва тараққиётининг ана шу давр даражасини фалсафий таҳдил қилиш учун жуда мос келди. Ҳозирги кунда ҳам ана шундай муносабатларни талқин қилишда ундан фойдаланиш мумкин.

Чунки диалектика формал мантиқдан фарқли ўлароқ тарақиётнинг ич-ки динамикасини, ўзаро боғлиқлиги, қарама-қаршилик мантиғини беради.

Диалектик мантиқ фикрлаш қонуни ва шаклларининг ривожланиши тўғрисидаги таълимотни беради.

Диалектика борлиқ ва билиши ривожланишининг умумий қонунлари, асосий методи ҳақидаги таълимотдир.

Диалектика танқидий - рефлексив (ўз тарақиётига танқидий муносабатда бўлиш) ва мантиқий меъёрий методни синтезлаш асосида фикрлашни ишодий ривожлантириш методидир. Диалектика борликни шунчаки тушунтириб қолмай, балки унинг шаклланиши жараёнини ҳам кўрсатиб беради. Борлиқнинг шаклланиши қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳамма нарса ривожланади. У турли-туман шаклда намоён бўлади (ўзгарувчанлик ҳолати).

2. Ҳамма нарсада сокинлик бор.

3. Ҳамма нарса ўзи-ўзига тенг ва ўзи-ўзидан фарқ қиласди (ўзгарувчанлик билан барқарорлик бирлиги).

Ҳар қандай нарса пайдо бўлади, ривожланади ва ўз умрини тутатиб, ихкинчи сифатга ўтади. Бироқ маълум давргача ўз барқарорлигини сақлаб туради.

Ана шундай барқарор томони маълум қонунларда ўз ифодасини топади. Диалектика қонунлари ҳам ана шу шаклда вужудга келади. У борлиқнинг умумий мантиғини кўрсатгани учун энг умумий тавсифга эга бўлган қонунлардандир. Бу қонунлар қўйидагилардан иборат: қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ва инкорни инкор қонуни.

Ҳар бир қонун турлича категорияларда ифодаланади.

Лекин эндилиқда физика, математика, кимё, биология каби асосий (фундаментал) фанларда гоят буюк қашфиётлар юз бермоқдаки, уларни теран таҳлил қилиш ва идрок этиш учун биргина диалектика-нинг қонун ва қоидалари кифоя қилмай қолди. Албатта, бу борада ҳам турли фикрлар мавжуд. Аксарият, чет эл файласуфлари диалектикани мутлақо рад этмаган ҳолда синергетикани (синергетика деган тушунча фанга асримизнинг 70-йилларида кириб келди) ҳам қўлламоқдалар. У даставвал физикавий, кимёвий, биологик ҳодисалардаги, кейинчалик эса иқтисодий-техникавий, ижтимоий жараёлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини бошқариш, хаос (тартибсизлик) ка-

би ҳолатларнинг йўналишини, қонуниятларини билишга қаратилган. Бу таълимотни илк бор бельгиялик физик Илья Пригожин, сўнгра олмон физиги Хенрих Хакин ва бошқа олимлар асослаган, у мустақил тафаккур услуги сифатида қаралмоқда. Бу йўналишни энди ўргана бошлаган ўзбекистонлик файласуфлар эса уни диалектиканиң давоми деб шарҳламоқдалар. Бизнингча, синергетика - XX асрдаги фанний ва ижтимоий тараққиёт омухталиги ўлароқ юзага келган янги тафаккур услубидир.

Хўш, синергетиканиң ўзига хос жиҳати нимада? Сир эмас, XX асрда табиий ва ижтимоий фанлардаги кашфиётлар натижаси ўлароқ, обьект билан субъект, моддийлик билан маънавийлик, тадқиқотчи билан унинг тадқиқ обьекти, табиат билан жамият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашув бошланди. Унинг моҳияти шундан иборатки, фан ва фалсафаниң ўзаро фарқи энди улар орасидаги зиддият, қарама-қаршилик ҳамда антагонизм тўғрисида эмас, балки уларнинг, ҳамкорлиги, бирлиги ҳақида фикр юритиши тақозо қилмоқда. Демак, синергетика инсон ҳаётида, фан тараққиётida илгари учрамаган янги муносабатларни фалсафий таҳдил қилувчи йўналиш сифатида пайдо бўлди.

Агар диалектика тараққиётни қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкорни инкор этиш қонунлари орқали изоҳласа, синергетика уларни тараққиётниң ягона доимий (универсал) қонунлари деб билмайди. Бундан ташқари синергетика бугунги тамаддун (цивилизация) ривожига хос бosh тамойил - узлуксизлик (эволюция), босқичма-босқич ривожланиш (коэволюция), мувозанатсизлик, бекарорликнинг барқарор сифат касб этиши каби қонуниятларни шарҳлаб бердики, улар фан, ижтимоий ҳаёт ривожида борган сари ўз исботини топмоқда.

Синергетика кашф этаётган тараққиётниң эволюцион тамойилини таҳдилдан ўтказиб кўрайлик. Бугунги кунда диалектика таъкидлаган, яъни эволюциясиз инқилоб, инқилобсиз узлуксиз ривожланиш юз бермайди, деган гап эскириб қолди. Чунки эволюция борлиқнинг умумий қонуни сифатида нафақат инсонлар билан инсонлар ўртасидаги, балки инсон билан табиат ўртасидаги бирлик ва муштараклик, ҳамкорликни ҳам ифодалайди. У жамият ҳаётида макон ва замонга боғлиқ геополитик ўзига хосликни ҳисобга олишни талаб қиласди. Жамиятда инқилобий ҳодиса йўқ, демоқчи эмасмиз. Тарихда кўплаб инқилобий тўнтиришлар бўлган. Улар тўғрисида кўплаб асарлар ҳам ёзилган.

Бироқ XX аср фани инқилоб тараққиёттә ягона йўл эмаслигини кўрса-тиш билан бирга, у энг хатарли йўл эканини исботлаб берди. Бино-барин, у эски тизимни тажаввузкорлик ва зўравонлик билан ағдариб ташлашни, бузиш-у ўлдиришни, йўқ қилиши назарий жиҳатдан оқлай-ди. Маълумки, марксча таълимотда ҳам "зўрлик-янги жамиятнинг доя-си" деб қаралади. Умуман, инқилобий назарияда зўрлик эътироф қи-линади ва унга давват этилади. Узлуксиз, тадрижий таълимотда эса тараққиёт эскини бузмасдан, уруш-ўлдиришларсиз амалга ошиши мум-кин бўлган жараён эканлиги асосланади. Бу назария ҳозирги замон табиий фанларининг пойдор қонунларига асосланган.

Биз синергетикани жамияттимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига татбиқ этар эканмиз, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг "Катта сакрашлар тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъянин танлаб олдик" деган фикридан назарий асос сифатида фойдаланишимиз керак. Чунки бу гап бугунги замон универсал қонунларига мувофиқ келади. У методологик аҳамиятга эга бўлган фикрdir.

Синергетика тараққиёт жараёнида бекарор ҳолат билан барқарор ҳолат, мувозанатсизлик билан мувозанат ўртасидаги қонуниятга тая-нади. Кейинги вақтларда фалсафага оид илмий ишларда бекарорлик ва барқарорлик тушунчалари бот-бот тилга олинмоқда. Бу тушунчалар ҳам Илья Пригожиннинг "Бекарорлик фалсафаси" асарида синергетика-нинг муҳим тамоили сифатида янгича, азъянавий бўлмаган асосда таҳлил этилган. Олимнинг фикрича, шу вақтга қадар бекарорлик ту-шунчаси салбий маънода ишлатилиб келинган ва унинг асл моҳиятига етарлича эътибор берилмаган. Бугунги замон фани бекарорликни бор-лиқнинг муҳим бир жиҳати деб ҳисоблайди. Масалан, тебрангич (ма-ятник) ҳаракатига эътибор берайларлик. У бир меъёрда тебранади, агар тўхтатсан, дастлабки барқарор ҳолатига қайтади, агар уни тўнтариб қўйисак-чи? У ҳолда тебрангич ё ўнг томонга, ё чап томонга оғиб туради. Бу ҳолат бекарорликдир.

Шу вақтга қадар бекарорлик ҳолати олимлар назаридан четда бўлиб келди. Маълумки, барқарорлик қонуният ва сабабият натижасидир. Уни олдиндан билиш, бошқариш мумкин. Бекарорлик ҳодисаси-нинг моҳиятини тушуниш учун унга теран ва синчков назар ташлаш лозим бўлади. Уни сийқа фикр тарзи билан изоҳлаб бўлмайди. дейди Пригожин. Микрорудунё, тўлқин ва корпускуляр назариясига кўра, яхлит

бўлганидек, борлик ҳам бекарорлик ва барқарорликнинг ўзаро муштараклигидан иборатдир. Шу сабаб улардан бирортасисиз дунёни атрофлича ўрганиб бўлмайди.

Шу чоққа қадар табиатшуносликда кўпроқ детерминизмга – нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишига аҳамият бериб келинди. Табиат ва жамиятни бошқариш ва ўрганиша ҳам детерминизм тамойилига асосланилди. Эндиликда инсон табиат ва жамиятни тўлиқ билиши ва бошқара олиши мумкинми? – деган муаммо қайтадан кўтарилимоқда. Уни ҳал этиш учун фан ва фалсафа дунёнинг инсон бошқариши қийин бўлган соҳаси – бекарорликни ўрганишга киришди. Бекарорлик – детерминизм – ҳодисаларнинг сабабий боғланишини билишнинг янги имкониятигина эмас, балки илмий жараённинг инсонийлашишидан ҳам далолатдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, илмий билиш жараёнига инсон фаолияти қўшилгани боис у инсонийлашган жараёндир. Инсон ўз навбатида шу илмий жараённинг бутун бир жиҳатидир, шунинг учун эндиликда инсон субъективининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бунга билиш жараённинг инсонийлашиши, деб қарамоқ керак. Чунончи, бугун инсон ва табиат уйғуллиги ҳақида гапирав эканмиз, табиий фанлар ўртасида ҳамма вақт мавжуд бўлган умумий жиҳатларга катта эътибор беришимиз лозим. Эндиликда табиий фанлар ижтимоий фанларга яқинлашиб бормоқда. Бадиий ижод билан илмий ижод ўзаро бақамти келмоқдаки, илмий мавҳумликка ҳам гўзаллик санъатига хос усул ва қоидалар татбиқ этилмоқда.

Бекарорлик ва барқарорлик ҳақида гап кетар экан, инсон ва табиат муносабатида қандай ўзгариш юз бераётгани хусусида тўхтатиш лозим.

Барқарорлик детерминлашган дунёни инсон тўлиқ назорат этиши ва бошқаришига имкон беради. Агар дунё бекарорлигини, уни олдиндан билиш мумкин эмаслигини, ундаги ўзгаришлар натижаси биз куттгандек бўлмаслигини англасак, унга эҳтиёткорлик билан, авайлаб муносабатда бўлишга маҳбур бўламиз, дейди Пригожин.

Бекарорлик ҳодисасини ўрганиш инсоннинг шу даврга қадар билмаган кўп нарсани тушунишига, жумладан, фандаги чекланганликни англашига имкон яратди. Чунки шу вақтгача фан кўпроқ барқарорлик ҳодисасига эътибор бериб келган ва табиатдаги ҳодисалар моҳиятига бир томонлама ёндашган. Бироқ бундан табиат ва жамиятда фақат бекарорлик мавжуд экан, деган хулоса келиб чиқмайди. "Гап шундаки,

бекарорлик ва бекарорлик айни бир пайтда пайдо бўлади ва яшайди", - дея таъкидлайди Пригожин.

Синергетика бекарорлик тушунчаси ва хаос - тартибсизлик категориясини фалсафий таҳлил этади. Билмоқ керакки, бу тушунчалар фақат салбий маънода ишлатилмайди. Ҳар қандай эски тузилема янги тузилемага ўтар экан, даставвал бекарорлик, хаос юз беради, танглик авх нуқтасига етади. Бу нуқтадаги ҳолатни ўзгартишда оддий тасодиф ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Синергетика тараққиётдаги микро- ва макронараёнларнинг ўзаро муносабатини ифода этади. Масалан, микросоциал ҳодисаларда хаос - тартибсизлик, бекарорлик муҳим ижобий ўрин тутса, макросоциал ҳодисаларда бузувчилик вазифасини бажаради. Шунинг учун давлат тартиб - қонун устиворлигини талаб қиласа, эркин бозор тартибсизлик, нарх-навонинг эркинлашувини тақозо этади.

Синергетика янги дунёкараси сифатида, "чизиқсиз" тафаккур тарзидир. "Чизиқсиз" ва "чизиқли" каби тушунчалар асли математика фанига хосдир. Синергетика уларни универсал қонунларнинг намоён бўлиши тарзида ишлатади.

Диалектика универсал қонун ва боғланишлар тўғрисидаги таълимот сифатида вуҷудга келган бўлса-да, асос эътибори билан бир чизиқлилик тафаккурига асослангандир. Биз ривожланишини пастдан юкорига, оддийдан мураккабга қараб боради, деб ўргатган диалектика таълимотини жамият тараққиётига татбиқ этиб, уни бир йўналишда, яъни ибтидоий тузумдан қулдорликка, қулдорликдан Феодализмга, ундан капитализмга, кейин эса социализмга борадиган зарурий қонуният деб тушундик. Тўғри, бу таълимот ҳам қуруқ гап бўлмай, жамиятнинг бир йўналишини ҳисобга олган тафаккур тарзидир. Демак, у жамият чизиқли (бир чизиқ бўйлаб) ривожланади, деган гапдан иборат эди.

Синергетика янги фалсафий тафаккур усули сифатида бир чизиқлилик билан бирга чизиқсизлик тамоилини ҳам ёқлади. Бу тамоили тараққиёт олдиндан белгилаб қўйилганд мұқаррар бир йўлдан кетмай, ҳар бир нарсанинг ички бир хусусияти ва ташки алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги ва бетакор йўлдан боришини кўрсатади. Улар воқееликнинг фикрий бичимларига асосланган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари тарихий манбаларни, ижтимоий ҳаётни таҳлил қилишида қўлланадиган герменевтика методи, ижтимоий ҳаётни тузилиши нуқтаи назаридан уларнинг бир бутунлиги ҳамда элементлари ўртасидаги

муносабати асосида таҳлил қилувчи структурали метод, инсон руҳий ҳолатини ўрганувчи руҳий таҳлил методлари ҳам борки, булар ҳақида ўтган маъruzаларда айтган эдик.

Адабиётлар:

**Введение в философию. Часть 2. М., 1990.**

**Современная западная философия М., 1991.**

**И. РАҲИМОВ. Мурса фалсафаси. "Тафаккур" журнали. 2-сон, 1996.**

**ФАЛСАФАДА ИНСОН МУАММОСИ**

1. Инсон тушунчасининг фалсафий таҳлили. Антропоцентризм муаммоси.
2. Инсон ҳаётининг маъноси. Ҳаёт ва ўлим.
3. Республикада инсонпарвар мағкуранинг шаклланиши.

Инсонлар пайдо бўлиши билан унинг муаммолари ҳам пайдо бўлади. Бироқ дунёда инсоннинг тутган ўрнини аниқлаш кейинчалик, яқиндагина пайдо бўлди. Бу масала инсоннинг дунёга бўлган муносабатини, ўзлигини билиш ва ўз-ўзини англашнинг узоқ давом этган эволюцияси сифатида тадқиқ этилиши лозим. Чунки инсон ўзлигини билиши ва ўзининг дунёда тутган ўрнини тўлароқ, атрофлича аниқлаши учун унинг тафаккури ҳам ривожланган бўлиши керак.

Инсоннинг дунёда тутган ўрнини ўрганиш, унинг бошқа жонзотлардан ахралиб, табиатдаги бошқа нарсалардан фарқ қилишини англассидан бошланади ва инсон ўзини мустақил ҳисм сифатида тумуна бошлайди. Аста-секин алоҳида ҳис-туйғуларнинг ўзига хос томонлари шакллана бошлайди. Натижада инсоннинг дунёда тутган ўрни, дунё ва инсон муаммосининг янги кирралари, муҳим томонлари намоён бўла боради. Қадимги юнон файласуфи Протагор "Инсон фикрловчи мавжудот сифатида ҳамма нарсанинг меъери" деб айтган эди. Бу фикрлар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунки бунда инсонга хос энг муҳим хусусиятлар ўз ифодасини топган, бутун борлик инсон мөҳияти нуқтаи назаридан баҳолангандагина у инсонийлашади ва натижада инсон ўз меъерини билиб боради. Шу давргача инсоннинг ўз мөҳиятини ва меъерини англиши фалсафада ўта муҳим масала бўлиб келади.

ган. Мана шу маънода Сократнинг "ўз-ўзингни бил" деган фалсафий ибораси донишмандлик намунаси сифатида тан олинди. Марказий Осиёда яратилган қадимги ёдгорлик "Авесто"да ҳам инсон тўғрисида, унинг дунёга ва бошқа одамларга муносабатини такомиллаштириш борасида ибратли фикрлар баён қилинган.

Зардуштийлик таълимотида инсон ўз фаолияти жараёнида, шунингдек, бошқаларга муносабатида ҳамма вақт тўғри ва адолатли бўлиши кераклиги таъкидланади. Бу таълимотга кўра, инсонда эзгу ниятлар ҳам, яхши сўзлар ҳам, ёвуз фикрлар ҳам, ёмон каломлар ҳам, юксак амаллар ҳам, паст қилиқлар ҳам мавжуд бўлиб, инсон камолотини унинг юксак маънавиятини, ички дунёсини таъминлашда ёвуз ниятлар, ёмон сўзлар, ярамас қилиқлар эмас, аксинча, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амаллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Эзгулик ва яхшилик тўғрисидаги зардуштийлик таълимотида айтилган бу фикрларни юонон файласуфи Демокрит қарашларида ҳам учратамиз. У донолик уч ҳолатда: яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишда кўринади, деб айтган эди. Демокрит фикрича, Жаҳон – доно руҳнинг ватаниндири.

Ўрта аср Шарқ фалсафасида ҳам инсон муаммосига алоҳида эътибор берилган. Шарқда, айниқса, Марказий Осиёда ва араб мамлакатларида дунёвий илим ўрганилган. Шарқ алломалари дунёning тузилиши тўғрисидаги қадимги юонон файласуфлари айтган фикрни ўрганибина қолмай, уларни янги босқичга кўтаришиди.

Бу даврда лиёrimiz фалсафаси ва фани жаҳонда етакчи ўринни эгаллади, умуминсон маданияти ва фани тараққиётига муносиб ҳисса кўшди. 1X-XV асрлар Шарқда уйғониш даври деб атальди. Бу давр фани ва фалсафаси инсон тўғрисидаги қарашларга ҳам ўзгартиш киритди: Инсон, ўз хусусиятларига кўра, бошқа мавжудотлардан шунчаки ахрапибина турмай, балки улардан фарқли ўлароқ ўзлигини билишга қодир олий зот эканлигини кўрсатди. Тасаввуф фалсафаси ҳам инсоннинг олий муқаддас зот эканлиги ҳақида ажойиб фикрларни айтган. Бу таълимотга кўра, инсон руҳи илоҳий руҳнинг заррачаларидан ташкил топган бўлиб, бу руҳга муқаррар қўшилиб кетади. Шунинг учун инсон ўз руҳининг соғлигини сақлаши керак. Бу олий мақсаддага эриши учун одамларга яхшилик қилиш, ёвуз ниятлардан воз кечиш керак. Инсон яхшилик қилиш, фақат адолатли, соғдил, ҳалол, тўғри сўз, виждонли бўлиш билан чегараланмайди. Жамиятда фаол иштирок этиш, моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришда яратувчи бўлиш

ҳам яхшиликнинг кўринишидир. Тасаввуф инсонни мевали дарахтга ўхшатади. Бу таълимотнинг йирик намояндаси Б.Нақшбанд "Кимdir дарахт соясидан, кимdir мевасидан ва кимdir ҳуснidan баҳраманд бўлади", - деган эди.

Олов кўйдиради, уни эшигдим, оловда куяяпти, уни кўрдим, ўзим куяяпман, уни ҳис қилдим. Демак, инсон ўзлигини билиши учун ўзининг ички дунёсини ҳис қила билиши керак, деб кўрсатади у.

Демак, тасаввуф фалсафаси инсон оллоҳга инсонларга яхшилик қилиши, инсонпарварлиги билан етиши мумкин, деб кўрсатади. Бу эса уларнинг асосий гоясидир.

Руҳий таҳлил фалсафасининг йирик вакилларидан Ўнг Шарқ ва Гарб фалсафасининг ўзига хос томонини кўрсатар экан, бундай дейди: "Шарқ фалсафаси дунёни ўз ички кечинмалари орқали ҳис қиласа, Гарб фалсафаси дунёни билиб, ўз ички кечинмаларни ҳосил қиласи". Биринчи фалсафа ўз-ўзини чуқурроқ билиш асосида дунёни ҳис қиласи, демак, у энг чуқур фалсафий фикрлаш тарзидир.

Ўрта аср Гарб фалсафаси ўз иўлидан кетди. Бунда христиан динининг фалсафий қарашлари ҳукмрон бўлди. Инсон билан худо ҳақидағи масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Үйгониш даври Европада XV асрдан бошланди. Бу даврда юнон фалсафаси ва маданиятигагина эътибор бериб қолинмасдан, Шарқ фани ва фалсафасидаги инсон тўғрисидаги масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Инсоннинг шахсий, бетакрор, индивидуал ҳусусиятларига алоҳида эътибор бериш, ўз-ўзини янада чуқурроқ англам ҳақидағи янгича гуманистик фикрлаш гояси пайдо бўлди. Кейинчалик маърифат-парварлик даври бошланди, дунёвий илмларни, табиатнинг турли томонларини ўрганишга киришилди. Натижада фаннинг турли тармоқлари вужудга келди. Булар дунёнинг янги манзарасини яратди. Шарқ фанини давом эттирган гарб фани янгича фикрлаш усусларини яратди. XIX асрнинг 30-40 йилларига келиб табиат фанларида янги камфиётлар қилинди. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг борлиққа бўлган муносабатига бир қатор ўзгаришлар киритди. Гегель эса ижтимоий ҳаёт ҳам табиат қонунлари сингари ўзининг қонунларига эга эканлигини кўрсатди. Бироқ табиатда зарурият ҳукмрон бўлса, ҳамиятда эркинлик мавжуд. Ҳамиятда мана шу зарурият билан эркинлик муносабатини ҳал қилиш кўпчилик масалаларни ҳал қиласи, деб айтди. Ҳамиятда воқеа, нарсалар ақл тарозисига мос келиши керак бўлса, ўз навбатида ақл тарозиси ана шу воқееликка боғлиқ, деган Гегелнинг таълимоти пайдо

бўлди. У "Воқе нарсаларнинг барчаси ақлга мувофиқдир, ақлга мувофиқ нарсаларнинг барчаси воқедир", деган фикрни майдонга ташлади.

"Ҳамма нарса инсон учун, инсон баҳт-саодати учун" деган шиорлар пайдо бўлди. Бироқ бу шиорлар ижтимоий шароит гирдобида қоғозда қолиб кетди. Чунки капитал жамғаришининг дастлабки даврларида бозор муносабатларининг даҳшатли оқибатлари инсонларнинг кўпчилигини қашшоқлантирганлиги ҳам тўғри. Буҳронлар ва ишсизларнинг пайдо бўлганлиги рост. Бироқ ундан қутулиш хусусий мулкчиликни йўқотиш, умумий, ижтимоий мулкчиликни вуҳудга келтириш асосида бўлади, деган таълимот ҳам пайдо бўлди.

Немис файласуфи И.Кант биринчи бўлиб фалсафанинг вазифаси нарсалар дунёсини ўрганиш эмас, балки инсон табиатини, унинг билиш фаолиятини тадқиқ қилиш, инсон ақлий қонуниятларини билиш (кашф қилиш) эканлигини таъкидлади. Инсоннинг билиш жараёнларини, субъектив фаолиятини, билиш қобилиятини, уларнинг ўзига хос ички қонуниятларини ўрганиш фалсафанинг энг муҳим вазифаси бўлиши керак, деб кўрсатди. Демак, Кант инсон муаммосига янгича ёндашиб, эскича догматик қарашларга зарба берди.

Бу таълимот ижтимоий тараққиётнинг ўша давр даражасига мос келар эди. Чунки хусусий мулк ўз имкониятларини тугата бораётган-дек эди. Кейинчалик илмий-техника равнақи натижасида хусусий мулк ўзининг "иккинчи" нафасини ростлай бошлади. У энди бузувчилик ёки жамиятни синфий қашшоқлаштириш эмас, балки барча аъзоларининг, фуқароларининг турмушини яхшилаш воситаси эканлигини намоён қила бошлади. Умумий мулкчилик жамиятдаги барча фуқароларни иқтисодий тенглаштириш орқали тоталитар тузум, диктатурага олиб келиши мумкин эканлиги ҳам аён бўлиб қолди. Бу тартиб шахснинг ижодий ташаббусига кенг имконият бермай, боқимандалик кайфиятини ҳосил қилиши ҳам аён бўлди. XX аср фан тараққиёти дунёнинг янги манзарасини берибинга қолмасдан, балки ўша янгиликлар асосида дунёни қайта фикрлаш, дунёда инсоннинг туттган ўрнига янгича муносабатда бўлиш вазифасини кўйди.

Инсон табиат қонуниятини ўрганган сари уни ўзига бўйсундира боради. Ҳозирда табиат инсонга шу даражада бўйсундирилдики, еру осмон унинг оёғи остида топталмоқда, инсон уни била борган сари унга авайлаб муносабатда бўлиш, унга эстетик ва ахлоқий муносабатда бўлишни тобора эсдан чиқармоқда. Демак, инсон дунёга гайри-инсоний муносабатда бўлмоқда. Бу эса инсонга ўз акс таъсирини ўт-

казади. Инсон ўзи яшаётған маконни яроқсиз ҳолатта көлтирибгина қолмай, балки ўз ақл - заковатила яратған қуроллари билан ўзини йүқ қилиш даражасында келиб қолди. Инсон маънавиятида, ўзлигини билишда чукур бухрон юз берди. Энди инсон ўз-ўзига, дунёга бўлган муносабатини ўзгартирмасдан, дунёни манзарасини қайтадан фикрламасдан, ҳис қилмасдан илохи йўқ.

Инсон маънавиятидаги, фикрлаш тарзидаги буҳронлардан қандай қутулиш керак. Нима учун инсон ҳаёти ташландик бўлиб қолди? Бу саволга XX аср "Ҳаёт фалсафаси"нинг вакиллари Ницше, Бергсон, Шпенглер ва бошқалар фалсафада "материя", "онг", "вокелик" деган тушунчаларнинг синтези сифатида ҳаёт тушунчасини олиб, унинг маъносини таҳдил қилиш асосида инсонни сақлаб қолиш мумкин, деб кўрсатдилар. Бу тушунчани тури томондан таҳдил қилдилар. Баъзилар унинг биологик томонини (Ницше), бошқалари космологик томонларини (Бергсон) тадқиқ қилишса, уччинчилари эса ҳаётни маданий-тарихий планда олиб қарадилар (Дильтей, Зиммель, Шпенглер). Улар инсон ақлий фаолияти ҳаётни бузишга олиб келаётганини, уни иродада кучи, интуиция орқали ҳис қилиш кераклигини кўрсатдилар. Ҳаёт маъносини тушунишига ҳам ақлий (рационал) метод билан эмас, балки санъат асарлари орқали, эстетик интуиция методи орқали эришиб мумкинлигини айтдилар. Дунёни бадмий-эстетик восита ёрдамида билиш кераклигини, бунинг учун интуитив - онгсизлик асосий ўрин эгаллашини таъкидладилар.

Фрейд ва унинг издошлари инсон маънавий ҳаётининг кризисини инсон борлиги ва унинг руҳиятидан қидириш керак, деб кўрсатдилар. Улар инсондаги руҳий жараённи батафсил таҳдил қилиб инсоннинг маънавий кризисини руҳий хасталикнинг моддий сабабигина бўлмай, балки руҳий "яра" дея изоҳладилар. Натижада Фрейд таълимоти XX аср фалсафаси мактабларига жуда катта таъсир кўрсатди. XX аср фалсафасидаги энг йирик оқим ҳисобланган экзистенциализм биринчи ўринга инсон борлигини қўяди. Бу борлиқ бетакрор, нодир, ноёб бўлиб, уни ҳеч қандай илмий тушунчалар билан ифодалаб бўлмайди, деб кўрсатдилар.

Инсон борлиги шундай мураккабки, уни Гегель системаси билан ҳам, материализм таълимоти билан ҳам, илмий категориялар билан ҳам изоҳлаб бўлмайди. Бундан инсон борлигини билишга илмий методни кўллаб бўлмайди, деган ҳулоса келиб чиқади. Экзистенция (яаш) бу "ички" бўлиб, доим ташки предмет борлигига айланаб боради. Би-

роқ, у "ҳақиқий яшашни" күрсатмайды. Шунинг учун инсон ҳақиқий яшаш мөхиятини билиш учун жонли мушоҳададан, абстракт тафаккурга, ундан эса ўз-ўзини билишга ўтиши керак, деб таълим беради. Бу йўлни Къеркегор Гегелнинг спекулятив (куруқ, маъносиз, мавҳум) диалектикасига қарши қўйди ва экзистенциализм (яшаш) диалектикасини илгари сурди. У ҳақиқий мавжудликнинг олға кетишининг уч асосий босқичи борлигини айтди: эстетик, этик (алоқий) ва диний экзистал босқичлар. Биринчи босқичда инсон ташки мухитда "роҳатланади", у лаззат олишга қаратилган. Мана шу асосда сабабий боғланган бўлади. Бунда инсоннинг танлаши энг оддий ва содда бўлиб, амалий шакллашади. Фақат объект танланниб, у бевосита сезгилар, ҳис-туйғулар орқали акс эттирилади. Иккинчидан, яъни ахлоқий тамойилларда инсоний бурч бўлиб, субъектнинг ўзини белгилаш ва танлашни кўзда тутади. Бироқ у ақл билан мушоҳада қилмаган бўлиб, мавҳум хусусиятга эга бўлади. Бу фақат яшашнинг дин босқичида тўла ҳал бўлади, мана шундагина инсон яшашнинг маъносини билади, англаб етади.

"Ҳамма нарса инсон учун, инсон баҳт-саодати учун" деган шиор ўз мавқеини йўқотгани йўқ. У ўз позициясини борган сари мустаҳкамлаб бормоқда. Бунинг учун унинг маъносини чуқурроқ, англаш, унинг янги-янги аҳамиятини назарий ва амалий ҳижатдан исботлаш керак эди. Бунинг учун эса инсоннинг дунёда тутган ўрни ҳақидаги масалани кўриб чиқиш керак. Ҳамма нарса инсон учунгина эмас, балки дунёнинг мавжуд бўлиши учун, уни тўлароқ, атрофлича тушуниш учун инсон ўзи ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини англаши керак. Инсон табиатга яшаш манбаи сифатида эмас, балки ўзи ҳам унинг ажралмас қисми ва асосий таркиби, ҳал қилувчи омили эканлиги нуқтаи назаридан қарashi керак.

Дунёнинг марказида инсон туриши тўғрисидаги антропоцентризм таълимотининг мөхиятига алоҳида эътибор бериш керак. Ҳозирги замон антропоцентризм таълимотини ислоҳ қилган олимлардан бири француз файласуфи Тейяр де Шарден (1881-1955) ҳисобланади. У ўзининг "Инсон феномени" (инсон ноёблиги) асарида ҳозирги дунёни тушунишга янгича муносабатда бўлиш кераклиги ғоясини баён қиласди. Бу таълимотга кўра, ҳозирги дунёда инсон асосий ўринни эгаллар экан, космос, борлиқ масаласини атрофлича ва чуқурроқ ҳал қилиш инсон ахлоқи, эстетик қарашларисиз бўлмайди. Демак, космос этикасини христианликдаги ва Шарқдаги ғоялар билан ички мулоқот натижасида яратиш мумкин, деб кўрсатди.

Мана шунинг учун дунёга янгича, инсоний муносабатда бўлмаса, дунёни ва шу дунёнинг ядросида бўлган инсонни ҳам қутқариб бўлмайди.

Шундай қилиб, инсон ва унинг дунёда туттган ўрни тўғрисидаги тасаввур гоҳ инсонни, гоҳ космос, коинотни биринчи ўринга кўяди, натижада гоҳ гуманитар билимлар, гоҳ табиий-илмий изланишлар устунлик қиласди.

Юксак илмий равнақ ва унинг натижаси ўлароқ илмий-техника инқилоби даврида асосий эътибор инсоннинг борлиқقا, табиятга, атрофидаги дунёга бўлган муносабатига қаратилди. Тўғрисини айтганда, инсоннинг атрофига бўлган муносабатига ўта эътибор бериш, уни ўрганишга киришиш, инсон муаммосининг ўзини иккинчи ўринга суреб кўяди. Натижада инсоннинг ўзлигидан, ўз моҳиятидан узоқлашуви, бегоналашуви юз бердики, унинг яратган нарсалари, юқорида айтганимиздек, унинг ҳаётига хавф сола бошлади. Ҳозирги давр инсоннинг ўзига, ўзлигига қайтишини тақозо қилмоқда. Бу эса антропоцентризмга - ҳамма нарсага инсон нуқтаи назаридан, инсонийлик моҳияти асосида қараш ҳақидаги таълимотга қайтишга олиб келади. Бу йўналишга қайтиш оддий орқага қайтиш эмас, балки инсонийликнинг янги босқичидир. Бу босқич бутун инсоният тафаккурининг ривожланиши жараённида тўплangan инсоний фикрларни мұжассамлаштирган, турли қарашлардаги инсонийлик ғояларини ўзида сингдирган (бари бир материалистик, идеалистик диний қарашларни ўз ичига олган) янги дунёқарашлар, қадриятларни акс эттирган янги гуманистик таълимотдир. Бу таълимот умумбашарий масалаларни ҳал қилишда инсон муаммоси нуқтаи-назаридан келиб чиқадиган умуминсоний ва миллий, шахсий қадриятларнинг ўзаро муносабатларини (қарама-қаршилигини эмас) синтезлаштирган янги дунёқарашдир.

Бундай гуманистик қарашлар ўрта асрларда тасаввуб фалсафасида диний қадриятларни инсоний қадриятлар орқали англашга чақириган бўлса, улуг А. Навоий бу гуманистик ғояни янги босқичга кўтариб, ўрта аср Шарқ гуманизмининг юксак намунасини яратди.

Гарбда гуманистик принципларни И. Кант шакллантириди. У "Инсон нимагадир восита эмас, балки ўз-ўзининг мақсадидир". деб айтган эди. Бироқ инсон, фақат ҳамиятда яшши билан ўзини чеклаб кўяр эди. Инсон фақат ердаги табиятнинг боласигина эмас, балки космоснинг ҳам яшовчисидир. Демак, инсон фақат ўзи яшаётган географик мухит доирасидагина эмас, балки космос доирасида ҳам Фикр қилиши

керак. Бунинг учун унинг борлиқ тұғрисидаги қарашлари тизимини ўзгартып керак. Инсон яшаб турған атрофидаги табиаттагина эмас, балки бутун космосга янгича муносабатда бўлиш лозим. Инсон дунёга бўлган янгича муносабатида шу космос заруриятида онглилиги кенгаяётганини тушуниб бориши керак. Инсон, нима учун деган саволга эмас, балки нима мақсадда тушуниш керак, деган саволга жавоб берishi керак. Инсон космос тұғрисида янгича фикрлар экан, ердаги ижтимоий мавжудот сифатидагина эмас, балки "космос ижтимоияти" сифатида ҳам фаолият қилиши керак, деб кўрсатади олимлар.

Инсонни таърифлаганды, унинг шаклан ташкил топиши тавсифига, унинг моддий ташкил топиши даражасига, ижодиётига алоҳида эътибор берилади. Чунки ижодда инсон борлиққа объект нуқтаи-назаридан муносабатда бўлади.

Иход ўзининг ҳамма босқичларида, масалани қўйишдан тортиб то мақсадни амалга оширишгача бўлган жараёнда олдиндан пайқаш йўналишига қараб борадики, бу инсоннинг ўзига хос томонини тавсифлайди. Инсонгина мақсадга қаратилган иход қилиш қобилиятига эга. Инсон ижоди гўзаллик қонунига асосланади ва шу қойдалар билан бебош дунёни тартибга келтиради. Чунки инсоннинг онги ўз-ўзини, ўз табиатини, ижтимоий моҳиятингина эмас, балки бутун инсоний табиатни, борлиқни англаб етиши керак. Инсон ўзи тұғрисида фикрловчи ва шу фикри асосида дунё билан алоқада бўлувчи, уни ўз савияси даражасида тушунувчи, инсонийлик ва олам тұғрисидаги қарашларнинг нафақат ўзига ва бошқаларга, балки бутун дунёга сингдира оладиган зотдир. Инсон билан космос ўртасидаги янги муносабат - көзволюциянинг моҳияти ҳам мана шунда.

Инсон шунчаки дунё марказида турмай, балки унинг ривожланиши, эволюцияси ва такомиллашувининг рағбатлантирувчисига, сабабчисига айланиши керак.

Инсон муаммосининг фалсафий таҳлили тафаккурнинг умумий йўналиши, инсонийлик гояси билан сингдирилиб боришини, бутун фансиёсат, ҳуқуқ, иқтисод муаммолари ана шу умумий гоя билан уйғулашувини тақозо қиласи.

Бугунги кунда барча фанларнинг йўналиши ҳам, сиёсатнинг мазмуни ҳам, демократиянинг моҳияти ҳам ана шу инсонийлик билан ўлчанади.

Фалсафада инсон муаммоси инсон ҳаётининг маъносини тушуниш билан боғлиқ. Инсон доим бирор нарсани эгаллашга интилади. Илмга

интилади. моддий бойликка эга бўлишга қизиқади. Хуллас, доим моддий ва маънавий маданиятга эга бўлиш учун фаолиятда бўлади. Натижада мавжуд бўлишлик ва эга бўлишлик дихатомияси (иккилиги) пайдо бўлади. Бу эса инсон моҳиятига хос хислатдир. Бироқ инсон эга бўлиш учун яшайдими ёки яшаш учун эга бўладими? деган савол тугилади. Рухий таҳлил фалсафасининг таълимотига кўра, инсоннинг эга бўлишга ўта интилиши ўзининг асл моҳиятидан узоқлашишга олиб келар экан. Негаки, эга бўлишга интилиш оқибатида мавжуд бўлиши эсдан чиқарар экан. Натижада яшашнинг маъносини эга бўлишда деб билади. Тўғри, инсон маълум нарсаларга эга бўлмасдан яшай олмайди. Бироқ эга бўлиш бошқаларнинг мулкини, фикрини тортиб олиши ҳисобига эмас, ўз фикри салоҳиятини, ҳис-туйгусини ишлатиш, яъни зўрлик, тортиб олиш, бирорвга тажовуз қилишдан ўзини тийиб, яратувчилик фаолиятини ишга солиш эвазига бўлиши керак. Бу эса инсон моҳиятининг такомиллашиши, ички имкониятини яратувчилик фаолиятига йўналтириш асосида боради. Шундагина моддийлик билан маънавийлик уйғун такомиллашади.

Инсоннинг дунёда яшами бетакрор, чунки у бир марта яшайди. Ўлим мұқаррар экан, наҳотки инсон дунёдан ном-нишонсиз йўқолиб кетса? Бу ҳар бир кишини ўйлантиради. Бунинг чора-тадбирларини излашга киришади. Инсон абадий яшайдими ёки шу қисқа умр кўриб, ҳеч қандай из қолдирмай кетаверадими? Бу ҳақда фалсафада турлича фикрлар мавжуд. Бири инсон умри фақат ўткинчи деса, иккincinnи ҳам ўткинчи, ҳам боқий, давомий, дейди. Инсоннинг бу қисқа дунёдан ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслигининг биологик чораси инсон зотини давом эттиришдир. Гап шундаки, инсон ўзидан кейин қолган фарзандларининг ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол бўлишининг кафолатидир.

"Инсондан яхши фарзандлар қолса, унинг чироги ўчмайди" деган гапнинг маъноси ҳам шунда. Унга илмий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ота-онадаги хромосома ва генлар фарзандларига ўтади, улар маълум шароитда фарзандларида намоён бўлади. Ундан ташқари яхши тарбияланган фарзандлар, шогирлар қалбида ҳам ўтган авлод яшайди.

Ҳаётйлик даврида илм-фанга, маданиятга, санъат ва адабиётга кўшган ҳиссалари унга шон-шуҳрат келтиради, маънавий умрини узайтиради. Шунинг учун уйғониш давридаги италиялик ёзувчи Ф. Петrarка (1304-1374 й) "Инсон устидан севги, севги устидан ақл, ақл устидан ўлим ҳукмронлик қиласи, ўлимнинг устидан шон-шуҳрат, унинг устидан эса вақт ҳукмронлик қиласи". деб бежиз айтмаган эди.

Ҳақиқатдан ўлим ҳар қандай жонзот устидан ҳукмрондир. Буни ҳал қилишнинг турлича йўли бор. Биринчиси, шу моддий дунёдан абадийликни излаш, иккинчиси, шу моддий дунёдан бошқа дунё борлигини тан олиш ва шу дунёга қараб интилиш.

Агар инсон яшаб турган дунёдан бошқа дунё йўқ экан, биргина дунё бор экан, инсон бир маротаба яшаб, изсиз йўқолар экан, ярамас, хулқи бузук, текинхўр, ёвузлик тимсоли бўлган одам ўз қилмишлари учун ҳеч қандай жавоб бермайдими? Уларнинг яхши-ёмон қилиқларига, рост-ёлғон гапларига, адолатли-адолатсиз муносабатларига ҳеч ким жавоб бермас эканда! Бунинг ечими ҳам турлича. Биринчидан, адолат учун, тинчлик-осоишталик учун, инсонлар келажаги, баҳт-истиқболи учун курашган кишиларни келгуси авлод, инсонлар жамияти унутмайди. Демак, кишилар хотирасида, ҳалқ қадриятида яшаб қолади.

Инсондаги бу дунёдан бошқа абадият олами борлигига ишониш уни ўлимдан қўрқув ҳиссини енгишга олиб келади. Инсон келажакса умид билан яшайди, бу дунёда қылган яхши ишлари учун у дунёда мукофот олиши ва фарогатда яшашига бўлган ишонч, ёмонликлари учун унинг жабрини тортиши борасидаги қўрқув уларни яхшиликка чорлайди.

Инсон дунёда яшар экан, унинг ҳаётини хавф остида қолдирувчи омиллар жуда кўп. Урушлар, ўлдиришлар, инсон ҳаётига тажовуз қилиш, унинг яшаш шароитини ёмонлаштириш, тиббий ёрдам бермаслик, атроф-муҳитни ифлосланитириш ва бошқалар инсон умрини қисқартирадиган сунъий омиллар қаторига киради, улар одамларнинг биологик ҳаётини узайтиришга имконият бермайди, ажалидан олдин ҳаётдан кўз юмишига олиб келади.

Мана шунинг учун ҳозирги кунда илм-фан ютуқлари, инсоннинг асосий фаолияти, сиёсатнинг моҳияти инсон умрини узайтиришга, уни бевақт ўлимдан сақлашга йўналтирилган бўлиши керак. Бу эса, юқорида айтилганидек, гуманистик ғояни сингдириш ва амалга ошириш асосида бўлади.

#### Адабиётлар:

Инсон, Қадрият: Ўзбек совет энциклопедияси.

ОРИФ УСМОН. Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. Т., 1993.

ЮСУПОВ Э., Исмоилов Ф. Инсон одоби билан. Т., 1993.  
ФРОЛОВ И.Т. Человек. М., 1991.  
Фалсафада инсон муаммоси. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

### БИЛИШ НАЗАРИЯСИ

1. Билишнинг фалсафий муаммоси
2. Билишнинг тузилиши ва асосий босқичлари
3. Билиш ва ҳақиқат.

1. Биз яшаб турган дунё ўзи нима? Бу фалсафий билишнинг биринчи ва асосий саволи бўлиб, у ўз навбатида "дунёда нимани била оламиз?" деган савол билан чамбарчас боғлиқдир. Бу саволга жавоб беришга биринчи бўлиб киришган соҳа фалсафа бўлган. Кейинчалик фалсафадан бошқа бир қатор билим соҳалари ҳам ушбу савол билан шугуллана бошлади. Натижада фаннинг турли йўналишлари пайдо бўлди. Алоҳида фан соҳалари дунёни билишнинг мухим томонларини ўз ичига олди. Натижада фалсафа билишларнинг ҳамма томонларини эмас, балки ўзига хос вазифасини бажарадиган бўлди. Тарихнинг турли даврларида фалсафий билиш турли кўринишга эга бўлса-да, унинг баъзи умумий томонлари, белгилари турғун бўлиб келди.

Назарий билишнинг фалсафадан ташқари мукаммал соҳаси сифатида математика, кейинчалик эса бошқа фанлар пайдо бўла бошлади.

Фан назарий билиш сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли босқичида турли даражада ривожланиб келди. Булар ўртасидаги умумий боғлиқликни ва умумийликни таъминловчи назарий билим сифатида фалсафий билишнинг аҳамияти ортиб борди.

Фалсафий билишнинг ўз қонунлари ва талаблари мавжуд. Бошқа назарий билишлардан фарқли ўлароқ, фалсафа билишнинг универсал назарияси сифатида намоён бўлади. Аристотель кўрсатишича, алоҳида фанлар борлиқнинг айрим томонларини ўрганса, фалсафий билиш борлиқнинг энг умумий томонларини ўз ичига олади.

Аристотель фикрича, фалсафа кенг кўламдаги категориялар, тушунчалар воситаси билан бутун гояларни синтезлаштиради.

Фалсафий билишнинг назарий билиш сифатида ўз вазифалари бор. Инсонгэ хос бўлган хусусият бу ўз билимини чукӯрлаштириш, кўпроқ билишга ҳаракат қилишдир. Фалсафий билиш дунёни кенгроқ, чукӯрроқ

билишдан иборат. Инсон тажриба асосидагина билиб қолмай, балки тажрибадан ташқаридагини ҳам билишга интилади. Бу ҳар бир кишига хос хусусият бўлиб, инсон ақли, идроки, тафаккурининг кучидир. Инсон дунёни ақл кўзи билан билади, англайди. Бу эса фалсафий билишнинг муҳим томонидир. Буни немис файласуфи И. Кант бир неча бор таъкидлаган. Унинг фикрича, инсон ақл-фаросати, зеҳни шундай юксак даражага етганки, у ўртага ташлаган масалаларни тажриба орқали ҳал қилиб бўлмайди. Чиндан ҳам инсон мөхияти, унинг қадриятлари, инсон борлигининг ўзига хос томонлари, макон ва замонинг чексизлиги, дунёни инсон борлиғи асосида билиб бориш, инсоннинг вазиятдан келиб чиқсан ҳолда фикр юритиши каби масалалар фалсафий билишнинг муҳим томонлари бўлиб, улар ақлнинг амалиётга татбиқи асосида эмас, балки фикр ёрдамида донолик қонунлари асосида билиб борилади. Тажриба бундай билимларни бермайди, фалсафий фикр эса бу мураккаб масалаларни дунёни умумий фаҳмлаш асосида ҳал қилиб боради, жуда бўлмаганда, фикр кучини доимо ушбу масалаларни ҳал қилишга қаратади.

Кантнинг "Мен нимани билишим мумкин?" деган саволи дунё тўғрисида нималарни биламиз деган масалагагина тааллуқли бўлмай, балки "нималарни билишимиз мумкин?" деган саволга ҳам тегишли бўлиб, билиш имкониятини кўрсатиб беради.

"Дунёни билиш мумкини?", "Ўз имконияти нуқтаи-назаридан инсон билиши чексизми ёки чекланганми?", "Унинг чегараси борми?". "Агар дунёни билиш керак бўлса, фан унинг қайси томонини билади, фалсафага билишнинг қайси масалалари қолади?". "Дунёни билишда инсон қандай мақбул усуллардан фойдаланади". "Билимларнинг аниқ, тўғри ва ишонарли бўлишининг шартлари нимада?", "Олинганд билимларнинг тўғрилигига ва ҳақиқатлигига қандай қилиб кафолат берилади?", "Билиминг турли даражалари, босқичларини қандай қилиб фарқ қилиш керак?", "Улардаги умумийлик нимада?" каби саволларга фалсафий билиш жавоб беради.

Бундай саволлар фалсафага хос бўлиб, бунда муқаррар равишда инсоннинг дунёга бўлган муносабати, яъни "дунё - мен" масаласи иштирок этади.

Бироқ юқоридаги саволларга турли фалсафий оқимлар турлича жавоб беради. Уларга ижобий жавоб берган фалсафий оқимлар билан бирга салбий жавоб берган йўналишлар ҳам мавжуд.

Дунёни билишга умидсизлик (пессимизм) билан қарайдиган оқим фалсафада скептицизм ва агностицизм деб аталади.

Бундай саволларга бирданига, тұғридан-тұғри жавоб беришнинг қыйинлигига сабаб фалсафий билиш мұаммосининг мұракабалыгидир. Биз марксча-ленинчa фалсафани билишдаги ягона таълимот деб, қаттый равища "дунёни билиш мүмкін", деб, үнга озгина иккiланғанларни идеализмда, агностицизмда айблаб келдик. Масалан, билиш масаласида Кантнинг фақат салбий томонини танқид қылар, уннинг фалсафий билишга құшган ҳиссасига жуда кам эътибор берар әдик.

Кант билиш жараёнининг мұраккаб эканлигини ҳаммадан яхши ғаҳмлАГАН ЭДИ.

Кант билиш жараённАда ған ютуқлари ва фалсафий фикрлашға катта эътибор беріб, уларни жуда қадрлаган ҳолда билишнинг чегараси бор, деган хулюсага келгАн. Кантнинг бу масалада танқид қилиниши асослы әмас. Бугунғи кунда Кантнинг юқоридаги фикри мұхим ахамиятга эга. Кантнинг қарави моҳият эътибори билан доноликдир. Чунки инсонға билиш ҳам, билмаслик ҳам хосдир. Кант инсонларға билиш имкониятini ҳам, билмаслик томонларини ҳам күрсатади. Ҳар бир билиш жараёни билмаслик чегарасига бориш эканини, инсонға билиш ҳам, билмаслик ҳам тақдир этилганини оқылона баён этди. Кант дүнёни охирigача, тұлалыгича билиш мүмкін әмаслигi, мана шу маңнода билишнинг чекланғанлығи ҳақида фикр юритди. Бу масала фалсафий билишнинг негизини ташкил этади, шуннинг учун уни чуқурроқ ва аттарофлича үрганиш зарур.

## 2. Билишнинг тузилиши ва асосий босқичлари.

Билиш инсон билимининг янги билим билан бойиб бориши жараёнидир. Билим эса ана шу жараённинг натижасидир. Ғоявий режалар фаолияти эса инсон онги билан воқелик, билим билан борлық, үртасидаги алоқани ташкил этади.

Билишнинг мұхим босқичлари қандай деган савол туғилади. Билишнинг асосий иккi босқичи ҳақида қадимдан буён ҳозиргача файласуфлар баҳс юритиб келадилар. Бу ҳиссий билиш ва ақлий билиш босқичидир. Ҳиссий билиш босқичи дунёни бевосита сезги органлари орқали билишдир. Билишнинг бу босқичи ўз ичига сезги, идрок, тасаввур, ҳис-туйғулар (эмоция) каби шаклларни қамраб олади.

Тағаккур воқеликни инсон томонидан акс эттириш жараёни, босқичи сифатида билвосита билишдир. Бундан шундай хулюса келиб чиқадики, ҳиссий билиш билан ақлий билиш босқичлари ўзаро бирлiкни

ташқил қиласы. Ҳиссий билишсиз ақлий билиш бўлмайди, аксинча, билиш тафаккурсиз юқори босқичга кўтариlmайди.

Биз тафаккур ёрдамида нарса ва жараёнларнинг айрим ташқи ҳодисалар орқали ички томони, моҳиятини биламиз. Биз микродунёни, атом сирларини, унсур, заррачаларнинг хоссаларини, ген ва хромосомаларни биламиз. Бундай билишлар бевосита сезги органларимизга таъсир этиш асосида эмас, балки бивосита билиш – тафаккур орқали ҳосил бўлади. Демак, тафаккур онгнинг юксак намоён бўлиши, воқеликни умумлаштириш, мавҳумлаштириш, муайян тушунчалар, ҳукмлар ва хулоса чиқариш шакллари орқали фикрлаш, тил орқали билишдир. Тафаккур бевосита билиш босқичидир. Агар ҳиссий билиш билишнинг субъекти – якка шахсадан ажралмаган ҳолда индивидуал ҳусусиятга эга бўлса, ақлий билиш умумий характеристерга эга бўлади ва умуминсоний билиш жараёнини, моҳиятини акс эттиради, билимлар объектлашади. Субъект томонидан билиш, тушуниш, муҳокама қилиш, хулоса чиқариш шаклида намоён бўлади.

#### БИЛИШНИНГ НОРАЦИОНАЛ БОСҚИЧИ.

Билиш жараёни ақлий (рационал) ҳолат билан бирга унга сифтмайдиган норационал томонга ҳам эга. Билиш жараёнининг бундай томонларини мантиқий ҳал қилиш қийин. Мантиқий исботлаш қоидаларига бўйсунмайди. Норационал билиш механизмининг ўзига хос томони нимада, унинг аҳамияти қандай ва билиш жараёнида қандай аҳамият касб этади? Бу масалани ҳал қилиш учун интуиция ва ижод тушунчаларининг мазмунини очиб бериш керак. Ижод нима, у қандай вужудга келади? Замонавий фалсафада ижод билишнинг мураккаб ўзгариб турувчи босқичи, ҳодисаларни янги қолипда, одатдан ташқари усулда ҳал қилиш жараёни деб тушунилади. Чунки ҳодисаларнинг тез ўзгариши туфайли янги ҳолат вужудга келганда, уни қабул қилинган эски қоидалар асосида эмас, ундан бошқача, янги усулда, янги андаzада ҳал қилишга тўғри келади. Мана шу жараён одатда ижод деб юритилади. Бу ақл (рассудок) нинг эмас, балки фаҳм, фаросат (разум)нинг маҳсулни эканлиги ҳақидаги Кант таълимотини илгариги бобларда айтган эдик.

Рухий таҳлил асосчиси Фрейд ва унинг иэдошлари ижод тамомила инсоннинг онгсиз фаолиятига тааллукли эканлигини кўрсатишади. Ҳо-

зирги замон фалсафаси ва табиат илми ижод тарзини ўрганишга киришиди.

Чет эл психологиялари, физиолог ва файласуфлари ҳамкорликда ижод табиатини кенгроқ ўргана бошлиши. Россия Академиясида ҳам бир гурӯҳ олимлар ижодни таҳлил қилишига ҳаракат қылмокдалар.

Файласуфлар интуиция ҳақида түрлича фикрларни баён этсаларда, шу вақтга қадар унинг табиатини тұла билмаймиз. Шунинг учун интуицияның ижод билан боелиқтігі масаласи ҳам тұла бўлмаслиги мумкин. Бирор ҳозирги замон руҳшунослығи ва неврофизиологиясида эришилган ютуқлар интуицияның турли босқичларини аниқ кўрсатиб берди. Булар қўйидаги босқичлар:

1. Образ ва мавхұмлашишнинг инсон хотира тизимидаги онгсиз равишда, англаммаган ҳолда тўпланиб бориши.

2. Мана шу тўпланган мавхұмликтан маълум масалаларни очиш учун турли комбинациялар тузиш ва уни ишлаш.

3. Вазифани аниқ англаш.

4. Мана шу одамга нисбатан кутилмаган натижага келиш (турли масалаларни бирданига ҳал қилиш, бирданига бадий образларни яратиш).

Интуитив ҳис-туйғу билан интуитив мулоҳаза (ҳукм)ни фарқ қилиш керак. Агар интуитив ҳис-туйғу бадий ижод учун зарур бўлса, мулоҳаза эса илмий билишнинг зарурий қисмидир. Аксиома, қонун ва пастулатлар кўпинча интуитив мулоҳаза асосида майдонга келади.

Ижод этиш одатда анъанавий онг қоидаларидан бошқача тарзда, инсон ҳис-туйғулари, фикрлар, зеҳнга айланыш анъаналарини бузиш асосида кутилмаган ҳолда намоён бўладиган янгиликдир.

Фалсафий хиҳатдан интуиция бадий ижодда иштирок этар экан, уч асосий вазифани бажаради: билиш жараённанда кучни тежайди, энг яқин ва мақбул йўл билан мақсадга эришади, ижобий эмоция орқали инсонда қоникиш ҳосил қиласи. Ҳозирги даврда бадий ижод билан илмий ижоднинг бир-бирига яқинлашуви, қўмаклашуви жараёни юз бермоқда. Улар ўртасидаги мутаносиблик юз бермоқда. Гўзаллик эстетика категорияси сифатида илмий билиш жараённанда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

И. Кант "Гўзаллик билиш қобилиятининг ўйинидир", деб тўғри айтган эди.

Шахмат ёки футбол ўйинида ғалабанинг ўзи эмас, балки унга чиройли комбинациялар орқали, осон ва яқин йўл билан эришиш, ин-

сонда ижобий ҳис-түйғу ҳосил қиласы. уни завқлантиради. Натижада ҳиссиёттинг устунлиги фикрни тежашга олиб келади. Ҳозирги замон математикасида ўйин назарияси мавжуд. Бу назариянинг маҳияти ҳам энг мақбул усул, энг яқин йўл билан, кам куч сарф қилиш асосида натижага, мақсадга эришишдан иборат. Фанда гўзаллик, уни объектив ҳал қилиш, унинг кутилмаганда пайдо бўлиши тежаш асосларининг йигиндиси асосида пайдо бўлади. (Семенов В.П. "Вопросы философии" "Миря ва иход". Вопросы философии 1992 й., 11-сон 7 бет)

Инсон дунёни билиб бориши учун маънавий баркамол бўлиши керак. Бу қадрият бошқаларга ғамхўрлик, умуминсонийлик каби хислатларда намоён бўлади. Шунинг учун иходда вижданийлик, самимийлик, тўғрилик инсоннинг ички масъулиятигини бўлиб қолмай, унинг маънавий маданиятининг ўлчови ҳамдир.

Иходда ҳақиқий тўғрилик қўполлик асосида эмас, балки мулоимлик, яхшилик, ижобий ҳис-түйғуларни шакллантириш асосида юзага чиқа бориши керак.

#### БИЛИШ ВА ҲАҚИҚАТ

"Ҳақиқат нима?" деган савол ҳамма вақт инсон билишининг ахралмас қисми сифатида фалсафанинг доимий масаласи тарзида майдонга ташланган.

Фикрнинг воқеликка мос келишини ҳақиқат деб тушуниш Аристотелдан буён маълум. Масалан, "ҳамма қуёнлар ҳайвондир" деган фикр ҳақиқат, тўғридир, негаки, бу муҳокама (ҳукм) воқеликка мос келади. Агар биз "ҳамма ҳашаротлар умуртқали ҳайвонлар" десак, бу фикр като, ноҳақиқатдир, чунки бундай фикр воқеликка мос келмайди.

Диалектик материализм таълимотига кўра, ҳақиқат объектив (инсонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундан ташқарида), абсолют (мутлақ) ва нисбий бўлади.

Фалсафа курси бўйича республикамиизда нашр этилган қўлланмана ва дарслкларда ҳам ҳақиқат ана шу мазмунда тушунтирилган.

Кейинги йилларда чет эл фалсафасида ҳақиқат тушунчаси янгича изоҳланмоқда. Бироқ ватанимизда чоп этилган адабиётларда эса ҳали ҳам "инъикос назарияси" нуқтаи назаридан ёритилмоқда. Бундай қараш ҳақиқатнинг мушоҳада шакли бўлиб, анъанавий материализмдан нарига ўтмайди. Ҳозирги кунда ҳақиқатни фақат "инъикос", "информация" тушунчалари билангина тушунтириб бўлмайди. "Практика".

"субъект", "объект" тушунчаларини ҳам қайта күриб, янгитдан фикрлаш керак. "Практика-ҳақиқат мезони" деган Фикр қайта таҳлилга муҳтож. Бу масалаларни ҳал қилиш ҳақиқатни тушуниш учун катта аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммасини ҳозирги замон фалсафаси ютуқлари асосида тадқиқ қилиш керак.

Ҳозирги замон фалсафасидаги прагматизм, экзистенциализм, семантик фалсафа каби бир қатор оқимлар ҳақиқат масаласига муаммо сифатида ёндешади.

Фикрнинг воқеликка мос келиши, адекват принцип ҳақида гапириладиган бўлса, билишнинг қўйидаги турларини ўзаро бирликда қараш керак: гносеологик, семантик, эпистемологик, социал-маданий.

Булар билиш жараёнини, ҳақиқатни текширишда нафақат салбий айни вақтда ижобий аҳамиятга ҳам эга.

Прагматизм вакиллари ҳақиқат тўғрисида гапирганда, унинг жамият томонидан эътироф этилган социал ва муносабат (коммуникатив) томонларига, ҳақиқатга эришишдаги иккиланиш, ишонч, эътиқод каби босқичлар аҳамиятига эътибор бердилар ва уларнинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб бердилар.

Бироқ улар ҳақиқатнинг ҳамма томонларини қамраб оладиган таълимот яратишга даъво қилганлари йўқ, унинг универсал томонлари ҳақида Фикр юритганлари йўқ. Гносеологиянинг мураккаб эканлигига, унинг мантиқий-методологик томонлари тизимидағи социал, коммуникатив томонларига кўпроқ эътибор бердилар.

Юқорида келтирилган фалсафий оқимлар ҳақиқатнинг турли томонини кўрсатар экан, улар ўртасидаги муносабатга ҳам тўхтали. Ҳар бир оқим, билиш масаласида мутлақо тўғри бўлмаса-да, мураккаб бу жараённинг у ёки бу томони ҳақида ўзига хос назария яратди. Агар семантик фалсафа билишнинг мантиқий томони билан кўпроқ шугулланган бўлса, прагматизм социал-маданий томонига, инсон фаолияти нуқтати назарига алоҳида эътибор берди.

Экзистенциализм эса ҳақиқатни инсон борлиғининг моҳияти билан баҳолайди. Демак, ҳақиқатнинг мантиқий, методологик, социал-маданий томонларини, инсон борлиғи билан бοглаб бир бутун гносеологик назария сифатида қараш, улар ўртасидаги муносабат асосида ўрганиш билишнинг обьекти ва субъекти, билиш мезони ҳақидаги масалани тўлароқ тушунишга имкон беради. Маълумки, мантиқий математик билишда амалиёт билишнинг бевосита мезони бўлиб хизмат қиласди.

Математикада ҳақиқат масаласи бир неча ҳолатларга боғлиқ, у символлар билан иш күради. Шунинг учун унинг ҳақиқатлиги математик назарияларнинг семантикасига боғлиқ. У семантик ҳолати жиҳатдан "соф" математика, амалий математикага бўлинади. Буларнинг барчасида "ҳақиқат" тушунчаси мавжуд, бироқ ҳақиқат ўлчови турлича. Масалан, "соф" математикада ҳақиқат мезони амалиёт эмас, чунки унда ҳақиқат воқеликнинг бевосита инъикоси сифатида майдонга келмайди. Чунончи, адекват (воқеликка мос келиш) масаласи бошқача қўйилган. Математикада ҳақиқат деганда, математик объект тушунилади. Математик объект эса таърифланадиган тушунчаларда ифодаланади. Чунончи, "икки жуфт сон" деган фикрнинг ҳақиқатлигини "икки сон" ва "жуфт сон" тушунчаларини таърифлаш билан аниқлаш мумкин. Демак, математик мулоҳазалар ҳақиқатдир. Чунки улар математик таъриф (аксиомалар, теоремалар) орқали аниқланади. Таърифлашда эса ўша тушунчанинг хоссалари акс эттирилган бўлади.

"Практика - ҳақиқат критерияси" деган тушунча тўғрисида яна бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, И.Т.Касавин "Практикага мос келиш ҳақиқат учун зарурий шарт эмас, у гносеологиянинг умумий, универсал томонини ташкил этмайди". - деб кўрсатади. Бироқ бундан ҳақиқатни аниқлашда амалиётнинг аҳамияти йўқ, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Гап практика масаласини мутлақлаштираслик, уни ўйламасдан, ҳамма нарсага юзаки тикиштириш, "мафкуравий хуносалар" чиқариш тўғрисида бормоқда. Ҳақиқатни аниқлашда инсоннинг амалий фаолияти, практика мұхим аҳамиятга эга.

Демак, билиш воқеликнинг нусхасигина эмас, балки устивор равишдаги жараёндир, яъни шахс томонидан майдонга ташланган муаммолар. Бунда бошқача жараён юз беради. Шарт-шароит натижасида шахснинг шаклланиши, унинг маданий-тарихий амалий фаолияти, ҳодисаларга берган баҳоси каби йўналиши асосий аҳамиятга эга бўлади. Кейинги вақтларда илмий билишда ҳиссий билиш босқичига образдан ташқари белгилар йигиндиси ҳам қўшилмоқда, бу эса "билиш воқеликнинг инъикоси". "Объектив борлиқнинг субъектив образи" деган фикрларга аниқлик киритмоқда. Бу ўз навбатида билиш инъикос бўлмай, балки репрезентатив (кўрсатилган нарсага мос келмаслик) характерга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, белгиларнинг табиатини ҳиссий билиш билан эмас, балки назарий билиш билан аниқлаш мумкин, ҳиссий билишни белгилар орқали акс эттириш объективнинг айнан тузилишини кўрсатмагани сабабли объективни адекват акс эттириш

масаласи, унинг образлилиги масаласи янгича қўйилмоқда. Белгилар предмет-ҳодисаларни ҳиссий идрок қилиш бўлиб, бошқа предмет-ҳодисалар тўғрисида ахборот беради (образли эмас). У шахс фаолиятини тахминий саралаш, ижодий моделлаштиришга, шунингдек, таҳлил қилишга ҳам боғлиқдир.

Билиш жараёнида инсондаги ахборотлар, тушунчалар тизими, назарий билимлар, тафаккур, ижтимоий амалиётга эга бўлиш ҳам қўшиладики, бу инъикосда йўқ.

Булар ҳаммаси билишда субъектнинг ўрни ҳақидаги масала биринчи ўринга қўйилиши кераклигини, ҳақиқий масалани фақат адекват (тўғри) акс этиш, обьектга мос келиш билангина изоҳлаш бир томонлама эканлигини кўрсатади.

Демак, ҳақиқат борлиқнинг акс этишигина бўлиб қолмай, балки субъектнинг билиши, амалиёти, маданиятининг қўшилиши натижасидир. Воқеликни тўғри акс эттиришда инсон меъёрини билиш жуда катта аҳамиятга эга. Инсон меъёри эса унинг ижодий эркинлиги билан белгиланади.

Инсон билимларининг воқеликка мос келиши тўғрисидаги масалани ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди. Бу фалсафий фикрнинг эришган ютуғи бўлиб, ҳақиқатни яхлит шаклда ифода этади.

Воқеликнинг инсон билимларига мос келиши ибораси турли фалсафий қарашларда турлича талқин қўлингани ҳам маълум.

Ҳақиқат воқеликка мос келишининг икки шакли: ҳиссий ва ақлий босқичлари; бу билимлар асосида предмет ва тушунчаларни ижод қўйувчи, уларни ривожлантирувчи инсон обьекти ётганини ҳеч эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун тушунча вазифасини бажарувчи фикрлар билимни акс эттириш учунгина эмас, балки системалаштириш муаммоларини расмийлаштириш учун ҳам хизмат қиласди.

Бу маънода Хайдеггернинг "Ҳақиқий борлиқ ва ҳақиқат бир-бири билан икки жиҳатдан мослашади (мувофиқлашади): биринчидан, улар тўғрисидаги нарсалар предметларга мувофиқлашади ва, иккинчидан, муҳокамадаги фикрлар нарсаларга мос келади" (Хайдеггер М.О. Сущности истины. Философские науки. 1989 4-сон, 93 бет) деган фикри ҳақиқатнинг моҳиятини очишида катта аҳамиятга эга.

Бунинг маъноси шуки, фикрлар нарсаларга, фикрга мос келади. Бу ерда нима учун муаммо шундай қўйилган? Инсондаги фикрларнинг асоси, табииати, генезиси нимада? Нима учун субъект воқеликни умумлаштиради, уни тушунади? Предметлар, ҳодисалар моҳиятига мос

келмаган томонини қандай акс эттиради? Бу мөхият зәтибори билан, юқорида айттылғаныдек, объектнинг субъектга, субъектнинг объектга бўлган муносабатидир.

Хайдеггер, "Ҳақиқатнинг мөхияти эркинликдадир". - дейди. Бу билан у инсон билишининг имкониятлари доим ҳақиқатни излашга, унинг турли томонини топишга қаратилганини кўрсатади.

#### Адабиётлар:

Инъикос назарияси ва ҳозирги замон фани. Т.. 1985.

Введение в философию. 2 часть. М.. 1989.

РАҲИМОВ И.Р. Мантиқ. Т.. 1994.

Билиш назарияси. Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

#### ҚАДРИЯТ ФАЛСАФАСИ (АКСИОЛОГИЯ)

1. Қадрият тушунчаси
2. Фалсафа тарихида қадрият муаммоси.
3. Инсон энг юксак қадриятдир.

Аксиология (юонча аксиос - қадр, логос - таълимот, сўз, тушунча) қадриятлар инсон фаолияти, унинг йўналиши, умумий аҳамияти ҳақидаги назарияларни ўрганувчи фалсафий таълимотдир.

"Ҳаёт фалсафаси"нинг асосчиси олмон файласуфи Ф. Ницше одам қадрияти ва унинг ҳаёти ҳақидаги масалани майдонга ташлади. У материализм ёки идеализм масаласига эмас, "ҳаёт" тушунчасига алоҳида зәтибор берди. Инсон қадрияти, махлуклиқдан холиқлиқка бориш ҳақидаги таълимотни яратар экан, унинг фалсафий замини қилиб "Зардушт" фалсафасини олди. Чунки унда инсон қадрияти, она заминимиздаги инсон ва унинг камолоти ҳақида сўз борган.

XX аср ғарб фалсафасига назарий асос бўлиб хизмат қилған Ницше таълимоти инсон мөхиятини таҳдил қилиш ҳақидаги муаммони бошлаб берди.

XX аср фалсафасида инсон, инсоният ва инсонийлик асосий масала қилиб олинди. Фалсафадаги борлиқ тушунчаси ҳам, онг ва билиш масаласи ҳам, инсон амалиёти муаммоси ҳам инсон мөхияти нуқтаи назаридан текширилди. Борлиқ деганда, даставвал инсон борлиги,

билиш деганда инсоннинг билиши, объект билан субъект бирлиги, онгни борликдан чиқарип юформаслик масаласи майдонга ташланди. Онг борлиқнинг ажралмас қисмигина бўлиб қолмасдан, балки инсон моҳиятини белгиловчи тушунча эканлиги таъкидланади. Бугунги кунда фалсафий муаммоларда идеализм ва материализм бош мезон эмас, у ёки бу файласуф идеалист ёки материалист, диндор ёки атеистлиги нуқтаи назаридан эмас, балки фалсафий тафаккур тараққиётига қўшган хиссаси, демак, инсон муаммосига бўлган муносабати нуқтаи назаридан баҳоланади. Нафақат файласуфларни, бошқа ижодий соҳа вакилларини ҳам инсон кўзгуси нуқтаи назаридан баҳолаш устувор аҳамиятга эга бўлиб қолди.

XX аср фалсафаси инсон фаолиятини тадқиқ қилганда, фалсафий йўналишлар инсонлар учун аҳамиятлими ёки аҳамиятсизми, у бузишга қаратилганми ёки яратувчанликка қаратилганми, инсон ҳаётига Фойдалими ёки заарлами, жамият моддий ва маънавий ҳаётини ривоҷлантирадими ёки унга тусиқ бўладими, инсонни йўқ қиладими ёки унинг ҳаётини сақлаб қоладими каби масалаларга жiddий зътибор берди ва инсон муаммосини биринчи ўринга олиб чиқди. XX асрда илмий-техникавий тараққиёт натижасида шундай янгиликлар бўлдики, бу янгиликлар инсон назоратидан чиқиб кетди. У яратган қашфиётлар инсоният мавжудлигига хавф sola бошлади. Инсон вуҳудга келтирган нарсалар инсониятдан бегоналашмоқда, ижтимоий тараққиёт, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш учун эмас, балки вайронагарчиликка, инсоннинг "кулини кўкка совуриш"га "хизмат" қилмоқда ва бу хавфтобора ортиб бормоқда.

Атом энергияси инсон томонидан яратилган бўлса-да, уни батамом бехатар ишлатишни ўрганган эмасмиз. Баъзи файласуфлар атом энергиясидан фойдаланишини оғзини сим тўр билан боғлаб қўйилган йиртқич ҳайвонга ўҳшатадилар. Чунки у табиатдан тутиб олингани билан ҳали уй ҳайвони даражасида маданийлашган эмас, хоҳлаган вақтда чиқиб кетиб одамларга ҳужум қилиши мумкин.

Инсон тафаккурини тўхтатиб бўлмайди. Уни инсонга хизмат қилдириш йўлларини мукаммал топганимизда, атом энергияси хатарсиз бўлиши мумкин.

Агар XVIII-XIX асрларда инсон яратган янгиликларга "Бу хаёлий эмасми?" дея ақлий баҳо берилган бўлса, XX аср илмий-техника инқилоби ютуқларига "инсон учун хавфли эмасми?" дея қаралмоқда.

ХХ аср фалсафасида бутун борлик, билиш, англаш, инсон амалиёті гуманистик фалсафа нұқтаи назаридан изохланымақда. Чунки улар инсон қадрияты нұқтаи назаридан бақоланмаса, инсоният келажаги хавф-хатарлы бўлиб қолади. Зоро, инсоният айрим тасодифларнинг қурбони бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

ХХ аср тарихий тараққиёт таърибаси "Инсон нарса эмас" деган қоидага "инсонни ясаш, яратиш мүмкін эмас, қайта тузиш, қайта ижод қилиш ҳам мүмкін эмас, инсон жамият учун керак зот, жамият инсоннинг ўзи, унинг фаолияти" деб қўшиб қўйиш кераклигини кўрсатмоқда. Инсон ўз-ўзини ташкил қиласидиган, ўз-ўзини ривожлантирадиган, ўз-ўзига шароит яратадиган мавжудотдир. У ўзининг моҳиятини, қадр-қимматини англаб етадиган ижтимоий мавжудотдир. Инсон қадрияты инсонийлик асосида намоён бўлади. Шунинг учун ҳар қандай билиш, борлик, амалиёт, фан-маданият инсонийлашгандагина қадрият даражасига кўтарилади.

Агар онтология "нима бору нима йўқ?" деган саволга, гносеология "инсон нимани билади ва қандай билади?" деган саволга жавоб берса, аксиология "эзгулик нима, унинг инсон учун қандай аҳамияти бор?" деган саволга жавоб беради. Демак, қадрият нарсаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг билиш ва инсон учун аҳамиятидир. Инсон ўз олдига қўйган мақсадлари, манбаатлари нұқтаи назаридан ўз иродаси асосида ана шу нарсаларнинг керакли миқдорини танлаб олади.

Энг олий қадрият инсонидир. Инсон борлиғи, унинг ҳаёти, яшши энг асосий масаладир. Инсон ҳаёт бўлсагина нарсалар, табиат, бутун борлик, моддий ва маънавий маданият аҳамиятга эга бўлади. Унинг аҳамияти фақат инсон борлиги асосида қадрланади.

Умуминсоний қадриятлар бу инсонларга хос хусусиятлар, инсон қадр-қиммати, ахлоқи, маънавияти, моддий ва маънавий маданиятининг инсонийлашган томони бўлиб, буларсиз қадриятлар мавжуд бўлмайди. Қадрият ўзаси, жамоат ва жамият манбаатлари йўлида хизмат қиласидиган, улар учун аҳамиятли бўлган обьектлардир. Бироқ обьектларнинг мавжудлиги, ҳали қадрият бўла олмайди. Қадрият бўлиши учун обьект фойда келтириши, аҳамият касб этиши керак. Бу аҳамиятиллик обьектларнинг хусусиятлари билан эмас, балки уларнинг инсон фаолияти манбаатларига, ижтимоий муносабатлар соҳасига қайдаражада жалб этилганлигига қараб белгиланади. (Қаранг: Фалсафа курсининг айрим масалалари. Фарғона, 1992, 80 бет)

Қадриятлар ахлоқий қоида ва меъёрлар, идеаллар ва мақсадлардаги баҳолаш мезони ва усуллариниң ҳам ўз ичига олади. Инсоний муносабатларнинг моҳиятини ташкил этади, муносабатларнинг шахс ва жамият учун аҳамиятини ўз ичига олади. Ҳалоллик, поклик, ўзаро ёрдам, адолатлилик, ҳақиқатгўйлик, эзгулик, тинчлик, шахс эркинлиги, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби ахлоқий фазилатлар ҳам, бурч, виждан, ор-номус, баҳтлилик каби ахлоқий тушунчалар ҳам қадриятлардир.

Қадриятлар объектларнинг кишилар томонидан баҳоланишида ҳам намоён бўлади. Бунда инсоннинг субъектив муносабати мужасамлашади. Қадриятларнинг мазмуни ижтимоий субъектларнинг манбаат ва эҳтиёжлари билан белгиланади. Қадрият ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, ҳатто бутун инсониятнинг эҳтиёж ва манбаатларини ифода эта-диган ижтимоий аҳамиятларни акс эттиради. Чунки у эҳтиёж ва манбаатларнинг ижтимоий аҳамияти орқали намоён бўлади. Қадрият, ўз табиатига кўра, ижтимоий тарихий характерга эга. Ижтимоий тараққиёт жарабёнида у ўзагарди ва такомиллашади. Шунинг учун қадрият тўғрисидаги таълимотлар ҳам такомиллашиб, ривожланиб боради.

## 2. Фалсафа тарихида қадрият муаммоси.

Қадим замондан бошлаб инсон қадр-қиммати тўғрисида фикр юритилган ва тафаккур бобида бекиёс кашфиётлар қилинган.

Қадимги хинд фалсафасида, айниқса, "Веда"ларда инсон қадрияти ва унинг такомиллашуви тўғрисида фикр юритилади. "Махобхорат"да инсон ахлоқий қадриятларини юксакликка кўтариши учун олийжаноб бўлиши кераклиги тўғрисида фикрлар бор. Унда инсон диёнатли, софдил, чидамли, покиза бўлиши кераклиги, ана шундагина инсон деган ном улуғланиши кўрсатилади. Кришна инсон қадриятини юксакликка кўтарадиган шахс образидир. У донишмандлик, одамийлик, олийжаноблик тимсоли сифатида намоён бўлган.

Диёrimизда бундан икки минг беш юз йил илгари пайдо бўлган Авесто ёдгорлигига инсон қадр-қимматини улуғлаш тўғрисида ажойиб фикрлар мавжуд. Унда ёзилишича, эзгулик инсон қадриятини юксакликка кўтаради. Шунинг учун эзгу амал, эзгу сўз ва эзгу фикр инсон қадриятининг асосини ташкил этади, дейилган. Ёвузлик инсонийликни кўрсатмайди, балки унинг қадрини пастга уради, деб айтилади. Эскича яшаш асосининг, маънавий заминининг инқирозга учраши маънавият билан боғлиқ. Мана шунинг учун Афина демократиясининг инқирозга учраши юнон файласуфларини қадрият масаласини майдонга

ташлашга ундаған әди. Улар инсон олий қадрият, деб күрсатдилар. Милет мактабининг сўнгги вакилларидан бири Протагор инсонни ҳамма нарсанинг меъёри деб билди. Оламдаги барча нарсаларни инсонийлик билан ўлчаш кераклигини айтди. Сократ эса "қадрият нима?" деган саволни ўртага ташлади ва унга "ўзлигини англаш" деб жавоб берди.

Фалсафий тафаккур ривожида қадрияттга оид қарашлар Аристотель ва Эпикур асарларида ҳам мавжуд. Марказий Осиёда ўрта аср шароитида қадрият масаласини олға сурған буюк мутафаккирлардан Форобий, Ибн Сино, Беруний асарларида ажойиб фикрларни учратамиз. Улар инсон қадр-қимматини ўрганишда дунёвий илм билан диний таълимноти биргаликда олиб бориш ҳақида гапирдилар. Уларнинг фикрича, баҳт-саодатга олиб борадиган йўл яхши ахлоқ, илм, меҳнат, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик каби умуминсоний қадриятлардир. Инсоний қадриятлар тасаввуф фалсафасида марказий ўринни эгаллайди. Тасаввуда қадрият руҳий камолотнинг босқичи бўлган ҳақиқат даражасида тушунилади: яъни шариат босқичидан ўтиб, маърифатли бўлади ва олий ҳақиқатни кўради. Ҳақиқат даражасидаги қадриятга, моҳиятга етишиш учун шариат, тариқат, маърифатдан ўтиш ва баркамол бўлиб, ўзини англаш лозимдир. Инсоний меҳнат яхшилик орқали намоён бўлиб боради ва шу орқали олий ҳақиқат даражасига кўтарилади. Инсоний қадрият (ҳақиқат) илоҳий ҳақиқатга қўшилиб кетади. Тасаввуф таълимотида инсон қадрияти унинг моҳияти орқали таҳлил қилинади, инсонийлик асосий ўринда туради. Бу эса ҳозирги замон гуманитар фалсафий қарашларга ҳамоҳанганди.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг бутун онгли ҳаёті ва иходий фаолиятини олий қадрият бўлган инсон камолоти, унинг баҳт-саодатли яшами, қадр-қиммати учун курашга бағишилди. Улуғ Навоий асарларида қадрият масаласи асосий ўринни эгаллайди. Гарчи фалсафа тарихида ҳамма вақт қадриятлар тўғрисида у ёки бу даражада фикр юритилган бўлса-да, XX асрнинг иккинчи ярмига қадар у фалсафанинг мустақил соҳаси сифатида ўрганилмаган. XX аср бошлирига келиб инсон моҳияти, борлиги масаласи фалсафада асосий муаммога айлангандан сўнг қадрият, унинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларини ўрганувчи фалсафанинг алоҳида бир соҳаси аксиология ва унинг бир қатор мактаблари вуҳудга келди. (Ушбу қисм матни Фарғона Давлат университети фалсафа кафедраси жамоаси тайёrlаган "Фалсафа курсининг айrim масалалари" ўқув қўлланимасидан фойдаланган ҳолда ёзилди).

Қадрият тушунчаси гарб фалсафасида XVIII аср охирида қадимги ва ўрта аср фалсафасидаги борлық тушунчасини қайта күриб чиқиш натижасида пайдо бўлди. Қадрият тушунчаси гарб фалсафасида биринчи бор XIX аср немис файласуфи И. Кант асарларида пайдо бўла бошлади. Кант ўз фалсафий тизимини баён этишида манба сифатида фойдаланган мусулмон фалсафасини ҳурмат билан тилга олганлигини ҳам қайд этиш лозим. Кант қадрият тушунчасини ахлоқ соҳасини (эркинлик) табиат соҳасига (заруриятга) қарама-қарши қўйиш асосида ўрганди. Унингча, қадрият ўз-ўзича борлық, зарурият эмас, балки уларнинг аҳамиятга эгалигидир. Бу аҳамият инсон иродаси, эрки асосида қўйган мақсад ва вазифаларининг амалга ошиши орқали намоён бўлди. Қадриятни атрофлича таҳлил қилган XIX-XX аср файласуфлари уни инсон маънавиятининг юксак фазилати деб билдилар ва шу орқали қадрият масаласини ҳал қилишга ҳаракат қилдилар. Қадрият ҳақида кенг ва атрофлича таълимотни XIX аср немис файласуфи Р. Г. Лотце (1817-1881) майдонга ташлайди. У И. Кантгача бўлган фалсафий қарашларни танқид қилиб, ҳақиқатни унинг объективлиги нуқтаи назаридан эмас, балки аҳамияти нуқтаи назаридан тадқиқ қилди.

Қадриятлар масаласини ўзига хос талқин қилган Фрейнбург мактабининг бошқа бир вакили К. Л. Риккертдир (1863-1936). Унинг фикрича, қадрият ҳақиқий биллишнинг, ахлоқий фаолиятнинг асосини ташкил қиласди.

Немис файласуфи Г. Коген (1842-1918) "ҳақиқий қадриятни майдонга келтирувчи омил субъект эмас, балки "соф иродани" вужудга келтирувчи трансценденталликдир", – дейди.

Г. Мюнстенберг (1863-1916) эса инсон шахсидан юқори бўлган ироданинг асосий ҳолати қадриятларни эътироф этишидир, дейди. У муқаррарлар тушунчаси билан фалсафий қадриятлар ўртасидаги фарқни аниқ қўрсатади.

XIX аср охири XX аср бошларидаги фалсафада қадриятларни иро-да нуқтаи назардан эмас, балки ҳиссиёт асосида қараган оқимлар ҳам мавжуд эди. Масалан, Ф. Йодль, В. Вунд ва бошқалар қадрият инсон ҳиссиётига асосланганни учун субъективдир, деб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, қадриятлар ахлоқ ва ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига асосланганлиги учун чекланган дунёқарашни ташкил этади. Уларнинг фикрига қарама-қарши ўлароқ Брентиано (Австрия файласуфи 1838-1917), Шелер (немис файласуфи 1874-1928)лар инсон ҳис-туй-

ғуси объектив эканини күрсатиб, қадриятларнинг объективлигини исботладилар.

Қадриятлар инсон ҳиссиётiga асосланар экан, унинг олийлиги севгидан намоён бўлади, деб кўрсатади Шелер. Фақат севги ва нафрат орқали дунё қадриятларини топиш мумкин, деб тушунтиради у. Энг узоқ ва ҳаётий қадрият инсон ҳис-туйғуларини қондирадиган қадриятлардир. Моддий ва маънавий қадриятларнинг аҳамияти ҳам ана шу билан ўлчанади. Гўзаллик ва билиш туйғулари юқори даражадаги ҳиссий қониқиши ташкил этганидагина қадриятлар ҳисобланади. Шелер фикрича, энг олий қадрият "муқаддас" ёки илоҳий қадриятлар. Чунки унда инсон энг чўқур ва ҳар томонлама юксак мамнуният ҳосил қилади. Шелернинг ушбу фикри ҳам тасаввуф фалсафасининг қадрият тўғрисидаги фикрларига тамоман мос келади. Экзистенциал (яшаш) фалсафа Ф. Ницше, С. Къеркегор, Шелер таълимотини давом эттирад экан, инсон қадрияти унинг борлигига эканлигини, инсон ва унинг қадрияти фалсафанинг асосий муаммоси эканлигини кўрсатди.

### 3. Инсон энг юксак қадриятлар.

Қадриятлар инсон ҳаётининг маъноси сифатида намоён бўлар экан, инсоннинг ўзи энг юксак қадриятлар. Бунинг маъноси шуки, ҳамма нарсалар инсон қадрияти билан ўлчанади ва инсон призмасидан ўтиб, унга хизмат қўлгандагина аҳамият касб этади. Бироқ қадрият инсон фаолияти орқали амалга ошади ва шаклланади. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун фаолиятда бўлади. Демак, инсон фаолиятининг асосида унинг манфаати ётади, шунинг учун у ўз фаолиятини билишга, ўрганишга, ўзгартиришга, ўзлаштиришга қаратади ва бу фаолиятидан қониқади ёки қониқмайди.

Демак, қадриятлар шаклланиши жараёнида кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаат ва эмоционал кечинмаларини ўзида уйғунлаштиради. Қадриятлар турли эҳтиёж, манфаат ва кечинмалардан ўзига мақбулини танлаб олини асосида шаклланаб боради. Бу дегани, қадриятлар инсон моҳияти сифатида субъект томонидан фаолият мақсади, воситалари, натижалари ва шарт-шароитларининг танланиши асосидир. У мазкур фаолиятида қандай эзгулик, яхшилик бор, нима мақсадда амалга оширилаяпти, деган саволларга жавоб беради. Қадриятлар танлаш асосида шаклланар экан, бу жараён шахс томонидан баҳо бериши ҳам ўз ичига олади. Натижада қадрият мазкур субъектнинг маънавий бойлиги сифатида намоён бўлади. Қадрият ўз ичига инсон орзу-умидлари ва идеалларини ҳам олади. У одамларга илҳомбахш куч-куvvват бағишлий-

ди. Ижодий фаолият учун асос бўлиб хизмат қиласи. Идеаллик амалга ошмаган олий мақсад бўлганлигидан шахс ва жамият унга интилади. Қадриятларнинг шаклланишида ироданинг аҳамияти катта, чунки мустаҳкам ирода билангина юксак қадриятларни амалга ошириш мумкин.

Қадриятга ёндашиб инсон фаолиятининг барча соҳаларига инсоний (гуманистик) муносабатда бўлиш демакдир. Қадриятлар фалсафий маънода инсоннинг борлиқча, ўз-ўзига, бошқа одамларга бўлган муносабатини ифодалаш билан бирга унинг эркинлигини, озодлигини на-моён қиласи. Айни рақтда инсон ўзининг дунёда туттган ўрнини, ўзи эса ана шу дунёнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини англайди. Инсон борлигининг ўзи энг олий қадрият экан, у бутун қадриятлар ичига сингиб кетгандир. Инсоний руҳ билан илоҳий руҳ яхлит бўлар экан, демак, инсон юксаклика интилади, ўзлигини йўқотиб, илоҳий руҳга кўшилиб кетади. Натижада Мансур Халлоҳ айтганидек, "Анал-ҳақ" – "мен худоман" деган маъно келиб чиқади. Файласуфларнинг таъбирича, инсон фонийлик ва бокийлик чегарасида яшайдиган ва абадийликка ўтиб турадиган юксак мавжудоттир. Ана шу чегара доирасида инсон фаолияти нимага қаратилган: яхшиликками – ёмонликками, бузишгами-тузатишгами, инсонийликками-ғайриинсонийликками, яратишгами-йўқотитишгами каби саволларга инсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ҳавоб бериш учун донолик тафаккури даражасида фикрлашга эга бўлиш керак.

Давримизнинг давлат тизими ҳам, сиёсатининг моҳияти ҳам, демократик тамойиллар ҳам инсон қадриятини юксаклика кўтариш билан белгиланади. Мамалакатимиздаги тинчлик, барқарорлик сиёсатининг моҳияти ҳам, бозор иқтисодиётининг тамойиллари ҳам ана шу инсонийлик (инсон борлиги, моҳияти, ҳаёти, яшши, иқтисоди, қадрияти)дан келиб чиқади. Инсон фаолиятининг йўналиши ҳам бунёдкорлик асосида янги демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуришга қаратилган.

Бу масалаларни амалга оширища миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган янгича дунёқарашга, янгича фалсафий тафаккурнинг шаклланишига катта эътибор беришимиз керак.

#### Адабиётлар:

Аксиология. Ҳозирги замон Ғарб фалсафаси. М., 1992.

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Фаргона, 1993.

Қадрият фалсафаси(аксиология). Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

ХОЗИРГИ ЗАМОНДА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ  
ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

Табиат ва жамият мұрақкаб хусусиятлы умумтараққиёт жабḥасига тортилди. Нотекислик ва бекарорлик бу жараённинг умумий қонун-қоидаларидир. Умуман олганда мазкур қонун-қоидалар бутун оламнинг, шу жумладан, космик тизимларнинг ҳам. Ер сайёрасининг ҳам ривожланиши учун хосдир. Табиатнинг ўзгариши ва жамиятнинг ривожланиши ўзича мұстакил жараёнлар әмас. XX аср охирларига келиб инсоният табиат ривожланиши ва жамият тараққиёти ягона коэволюция жараёни эканлигини тушуниб етди.

Илк бор коэволюцион жараён ҳақидағи фикр академик В. Н. Вернадский томонидан ноосфера таълимотида тилга олинган зди. Олим 40-йилларнинг ўрталаридақы инсон янги геологик күч, яъни унинг табиатта таъсирини планетадаги геологик жараёнлар масштаби билан тенглаштириш мүмкін, деб ёзған зди.

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар шуни күрсатдик. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи күчлари ишлаб чиқариш оборотига табиатнинг янги-янги доираларини тортиб ва уни ўз мақсадларига мувофиқлаштыриб, табиат ривожига нисбатан ҳал құлувчи таъсир күрсатмоқда.

Кишилар истиқомат қилаёттан жойларнинг катта қисми инсон құли билан яратылған иккіламчи, яъни сұнъий табиатдир. Бундан ташқары ҳаво, сув ҳавзалари, тупроқ ва шу каби табиатнинг бошка табиий жабхалари ҳам инсон фаолияти доираларига тортилди. Табиий мұхит күндан-кунга күпроқ инсоният жамияти ривожига бүйсундирилмокда. Зоро, жамият ривожи күплаб табиий бойликларнинг чекланғанлиғи билан бөглиқ қыйинчиликларга дуч келмокда. Жамият тараққиёти ва табиат ривожи жараёнлари бир-бири билан шундай чамбар-час боғланғанки, факат шу иккі тизимнинг биргаликдаги ривожланиши коэволюцияга келиб тақалади.

Шу билан бир қаторда умумжағон тараққиётидаги яғона коэволюцион жараён күплаб түрли характеристидаги жараёнларнинг түқимаси күринишида тасаввур ҳосил қиласы. Бир қатор жараёнлар умумий, са-йёравий күламда кенг масштаблы бўлиб, глобал жараёнлар деб юритилади. Бошқалари эса Ернинг у ёки бу ҳудудига тегишли бўлиб, шар ҳудудий, яъни регионал, минтақавий жараён дейлади. Учинчи

хиллари эса хусусий характер касб этгандыктын үчүн локал жараёнлар деб аталади.

Локал жараёнлар макон ва замонда чекланган. Лекин ҳудудий ва глобал жараёнлар инсоният тақдирини ҳал қилишга таъсир күрсатади, миллионларнинг бугунни ва келажаги шу жараёнларга боғлиқ. Масалан: Марказий Осиё мамлакатлари ахолисининг хўжалик фаoliyati ва соғлиги Орол денгизи ва Оролбўй минтақаси тараққиёти жараёнига боғлиқ. Шимолий ва Марказий Африкадаги қурғоқчилик жараёнидан шу қитъанинг кеңг ҳудудлари қийнальмоқда.

Глобал жараён деганда, гап бутун дунёга, барча инсониятга тегишили ўзгаришлар, демак, бутун бир табиий ва табиий-ижтимоий характерга эга жараёнлар тизими тўғрисида боради. Табиат ва жамият ўртасида турли хил ўзаро таъсир турлари мавжуд: "асл табиат - сунъий табиат" тизимидағи ўзаро алоқа; "жамият - асл табиат" тизимидағи ўзаро алоқа; "жамият" тизимидағи ўзаро алоқа. (Самайлов Л.М. Глобальные проблемы общественного прогресса. Философские вопросы типологии и взаимосвязи М., 1985). Бунинг асосида глобал жараёнларнинг ҳар хил турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан бири табиатнинг ўзида рўй берәётган глобал жараёнлардир, бошқа жараёнлар "жамият-табиат" тизими ривожланишида ўз ўрнига эга; учинчи хили - "жамият сунъий табиат" тизими ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар; тўртингчиси эса - жамият тараққиётидаги глобал жараёнлардир.

Глобал жараёнларнинг биринчи гурухига биосферадаги "парник эффекти" деб аталувчи ёки атмосферанинг қуйи қатламидағи стратосфера да аз он пардасининг парчаланиши жараёнини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу гуруҳ жараёнларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бир қарашда улар табиатнинг ўзида содир бўлади ва табиат қонунларига бўйсунади. Лекин эътибор билан қараганда, бу жараёнлар у ёки бу даражада антропоген (инсонинг) аралашуви билан боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Кейинги гуруҳ табиий-ижтимоий жараёнлар бўлиб, икки хил тавсифланади, чунки улар табиат қонунларига ва ижтимоий қонунларга боғлиқ бўлади. Буларга мисол қилиб экологик ва демографик жараёнлар, энергия ҳамда табиий бойликлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишининг ўсиғини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Мазкур жараёнлар жамият билан асл табиат, шунингдек, жамият билан сунъий табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларда ҳам ўз ўрнига эга.

СБ

Учинчи гуруҳ глобал ижтимоий жараёнлардир, улар ижтимоий қонунлар таъсири билан, жамиятнинг ўзига хос ривожланиши билан боғлиқдир. Улар, бир қарашда, табиат ва табиат қонунларига ҳеч алоқаси йўқдай кўринади. Ядро ва термоядро қирғин қуролларини ишлаб чиқариш технологияси, Шимол билан Жануб, яъни технологик ҳиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражаси орасидаги фарқнинг ортиши; мегаполисларнинг ўсиши ва бошқалар шундай жараёнлардир. Глобал ижтимоий жараёнларнинг аниқ мазмуни очилганда, уларнинг табиий омиллар ва қонуниятларга боғлиқлиги кўринади.

Шундай қилиб, ҳозирги замоннинг барча уч глобал жараёнлари туб моҳияти билан эмас, ташки белгиларига кўра бир-бирларидан фарқлангандай бўлиб туюлади. Шу вақтга қадар глобал жараёнларнинг аниқ таснифлаш мезони яратилмаган. Аммо жараёнларни таснифлашга асос қилиб олинадиган у ёки бу параметрлар бўйича фарқлаш мавжуд.

Масалан, дунёвий ва ҳудудий жараёнлар фазовий аснояларга асоссан фарқланади. Биринчи гуруҳ дунёвий таснифга эга, улар барча қитъаларда ҳаракат қиласи, иккинчи гуруҳ учун айрим ҳудудлар доирасида (масалан Марказий Осиё ҳудудига) ҳаракат қилиш, яъни чекланганлик хосдир. Биринчи гуруҳ учун универсал қонунларга мос равишда ҳаракат қилиш характеристи бўлса, иккинчи гуруҳ учун бир томондан, мазкур ҳудудда вужудга келган объектив шарт-шароитлар билан чегараланганлик, иккинчи томондан эса, шу ҳудуддаги ҳалқлар ҳаётининг ижтимоий – маданий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусий қонуниятларга мос ҳаракат қилиш хосдир.

Глобал жараёнлар вақт нуқтаи назаридан доимий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли жараёнларга ажратилади. "Доимий" атамаси ҳаракат доираси давр ўзгариши ва вақт ўтишига боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий амал қилувчи қонуниятлар билан боғлиқ жараёнлар учун ишлатилади. Масалан, аҳоли ўсиши.

Узоқ муддатли жараёнлар деб, узоқ тарихий даврни ўз ичига олган ва, шунингдек, яқин ўн йилликда жадал ривожланишга эришган ҳамда келажакда ҳам давом этадиган жараёнларга айтилади. Масалан, урбанизация жараёни шундай жараёндир. Узоқ муддатли глобал жараёнлар узоқ тарихий давр давомида содир бўлган қонуниятлар билан боғлиқдир ва улар ҳаракатининг узоқ тарихий истиқболини башорат қилиш мумкин.

Қисқа муддатли глобал жараёнлар ҳаракати ҳозирги замон доирасидан чиқмайдиган жараёнлардир. Уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тугаши чекланган вақт доирасида бўлади. кишиларнинг бир авлоди ҳаёти билан ёки ижтимоий қайта ишлаб чиқариш жараёнида технологиядан бирининг ҳуқмронлиги даври билан ўлчанади. Ядровий технологияга асосланган оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва тўплаш жараёни бунга мисол бўлади. Айтиш керакки, бунга ўхшаш қисқа муддатли глобал жараёнлар ижтимоий ёки табиий характеристерга эга бўлиб чекланган давр мобайнида ўзига хос қонуниятлар билан боғланган.

Адабиётларда ёритилган глобал жараёнлар ҳаракат доираси билан ҳам фарқланади. Бу жиҳатдан уларни иқлимий, демографик, энергетик ва экологик жараёнларга, шунингдек, табиий ресурслар истеъмол қилиш жараёнларига ажратиш мумкин.

Иқлимий глобал жараёнлар гуруҳига Ер ҳудуди ҳароратининг ўзгариши ва у билан боғлиқ "парник эффицити" ҳодисаси ҳамда бошқа иқлимий ўзгаришлар киради. Улар табиатга антропоген таъсирнинг кучайиши билан тақозолангандан дунёвий, шунингдек, ҳудудий миқёсда муҳитнинг шаклланиши ва ўзгариши қонуниятлари билан боғланган.

Ҳозирги замон демографик глобал жараёнлар Ердаги аҳоли сонининг ўзгариши ва у билан боғлиқ ҳодисалардир. Бу жараён ижтимоий-табиий характер касб этиб, у жамиятнинг жуғрофий муҳити, шунингдек, инсон баркамоллашувининг хусусий ижтимоий шарт-шароитлари билан ўзаро таъсирига ҳам боғликдир. Кейинги ҳол, маълум бўлишича, демографик жараёнларда асосий ўрини тутади ва унинг хусусиятини белгилайди. Буни ишлаб чиқариш усуllibарининг алмашуви, ижтимоий ҳаёт, иқтисодий, сиёсий ва бошқа жабҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига асосланиб тушунтириш мумкин. Глобал демографик жараён бир неча кил кўринишига эга: а) Ер аҳолиси сонининг ўсиши - бу "демографик портлаш" деб аталади; б) аҳоли зичлигининг ортиши; в) урбанизация жараёни; г) аҳоли ёш таркиби ўзгариши ва у билан боғлиқ "халқларнинг" кексайиши ҳодисаси; д) "генофонднинг янгиланиши", генофонднинг "айниши" ва генофондинг "силжиши" жараёнлари билан боғлиқ бўлган миллатлар генофондининг ўзгариши.

Аҳоли сонининг ўсиши инсониятнинг ривожланишидаги умумий қонуниятлардан бири ҳисобланади. Бу соҳада ҳозирги жараён ижти-

моий тартиблар ўзгариши билан боғлиқ ҳолда портлаш хавфини туғдирмокда. Таҳдиллар шуни кўрсатадики, ер юзи аҳолиси сонининг тез ўсиши тамоили яқин ўн йилликда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолиси сонининг кўпайиши ҳисобига демографик "портлаш" хавфи сақланиб қолади.

Аҳоли зичланishi жараённинг ортиши, умуман, бутун ер юзида ҳам, айrim ҳудудларда ҳам глобал демографик жараёнлар сифатида намоён бўлмокда. У ёки бу ҳудудларда аҳоли зичлигининг ўта ортиши натижасида вужудга келган муаммоларга берилмасдан, бир оз бўлса-да, бу жараённинг қонуний хусусиятига, унинг нафақат ижтиомий онг, балки табиий шарт-шароитларга ҳам боғлиқлигига эътиборни қаратмоқчимиз.

Демографик жараёнлар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар орасида урбанизация алоҳида ўрин тутади (урбанус - лотинчада шаҳарга оид, дегани). Бу ўринда мазкур атама аҳолининг катта шаҳарларда тўпланиши жараённи кўрсатиш учун ишлатилган. Урбанизациянинг пайдо бўлишидаги сўнгги ҳол Йирик шаҳарлар - мегаполислар ўсишини назорат қилиш мумкин бўлмай қолгандигидир. 90-йиллар бошида жаҳонда аҳолиси миллион кишидан ортиқ 400дан кўпроқ шаҳар ва аҳолиси 10 млн.дан ортиқ 40 та мегаполис мавжуд эди. Урбанизация қонуний жараёнлардан биридир. Йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ортиши ҳам ўзининг энг юқори чўққисига етмаган кўринади, ҳалқлар ва ҳукуматларни тобора ташвишга solaётган шарт-шароит тарзида у иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаёқ, ўзини кўрсатди.

Марказий Осиёда урбанизация жараёни ўзига хос хусусиятга эга. Минтаقا давлатлари аҳолисининг қайта ишлаб чиқариш фазилати ҳудуд урбанизация жараёнида ўзига хос намоён бўлмокда. Қишлоқлардан аҳоли кўчиб кетиши даражасининг пастлиги ва қишлоқ ҳойларда табиий ўсиш суръатининг юқорилиги шаҳар аҳолиси турғунлашувига олиб келди.

Аҳоли ёш таркибининг ўзгариши глобал демографик жараёнларнинг яширин томонидир. Бу жараён кейинги ўн йилликлардагина ўзига эътиборини жалб этди ва у цивилизация тарихида янги кўриниш - ҳалқларнинг "кексайиши" ҳодисаси билан боғлиқдир. Ҳалқларнинг "кексайиши" ҳодисаси мамлакатда ўлимнинг түғилишга нисбатан абсолют (мутлақ) ёки деярли даражада ортиқлигини билдиради. Бундай ҳодиса биринчи бор асримизнинг 80-йилларида Европада дастлаб Англияда, сўнгра шу ҳудуднинг бошқа мамлакатларида қайд қилин-

ганди. Лекин демографик жараённинг юқоридаги салбий томонига эътиборни қаратиб, одатда аҳоли ёш таркиби ўзгаришининг бошқа кучли тамойили- ёш авлод солиштирма ҳиссасининг ўсиши, катта ёшдагилар билан болалар, ўсмирлар, ёшлар ўртасидаги ўзаро нисбат мутаносиблигининг иккинчи томон фойдасига бузилишини сезмайдилар. Чунончи, бу тенденция Марказий Осиё халқларида кўзга ташланмоқда. Масалан, 1989 йил аҳоли рўйхатига кўра, Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган болалар ва ёшлар аҳоли сонининг ярмидан кўпроғини ташкил этган. Бу давлатнинг ижтимоӣ-иқтисодий ривожланишида ҳиддий муаммолар келтириб чиқариши ҳақида гапириш ортиқчадир. Ҳозир Ўзбекистонда меҳнатга қобилиятли ҳар бир кишига 5 та боқиувчи тўғри келишини айтиб ўтиш етарли.

Мазкур тенденцияларни демографик жараёнларнинг объектив қонуниятлари келтириб чиқарганми? Бу саволга жавоб беришда башорат қилиш ва унга алоқадор муаммоларни ечиш йўлларини излаш қобилияти билан боғлиқдир.

Миллатлар генофондининг ўзгариши жараённинг демограф ва жамиятшуслар сўнгги йиллардагина эътибор қаратмоқдалар.

Тилга олинган ҳодиса, афтидан, жамият тарихи давомида доим мавжуд бўлган ва турли даврларда халқларнинг буюк кўчиб юриши ҳамда бир халққа нисбатан бошқа халқнинг ҳарбий юриши оқибати билангина эмас, шу билан бирга этник гуруҳлар ўртасидаги никоҳлар сони ўсишининг табиий жараёнлари, халқлар ҳаётининг ва турмуш тарзининг байналмиллашуви оқибатида ҳам содир бўлган. Бу ерда 2 та бир-бирига қарама-қарши тенденцияни: "миллатларнинг айниши" ва улар генофондининг янгиланишини ажратиш керак. Бу иккичоғлини мазмуни билан яқиндан танишганда шу нарса кўринадики, улар бири жараённинг иккى томонини ўзида акс эттиради. Бу жараённинг моҳиятини миграция жараёнлари, этник жиҳатдан яқинлашиб ва халқлар генофондининг ўзгариши ўртасидаги сабабият занжирини ечиш билан тушунтириш мумкин. Бу эса жараённинг объектив қонуниятларини билишга йўл очади.

Ижтимоӣ ҳаёт ҳолатига бизнинг даврда глобал энергетик жараёнлар янада ҳиддий таъсир кўрсатаяпти. Улар жамиятнинг атроф-муҳит билан энергия алмашув жараёнларидир. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ муаммолар Д. Меодузнинг "Пределы роста" китобининг нашр этилиши билан кўпчилик дикқатини тортди, шунинг учун бу муаммони Рим клуби фаолияти билан боғлаб кўрсатиш бекиз эмас. Рим

клубининг дастлабки маъруза муаллифлари асосий эътиборни анъанавий энергия манбаларининг тугашига бағишиладилар. Мазкур жараён глобал характер касб этади, шунинг учун юқорида тилга олинганлар инсоният келажаги ҳакида ташвиш түгдирди ва тушкун фикрларга сабаб бўлди. Кейнги йилларда энергия ташувчилар билан таъминлаш масаласи давлатлар, ҳудудлар ва умуман, инсониятнинг ривожланишида энг зарур муаммолардан бири бўлиб қолди. Ҳозирги замон цивилизацияси ривожланишида энергетика муаммоси ўзининг 2 асосий жараёнига эга: анъанавий энергоресурсларнинг тугаши жараёни ва турли (шу жумладан альтернатив) энергия ташувчилардан фойдаланиш жараёни. Шубҳасиз иккала жараён бир-бири билан чамбарчас боғланган, лекин 70-йиллар ўртасида энергетик инқизор сабаблари сифатида биринчи жараён кўрсатилмоқда.

Кўринадики, глобал энергетик жараён мураккаб тузилиш бўлиб, ўзаро қонуний боғланган 2 тенденциянинг бирлиги саналади. Жамият ва табиат ўртасидаги энергия алмашинув (глобал) жараёни ўз махсус қонуниятларига эга, уни ўрганиш эса глобалистиканинг вазифасидир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида инсониятнинг ресурсларни истеъмол этиши глобал жараёни ҳам характер жиҳатдан энергетик жараёнларга яқин туради. У ўзида бир неча қўшма жараёни бирлаштиради: планетамиздаги анъанавий ресурсларнинг тугаши жараёни; янги ресурсларни қидириш ва уларни тадқиқ этиш; анъанавий ресурсларни янгилари билан алмаштириш; чиқиндисиз ва энергия сақловчи технологияларни тадқиқ этиш ва жорий қилиш.

Ресурсларни истеъмол қилишнинг санаб ўтилган таркибли, жамулжам барча жараёнлари мураккаб қонуний жараёндир. Инсониятнинг табиий ресурсларни истеъмол қилишининг ўсиши ҳам қонуний жараёндир. Бу ўсиш кўплаб омиллар билан боғлиқ бўлиб, кўп сабабли алоқа характеристини касб этади, хусусан, аҳолининг ўсиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва бошқалар жараённинг сабабчиси бўлиб кўринади, натижаси эса ресурсларни истеъмол қилишининг ўсишидир. Сифат жиҳатдан турли характерли жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро таъсири жараёнларини бирлаштирган глобал экологик жараёнлар гурӯҳи кўпроқ эътиборни ўзига жалб этади.

Экологик жараён бошқа глобал жараёнларга нисбатан кўпроқ ижтимоий-табиий хусусият намоён этади. Бу бир қатор ҳолатлар билан боғлиқ. Улардан бири сўз этимологиясида яширинганд: экология – грекча сўз бўлиб, атроф-муҳитни ўрганишни билдиради (янада

аниқроқ айтилса, "экос"- кенг маңнода инсоният уйи, унинг яшаш макони, "логос"-үрганишдир). Иккинчиси термин маъносини аниқлашадар. Гап атроф-муҳит ҳақида эмас, балки инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири ҳақида кетаяпти. Учинчиси- экологик характердаги ҳодисаларни белгилашга урғу берилашти: экологик жараёнлар деб кўпинча уларнинг табиий жиҳати эмас, балки инсоннинг жуғрофик муҳитга таъсирининг нормал бўлмаган натижаси кўзда тутилаяпти. Омма онгида экология тушунчаси шу маңнода муҳрланиб қолди. Сўнгги йилларда ушбу жараёнларни худди шундай салбий баҳолаш бошқа омиллар билан бир қаторда экологик муаммоларга ўта қизиқиш туғдирди. Экологик жараёнларни объектив баҳолаш улар глобал характеристининг салбий жиҳатлари билан бирга позитив жараёнларини ҳам ёритишина тақозо этади. Шунингдек, уларни салбий ва ижобий деб тавсифлаш шартли бўлиб, бир қатор ҳолатларга боғлиқдир. Улардан ҳал құлувчилари ижтимоий ривожланиш мақсадлари нисбатида, инсон яшаш тарзи шартларида, инсон саломатлигига таъсири ва бошқаларда қўринади.

Экологик жараёнларнинг мураккаблиги ва турли ҳусусиятдалиги бу тушунча ўз ичига хилма-хил томонларни қамраб олганини кўрсатиб турибди. Шулардан атмосферанинг ишлаб чиқариш чиқиндилиари билан ифлосланиши, сув ҳавазаларининг ифлосланиши, у билан боғлиқ ҳолда чучук сув ресурсларининг тугаши жараёни, бир томондан, тупроқ сифатининг ўзгариши жараёни, иккинчи томондан, унумдор тупроқли майдонлар (тупроқ қатламининг ифлосланиши, эрозия жараёни, шунингдек, ботқоқланиш ҳамда коммуникациялар, уй-жой ва ўйл қуриш учун ерлар ажратиш оқибатида камайishi) ва ишлаб чиқариш ҳам илмий асбоб-ускуналарни ишлатиши радиация, электромагнит нурларидан назоратсиз фойдаланиш жадал кўпайғанлиги натижасида Ер электромагнит майдоннинг "ифлосланиш" жараёнлари ва ҳ.к.

Глобал жараёнларни фалсафий англаш предмети сифатидаги яна бир томонга эътиборни қаратиш зарур. У глобал жараёнларнинг ривожланишидаги муайян босқични ажратиб кўрсатиш имконияти билан боғлиқдир. Жараёнлар, табиатидан қатъий назар, ўхшашибдир. Дастлабки босқич (вужудга келиш), шаклланиш босқичи (жараённинг глобал, қамраб олувчи сифатида шаклланиши), баркамол (етук) босқичи (дунёвий масштабга етиш, жараённинг инсониятга бутунлай таъсир қилиши) жараённинг сўниш босқичи (глобал жараённинг цивилизация тақдирини белгилай олмай қолган, умумийлик характери йўқолаётган

даври) ва янги ҳолатга ўтиш босқичи (мазкур глобал ҳодисанинг ўз сифатини йўқотиши жараёни, унинг янги сифат касб этиши) кабилар шундай босқичлардир.

Глобал жараёнларни бу жиҳатдан ўрганишнинг бошқа томони ҳам борки, бу уларни қарама-қаршиликларни кучайтирувчи жараёнлар сифатида билish билан боғлиқдир. Бундай маънода ҳар қандай глобал жараён қарама-қаршиликларнинг динамик ривожланувчи тизими сифатида тушунилиши мумкин. Бу ҳаракатда бошлангич ҳолат сифатида қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши (ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, жиддий ва аҳамиятсиз ва б.) кўрсатиласди. Навбатдагиси – қарама-қаршиликларнинг тартибли тизимга айланиши. Қарама-қаршиликлар тизимининг шаклланиши, глобал жараёнларнинг асосий қарама-қаршиликларнинг авж олиши уларнинг ривожланишидаги энг юқори чўққи ҳисобланади. Худди мана шу ҳолат тадқиқотчиларда катта қизиқиш ўйғотди, ҳозирги замоннинг глобал муаммолари ҳақидаги тасаввур улар билан боғлиқ ва қўйида шу ҳақда гап юритилади. Қарама-қаршиликларни ечиш ҳолати глобал жараёнларнинг ривожланишида кейинги муҳим босқич сифатида тасаввур этилади. Ниҳоят, қарама-қаршиликларнинг янги тизимга ўтиш ҳолати сўнгги босқич ҳисобланади.

Жараёнларнинг ички қарама-қаршиликлари ривожланишининг босқичларидан бирини – уларнинг табиат ва жамият, пировардида, инсоният ҳаёти мувозанатига таҳдид солаётган босқичини таҳлил килиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги замон глобал жараёнларида пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларнинг жиддийлигини англаб етиш – замоннинг глобал муаммолари номини олди.

Глобал муаммолар, бир томондан, бутун ер юзи ҳудудига таалюқли масала маъносида тушунилади (лотинча – шар) бошқа маънода – умумий, ялпи универсал масала (французча – умумий, ялпи).

Глобал муаммолар таҳлилини ҳозирги замоннинг глобал жараёнлари тадқиқоти билан боғлаш керак. Бу – ҳозирги замоннинг глобал муаммолари – глобал жараёнлар ривожланишидаги қарама-қаршиликларнинг жиддийлашувини англаб етиш маъносида тушунилади.

Қарама-қаршиликлар кескинлашуви ҳолати бундай шарҳлашда табиий ва ижтимоий тизимлар коэволюцияси жараёнининг шартланган, қонуний босқичи сифатида кўринади.

Айтиш керакки, бундай хилдаги қарама-қаршиликлар кескинлашуви ҳолатининг, кам деганда, 2 тури мавжуд: мазкур глобал жара-

ён қарама-қаршиликларининг кескинлашуви вақти, масалан, демографик жараённинг ва турли характердаги глобал жараёнларнинг кеси-шув нуқтасида юзага келадиган қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви вақти, масалан, экологик ва иқтисодий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви пайти.

Қарама-қаршиликларнинг биринчи тури ҳам, иккинчи тури ҳам глобал муаммо ҳисобланади ва униси ҳам, буниси ҳам ўзининг тез ечимини талаб қиласи, лекин уларнинг келиб чиқиши ва ечими усули бир-биридан жиддий фарқ қиласи. Биринчи турнинг қарама-қаршилиги асосан шу жараённинг ўзининг ривожланиши билан тақозолантан бўлса, иккинчи тур қарама-қаршиликлар турли-туман глобал жараёнларда рўй берадиган табиий ва жиддий ҳодисаларнинг кесишув нуқтаси билан шартланади.

Нихоят, агар биринчи турдаги қарама-қаршиликларни ечиш асоси кўпинча уларни вужудга келтирадиган жараёнлар доирасида мавжуд бўлса, иккинчи тур қарама-қаршиликларни ечиш йўлларини топиш учун уларга комплекс ёндашув зарур.

Айтиш керакки, вужудга келган глобал муаммолар цивилизация ривожланиши билан албатта кескинлашуви зарур эмас, у асосан инсон фаолияти даражасига, инсон билан табиатнинг ўзаро таъсиранниши технологиясини танлашга боғлиқдир. Ҳозирги замон глобал муаммоларининг жиддийлигини ҳис қилиш фан ва ижтимоий амалиёт олдига табиат ва жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи моҳиятини тушуниб етиш, табиатга умуминсоният қадрияти, мулки сифатида оқилона муносабат асосларини қидириш зарурлигини қўймоқда. Глобал жараёнларнинг қонуниятларини, унинг ривожидаги муҳим тенденциялар сабаб-оқибатларга боғлиқлигини ва ҳозирги замоннинг ижтимоий омиллари билан шартланганлигини тадқиқ қиласдан глобал муаммоларни ечишнинг турли усулларини қидириш асоссиз ҳисобланади.

Ҳозирги замоннинг жиддий муаммоларидан бири тобора глобал характер касб этётган Орол муаммосидир. Унинг маъноси Орол денгизи ҳавzasидаги табиий мұхитнинг таназзули жараёнини таҳлил этганда очилади. Мазкур кенг ҳудуд эволюциясининг бosh омили сўнгги ўн йилликда Орол ҳавzasига сув оқиб тушишининг ҳалокатли даражада камайиб кетганилигидир, натижада дengiz юзаси майдони иккى марта қисқарди, аввал дengиз бўлган кенг ҳудуд эндиликда саҳрга айланди. Бу жараён инсоннинг сувни бекорга истроф қилиши билан

боғлиқ ҳўжалик фаолиятини тезлаштириди. Шуни айтиш керакки, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда аҳолининг эҳтиёжи учун Марказий Осиё ҳудудидаги катта ва кичик дарёлардан назоратсиз сув олиш оқибатида, Амударё ва Сирдарё суви деярли Орол денгизига етиб келолмай қолди. Агар 60- йилларнинг ўрталарида дарёлар Оролга 60-65 куб километр сув келтирган бўлса, 80-йиллар ўрталарига келиб, дengизга сув тушиши 1 куб километргача пасайди. Денгиз бассейни таназзули ва ҳудудда у билан боғлиқ экологик вазиятнинг ўта кескинлашуви Орол бўйининг миллионлаб халқлари ҳаётти ва соғлиғи, умуман Марказий Осиё давлатлари иқтисоди учун жиддий инқирозли оқибатлар вужудга келтириди. Ихтимойи онгда бу вазиятни тушуниб етиш "Орол муаммоси" номини олди. Орол муаммоси ҳозирги замоннинг бошқа глобал муаммолари каби ўзида жамиятнинг иқтисодий – ихтимоий, сиёсий, илмий-техник, демографик ва маданий ривожланишида нотекислик ва номузозанатликнинг ўта кескинлашёйтганини намоён қиласди. Инсоният дунёвий цивилизациянинг нотекис ривожланиши ва унинг техноген характеристи вужудга келтирган ҳозирги замоннинг глобал муаммоларини ечиш йўлларини излашда анчагина куч сарфламоқда. Дунёвий ривожланишнинг экологик, демографик ва бошқа глобал жараёнлари оқибатларини енгигб ўтишини кўзда тутган турли лойиҳалар мавжуд. Уларда глобал муаммолар ечимининг турли-туман варианtlари тақдим этилган. Уларни муваффақиятли амалга ошириш халқаро ташкилотлар, айrim давлатлар ҳукumatлари ва халқларининг уйғун ҳаракатларига боғлиқ.

Масалан, Орол муаммосини ҳал қилиш учун Орол денгизи ва Оролбўйи бассейнини барқарор ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш талаб этилади, уни бажариш Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар кучини мувофиқлаштиришга боғлиқ.

Адабиётлар:

Введение в философию. 2 часть. М., 1989.

ШОДИМЕТОВ Ш. Социоэкологияга кириш. Т., 1993.

Ҳозирги замондаги ихтимоий тараққиёт ва глобал муаммолар.

Кафедрадаги маъруза матни. 1996.

## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ-ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАРИ

1. Мустақил тараққиёт йўлининг фалсафий асоси.
2. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш масалалари.
3. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мағкураси ҳақида.

Ҳозирги замон фалсафаси инсон моҳияти, қадрияти, билиши, борлиғи каби масалаларни ҳал қилишда янгича фикрлаш, янгича устлугба асосланмоқда.

Инсон ўз табиатини, ўзлигини, келажагини билишга қизиқади. Келамакдаги авлодларни, келажак тараққиётини хаёлан тасаввур қилишга ҳаракат қиласди. Бу шунчаки орзу-истак эмас, балки инсонга хос кусусият бўлиб, фалсафий фикрлашнинг асосини ташкил этади. Бу эса инсон ўз тафаккур кучи билан келажакни аниқ тасаввур қилиши асосида ўз олдига қўйган, жамият томонидан майдонга ташланган кўплаб саволларга жавоб бериш билан боғлиқ.

Буларнинг барчаси фалсафий муаммолар бўлиб, мустақил тараққиёт йўлимизнинг фикрий заминидир. Бунинг учун одамларни янгича фикрлашга ўргатиш, одамлардаги қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан холи қилиш ғоятда муҳимдир. деган эди Президент И. Каримов.

Бунинг учун эса ҳозирги замон фалсафий қараш дурдоналари билан қуролланишимиз керак. Мана шундагина фалсафий фикрлар тараққиётига, диёrimизда яратилган тафаккур тараққиётига, ҳозирги замон фалсафасининг асосий муаммоларига тўғри ва холисона баҳо берамиз.

Маълумки, фалсафий фикрлар тарихий тараққиёти тўғрисида гапиргандা, турли қарашларнинг бир-бирига қарама-қаршилигини кўрсатиш баробарида ҳар бир фалсафий йўналишнинг аҳамияти ва қадр-қимматини ҳам, уларнинг ҳамкорлиги ва бир-бирига ўхшашлигини ҳам қайд қилиш лозим. Уларнинг замон талабига мос келадиган ва жамиятимизга хизмат қиладиган ғояларини умумлаштириб, миллий қадрият нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолаш жамиятимиз маънавиятини ривожлантиришда ва такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон табиат ва ижтимоий фанларидағи янгиликлар ци-  
9—7

вилигациянинг маҳсули бўлиб, фикрлар йўналишига таъсир этмоқда.

Табиатшунослик фанида шундай янгиликлар пайдо бўлаяптики, бу обьект ва субъект, мутлақ ҳакиқат ва мутлақ билиш, моддийлик ва гоявийлик каби тушунчаларга ўзгартириш киритмоқда. Объект билан субъект ўртасидаги алоқадорлик янгича изоҳланана бошландики, бу эндиликда фан ва фалсафа, улар ўртасидаги фикрлар, қарашма-қаршилиги тўғрисида эмас, балки уларнинг бирлиги тўғрисида фикр юритиш кераклигини тақозо этмоқда. Ихтимоий ҳаётда илгари учрамаган янги жамият, янги инсон ва уларнинг муносабатлари пайдо бўла бошлаган экан, буларни бизнинг онгимизга ўта сингиб кетган диалектика қонунлари билангина изоҳлаш мумкинми? Агар биз советлар давридагидек диалектик материализмни бирдан – бир илмий дунёқараш деб ўрганадиган бўлсак, мустабидлик (тоталитар) мафкураси доирасида фикр юритган бўламиз. Бизнинг мафкурамиз фикрлар хилма-хиллигига, эркин фикрлашга кенг йўл очган мамлакатимиз истиқлолигга хизмат қиласидан иборат бўлиши керак, чунки фикрлар хилма-хиллиги ривожланиш асосидир. Шунинг учун бирорта фалсафий система бизнинг ягона мафкурамиз манбаи бўла олмайди. Бу Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. "Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас", деб ёзилган унда. Шунга кўра, диалектик материализм, унинг тамойил ва гоялари ҳам жаҳон фалсафаси тараққиётининг алоҳида бир босқичи деб қаралиши керак. Чиндан ҳам диалектика қонунлари шу давргача тафаккур тараққиётининг қонуни сифатида қараб келинди, ҳозирги кунда ҳам айrim жабҳаларда унга амал қилинмоқда.

Асримизнинг 70-йилларида фанга синергетика деган тушунча кириб келади. Бу физик, химик, биологик, иқтисодий-техник, ихтироий жараёнлардаги ўз-ўзини бошқариш, ташкил қилиш, тартибсизлик (хаос) ҳодисаларини билишга қаратилган йўналиш бўлиб, эволюция, коэволюция жараёнларини, бекарорликнинг барқарорликка ўтиши, бухронлар каби универсал қонунларни таҳлил қила бошлади. Энг асосийси, тараққиётнинг эволюцион қонунларининг табиий-илмий асосини кўрсатиб берди.

Демак, мустақилликнинг фалсафий асоси тўғрисида гапирганда, Республикаимиз Президенти И. Каримовнинг "Мустақил жамиятимиз катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга аста-секин ўтиш, яъни эволюцион тарз-

да илгарила боришини ўзимиз учун қатъян танлаб олдик" (И.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1985, 12-бет), деган фикридан назарий асос сифатида фойдаланишимиз керак. чунки у ҳозирги замон тараққиёт қонунларига мувоғиқидир. Шу боис у методологик аҳамиятга эга бўлган кўрсатмадир.

Ҳозирги замон тараққиёт назариясида диалектиканинг микдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, инкорни инкор қонунидан ташқари, юқорида айтганимиздек, эволюция, коэволюция, берқарорликнинг барқарорликка ўтиши, кризислар каби қонунлар ҳам борки, булар республикамиз тараққиётининг назарий-фалсафий асосини яратиша мухим аҳамиятга эга.

Диалектика универсал қонулар ва боғланишлар сифатида вуҷудга келган бўлса-да, асос эътибори билан чизиқли тафаккурга асослангандир.

Тараққиётнинг манбаи ички зиддиятлардир, деган таълимот ҳам ҳамма вақт ва ҳамма жойда амал қиласкермайди.

Ҳар қандай янги тузилиш (структурна)нинг элементлари қайси дараҷада бўлмасин (физик, химик, биологик, ижтимоий ҳараёнларда бўлса ҳам) ўзаро ҳамкорликда фаолият қиласагина, у мукаммаллашади, шаклланади. Тўғри, диалектикада ҳам ўзаро боғлиқлик тамойили бор. Бироқ бу тараққиётнинг манбаи эмас. Тараққиётнинг сабаби, диалектикага кўра, зиддиятлар ва улар ўртасидаги курашдир. Синергетика табиат билан жамият, уларнинг фикрий модели бўлган турли назариялар, қарашлар ўртасидаги ҳамкорликни кўрсатар экан, демак, турли фикрлар ва манфаатлар, гурухлар ва табақалар, миллатлар ва тўрли тизимдаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка янги жамият қуришимизнинг тамойили сифатида қараш керак.

Жумҳуриятимиз тараққиёти бузувчиликка, йўқ қилишга, тажов-вузкорликка асосланган эмас. Бу йўл ўз умрини тутатган йўл. Тараққиётнинг ишончли йўли бу яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорлик йўлидир. турли хил фикрлаш тантанасини амалга оширадиган нийлик йўлидир. Инсоннинг яратувчилиги ва ижодкорлиги турли фикрлаш ва улар ўртасидаги ҳамкорликда одамларнинг ҳаммати, унинг моҳияти намоён бўлади. Демократик тузуми асосида инсонга бўлган ана шу ҳақиқий янгича муносабга иди.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ МУАММОЛАРИ

Биз юқорида мустақиллик хуқуқий демократик жамият барпо этиш масалалари билан боғлиқ эканлигини, мана шундагина иқтисодий, сиёсий, маънавий мустақиллик таъминланишини ҳар бир миллат, ҳалқ ўзининг мустақил ўзига хос йўлини топиб олиш имкониятига эга бўлишини кўриб чиқдик. Мустақиллик эркинлик тушунчаси билан узвий боғлиқдир.

Гарчи Гегель дунё тарихи онгнинг воқеаликка бўлган эркинлиги тарихидан иборат деб кўрсатса-да, тарихда одамлар гоҳ эркин, гоҳ эрксиз бўлиб яшаб келдилар. XX аср файласуфлари эркинлик тўғрисидаги масалани қайтадан таҳлил қилиб, чуқурроқ фикрлай бошладилар. Улар сиёсий, иқтисодий, маънавий эркинликни бир-биридан янада фарқ қилдилар.

Хозирги кунда сиёсий, ижтимоий, шахсий, иқтисодий, диний, шунингдек, виждон, фикр эркинлиги, матбуот ва мажлислар ўтказиш эркинлиги ҳар бир демократик давлат конституциясида қайд этилган. Бироқ фалсафий маънода ҳақиқий эркинлик инсон борлигининг ахралмас қисмидир. Шунинг учун эркинлик можиятини инсон ҳётидан, унинг фаолиятидан қидириш керак.

Демак, эркинликка фалсафий таъриф берилганда, ана шу мазмундан келиб чиқиш керак.

"Эркинлик мени ўзига бўйсундирган бошқа нарсани енгигб ўтишидир", деб ёзади К. Ясперс. (Смысл и назначение истории. М., 1991. С. 167).

Эркинлик ўша ташқи бошқа нарса инсон учун бегона бўлмаганда бошланади, шу ташқи заруриятда шахс ўзлигини билади ва унинг ахралмас қисмига айланади. Шунинг билан бирга эркинлик ташқи заруриятни англаш, билишгина бўлиб қолмай, айни вақтда тартибсизликни, иллатларни енгигб ўтишини ҳам ўз ичига олади. Эркинлик инсоннинг ички мавжудлиги, ҳақиқатга эришиши ҳамдир.

Эркин фаолият шу нарсани хоҳлашнинггина натижаси эмас, балки бу ишнинг адомларни ва тўғри эканлигига ишонишнинг оқибати ҳамдир. Демак, эрк, хоҳишигина эмас, уни тушуниш, англаб етиш ҳамдир. Бироқ бирон-бир фикри айтиш ҳали уни англаб етди, деган гап эмас. Бунинг учун инсон ўз фикрининг мазмунига тушуниши, унинг тўғрилигига ишониши учун бошқалар билан мулоқотда бўлиши.

ўз эркинлигини уларнинг эркинлиги билан таққослаши керак. Демак, шахснинг эркинлиги бошқаларнинг қай даражада эркин бўлиши билан боғлиқ. Шунингдек, бирорвнинг эркинлиги бошқаларнинг эрксизлиги ҳисобига бўлмаслиги керак.

Эркинлик икки нарсани талаб қиласди: кишиларнинг бир-бiri билан чукур инсоний муносабатда бўлиши ва эркинлик учун ижтимоий шароитнинг бўлиши ҳамда бу шароитга онгли ёндашиш.

Инсон эркинликка интилар экан, мутлақ эркинликка эриша олмайди. Эркинлик ҳамиз вақт жараёнда бўлади, инсон эса юкори эркинликка интилаверади.

Эркинлик ҳамма нарсани ҳисобга олишни талаб қиласди: шароит, фикрлашнинг чексиз намоён бўлиши, бошқалар фикрини тинглай билиш, қарама-қарши фикрларни эшилз билиш, ҳурмат қилиш ва бошқалар. Фикрлаш жараёнида булар, агарда эркин альтернатив қарашлардан воз кечилса, унинг ривожланишини таъминламайди, балки чекланган эркинликни вуҳудга келтиради. Эркинлик зарурий ҳақиқатга мос келганда уни тўла акс эттиради, дейиш заиф бўлади, чунки инсон ҳеч қаҷон охирги ҳақиқатга эриша олмайди. Инсон унга берилган имконият асосида эркин фаолиятда бўлса, ўзидан қониқиши ҳосил қиласди.

Эркинликнинг сирли олам томонини ҳис қилиш унга доимо интилишдан иборат. Эркинлик бу биз учун берилган олий неъмат эканлигини англашимиз керак. Эркинликни тушуниш учун инсон ўзининг яашининг, ҳаётининг маъносини англай билиши керак. Ҳар бир инсоннинг эркинлиги жамиятнинг, унинг аъзоларининг озодлиги билан узвий боғлиқ. Зоро, инсоният мустақил бўлмас экан, шахснинг эркинлиги таъминламайди. Эркинлик бир неча имкониятлардан танлаб олишни ўз ичига олади. Инсон конкрет шароитга қараб маълум масалаларни ҳал қилиш йўлини топиш, қатъий қарор қабул қилиш имкониятига эга. Инсон ўз йўлини танлаш баробарида нима мақсаддада яшетганини англаб етади. Инсон ҳаётдаги турли муқобил йўналишлардан ўз мақсадларига мосини танлайди, унинг ёрқинлигига ва тўғрилигига ишонч ҳосил қиласа, шу томонда туриб кураш олиб боради.

Эркинлик инсон яашининг йўлидид. У ҳамма вақт шу йўлга интилади. Бунда ўз фикри, ақли-фаросати билан ўз позициясини белгилайди, уни яхшилади. Бу йўлда янгиликлар яратади, ижод қиласди, масалаларни аниқ ва тўғри ҳал қилишга интилади. Шахснинг ақл-фаросат билан ҳаракат қилиши эркинликни таъминлаш билан бир-

га уни турли ножүя хатти-ҳаракатлардан тияди, бошқача айтганда, унинг ҳаракатларини чеклайди. Инсон эркинликка якка ҳолда эриша олмайди, балки бошқалар билан биргаликда эришади. Бундай эркинлик инсоннинг ўзини ўзгартиришига олиб келади. Эркинликка интилиш бу инсон ақл-идроқига боғлиқ бўлиб, бошқалар билан биргаликда амалга оширилар экан, демак, бу инсоннинг ўз дунёқарашини ўзгартириши асосида боради. Эркин ҳолатдагина инсонлар ўртасида самимият яратилади, улар бир-бирларидан чўчимасдан ўз фикрларини очиқ- ойдин айта оладиган бўлади. Ҳақиқатни айтишдан қўрқмайди. Ҳақиқат эса эркин мулоқотда майдонга чиқади. Фақат маълум қарашлар системасини мутлақлаштириб, одамлар онгига мажбуран сингдириш мустабид (тоталитар) тузумнинг мафкурасидир. Бизнинг мафкурамиз, юқорида айтганимиздек, турли қарашлардан ташкил топган фикрлар эркинлиги асосида истиқолимизга хизмат қиладиган гоялар тизимиdir.

Эркинлик тўғрисида гапирганда, уни нарсалар, предметлар билан аралаштираслик керак, чунки у моддий борлиқ эмас, балки маънавий борлиқдир. Унинг натижаси эса моддийлашади. Эркинликни илмий билиш доирасида ҳам тўла ҳал қилиб бўлмайди. У фалсафий билиш доирасига киради. Эркинлик инсон қадриятининг, инсонийликнинг ажralмас қисмидир.

### ҲОКИМИЯТ ВА СИЁСИЙ МУСТАҚИЛЛИК

Инсон назарий фикрлагандан, бадий иход қилганда ҳокимият тўғрисидаги масалани кўпинча эсдан чиқаради. Ваҳоланки, инсон борлигига, унинг ҳаётида ҳамма вақт ҳокимият иштирок этади. Инсоният тарихининг цивилизация давридан бошлаб ҳокимият ҳамма вақт зарурий воқелик сифатида мавжуддир.

Аммо ҳокимиятда одамларнинг бир-бирлари билан биргаликда яшашини таъминлаш, улар ўртасидаги муносабатни тартибга солиш вазифаси билан бир қаторда ҳали одамларга нисбатан зўрлик ишлатиб, ҳаракатини бостириш хусусияти ҳам бор. Ҳокимиятдаги зўрликни, одамларга нисбатан тажовузкорликни йўқотишнинг иложи борми? Қандай ҳокимиятни адолатли деб атash мумкин? Бундай саволга ҳокимиятдаги қонун билан зўравонлик ўртасидаги кураш тарихи жавоб беради, деб айтмоқдалар ҳозирги замон файласуфлари. Чиндан ҳам ҳокимият қонунга таянадими ёки зўрликни қурол қилиб оладими? Ҳо-

кимиятнинг адолатлилиги ана шундан келиб чиқади. Қайси бир давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатида зўравонликка эмас, балки давлатлар ўртасидаги алоқаларни яхшилашга, одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга асосланса, бундай давлатда қонун устивор бўлади. Адолатли қонунлар эса шахс эркинлигини таъминлайди. Бундай эркинлик сиёсий эркинлик деб аталади. Қонун устивор бўлган ва эркинлик қонун доирасида амалга оширилган давлат ҳуқуқий давлат деб юритилади. Ҳуқуқий давлатда қонунлар қабул қилинган конституцияч асосида қабул ёки бекор қилинади, яъни ҳар қандай қонун адолат мезони билан қилинади ва амалга оширилади. Мана шунинг учун Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг асосий тамойилларидан бири "қонуннинг устиворлиги"дир. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг қонунлар орқали бошқарилиши ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон давлатининг бош йўли – демократиядир. Демократия – давлатни идора этиш шаклигина эмас, балки халқ иродасини амалга оширадиган давлат тизими ҳамdir.

"Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда зътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, давлатнинг асосий органларнга сайлаш ва сайланиш, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилот олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради" (И. Ка-римов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 10-бет). Бироқ ҳар қандай миллат, халқ мустақиллигини таъминлаш учун давлат суверенитетига эга бўлиши кепрак. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатнинг вужудга келиши мустақиллигимизнинг натижасидир. Сиёсий мустақиллик давлат суверенитетини таъминлайди. Суверентитет давлат сиёсий жиҳатдан эркин бўлиб, бошқа давлатларга қарам бўлмайди ва мустақил сиёсат юргизади (ўзининг мустақил ташқи ва ички сиёсати бўлади).

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли асосларда мустақил алоқалар ўрнатди. Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришган экан, бу даставвал халқнинг озодлигидир. Бу эса сиёсий

оазодликнинг ички мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон суверенитет давлат сифатида ташки давлатлар билан эркин, ўзаро ҳамкорлик сиёсатини ўз ҳалқининг сиёсий оазодлиги, осойишталик билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бормокда. Чунки ҳалқи оазод бўлмаган давлат мустақил сиёсат олиб боролмайди. Зоро, ҳалқига сиёсий эркинлик бермаган давлат ташки сиёсатда ҳам эркин бўлмайди. Эркин бўлган тақдирда ҳам ҳалқнинг иродасини ифодаламайди. Оазод ҳалқ мустақил давлат тизимиға эга бўлиши керак. Мустақил давлатгина ҳалқнинг тўла ривожланишига, миллатнинг эркин бўлишига, шахснинг ўз-ўзини тарбиялашига, қадриятларни англашга имконият яратади. Ўз сиёсий қарашларига эга бўлган миллатни шакллантиради. Ўз оазодлигини ҳимоя қила оладиган қатъий ва саботли кишиларни тарбиялайди. Ҳалқнинг орзу-умидларини рӯёбга чиқариш учун амалий ишлар олиб бора-ди. Ташибисизликка, нохуш ҳодисаларга қарши курашади. Ҳокимиятнинг зўрлик кучини тартибузарлар, бузғунчилар, зўравонлар, жиноятчилар, пораҳўрларга қарши қаратади. Қонун фуқароларни ҳимоя қилгандагина, уларнинг эркин фаолияти тўла таъминланади. ҳалқ ҳар қандай қўрқувдан холи бўлади.

Демак, қонуннинг устиворлиги эркинлик, демократиянинг таъминлаб қолмай, балки фуқароларнинг осойишталигини ҳам ҳимоя қиласди. Буларнинг барчаси ҳалқнинг ҳокимиятга бўлган тўла ишончини вужудга келтиради.

Юқоридагиларни хуроса қилиб, демократик жамиятдаги сиёсий эркинликнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

1. Шахс эркинлиги жамиятнинг бошқа аъзолари эркинлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шахс бошқа одамлар, миллат, ҳалқ оазод бўлган-дагина эркин бўла олади. Шахснинг бошқаларга ёмонлик қилиш эркинлиги уни жамиятдан, бошқа одамлардан яккалаштириб қўяди. Демак, ҳақиқий эркинлик бошқа одамлар, давлат ва ҳокимият билан бўлган муносабатда шаклланар экан, бировларга ёмонлик қилишини эмас. балки уларга яхшилик қилишни. улар билан самимий муносабатда бўлишни тақозо қиласди. Шунинг учун одамларда ижобий эркинликка имконият яратадиган ва, аксинча, салбий эркинликни чеклайдиган қонунларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифасидир. Ҳуқуқий давлатда "Мен оазодман, чунки бошқалар ҳам мен каби оазод", деган шиор ҳукм сурини керак.

2. Ҳар бир шахс ўз эркинлиги учун икки нарсанинг тарафдори-дир: 1) унинг зўравонликдан, зулмдан ҳимоя қилиниши ва 2) ўз қа-

рашларини, ҳатто ҳокимиятни ҳам ўз ихтиёри билан баҳолай билиши. Инсонни зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатнинг белгиси бўлса, ҳар бир шахснинг ўз қарашларига эга бўлиши ва уни ҳимоя қилиш демократиянинг белгисидир.

3. Қонун ҳамма учун баробар хизмат қилса, қонун олдида ҳамманинг тенглиги таъминланса, тартиб ва қоида бузувчилар қонунан ҳазоланса, ҳар бир шахс қонун асосида ҳимоя қилинса, эркинлик амалга ошади.

4. Ҳар бир шахснинг ҳамият ҳаётида иштироки таъминланса, эркинлик амалга ошади, чунки демократия эркинликнинг асосий шартидир. Шундагина ҳамма ўз эрк-ҳоҳишини намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Бунда ҳар бир шахс сиёсий еткуклиги ва ишончи даражасида ўз эркини сайловлар орқали ифода этади.

5. Инсон эркинлиги ўзаро мулоқотда, муҳокама ва мунозарада шаклланади. Шунинг учун эркинлик очик, самимий муносабатни талаб қиласиди.

6. Сиёсий эркинлик- бу демократиядир. Бироқ ҳар бир демократия бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир. Унинг ўзига хос маданияти ривожининг натижасидир.

7. Сиёсий эркинлик сиёсий ҳаракат ва сиёсий партияларни вуҷудга келтиради. Сиёсий партияларни ҳозирги кунда, юқорида айтган нимиздек, синфий душман сифатида эмас, балки демократия моделлари ва йўлларини ҳал қилишдаги турли қарашларни ифодаловчи йўналышлар деб тушуниш керак.

8. Демократиянинг вазифаси одамларни демократия тарзида ҳаёт кечиришга ўргатишдан, уларнинг яшаш тарзи ва фикрларини демократия томон йўналтиришдан иборат "Биз учун энг муҳими кишилар тафаккури, уларнинг фикрларини ўзгартиш, биз учун ҳали янги бўлган демократия қадриятларини уларнинг шуурига сингдиришдан иборат", дейди И. Каримов.

9. Сиёсий эркинлик инсон эркинлигининг ҳамма томонларига ўз таъсирини ўтказади, бошқа эркинликларни амалга ошириш учун имконият яратади. Мана шу принцип асосида жамиятимиз сиёсати ва иқтисодий ислоҳотлари инсонийлик тамоилиларига асосланмоқда.

10. Сиёсий эркинлик, советлар даврида бўлганидек, якка дунё-қарашга асосланмаслиги, турли қарашларнинг имсониятга хизмат қиласидиган эзгу томонларидан оқилона фойдаланиши керак. Шахснинг

қайси қарашлар тизимига ишониши унинг виждан эркинлигига боғлиқдир. Сиёсий эркинлик виждан эркинлигини таъминламайди. У алоҳида олинган қарашларни инсон онгига мажбуран сингдирмайди, чунки инсоннинг ички ишончи, эътиқодини ҳурмат қилишга асосланади.

11. Эркинлик инсонлар биргаликда яшами натижасида тарикан таркиб толған турмуш қоидаларини, инсоний қоидаларни ҳурмат қилишни ҳам ўз ичига олади.

12. Эркинлик инсонлар ўргасидаги қонунларда ифодаланган ёки ифодаланмаган муносабатларни тартибга солиб туришга кафолат беради. Шунинг учун шахс ҳамма вақт ўзини бегона ҳис қилмайди. аксинча, жамиятнинг ғамхўрлиги, ижтимоий ҳимоясини ҳис қилади.

13. Демократия ҳамманинг эрк-хоҳишини эмас, кўпчиликнинг, халқнинг иродасини ифодалайди. Шунинг учун сиёсий эркинлик ҳаммани тенг қониқтирумайди, чунки айримлар иродасига қарши чиқади. Шу маънода демократияга қарши чиқувчи, истиқлолни хоҳламайдиган одамларнинг бўлиши табиийдир. Демак, айрим шахсларнинг фикри билан демократик фикрлар ўргасида қарама-қаршиликлар бўлиши мумкин. Бироқ ҳозирги кунда бундай зиддиятлар зўрлик асосида эмас, балки сиёсий мулоқот асосида бартараф қилинмоқда.

14. Ҳамма демократик тамойиллар сайловлар орқали ҳал қилинади. Сайловлар эса том маънода ҳалқ иродасининг ифодасидир. Бунинг учун айрим кишиларнинг фикрларига бефарқ бўлмай, уларнинг ҳуқуқларини поймол қўлмай, аксинча, ўз фикрларини бемалол айтишлари учун шароит яратилмоқда. Кейинги 3-4 йил ичida инсон ҳуқуқларига бағишлиланган конференцияларнинг Тошкентда ўтказилиши, маҳбусларнинг озод қилиниши, чет эллардаги Ўзбекистон мухолафати вакилларининг ватанига қайтишлари учун рухсат берилиши Ўзбекистонда эркинликнинг амалга ошишининг ёрқин далилидир.

Юқоридаги фикрларнинг асосий моҳияти Президентимиз асарларида баён этилган ва давлатнинг ички ҳамда ташки сиёсатида амалга оширилмоқда. Биз уларни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қилдик, холос.

Республикамизда демократик тамойиллар асосида келажаги буюк давлатни барпо этар эканмиз, бизнинг истиқлолимиз қайси фалсафага асосланиши керак? Бу саволга Президентимиз қўйидагича жавоб беради: "Биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа ҳалқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асоланиши лозим.

Ватанимиз азалдан башарият, тафаккур хазинасига унтуилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида ҳалқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, мәтирифатпарварлик каби фазилатлари шарқ ғалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида бу ғалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам ҳалқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу ғалсафага уйғун ҳолда, буюк мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим" (И. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҳтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий таъмийлари. Т., 1995, 9-бет) Демак, диёримизда яратилган миллий қадриятларимизга мос келадиган умуминсоний қадриятлар ривожига муносиб ҳисса қўшган аждодларимизнинг қарашлари, шунингдек, ҳозирги замон иҳтимоий тараққиётнинг, демократиянинг назарий асосини яратган, умуминсоний қадриятларнинг моҳиятини бир қадар очиб берган жаҳон ғалсафаси Ўзбекистон мустақиллигининг ғалсафий асоси бўлиб хизмат қўймоқда. Бутун жаҳон ғалсафий фикрлари билан ўзимизнинг миллий ғалсафий фикрларимиз дурдонасининг уйғун ҳолда шаклланишига эришишимиз керак. "Биз барпо этаётган ҳамиятимизнинг иҳтимоий-маънавий асосларини белгилашда шундай ғояларга сунянсак, хато қўймаган бўламиз" (И. Каримов. ўша асар 9-10 бетлар)

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚДОЛ МАФКУРАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессиясида Президентимиз И. А. Каримов сўзлаган нутқида миллий истиқдол ва мустақиллик мафкурасини пухта ишлаб чиқиш ва мунтазам шакллантириб бориш, бугун яшаётган кишиларнинг, фарзандларимизнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясини фаоллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки келажак ўз-ўзидан бўлмайди, у бугунги мустақиллик меҳнати билан яратилади.

Мана шу юксак ишончга жавобан Олий таълим тизимининг ҳар бир фан вакили, профессор-ўқитувчиси жонажон билимгоҳидаги таълим ва тарбия ишини мустақил Ўзбекистонимизнинг талабига жавоб берадиган юксак босқичга кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ҳамиятимиз маънавий ҳаётida ёшларни тарбиялаш, уларга истиқдол мафкурасини сингдириш асосий ўринни эгаллайди.

Шундай экан, мустақиллик мафкурасининг ўзи нима, унинг ўзига хос томонлари нимада?

Бизнингча, мафкура - бу мустақил Республикализни ривожлантиришга, уни ҳимоя қилишга хизмат қиласиган ғоялар тизимиdir. Айни вақтда, у инсонларнинг келажакда баҳтли ҳётга эриши орзулари ва истакларининг ифодаси ҳамдир. Мана шу орзуларни амалга ошириш учун қандай жамият, қандай давлат барпо этиш кераклиги, буларнинг назариясини яратиш, мана шундай жамият қуриш учун ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш масалалари аниқ, ва равшан ифодаланган бўлиши керак. Маълумки, бу масалалар Президентимиз асарларида етарли баён этилган бўлиб, унинг бадиий ифодасини ёзувчилар ва санъаткорлар, фалсафий таҳлилини (ғоявий ифодасини) файласуфлар, ахлоқий томонини ахлоқшунослар ва педагоглар, ҳуқуқий, сиёсий томонларини ҳуқуқшунослар ва сиёсатшунослар ишлаб чиқишилари керак. Натижада бир бутун ғоялар тизимидан иборат мафкура, яъни келажак авлодни шу руҳда тарбияловчи тизим вужудга келади.

Хўш, мафкуранинг фалсафий негизида қандай асосий гоя ётади. Истиқлол мафкурасининг негизини инсон масаласи, инсонийлик ғояси ташкил этади.

Ҳозирги замон фалсафасидаги асосий муаммо инсон масаласидир. Чунки XX асрда инсоннинг яшаси, ҳёти масаласи биринчи ва асосий ўринга чиқиб қолди. Негаки, сайдерализминг кўрки, олий мавжудот бўлган инсон ҳёти бугунги кундагидек хатарли бўлмаган. Бу масалани ҳал қилиш учун бутун дунё давлатлари, сиёсатдонлари, олимлари, файласуфлари, шоир ва ёзувчилари биргаликда ҳаракат қилиши керак бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг барча асарлари, маъруза ва нутқларининг асосий мазмунини ана шу инсон муаммоси, яъни унинг ҳёти, қадрияти, иқтисоди, соғлом ҳёти кечириши каби муҳим масалалар ташкил этадики, бир оғиз сўз билан инсон моҳияти, қадрияти деб аталади. Истиқлол мафкурамизнинг мустаҳкамлиги, доимийлиги ҳам ана шу ғоянинг амалга оширилишига боғлиқ. Мана шунинг учун фалсафа курсини ўқитишида, барча мавзуларда ҳам, тарбиявий ишни ташкил этишда ҳам Президентимиз И.Каримовнинг ғояларидан тўла фойдаланиш, уларни талабаларга тушунириш керак. Жумаладан, борлиқ манзусини баён этишда табиат борлиғи, жамият ва инсон борлиғи тўғрисида гапирилади. И.Каримов асарларида ҳаммадан энг муҳими инсон борлиғи, унинг ҳёти эканлигига алоҳида эътибор берилади. Бу ҳозирги замон инсонпарварлиги ғоясининг негизини ташкил

қилади. Чунки ҳозирги замон инсонпарварлыги умуман инсон түгри-  
снда эмас, балки ҳар бир шахс, инсон, миллат, халқ түғрисида  
Фикр юритади. Даставвал ҳар бир инсоннинг ҳаёти ҳам, борлиғи ҳам  
бетакрор эканлиги ҳақида Фикр юритилади. Инсон учун энг азиз  
мұътабар нарса унинг ҳаётидир. Агар одам ҳаёт бўлмаса, унга на  
демократия, на озодлик керак. Ана шунинг учун Президентимиз  
И. Каримов бир неча бор тақорролаганидек, инсон ҳаёти ва унинг  
яаш ҳуқуқи асосий эътиборда бўлиши керак. Конституциямизда ҳам  
"Инсоннинг яаш ҳуқуқи асосий" эканлиги таъкидланган. Жумхурия-  
тимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик асосида ҳар  
бир инсон, унинг ҳаёти, яashi учун фамхўрлик ётади. Бу Фикрлар  
фақат борлиқ мавзусининг асоси, балки бошқа мавзуларни баён  
этишининг ҳам негизи ҳисобланади (табиат, жамият, инсон, шахс  
мавзуларини ўтишда, айниқса, кенг фойдаланиш мумкин).

Фалсафада яаш муаммоси қандай яаш керак, деган масала билан  
боглиқ. Чунки инсон ҳәтигининг сири фақат яаш билан эмас,  
балки нима мақсадда яаш, қандай яаш керак деган муаммо билан  
ҳам bogliқdir. Бизнинг келажакдаги жамиятимиз, унинг тараққиёти  
қандай бўлади? Инсон камолоти масаласини қандай ҳал қилиш керак?  
деган саволларга жавоб берувчи мағкурамизни кенг оммага, жумла-  
дан, талабаларга тушунтира билганимиздагина одамларга уларнинг  
қандай яashi масалаларини аниқлаб олишга ёрдам берган бўламиз.  
Мана шу масалаларни амалга оширишнинг ўз ҳуқуқи, ахлоқи, нафоса-  
ти бўлади. Булар фалсафада - донолик қоидалари асосида изоҳлаб  
берилгандагина, ўтган ҳаётни давом эттирадиган, кейинги ҳаётга  
замин яратадиган ҳақиқий ҳаёт ва унинг мақсади шаклланади.

Бу масалалар И. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва  
тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" номли асар-  
ларida батағсил баён этилган.

"Талқиқ этиш лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу танланган  
йўлга ишончимиз, бу халқнинг улуғ мақсадларга ишончи", - деб ёза-  
ди И. Каримов ўзининг "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" китоби-  
да. Энди мана шу олий жаноб мақсадга эришиш учун қандай усулини  
қўйлаш керак, деган савол туғилади. Биз фалсафа курсида диалек-  
тика ва унинг муқобил методлари мавзусини ўтамиз. Бунда фалсафий  
категорияларни ҳаётга татбиқ этиб "ҳаёт фалсафаси" деган муаммо-  
ни талабаларга тушунтирамиз.

Мана шу мавзу моҳиятини очиша ва ҳаётга татбиқ этишда юртбошимиз асарларида кўрсатилган йўз тараққиёти йўлини белгилайдиган асосий қоидалар, бозор иқтисодига ўтишининг беш асосий тамойили муҳим аҳамият касб этади. Чунки булар фақат иқтисодий ёки ҳуқуқий муаммоларгина эмас, балки фалсафий услуб ҳамдир. Негаки, асосий қоидаларни амалга оширишнинг турлича усул ва методлари бор. Ҳатто пролетариатнинг "Интернационал"ида ҳам замонни бузамиз, янги замон қурамиз, деб айтилган. К. Маркс яратган революцион таълимотда зўрлик, эскини улоқтириб ташлаш каби гоялар бор. И. Каримов йўз тараққиётни йўли ҳакида гапиргандা, тараққиётнинг эволюцион йўлини, янги уй қурмай туриб эскини бузмаслик шиорини майдонга ташлади. Бу йўл осойишталик ва зўравоисизлик йўли бўлиб, эски билан янги ўртасидаги узлуксиз тараққиётни билдиради. Буларнинг барчаси заминида инсон моҳияти, қадрияти, ҳаёти, эркинлиги, билиши, руҳияти каби муҳим фалсафий муаммолар ётади.

Биз талабаларга инсонпарвар мағкурамизни таргиб ва ташвиқ қиласар эканмиз. мақсадимиз янги жамиятимизнинг янгича дунёқарашга эга бўлган баркамол кишисини тарбиялашга қаратилиши лозим. Бундай инсон ватанпарвар, ватанидан гуурланаидиган, масъулиятни ҳис қиладиган, қадриятларимизни ҳурмат қиладиган, меҳр-шафқатли, адолатпарвар, ҳақиқатни ҳимоя қиладиган, ҳамма вақт яхшиликка интиладиган, қийинчиликлардан кўркмайдиган меҳнаткаш инсон, эътиқодли шахс бўлиши керак.

Маънавият ва мағкура кишиларда ишонч, эътиқод асосида шаклланиши керак, шундагина у метиндек мустаҳкам гояларга айланади. Мағкуранинг ишонч ва эътиқодга айланишида дин ва фалсафа муҳим омиллар. Агар дин ўз таълимотида ишончни асос қилиб олса, фалсафа мантиқий исботни, фан ютуқларини далил қилиб олади, деб кўрсатади буюк мутафаккир Форобий. Буларнинг ҳар иккиси ҳам маълум эътиқодни шакллантиради.

Мағкуранинг ишонч – эътиқодга айланиши юксак маънавий камолотни талаб қиласи. Бу жараён назария билан амалиёт, гап билан иш бир бўлса мустаҳкамланиб боради.

Эркин шахс камолотида имон ва эътиқоднинг роли катта. Бунда эркинлик ҳам дин ва ҳуффикрлилик билан бир қаторда муҳим аҳамият касб этади. Фалсафий маънода эркинлик ижтимоий қонуният асосида вужудга келади ва унга амал қиласи. Биз ҳар қандай эркинликни

эмас, балки ижтимоий қонуният ва соғлом маънавият доирасидаги эркинликни қўллаб-қувватлаймиз. Эркинлик жамиятимизга ҳалол хизмат қилиш, ҳалол ишлаш, ўқиш, одамларга яхшилик қилиш, янгилик яратиш эркинлигидир. Бизнинг мафкурамиз бузғунчилик, йўқотиш, улдириш, қонунга хилоф иш қилиш, инсонларга зарар келтириш эркинлигини рад этади, уларга қарши курашади. Эркинлик масъулият эркинлигини ҳам ўз ичига олади. Истиқлол мафкураси ҳар қандай қараашлар заминида эмас, балки жамиятга, одамларга хизмат қиладиган гояялар асосида язғилиши керак. Бизнинг мафкурамиз авлодларимиз орзу қилган гояяларнинг вориси сифатида вужудга келар экан, у, шубҳасиз, миллӣ ва умуминсоний қадриятларга асосланади. Демак, бизнинг мафкурамиз айрим кишилар айтганидек, шаклан миллӣ, мазмунан умуминсоний қадриятлар бўлмай, балки том маънода ҳам мазмунан, ҳам шаклан умуминсоний маънавиятга муносиб ҳисса қўшган миллӣ қадриятлардир.

Маънавий баркамол инсонларсиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг келажакда буюк давлатга айланишини таъминлаш қийин. Бу ишда, хусусан, ёшларни ота-боболаримизнинг маънавий мероси ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида яратилган миллӣ истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашда фалсафа ўқитувчиларининг ўзига хос ўрни бор.

Адабиётлар:

- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистон: Миллӣ истиқлол, иқтисод, сиёсий мафкура, Т., Ўзбекистон, 1996.
- КАРИМОВ И. А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Т.2, Т., 1996.
- КАРИМОВ И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3, Т., 1996.
- КАРИМОВ И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4, Т., Ўзбекистон, 1996.
- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Т., 1992.
- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992.
- КАРИМОВ И. А. Истиқлол ва маънавият. Т. Ўзбекистон, 1994.
- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995.
- КАРИМОВ И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг мухим вазифалари. Олий Мажлиснинг 6-сессияда сўзлаган нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 1996, 30 август.
- КАРИМОВ И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағссида: Хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 1997.

## М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	2
·Фалсафа ва унинг жамиятдаги ўрни.....	3
Қадимги Шарқ мамлакатларидағи фалсафий қарашлар.....	9
·Қадимги дунёнинг классик фалсафаси .....	16
Ўрта аср Араб фалсафаси.....	23
·Туркистонда ўрта аср фалсафаси (УШ-ХУ асрлар).....	26
Ўрта аср Гарб фалсафаси.....	41
Уйғониш даври фалсафаси.....	44
ХУП-ХУШ асрларда Гарбий Европада фалсафий фикрлар ривожи (Янги давр фалсафаси).....	48
Шемис классик фалсафаси.....	57
Фалсафий фикр тараққиётидаги Маркс, Энгельс таълимотининг ўрни .....	62
·ХХ аср фалсафаси.....	65
Борлик.....	76
Табиат борлиғи.....	79
Инсон борлиғи (Жамият).....	83
Маънавий борлик.....	87
Фалсафада метод муаммоси.....	95
Фалсафада инсон муаммоси.....	103
·Билиш назарияси.....	113
Қадрият фалсафаси (Аксиология).....	122
Хозирги замонда ижтимоий тараққиёт ва глобал муаммолар.....	130
Ўзбекистон мустақиллигининг назарий фалсафий муаммолари.....	141

